

**Н.Н.ҚОДИРОВ**

**ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДАГИ РУС  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРИХИ  
(1867-1917 йй.)**

**Тошкент - 2013**

**Н.Н.ҚОДИРОВ**

**ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДАГИ РУС ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИ ТАРИХИ (1867-1917 йй.)**

**МОНОГРАФИЯ**

**Тошкент – 2013**

**Қодиров Н.Н. Тўркистон ўлкасидаги рус таълим муассасалари тарихи (1867-1917 йй.). Монография. – Т.:**

Мазкур монографияда Ватанимиз ҳудудида XIX аср ўрталаридан XX аср бошларигача бўлган даврда таълим соҳасида мустамлакачи ҳокимият томонидан туб халқлар маданияти ва маънавиятини ўзгартириш мақсадида амалга оширган ишлари, яратилган рус таълим муассасалари фаолияти тарихий манбалар, архив ҳужжатлари асосида илмий таҳлил этилган.

Шунингдек, монографияда рус таълим муассасаларини анъанавий таълим муассасалари ва жаҳид мактаблари фаолияти билан таққослаш орқали уларни моҳиятан фаолияти мақсади очиб берилган.

Мазкур монография Ватанимиз тарихига қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган. Айниқса, монография материалларидан университет, институт ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида Ватанимиз тарихининг мустамлака даврини ўқитишда қўлланилиши мумкин.

**Масъул муҳаррир:**

**Н.А.Абдурахимова** – тарих фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

**Ў.М.Мавлонов** – тарих фанлари доктори

**Ф.Б.Очилдиев** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Х.Тўраев** – тарих фанлари доктори, профессор

**И.П.Шодмонқулов** – тарих фанлари номзоди, доцент

## Мундарижа

<b>Кириш</b> .....	4-5
<b>Туркистонда таълим тизими ривож хусусиятлари</b> .....	6-12
<b>I БОБ. Туркистонда анъанавий таълим тизимининг аҳволи ва мустамлакачи ҳокимиятнинг унга муносабати</b>	
1.1. XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё анъанавий таълим тизими хусусиятлари.....	13-31
1.2. Россия империясининг Туркистондаги анъанавий таълим тизимига муносабати.....	32-53
<b>II БОБ. Туркистон ўлкасида таълимни бошқарув тизими ҳамда рус таълим муассасаларининг шаклланиши ва фаолияти</b>	
2.1. Туркистонда янги турдаги марказий ва маҳаллий таълим бошқарувининг жорий этилиши.....	54-74
2.2. Бошланғич рус ва рус-тузем мактабларининг ташкил этилиши ва фаолияти.....	75-96
<b>III БОБ. Туркистонда ўрта ва касбга йўналтирилган таълим тизимини жорий этилиши ва фаолияти</b>	
3.1. Рус таълим тизими тарғиботида гимназияларнинг ўрни..	97-115
3.2. Касбга йўналтирилган ўрта-махсус билим юртлари.....	116-133
<b>Хулоса</b> .....	134-142
<b>Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати</b> .....	143-152
<b>Иловалар</b> .....	153-159

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бевосита жамият ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ижтимоий ҳаётни барқарорлаштириш ва демократлаштириш жараёнида таълим тизимининг ўрни бекиёсдир. Шунинг учун, давлат мустақиллиги эълон қилинган дастлабки кунларданок маънавий ҳаёт соҳаси янги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир”<sup>1</sup>, - деб таъкидлайди.

Ўзбекистонда таълим ва маданият ривожини тарихини ўрганиш зарурати Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг турли даврларида ҳам умуммаданий жараёнлар, ҳам таълим ва маданият соҳаларида давлат сиёсатидаги ижобий силжишларни илмий англашга бўлган талабнинг ошиб бориши билан асосланади. Бунда илмий фикр мантиғи ва диалектикаси тўла асосли равишда тарихий тадқиқотлар натижа ва хулосалари, ўтган йиллар фактик маълумотларининг объективлик даражасини аниқлаш халқимизнинг ёш авлодни таълим-тарбияси борасида ўтмишдаги тарихий тажрибасини ўрганиш заруратини илгари суради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Тикланиш, миллий ўзлиқни англаш ва ўзбек халқи миллий ғурурининг ўсиши жараёнида тарихий хотира, объектив ва жонажон ўлка, давлат ҳудуди ҳақиқий тарихини тиклаш мутлақ муҳим ўринни эгаллайди”<sup>2</sup>. «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилиқ тарихида кўп маротаба ўз исботини топган»<sup>3</sup>. Тарихни ўрганиш, уни келажак авлодга етказиш ва ҳар бир халқни ўз тарихи билан ғурурланиш ва ўтмишга нисбатан ҳурмат ҳақида сўз юритар экан давлатимиз раҳбари “Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 76-77.

<sup>2</sup> Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. – Б. – 134.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б. – 4.

қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувиغا, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймадиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканини биз ўзимизга яхши тасаввур қилиб келганмиз ва яхши тасаввур этамиз”<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

Ватанимиз тарихини энг қадимги даврларидан бошлаб таҳлил этиш орқали биз – бугунги авлод вакиллари аждодларимиз тарихий тараққиётнинг босқичлари ва ҳар бир тарихий даврда халқимиз маънавий ва маданий ривожига назар ташлашимиз мумкин бўлади. Дарҳақиқат, инсон фаолияти турли жабҳаларда: саноат, сиёсат, ҳужалик ҳаёт, маданият ва маърифий ҳаёт соҳаларида амалга оширилади. Тарихий ривожланиш қонуниятларидан маълумки, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги уйғун барқарор ривожланиш жараёнигина маданий ривожланиш ва маънавий юксалиш жараёнларини келтириб чиқаради.

Мамлакатмизни келажакда барқарор тараққиётини кафолати бўлган етук мутахассисларни тайёрлашга бўлган давлат миқёсидаги катта эътибор, ёш авлод тарбиясининг барча жиҳатларига масъулият билан ёндашилаётган даврда халқимиз тарихида мутахассилар тайёрлаш, ёш авлодга таълим-тарбия бериш тарихини ўрганиш, ўтмишнинг илғор тажрибаси, халқимиз вакилларининг таълим-тарбия назарияси борасидаги бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган фикрларини кенг ўрганиш тарих фанининг долзарб мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкаси Россия империяси мустамлакачилик ҳукмронлиги остида бўлганлиги, империянинг ўлка аҳолисини ғоявий ва маънавий жиҳатдан ўзига тўла қарам қилиш мақсадида рус таълим тизимини шакллантириши, шу билан биргаликда, маҳаллий аҳоли орасида маънавий юксалиш жараёнларининг ривожланиб бориши ҳамда асрлар давомида мавжуд бўлган ўзига хос, туб халқлар турмуши ва ақидалари асосида шаклланиб, кенг халқ оммаси орасида катта мавқеъ ва нуфузга эга бўлган анъанавий таълим муассасалари: мактаб ва мадрасалар фаолият юритаётган эди. Мана шундай мураккаб маънавий жараёнлар кечган даврда таълим тизимини ўрганиш ва ҳаққоний талқин этиш бугунги кундаги тарих муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазинадир. // 2014 15-16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан.

Мазкур мавзу тарихий тараққиётимизнинг турли даврларида ўзига хос талқинга эга бўлган ҳолда тарихчи олимлар томонидан ўрганилиб келинган. Бироқ, айнан, ўлкадаги рус таълим муассасалари: гимназиялар, касбга йўналтирилган билим юртлари, тил, касб, ихтисослик берувчи турли махсус курслар фаолияти архив материаллари асосида кенг тадқиқ этилмаган. Мазкур монографияда юқорида кўрсатилган жиҳатларда тўхталиб ўтилади ҳамда улар фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туркистонда рус таълим тизимлари фаолияти тарихига бағишланган тадқиқотлар сони унча кўп бўлмай, мавзуга оид адабиётларни белгиланган илмий концептуал-методологик тамоилларга асосан қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Мустамлака даврида чоп этилган ишлар;
2. Совет даври адабиётлари;
3. Мустақиллик даври тадқиқотлари;
4. Хорижий муаллифлар асарлари.

Биринчи гуруҳга оид адабиётлар XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида рўй берган тарихий жараёнларнинг бевосита иштирокчилари ёки гувоҳлари томонидан ёзилганлиги билан ажралиб туради. Мазкур даврда дастлабки асарлар Туркистонда рус таълим муассасалари фаолияти халқ таълими йўналишида подшо маъмурияти вакиллари бўлган Н.П.Остроумов, Ф.М.Керенский, С.М.Граменицкий, В.П.Наливкинлар<sup>1</sup> томонидан яратилган. Бу тадқиқотларда ўлкада таълим тизими, ўқув муассасалар фаолияти, империя таълим сиёсатига доир бой тарихий фактлар келтирилган. Аммо ушбу муаллифларнинг тадқиқотлари ғоявий мазмунига кўра мустамлака тузум сиёсатига мос эди. Мазкур асарларда рус тили ва маданиятини цивилизация тарқатувчилик вазифасига урғу берилган. Россия империяси таълим сиёсати ҳақида ва ўлка ҳаётининг турли жабҳаларига оид маълумотлар рус ҳарбий муаллифлари асарларида<sup>2</sup> ҳам келтирилади.

<sup>1</sup>Граменицкий С.М. О Ташкенте. Т.В., 1875, №30; Остроумов Н.П. Исторический очерк народного образования в городах и укреплениях Сыр-Дарьинской линии и Туркестанской области до учреждения Туркестанского генерал-губернаторства с 1860 г. по 1867 г. – Ташкент, 1881; Очерк развития народного образования в Туркестанском крае / Сост. Инспектор народных училищ Туркестанского края 1-го района С. Граменицкий. – Ташкент, 1896; Остроумов Н.П. К истории народного образования в Туркестанском крае. Личные воспоминания. – Ташкент, 1895; Граменицкий С.М. К вопросу об иностранном образовании в России. – Ташкент, 1908.

<sup>2</sup> Венюков М.И. Россия и Восток. Собрание географических и политических статей. – СПб., 1877; Яворский И.Л. Средняя Азия. Культурные успехи и задачи в ней России. – Одесса, 1893; Марков Е. Россия в Средней Азии: В 2-х т. Т. 2.– СПб., 1901; Гейер И. Туркестан. С дополнительной статьей «Семиреченская область», сост. А.Л.Кирснером. – 2-е, изд. испр. и доп. автор. – Т.: Типография Туркестанского печатного Дела, 1909; Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – Петроград, 1916.

Туркистонда рус таълим тизимини жорий этиш ва улар фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланган Қозонлик шарқшунос-профессор Н.И.Ильминскийнинг “татарлашув” ва “мусулмонлашув”га қарши ғоялари билан суғорилган<sup>1</sup> асарларини мавзуга оид маълумотлари Россиянинг ўлкадаги таълим сиёсатини шаклланиши ҳақида тасаввур беради.

Мустамлака даври рус муаллифлари, ва айниқса, рус маъмурияти мансабдорлари томонидан яратилган асарларда чоризмнинг анъанавий таълим муассасаларига нисбатан муносабати, “янги усул” мактабларга нисбатан чекловлар ўрнатиши тўғри деб баҳолаган.

Совет даврининг айрим муаллифлари Туркистондаги подшо маъмурияти ўлка халқларини руслар билан ассимиляциялашувига ҳаддан ташқари интилишини таъкидлаб, Россия ва Туркистонни нотенг ҳамкорлиги омилига алоҳида эътибор қаратганлар.<sup>2</sup>

Ушбу даврни дастлабки йилларида В.В.Бартольд, Н.А.Бобровников, И.И.Умняков, А.Шукуров ва В.Билик<sup>3</sup> каби муаллифлар тарихий жараёнларни баён этиш ва таҳлил этишда маълум жиҳатдан таълим тизимини ҳам ёритиб берган. Хусусан, В.В. Бартольд<sup>4</sup> ўз асарида ўлка таълим тизими таҳлил этилиб бой фактик материалларга асосланган ҳолда, Туркистон мадраса ва мактабларига Россия, Европа маданияти таъсирини кучайтириш зарурлигини ҳам қайд этган. Лекин, у ҳам Туркистонни маданий колоқлигини бартараф этишда Россиянинг цивилизаторлик ролини илгари сурувчи расмий доктрина таъсиридан ҳоли бўла олмаган.

Мактаб ва мадрасаларни ўлка аҳолиси орасида катта аҳамиятга эга эканлиги, маҳаллий халқлар дини ва таълими уйғунлиги масалалари А.Шукуров, В.Билик мақолаларида ўз аксини топган<sup>5</sup>.

Файласуф олим И.И.Мўминов Ўрта Осиёда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ёритиш орқали Аҳмад Дониш, Фурқат, Мукумий, Хамза, Айний каби маърифатпарварлар ижодини таҳлил этиш билан бирга XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида

<sup>1</sup> Ильминский Н.И. Об образовании инородцев посредством книг, переведенных на родной язык // Православное обозрение. – 1863. – № 3. – С. 136.

<sup>2</sup> Сафаров Г. Колониальная революция: опыт Туркестана. – М., 1921; Галузо П.Г. Туркестан – колония (очерки по истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года). – М., 1929.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Л., 1927; Шукуров А. Мусульманские школы в Туркестане // Наука и просвещение. – 1922. - №1.-С.31-35; Билик В. Роль профессиональной школы в жизни Туркестана // Наука и просвещение. – 1922. - №1. – С. 27.

<sup>4</sup> Каранг: Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Л., 1927.

<sup>5</sup> Шукуров А. Мусульманские школы в Туркестане // Наука и просвещение. – 1922. - №1 - С. 31-35; Билик В. Роль профессиональной школы в жизни Туркестана // Наука и просвещение. – 1922. - №1 – С. 27.



фаолият юритган мадрасалар фаолиятини танқид қилган.<sup>1</sup>

Т.Н.Қориниёзовнинг<sup>2</sup> монографиясида ҳам қисман совет давригача бўлган Ўзбекистон маданияти тарихи ёритилиб, миллий маориф тизимининг асосий бўғини бўлган мактаб ва мадрасалар фаолиятига баҳо беришда совет мафқураси нуқтаи-назаридан ёндашув кўзатилади.

Юқорида қайд этилган муаллифларнинг асарларида келтирилган маълумотлар, дарҳақиқат ўрганилаётган даврда Туркистонда фаолият юритган мактаб ва мадрасалар мавқеи тушиб кетганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, мазкур тадқиқотларда ҳукмрон мафқура тазийқи остида муаммога бир ёклама ёндашган ҳолда рус ҳукуматининг анъанавий таълим тизимига қарши олиб борган сиёсати ёритиб берилмаган.

XX аср 60-80 йилларига келиб Туркистон ўлкаси таълим тизими тарихини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Олиб борилган тадқиқотларнинг манбавий асослари бойитилиб, илмий муомалага кенг камровли архив хужжатлари киритилган.

Хусусан, К.Е.Бендриковнинг монографиясида мустамлака Туркистондаги мусулмон халқ маорифи тарихи кенг ёритилган. Жумладан, асарда генерал К.П.Кауфман ўлкамизда ҳукмронлиги даврида мусулмон мактабларини инкор этиш ва камситиш сиёсати, Туркистон Ўқув ишлари бошқармаси ташкил этилгандан сўнг империя қўлагунга қадар таълимда И.И.Ильминскийнинг миссонерлик усули тарафдорлари ва К.П.Кауфман илгари сурган таълимга динни аралаштирмаслик фикри тарафдорлари ўртасида доимий кураш, анъанавий мусулмон, рус ва рус-тузем мактаблари атрофлича, ўрта ва касбий билим юртлари сони, ўқув дастурлари, таълим сиёсати қисман таҳлил этилган.<sup>3</sup> Муаллиф совет мафқуравий тамоилларидан чекинмаган ҳолда жадиждлар фаолиятини танқид қилиб, уларни “буржуа миллатчилари”, “пантуркизм” ва “панисломизм” ғояси тарафдорлари деб эътироф этган. Бироқ, мазкур тадқиқотда

Д.О.Айтмамбетов<sup>4</sup> ўз тадқиқотларида Туркистоннинг бир қисми, хусусан, ҳозирги Қирғизистон ҳудудларида фаолият юритган мактаб, мадраса ва янги усул мактабларида берилган таълим ва тарбия масалаларини ёритиш билан бирга рус, рус-тузем мактаблари ва гимназиялар фаолиятини

<sup>1</sup> Муминов И.М. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане конца XIX и начала XX вв. – Ташкент: Узгосиздат, 1957.

<sup>2</sup> Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана / Избранные труды. В 8-и Т. – Ташкент: Фан, 1967, Т. 5.

<sup>3</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1917). – М.: Изд-во Акад. пед. наук РСФСР, 1960.

<sup>4</sup> Айтмамбетов Д.О. Дореволюционные школы Киргизии. – Фрунзе, 1967.

ҳам тадқиқ этган. Муаллиф Россия империяси таълим ислохотининг мустамлакачилик хусусиятини қоралаш билан бирга рус таълими, рус маданиятининг “цивилизаторлик миссия” сани ижобий характерлайди.

А.П.Савицкий Ў.Абдуллаевлар<sup>1</sup>нинг тадқиқотлари ҳам мавзуни ўрганишда алоҳида эътиборга лойиқ. Улар тадқиқотларида мадраса, мактаб, масжидлар ва бошқа диний ташкилотлардан тортиб олинган вақф ерлари, мусулмон мактабларидаги ўқувчилар сони, мадраса мударрислари штатлари, бошланғич мактабларда ўқиш ва ёзувни ўргатиш, она тилини ўқитиш ҳамда мадраса ва қорихоналар тўғрисида умумий маълумотлар келтирилган.

Туркистонда халқ маорифи тарихи яна бир қатор тадқиқотчиларнинг асар ва мақолаларида ҳам ёритиб берилган<sup>2</sup>. Хусусан, З.М.Миртурсунов рус мактаби ва рус педагогларининг Фарғона вилоятида рус-тузем мактаблари ривожига таъсири масаласини таҳлил этган бўлса, Ж.Урумбаев<sup>3</sup> Сирдарё вилояти Амударё бўлими худудида жорий этилган мактаблар тизимини ёритиб берган.

В.Т.Кочаров<sup>4</sup> Туркистонда мустамлака даврида Ўзбекистонда рус-тузем мактаблари ва гимназиялар ташкил этилиши, улардаги таълим дастурлари ва тарбия, ўқувчи ва ўқитувчилар сони ҳамда мазкур муасссаларда фаолият юритган педагоглар фаолиятига атрофлича тўхталган.

Тадқиқотчи Ш.Исмоилов<sup>5</sup> мактаб ва мадрасалар фаолиятига тўхталиб, улар тарихини ёритишда архив материалларидан фойдаланган. Муаллиф рус-тузем ва янги усул мактаблари фаолиятини ҳам ёритиб бериш билан бирга анъанавий таълим муассасларининг ўлка халқлари маънавий-маданий ҳаётида катта аҳамият касб этганлигини асослаб берган. Бироқ, тадқиқотда ўша даврда империя маҳкамалари томонидан ташкил этилган ўрта ва касбий таълим муассасалар фаолияти, улар бошқарув тизими масалалари деярли ёритилмаган.

XX аср 80- йиллари - “қайта қуриш” даври тадқиқотларида муаммога янгича ёндашув, шаклланганлигини кузатиш мумкин. Бу хусусиятлар

<sup>1</sup> Савицкий А.П. Некоторые данные об исламских учреждениях и политика царских властей в Туркестане. – Т.: АН Уз ССР, 1956; Унинг ўзи. Поземельный вопрос в Туркестане. – Т.: САГУ, 1963; Унинг ўзи. Саттархан Абдулғаффаров – просветитель и демократ. – Т., 1965; Абдуллаев Ў. Эски мактабларда хат-савод ўргатиш. – Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1960.

<sup>2</sup> Миртурсунов З.Ф. К истории школ Ферганской долины конца XIX –начала XX в. «ученые записки Наманганского Педагогического Института». Вып. 2. Наманган. 1957; Билялов Г.М. Развитие народного образования в Хорезме. Т. Ўқитувчи. 1969; Абдуллаев Ў. Эски ўзбек мактабларида хат-савод ўргатиш. Т., 1960.

<sup>3</sup> Урумбаев Ж. Очерки по истории народного образования и школы Каракалпакии. Нукус. 1958. с. 75.

<sup>4</sup> Кочаров В.Т. Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане (1865-1917 гг.). Т., 1966.

<sup>5</sup> Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX–начале XX в.: Дисс ... канд. ист. наук. Т., 1981.

Р.Рахимов, П.Г.Ким, Ҳ.Н.Бобобеков, М.Ҳасанов, З.П.Кондратенко, Н.Йўлдашев, М.Шарифходжаевлар тадқиқотларига хос.<sup>1</sup>

Профессор П.Г.Ким биринчилардан бўлиб, мадраса ва мактабларни ўзбек халқи маънавий-маданий ҳаётидаги ўрнини аниқлашда янги ижобий қараш, тарихий ҳақиқатни тиклаш масаласини кўтарган бўлса, Ҳ.Н.Бобобеков маҳаллий аҳоли азалдан илм-маърифатли бўлганлиги, бунда мадраса ва мактаблар аҳамияти катта бўлганлигини таъкидлайди. М.Ҳасановнинг мақоласида Туркистон мадраса ва мактаблари фаолиятига оид янги маълумотлар келтирилган.

М.Шарифхўжаев Ўрта Осиёда анъанавий таълимни умумий тараққиётини ёритиб, ўлкада рус ва рус-тузем мактабларини ташкил этишда Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати моҳиятига қисқача тўхталиб ўтган.<sup>2</sup>

Совет даврида мустамлака Туркистонда маориф тизими тарихига бағишланган тадқиқотлар кўплаб яратилган бўлса-да, улар ўз мазмун-моҳиятига кўра кўйидаги умумий хусусиятга эга бўлган: 1) муаллифлар ўлка анъанавий таълим тизимини салбий баҳолаш орқали, Россия империясининг маориф соҳасида олиб борган сиёсатини “прогрессив” аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилган; 2) архив ва бир қатор бошқа турдаги манбаларни нотўғри талқин этиш орқали туб аҳолининг аксариятини “саводсиз” бўлган деб баҳолашган. Маҳаллий маърифатпарварларнинг фаолияти бир ёқлама, кораланиб ёритиб берилган.

Учинчи гуруҳ, яъни мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар янгича методологик услубда ёзилган бўлиб, улар олдингилардан моҳиятан фарқланади. Бир қатор маҳаллий тадқиқотчилар томонидан XIX аср охири – XX аср бошлари Туркистондаги сиёсий, ижтимоий-маърифий ҳаёт ёритилиб, уларда таълим муассасалари фаолияти, халқ таълими аҳволи, империя ҳукуматининг таълим сиёсатини айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Мустақиллик йилларида Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати масалаларини чуқур таҳлилига бағишланган

<sup>1</sup> Рахимов Р. Традиционное начальное школьное обучение детей у народов Средней Азии (конец XIX – начало XX вв.) / Сборник музея антропологии и этнографии. Вып. 43. Памятники традиционно-бытовой культуры народов Средней Азии, Казахстана и Кавказа. – Л., 1989. – С. 109-132; Ким П.Г. Уйдирма ва ҳақиқат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1989, - 29 октябрь; Йўлдашев Н. Маърифат фидоийлари // Гулистон. – 1991. - №4 – С. 20-21.; Кондратенко З.П. Туркистонда халқ таълимининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги аҳволи ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1991. №3. – Б. 39.

<sup>2</sup> Шарифхўжаев М. Ўрта Осиёда педагогик фикр ва таълимнинг ривожланиши тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1991. - №8. – С. 20-23 и др.

тадқиқотлар амалга оширилди.<sup>1</sup> Н.А.Абдурахимова, Й.Й.Турсунов, М.А.Карлибоев, Г.И.Юлдашева, А.Худойқўлов, Б.Расулов, Г.Солижонова, М.Р.Жабборов, А.Э.Курахмедов, Н.И.Алимова, Г.Р.Асатоваларнинг<sup>2</sup> тадқиқотларида Туркистон ўлкаси таълим муассасалари фаолияти таҳлили ва аҳоли саводхонлиги, чор ҳукуматини мактаб ва мадрасаларга муносабати, уларнинг ижтимоий аҳамияти, таълим-тарбиянинг этномаданий хусусиятлари ўз аксини топган.

Н.И.Алимованинг номзодлик диссертациясида чор ҳукуматининг Туркистон миллий халқ маорифи ривожланишига қарши олиб борган сиёсати уларга қарши олиб борган рус маъмурий чора-тадбирлари очиб берилган. Шу билан бирга, жаҳид мактабларининг ижтимоий ва маданий аҳамияти, ўқитиш усуллари ёритиш орқали муаллиф, Россия империясининг миллий маданият соҳасида сиёсатини танқид қилган. Тадқиқотчи ўз хулосаларида Россия империясини маҳаллий таълим муассасаларини йўқ қилишни режалаштирганлиги ҳақида фикр ўртага ташлаган.

Ф.Исҳоқов ва Ш.Ғаффоровлар<sup>3</sup> ўз тадқиқотларида бир қатор маълумотларни таҳлили орқали маҳаллий аҳоли вакиллари саводсизлиги ҳақидаги совет олимлари фикрларини асоссизлигини кўрсатиб, империянинг таълим сиёсати моҳиятини очиб берган.

Ж.Исмоилова<sup>4</sup> ўз асарида XIX аср охири – XX аср бошлари Тошкент шаҳридаги рус, рус-тузем ва мусулмон таълим муассасалари фаолияти ёритилган бўлиб, унда шаҳар аҳолисининг маънавий-маданий ҳаёти, санъат ривожини, илмий жамиятлар ташкил этилиши, маънавий-маърифий муассасалар фаолияти ҳақида маълумотлар келтирган.

Ўқув жараёнини ташкил этиш, мактаб ва мадрасаларда ўқув дастури, ўлка таълим муассасаларида ўқитиш усуллари ҳақидаги бир қанча илмий

<sup>1</sup> Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – начале XX вв. Автореферат диссертации доктора ист. наук. Ташкент, 1994; Садыков Х.Д. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за национальную независимость в начале XX в. Автореферат диссертации доктора ист. наук. Ташкент, 1994; Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – в первой четверти XX в. Ташкент, 1999.

<sup>2</sup> Турсунов Й.Й. Ўзбекистон маорифчиларининг истиқлолчилик йўлидаги кураш тарихидан (1917 – 1930 йй.) тарихи фанлар док.дисс. - Т., 1995; Худайкулов А. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX – начала XX вв.): Автореф. Канд.дисс. Т., 1995; Карлыбаев М.А. История народного образования в Каракалпакии в XIX – начале XX веков: Дисс., канд. Ист. Наук. – Нукус, 1995; Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири – XX аср 20 йиллари). Тар.ф.н. дисс. Андижон, 1996; Алимова Н.И. Политика царской России в Туркестане в области национальной культуры (1867-1917 гг.). Канд. дисс. на соискан. учен. степ. Т., 2004; Асатова Г.Р. Языковая политика в Узбекистане в XX веке: суть, последствия и уроки. Дисс. канд. ист. наук. Т. 2004. – 204 с.

<sup>3</sup> Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917). Т., 1997; Ғаффоров Ш.С. Чор истибодоти даврида Туркистондаги таълим тизими. – Самарқанд: СамДУ, 2001. – 126 б.

<sup>4</sup> Исмаилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. Т., 2004.

мулоҳазалар Ф.Эргашев, И.Акрамов, Т.Ризабоевлар мақолаларида акс эттирилган.

Миллий маърифатпарварлар фаолиятига бағишланган Б.Қосимов, С.Холбоев, О.Шарофиддинов, З.Ахророва, С.Ахмад, М.Бозоровалар тадқиқотлари<sup>1</sup> ҳам мавзунинг ўрганилишида муҳим аҳамият касб этади. Уларда миллий зиёлиларни XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон халқи маданиятини юксалишидаги роли очиб берилган.

Ундан ташқари, истиқлол даври бир қатор нашр ва тадқиқотларида Туркистон халқлари маърифий-маданий тараққиётида прогрессив аҳамият касб этган маҳаллий зиёлиларнинг маърифатпарварлик ҳаракати объектив ёритиб берилган<sup>2</sup>.

Охириги 10 йил ичида МДҲ давлатлари тадқиқотчилари томонидан ҳам Россия империяси тарихини ёритувчи бир қатор дарслик, ўқув қўлланмалар, махсус монография чоп этилган ва тадқиқотлар амалга оширилган. Уларда империя ҳукуматининг ҳам таълим тизимини ислоҳ қилишга оид маълумотлар келтирилган. Туркистонда XIX аср охири – XX аср бошларида халқ таълими масалалари тадқиқотчиларнинг Россия империясининг умумий тарихи контекстида тадқиқ этилган<sup>3</sup>. Жумладан, регионал-империя муаммолари билан шуғулланувчи қатор Россиялик муаллифлардан С.И.Каспэ, А.В.Ремнёв, А.Ю.Бахтурина, Д.Ю.Араповлар ва бошқаларнинг<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Қосимов Б. Жадидчилик // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. – 4; Холбоев С. Мунаввар қори // Фан ва турмуш. 1991, - №4; Шарофиддинов О. Истиқлол фидоийлари. - Т.: Шарқ, 1993; Ахророва З. Дунё иморатларининг энг муқаддаси Махмудхўжа Бехбудий маориф хусусида // Мактабгача тарбия. 1994, - №5-6; Ахмад С. Мунавварқори Абдурашидхоннинг миллий истиқлол ҳаракатидаги ўрни ва роли // Ўзбекистон тарихи. 2000, - №4; Бозорова М. Илм – жадидлар байроғи // Мулоқот. 2005, - №4.

<sup>2</sup> Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янгичизгилар). Даврий тўплам №1. – Т.: Университет, 1999; Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам №2. – Т.: Шарқ, 1999; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: Шарқ, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида (Тузувчилар Содиков Ҳ., Шамсуддинов Р., Равшанов П., Усмонов Қ.). - Т.: Шарқ, 2000; Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларини ўзлаштирилиши. – Т.: Шарқ, 2001; Мунавварқори Абдурашидхон. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: С.Холбоев. – Т.: Шарқ, 2001; Ўзбекистон тарихи / Р.Муртазаева ум. тах. ос. – Т.: Янги аср авлоди, 2003; Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Тошкент: Ғ.Ғулом, 2009.

<sup>3</sup> История России XIX – начала XX века. Учебник. Москва, «Проспект», 2006; Очерки истории и педагогической мысли народов СССР (конец XIX – начало XX в.). / Отв. ред. Э.Д.Днепров. М., 1991.

<sup>4</sup> Дякин В.С. Национальный вопрос во внутренней политике царизма (XIX в.) // Вопросы истории. – 1995. – № 9; Тебиев Б.К. На рубеже веков. Правительственная политика в области образования и общественно – педагогическое движение в России к XIX – началу XX в. Москва: Интеллект, 1996; Дамешек А.Л. Крайняя политика России во второй половине XIX в.: Автореф. дис. ...канд. ист. наук. – Иркутск, 1998; Каспэ С.И. Империя и модернизация. Общая модель и российская специфика. – М., 2001. Арапов Д.Ю. Система государственного регулирования ислама в Российской империи (последняя четверть XVIII – начало XX в.). – М., 2004; Бахтурина А.Ю. Крайны Российской империи: государственной управление и национальная политика в годы первой мировой войны (1914-1917 гг.). Москва, 2004; Дубровская Т.А. Формирование и развитие системы профессионального образования в России (XIX – начало XX в.). Автор.

илмий изланишларини қайд этиш мумкин. Муаллифлар томонидан келтирилган айрим фикрлар, муаммога юзаки ёндашув, баён этилган фактларни таҳлилисиз, кўрама характерга эгалигига қарамасдан мазкур тадқиқотларда Туркистонда Россия империяси ҳукумати томонидан амалга оширилган таълим соҳасидаги тадбирларнинг империалистик моҳияти объектив таҳлил этилган.

Г.М.Храпченков ва В.Г.Храпченковлар<sup>1</sup> Туркистон генерал-губернаторлигининг Еттисув ва Сирдарё вилоятлари таркибида бўлган ҳозирги Қозоғистон ерларида халқ таълими, педагогик қарашларини ўрганиб рус педагоглари қарашларини таълим ривожига ролини юқори баҳолайди.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири – XX аср бошлари Ўрта Осиё халқлари ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий масалалари тадқиқига бағишланган адабиётларда тадқиқот мавзуси тўлиқ қамраб олинмаган. Ваҳоланки, тадқиқ этилаётган даврда Туркистонда содир бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар ўлка халқлари ҳаётида чуқур из қолдирган. Шунинг учун ҳам, империализм ҳукмронлиги даврида халқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар тарихини ўрганиш муаммоси, бугун мамлакатимизда миллий ўзликни англаш, маънавиятни юксалтириш ва тарихий объективизмга катта эътибор қаратилаётган бир даврда таълим тизими ислоҳоти тарихини ўрганиш долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Қолаверса Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида бўлган Еттисув, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Каспийорти вилоятлари ягона қонун, тартиблар асосида бошқарилган ва мазкур маъмурий бирликлар ҳудудида истиқомат қилувчи халқлар кўп жиҳатлама бир-бирига асрий анъана, урф-одат ва турмуш тарзи билан боғлиқ эди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, бугунги глобаллашув, ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик масалалари минтақа жамиятларининг долзарб соҳаларидан бири бўлиб турган бир даврда ушбу ҳудудларда истиқомат қилиб турган халқларнинг яқин ўтмишдаги умумий тарихи, маданияти ва маънавий кадриятларини тадқиқ этиш ва ижобий жиҳатларини намоён этиш Ватанимиз тарихчилари олдида турган муаммолардан бири саналади. Мазкур жиҳатдан танланган тадқиқот мавзуси долзарбдир.

---

дисс. докт. ист. наук. М. 2004; Сумарокова О.Л. История Российского образования в Киргизии и роль в нем русского языка (1860-е – 1917 гг.). Автореф. канд дисс. Бишкек, 2009.

<sup>1</sup> Храпченков Г.М., Храпченков В.Г. История школы и педагогической мысли Казахстана (Учебное пособие). Алматы, 1998.

### **Туркистонда таълим тизими ривож хусусиятлари**

Ватанимиз ҳудудида таълимнинг вужудга келиши энг аввало ёзма адабиёт билан боғлиқ. Бундан 2700 аввал яратилган “Авесто”да ҳам таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. “Авесто”да болалар тарбияси ва таълими маълум даражада аниқ тизим ва мақсадга йўналтирилган бўлиб, диний, ахлоқий ва жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзишга ўргатиш уларнинг асосини ташкил этган.

Юртимиз таълим тизимини шакллантиришда суғд маданияти ва суғд ёзувининг таъсири катта бўлган. Бу ёзув асосидаги ёзма ёдгорликлар, тарихий, қисман бадий асарлар юз йиллар давомида Туркистон халқларининг маданияти, саводхонлигини оширишда муҳим ўрин эгаллаган.

Милоднинг 8 асригача бизнинг тушунчамиздаги мактаблар, асосан, санскрит, юнон, ўрхун-енисей, ўрхун-энасой ёзувларига асосланган алифболар асосида фаолият кўрсатиб келган. VIII асрдан бошлаб Мовароуннаҳр араб халифалиги томонидан истило этилгач, ислом динининг кириб келиши, масжидларнинг вужудга келиши билан уларнинг қошида ташкил этилган мактабларда болаларга билим ва савод ўргатила бошланган.

Мамлакатимиз ҳудудида кейинги даврлардаги маданий тараққиёт ва маънавий юксалмиш ислом дини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган. Маълумки, ислом оламида ҳам таълим ва тарбия тизимига дастлаб катта эътибор билан қаралган. Мусулмончилик қарор топганидан сўнг араб давлатларида таълимнинг икки босқичли тизими юзага келади: мактаб ва мадраса. Мактаб Арабистонда VII-VIII асрларда пайдо бўлган. IX-X асрларга келиб Ўрта Осиё ва Волга бўйи ўлкаларига ҳам тарқалади. Туркистондаги мактабларнинг аксарияти масжидлар, мазорлар ёнидаги биноларда ёки хусусий кишилар ҳовлиларида бўлган. Масжид имоми ёки мадрасани хатм қилган кишилар мактабдорлик қилишган. Мактабларда ўғил болаларни домла ўқитган. Қиз болаларни ўз уйида ўқитган аёлларни отинойи, отинбиби, бибиҳалифа, бибиотин каби номлар билан аташган. Мактабда ўқитишнинг

расмий дастури бўлган эмас. Шундай бўлса-да, одатда ислом дини асослари ўқитилган, ёзув ва арифметикадан сабоқ берилган. Ўқиш жараёни араб ҳарфи ва сўзларини, сўнгра Қуръонни араб тилида ўқиш ва ёдлашдан иборат бўлган. Ўқувчи араб ҳарфларининг номини ҳамда ёзилишини ўрганиш учун кўп вақт меҳнат қилган. Ўқувчилар араб ҳарфларини ўрганиб олгандан кейингина Қуръоннинг айрим сураларини ўқиб тугатган ўқувчилар уни тўлиқ ёд олишга киришган. Ўқувчилар Қуръонни ўқиб бўлганларидан сўнг бошқа диний китобларни ўқишга ўтганлар. Мактабни тугатган баъзи ўқувчилар мадрасада ўқишни давом эттирганлар<sup>1</sup>.

Умуман олганда, мактабда касб ёки ҳунар ўргатилмаган, ҳаётда асқотадиган бошқа амалий фаолият учун тайёрлаш мақсади қўйилмаган. Ўқишни битирганлик тўғрисида бирон-бир расмий ҳужжат ҳам берилмаган. Мактаб, асосан, таълимнинг 2-босқичи бўлган мадрасага кириш учун тайёрлаган. Демак, ислом мамлакатларида мактабнинг асосий вазифаси ислом асослари ва бошқа илм ёки фандан бошланғич маълумотлар бериш бўлган. Шарқшунос В.Наливкин мактабда ўқитиладиган фанларни аниқроқ баён этган. Унинг ёзишича, мактабда ўқитиш араб ҳарфларини ёдлашдан бошланган, сўнг “Ҳафтияк”ка ўтилган. Кейинги босқичда форс тилида ёзилган “Чор китоб” ўқитилган. Унда шариат асослари баён қилинган. “Чор китоб”ни хатм этган ўқувчи Хўжа Ҳофиз, Бедил, Фузулий, Сўфи Оллоёр ва бошқаларнинг шеърларини ёд олган. Бу шеърлар форс ҳамда туркий тилларда ёзилган<sup>2</sup>.

Мактабда ўқитиладиган илм ва фанлар бўйича методик йўл-йўриқлар бўлмаган. Ҳар бир домла буларни ўзича, тўғрироғи, анъанага кирган тизимда ўқитган.

Сўнгги ва олий босқич мадраса ҳисобланган. Мадраса ҳам мактаб сингари VII-VIII асрларда арабларда ўрта ва олий ўқув юрти сифатида пайдо

<sup>1</sup> ЎзСЭ, 13-жилд, 284-бет.

<sup>2</sup> Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии. “Туркестанские ведомости”, 8 августа 1889 г.



бўлган. Унда уламолар, мактабдорлар, яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида эса давлат амалдорлари ҳам тайёрланган. Мадрасалар учун Ўрта Осиёда X-XIII асрларда махсус бинолар қурилган. Мадрасалар, одатда, хонлар, катта мол-мулк эгалари, давлатманд кишилар томонидан қурдирилган. Мадраса қурдирганлар унинг сарф-харажати учун вақф ажратганлар. Мадрасаларда ўқиш одатда октябрь ойида бошланиб, апрелда тугаган. Машғулотлар учун аниқ вақт белгиланмаган. Мадрасада таълим уч босқичда: бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) гуруҳларида олиб борилган. Ўрта Осиё мадрасаларида араб ва форс тилларида ёзилган китоблар ўрганилган. Дастлаб форс тилида ёзилган “Аввали илм” китоби ўқитилган, кейин араб тили грамматикаси, шариат ақидалари, мантиқ илми ўргатилган. Шунингдек, тиббиёт, аруз илми, фалсафа, жўғрофия ва бошқа фанлар ўқитилган. Мадрасанинг ҳар бир босқичида ўқиш ўртача 3-4 йил давом этган. Талабалар дарсни қай даражада ўзлаштирганларига қараб 15-20 йилгача ўқиганлар<sup>1</sup>.

Шуниси борки, мадрасаларда ўқитиладиган фанларнинг қатъий рўйхати бўлмаган. Қаерда қайси илм фан соҳаси бўйича мударрис ёхуд йирик олим бўлса, у талабаларга ўз билимини ўргатиши мумкин бўлган. VII-XVI асрларда ислом дунёсидаги мадрасаларда қандай илм ва фанлар ўқитилганини тасаввур этиш учун ўша даврларда илмлар таснифига оид бир мисолни келтириш жоиздир. Буюк мутафаккир Абу Зайд Абдур Раҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун (1332-1406) ўз даври илмларини икки гуруҳга бўлиб тасниф этган. Биринчи гуруҳга у инсон ўз тафаккури воситасида эгаллаб оладиган фалсафий ҳикматли илмлар (ал-улум ал-ҳикмиййа ал-фалсафиййа)ни киритади, уларни аклий (ал-улум ал-аклий-йа), яъни рационал илмлар ҳам дейишган. Ибн Халдун биринчи гуруҳга оид илмларни бир неча шохобчаларга ажралувчи тўрт қисмга бўлади:

1. Мантиқ.
2. Табиатшунослик (физика): а) тибб; б) қишлоқ хўжалиги.

<sup>1</sup> ЎзСЭ, 6-жилд, 508-бет.

3. Илоҳиёт илми-метафизика: а) сеҳр; б) тилсимлар; в) араб алифбоси моҳиятининг сири; г) алкимё.

4. Риёзиёт илмлари:

а) ҳандаса. Унинг қуйидаги шаҳобчалари бор: чизиқлар, жисмлар сатҳини ўлчаш; конуслар, ҳажмли жисмларни ўлчаш; майдонларни ўлчаш;

б) сонлар ҳақидаги илм. Унинг қуйидаги шаҳобчалари бор: арифметика; ҳисоб санъати; алгебра; тижорат, каср, илдиз ва ҳ.к.; мерос бўлиш;

в) мусиқа. Унинг қуйидаги шаҳобчалари бор: товушлар, оҳанглар; ашула айтиш санъати;

г) астрономия. Унинг қуйидаги шаҳобчалари бор: юлдузлар ҳаракати; астрономик жадвал тузиш; астрология (юлдузлар ҳаракатига қараб инсон ҳаёти ва тақдирини айтиш).

Ибн Халдун иккинчи гуруҳга анъанавий илмлар (ал-улум ал-нақлийя)ни киритади. Анъанавий илмларнинг негизи, мансаби Қуръон ва сунна бўлган, шариат илмлари ҳисобланган. Шариъий илмларга олим қуйидагиларни киритган:

1. Тафсир илми.
2. Қуръон қироати (ўқиш) илми.
3. Ҳадис илмлари.
4. Фикҳ илми.
5. Мерос бўлиш илми.
6. Калом илми.
7. Тасаввуф илми.
8. Туш таъбири илми.

Ибн Халдун анъанавий илмларга тил ҳақидаги илмларни ҳам киритган. Булар қуйидагилар а) лексикография (сўз илми), б) грамматика, в) баён илми, г) одоб илми<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ибн Халдуннинг илмларни таснифи Р.Баҳодировнинг “XIV-XVI асрлар мусулмон Шарқида илмлар таснифи масаласининг ёритилиши” мақоласидан олинди// “Шарқшунослик тўплами”, 1995 йил, 6-сон, 15-17-б.

Мадрасаларда илмлар, асос эътибори билан, Ибн Халдун тасниф этган илмлар доирасида ўқитилган, дейиш мумкин. Бунда, албатта, у ёки бу даражада фарқ бўлишини ҳам табиий ҳисоблаш керак.

Маълумки, жамиятнинг мадрасаларда тайёрланадиган мутахассисларга бўлган эҳтиёжи мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий жиҳатдан тараққиёт даражасига боғлиқ бўлган. Аксари ҳолларда таълимга эътибор ҳукмдорларнинг илм-фанга, маорифга қарашига боғлиқ бўлган. Жумладан, Бағдод халифаларидан Мансур, Ҳорун ар-Рашид, Маъмунлар даврида мамлакатда илм-фан тараққиётига катта аҳамият берилган. Олимларнинг ёзишларича, ўша даврларда Бағдод шахрининг ўзидагина 30 дан зиёдроқ жамоат кутубхоналари бўлган<sup>2</sup>. Бағдод Байтул-ҳикмаси (академияси)нинг донғи жаҳонга кетган. Байтул-ҳикмада олимлар грек, лотин ва бошқа тиллардан илмий ва фалсафий асарларни араб тилига таржима қилганлар. Бу ҳақда В.Наливкин шундай ёзади: “... Европанинг кўпгина асарлари дастлаб арабларда, араб тилида пайдо бўлган”<sup>3</sup>.

Бағдод Байтул-ҳикмасида Туронзаминдан чиққан аждодларимиз: Абу Наср Фаробий, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий сингари буюк алломалар илми билан шуғулланишган, мадрасаларда ўша даврнинг нуфузли фанларидан дарс беришган.

Шундай бир қонуният борки, илм-фан тараққиётига жамиятда талаб-эҳтиёж бўлсагина, у муттасил тараққий этиб боради. Жамиятнинг талаби пасаяр экан, илм-фан равнақи ҳам сусаяди. Ислом оламидаги илм-фан тараққиёти илк ўрта асрларда юксак даражага кўтарилди. Бунга асосий сабаб ижтимоий ҳаётда бунинг учун зарур талаб ва эҳтиёж бўлган. Бора-бора феодал тузумга хос турғунлик илм-фан тараққиётига ҳам тўсиқ бўла бошлаган. Талайгина фан ютуқларига ижтимоий талаб бўлмаганликдан улар амалиётга тадбиқ қилинмай қолиб кетаверган. Кўпгина фанлар ҳаётдан

<sup>2</sup> Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии. “Туркестанские ведомости”, 8 августа 1889 г.

<sup>3</sup> Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии. “Туркестанские ведомости”, 8 августа 1889 г.

узилиб, мушоҳадавий хусусият касб этиб борган, натижада, ижтимоий воқеликдан узилган китобийлик илдиз ота бошлаган. Бағдодда ҳам шундай вазият юзага келгач, илм-фан маркази Хуросонга кўчган. Хусусан, Махмуд Ғазнавий, Масъуд сингари илм-фан ҳомийларининг чиқиши бу жараёнга кувват берган. Кейинчалик, Хуросонда ҳам илм-фан тараққиёти учун шароит йўқолгач, у янада шимолга силжиб, Туронзаминга келади. Хоразм, Бухоро, Самарқанд ислом оламининг илм-фан тараққиёт этган ўлкаларига айланди. Биргина далил: Хоразмда Маъмун академиясининг пайдо бўлиши бежиз эмасди. Соҳибқирон Темур даври, Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган йиллар Самарқанд илм-фан тараққий этган шаҳар сифатида жаҳонга ном таратди. Шоҳ Улуғбекнинг ўзи ҳам олим сифатида мадрасаларда илми ҳайъат (астрономия) ва бошқа фанлардан маъруза ўқигани тарих китобларида битилган. Лекин таассуфки, XVI асрдан бошлаб бу ерда ҳам илм-фан, маданият таназзулга учради, таълим тизимига путур етди. Мадрасаларда дунёвий илмлардан кўра, диний илмларга, хусусан шариат ақидаларига кенг ўрин берилди. Ислום асосларини, шариатни, фикҳни билишнинг ўзи етарли, деган чекланган қараш мадрасаларда ҳам ўрин ола бошлайди. Схоластика, китобийлик, мутассиблик кучаяди, таълим тизимида турғунлик, айтиш мумкинки, сукутлик (регресс) тамойили етакчилик қилади. Бу ҳол то XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларигача ҳукм суради<sup>1</sup>.

Кишилиқ тарихи тажрибасидан маълум бўлдики, таълим тизимининг савияси жамиятнинг тараққиёт даражасига ҳамиша вобастадир. XIX аср охирига келиб Туркистоннинг кичик-кичик хонликлардан ташкил топганлиги, улар орасида муттасил низо, урушларнинг бўлиб туриши, умумтараққиёт жихатидан Европа давлатларидаги даражадан ниҳоятда тубанлашуви, ишлаб чиқаришнинг феодал тузумга хос ибтидоий ҳолда қолиши, ҳарбий-мудофаа қудратининг емирилиши – буларнинг барчаси жамиятни, давлатни зимдан емирди, заифлаштирди. Заиф давлатларнинг эса

<sup>1</sup> Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 9.

қудратли давлатларга колония бўлиб қолиши XVI-XIX аср ижтимоий ҳаётга хос ҳолда, ҳодисагина эмас, қонуниятга айланди. Шу тариқа, Волгабўйи қавмлари, Кавказ, Сибир, Туркистонда яшайдиган халқ ва элатлар қудратли салтанатга айланган Россиянинг чанғалига тушиб қолди.

XIX аср охирларига келиб Туркистонда таълим соҳасида қатор ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Бу ўзгаришларга, юқорида таъкидланганидек, жамият ва унда истиқомат қилувчи аҳоли орасида илм-фанга ва таълимга ўз турмуш даражасини яхшилаш ва ҳаётни эркинлаштиришда асосий восита сифатида қаралиши асосий сабаб бўлди. XVI аср ўрталаридан бошланган ўлкадаги ўзаро талончилик юришлари, тинимсиз вайронагарчиликлар ва ҳукмрон синф томонидан илм-фан ва таълим соҳаларини эътиборсиз қолдирилиши натижасида ҳаётнинг мазкур жабҳаларида ўзига хос биқиклик, жахон тажрибасидан орқада қолиш ҳолати яққол кўзга ташланади. Бунинг устига XIX аср ўрталаридан ўлкани Россия империяси томонидан забт этилиши ва бу ҳудудда империя ҳукмронлиги ўрнатилиши натижасида биринчидан янгича бошқарув тизими жорий этилди. Иккинчидан, мазкур бошқарув аппарати моҳиятан маҳаллий халқлар маданияти ва маънавиятини менсимасдан, уларнинг маданий қолоқлигига урғу бера бошладилар ва ўлкада ўзларининг таълим тизимини сингдириш орқали маҳаллий халқларни ўзига тўлалигича – ғоявий жиҳатдан қарам этишни режалаштирдилар. Устига-устак “руслаштириш” сиёсатини олиб борилиши натижасида бевосита маҳаллий аҳоли янги маданият билан тукнашди. Натижада ўзига равишда миллий зиёлилар орасида маънавий юксалиш зарурлигини англаш ҳолатини келтириб чиқарди. Ана шундай бир вазиятда “жадидчилик” ҳаракати вужудга келди ва ўлкадаги таълим тараққиётига катта туртки бўлиб хизмат қилди.

Туркистонда XIX аср иккинчи ярмидан таълим соҳасини ислоҳ этилиши ва қатор ўзгаришларга дучор бўлиши ижтимоий эҳтиёжнинг натижаси эди. Ўлкада X-XIII асрларда юзага келган мактаб ва мадрасалар тизими

фаолиятига мазмунан жузъий ўзгаришлар киритилган бўлса-да, умуман олганда, таълим анъанавий усулда давом этаётган эди. Бу тизим XIX аср охири, XX аср бошларига келиб жамият талабларига жавоб бериш у ёқда турсин, умуман тараққиёт даражасида бир неча асрлик масофада орқада қолиб кетгани аён бўлиб қолди. Мавжуд маориф тизими ҳатто саводхон қилишдек оддий талабга ҳам жавоб бераолмаётганди<sup>1</sup>.

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Туркистон ўлкасида таълим тизимининг такомиллашуви содир бўлди. Бунга бир томондан метрополияни маҳаллий халқлар онгини забт этиш мақсадида амалга оширган таълим соҳасидаги тадбирлари сабаб бўлса, иккинчи томондан ўлка халқларининг ўзликни англаш, хурриятга интилиш мақсадида амалга оширган маърифатпарварлик ишлари сабаб бўлди.

Таълим ислоҳоти ва маънавият соҳасидаги муаммолар фақатгина бугуннинг муаммоси эмас, балки барча даврларда ҳам муҳим аҳамият касб этиб келган. Шу сабабдан ҳам Ватанимиз ҳудудида асрлар давомида таълим ва маданият соҳасидаги эришилган ютуқларни, тажрибаларни, маънавий-маърифий қадриятларни эътироф этиш ва улардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан, мазкур монография XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида рус таълим муассасаларини сингдирилиши тарихига бағишланган.

---

<sup>1</sup> Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 14.

## **XIX аср ўргаларида Ўрта Осиё анъанавий таълим тизими хусусиятлари**

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё халқлари маънавиятида ёшлар таълим-тарбиясини ривожлантириш минтақа халқларининг маданий тараққиётида асосий омил сифатида муҳим ўрин тутган.

XIX аср ўргаларига келиб, Ўрта Осиё сиёсий харитасида тинимсиз ўзаро курашлар гирдобига тушиб қолган уч давлат: Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари мавжуд эди. Ушбу давлатлар ўртасидаги урушлар натижасида халқ хўжалиги, турар жойлар, савдо ва суғориш тизимлари вайрон этилар эди. Бундай сиёсий вазиятда вайрон қилинган хўжалик ва шаҳарларни тиклашга эътибор қаратилган. Лекин таълим ва тарбия масалалари ҳам доимо минтақа халқлари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу даврда Ўрта Осиё халқлари таълим тизимининг асосини хусусий мактаб ва мадрасалар фаолияти ташкил қиларди. Ундан ташқари, мавжуд қорихона, ҳонақо ва отин-бибилар уйларида фаолият юритувчи қизлар мактаблари ҳам ўзига хос таълим-тарбия вазифасини бажаган.

Анъанавий таълим тизимида мактаблар бошланғич ўқув масканлари бўлиб, улар шаҳар, қишлоқларда ва кўчманчилар овулларида ҳам мавжуд эди. Улар, одатда, масжид, мадраса ҳузурида ёки хусусий ҳовлиларда ташкил этилган<sup>1</sup>. Шаҳарда мактаблар, одатда, малакали мактабдор томонидан ўз уйида ёки маҳаллий бойлар томонидан уларнинг хонадонида ташкил этилган.

Ўрганилаётган даврда мусулмон мактаблари таълимида араб ёзуви асосий ёзув шакли бўлиб, бу ёзув нафақат форс-тожик тилларига, балки туркий тилларга ҳам мослаштирилган. Мактабларнинг сони кўп бўлиб, улар мактаб ёшидаги болаларнинг катта қисмини қамраб олган.

Ўзининг ўрта асрлардаги шакли ва фаолият хусусиятларини сақлаб қолганлиги мактабларнинг услубий жиҳатдан суст ривожланганлигини англатарди. Маҳаллий зиёлилар матбуотда анъанавий мактаб ва

<sup>1</sup> Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 6.

мадрасаларда таълим-тарбиянинг аҳволи ҳақида сўз юритиб, уларнинг давр талабларига мос эмаслиги ҳақидаги фикрларни таъкидлаш билан бирга мавжуд таълим тизимини ислоҳ этиш зарурлигини таъкидлашган<sup>1</sup>. Мусулмон мактабларида таълим-тарбиянинг самарасизлиги<sup>2</sup>, ислом дини ва ақидаларини билувчи мутахассисларни тайёрлашдек тор мақсадларга йўналтирилганлиги<sup>3</sup> ҳақидаги фикрларни рус муаллифлари асарларида ҳам учратишимиз мумкин. Яъни, айтиш мумкинки, XIX аср ўрталарига келиб анъанавий таълимни ислоҳ этиш давр талабига айланиб улгурган эди. Шунинг учун ҳам таълим тизими тарихини ёритишга бағишланган адабиётларда XIX асрдаги Ўрта Осиёдаги таълим тизими жаҳон таракқиётидан орқада қолганлиги ҳақида фикрларни учратамиз.

Дарҳақиқат, мактабларда таълим бериш ва улар фаолиятини назорат қилиш усулларини таҳлил этадиган бўлсак, уларда таълим дастурларининг дунё фани таракқиётидан мазмунан йироқлашиб қолганлиги, таълим муассасалари ўқитиш жараёнини назоратини амалга оширувчи тизим фаолияти самарадорлиги пастлигига гувоҳ бўламиз. Яна бир жиҳат, мактаблар фаолияти молиялаштирилиши расмий идора ёки давлат маҳкамаси томонидан эмас, балки жамоатчилик томонидан амалга оширилган.

Мактаб ўқитувчилари меҳнат ҳақини ўқувчиларнинг ота-оналаридан ёки жамоат, яъни вақф фондларидан олинган. Тўлов ҳажми эса қавм билан келишилган ҳолда белгиланиб, ҳар ҳафта маҳсулот кўринишида: ун, гуруч, гўшт ёки пул шаклида берилган. Бундан ташқари, анъана бўйича ўқувчи маълум босқични тугатгандан сўнг ўқитувчи ихтиёрий равишда ота-оналар томонидан рағбатлантирилган<sup>4</sup>. Таълим учун, одатда, ойига 20 тийиндан 1 сўмгача, баъзан эса 2-3 сўм тўланган. Ота-оналардан “бўйра пули”, “кўмир

<sup>1</sup> Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2009. – Б. 114-115.

<sup>2</sup> Наливкин В.П. Школа у туземцев Средней Азии. Речь, произнесенная на годичном акте Туркестанской Учительской Семинарии 31 мая 1889 г. – Тошкент, 1889 // Туркестанский сборник. Т. 418. – С. 39.

<sup>3</sup> Остроумов Н.П. Народное образование. Мусульманские мактабы и русско-туземные школы в Туркестанском крае. – Тошкент, 1889 // Туркестанский сборник. Т. 418. – С. 53.

<sup>4</sup> Гейер И. Туркестан. С дополнительной статьей «Семиреченская область», сост. А.Л.Кирснером. – 2-е, изд. испр. и доп. автор. – Ташкент: Типография Туркестанского печатного Дела, 1909. – С. 27.



пули” каби тўловлар ҳам олинган<sup>1</sup>. Кўчманчиларда таълимга тўлов ота-оналар билан ўзаро келишув асосида бўлган. Болалар мактабга, одатда, 6-8 ёшдан, баъзан 5 ёшдан борганлар. Улар бир мактабда беш йилдан кам ўқимаганлар, яхши мактабдорларда янада кўпроқ билимга эга бўлиш мақсадида саккиз йилгача таълим олишган.

Таъкидлаш жоизки анъанавий таълим жараёнида фақат таълим учун тўловларни амалга ошира оладиган ота-оналарнинг болалари ўқитилмаган. Манбаларда етим болаларни бепул ўқитиш ҳам йўлга қўйилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади<sup>2</sup>. Бу ўз ўрнида таълим шахсларнинг имкониятидан келиб чиқиб шаклланаган жараён эмас, балки жамият аъзолари томонидан зарур бўлган ижтимоий-маданий зарурат сифатида қаралган. Бироқ бу ҳолатлар оммавий характерга эга бўлмаган ва аҳоли орасида имконияти йўқ бўлган барча болалар ҳам таълим олмаган.

Мактаблар фаолияти ҳар доим ҳам маҳсулдор бўлавермаган, чунки уларда мустаҳкам моддий негиз мавжуд эмасди. Мактаблар кўпинча аҳолидан тушган хайрия маблағлари ҳисобига фаолият юритиб, баъзан ўқувчилар сони камлиги ёхуд ўқитувчи хоҳиши билан ёпилган ҳолатлар ҳам бўлган<sup>3</sup>. Яъни мактаб очилиши ва ёпилиши махсус маҳкама ёки идорага эмас, балки ўқитувчи ҳамда ўқувчи ва улар ота-оналарига боғлиқ ҳолат эди.

Қишлоқ мактабларида ўқувчилар сони ўртача 10-20, шаҳарларда эса 50-60 тагача етган. Машғулотлар жума ва байрам кунларидан ташқари тонгдан то кечки соат 16-17 ларгача давом этган. Танаффус кун давомида икки марта бўлиб, дарслар индивидуал тарзда олиб борилган. Ягона синф – дарс тизими бўлмаган. Ўқувчиларга аввал эркин ўқиш ўргатилиб, сўнгра ёзув кўникмаси шакллантирилган<sup>4</sup>, чунки ўқишни ўрганиш ёзувга ўтишда бирмунча

<sup>1</sup> Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX–начале XX в. Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – С. 32.

<sup>2</sup> Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – С. 21.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. И-1, р. 11, 1243 иш, 13-варақ.

<sup>4</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 333 иш, 16-орқа варақ

кулайлик яратган. Шунинг таъкидлаш жоизки, мактабда ўқитишнинг расмий дастури бўлган эмас<sup>1</sup>, лекин асрлар давомида муайян кўринишда умумий ўқитиш дастури шаклланган эди.

Алифбо ўрганилгандан сунг форс тилида Қуръоннинг еттидан бир қисми маъносини англаувчи “Ҳафтияк”ни ўқишга киришилган. Ундан кейин, Қуръон суралари “Алламнашроҳ”ни – ёдлашлари билан ўқувчилар саводли ҳисобланган. Ўқиш ва ёзишни ўрганган ўқувчилар “Даҳрул нажот”, “Насойихул - атфол”, шариат асослари баён этилган “Чор Китоб” каби ўқув кўлланимлар ҳамда Навоий, Фузулий, Шеъррозй, Аттор, Бедил, Машраб ва бошқаларнинг асарларини ўрганишган<sup>2</sup>.

Машғулотлар индивидуал шаклда бўлганлиги туфайли ўқувчи мактабга келган вақтдан қабул қилинган. Ўқувчининг бир китобни ўзлаштириб иккинчисига ўтиши унинг ютуқларидан далолат берган. Қуръон ва ислом асосларини ўргатувчи китобларни ўрганиш билан мактабнинг биринчи босқичи яқунланган. Кейинги босқичда ўқувчилар билимлари чуқурлаштирилган. Ўқувчиларнинг салоҳиятига қараб ҳар бири учун алоҳида дарс топшириқлари берилган.

Мактабда касб ёки хунар ўргатилмаган, ҳаётда асқотадиган бошқа амалий фаолият учун тайёрлаш мақсади кўйилмаган. Ўқишни битирганлик тўғрисида бирон-бир расмий ҳужжат ҳам берилмаган. Мактаб, асосан, таълимнинг 2-босқичи бўлган мадрасага кириш учун тайёрлаган. Ўқитиладиган илм ва фанлар бўйича методик йўл-йўриқлар бўлмаган. Ҳар бир домла буларни ўзича, тўғрироғи, анъанага кирган тизимда ўқитган<sup>3</sup>.

Баъзи мактабларнинг ўқитувчилари юқори босқич ўқувчиларининг хоҳловчиларига “Илми ҳисоб”ни ҳамда мадрасаларга тайёрланаётган ўқувчиларга араб тили грамматикаси ўргатишган.

<sup>1</sup> Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 6.

<sup>2</sup> Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – С. 22.

<sup>3</sup> Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 6.

Ўз вақтида Туркистон ўлкасида рус таълим тизимини жорий этишда фаол қатнашган рус зиёлилари ўрганилаётган давр нашрларида мусулмон таълим муассасаларининг ижобий аҳамияти, Ўрта Осиё халқлари маданиятининг буюклиги ҳақида кўплаб мақолалар чоп этганлар. Масалан, мусулмон таълим масканлари назоратини амалга оширган халқ таълим муассасалари инспектори лавозимида ишлаган, В.П.Наливкин; “Мусулмон олами ўзининг илмий фаолияти билан фахрланса бўладиган даврлар бўлган”, – деб айтган<sup>1</sup>. Шунингдек, Н.П.Остроумов “Ўрта Осиё халқлари орасида, айниқса, эркаклар орасида, бошланғич мусулмон таълими кенг тарқалганлиги” ҳақида эътироф этиб “аёллар орасида саводлилар кам учрайди”<sup>2</sup> деб ўринли эътироз баён қилган. Бу билан шарқшунос олимлар томонидан Туркистон халқларининг маданияти ва маънавиятини юксак бўлган даврлар бўлганлигини таъкидлаш билан бирга XIX аср иккинчи ярмида мавжуд анъанавий таълим тизимининг инқирозли ҳолатини эътироф этишган (1-илова).

Ўрта Осиё анъанавий таълим муассасалари фаолияти ҳамиша тадқиқотчи олимлар диққат марказида бўлган. Айниқса, тадқиқ этилаётган давр саёҳатчи ва тарихчиларининг фикрлари эътиборга молик ҳисобланади. Улар маҳаллий таълим муассасалари фаолиятини таҳлил этар эканлар, мактаблар сонини турлича келтиришган. Маълумки, мактаблар масжидлар ҳузурида қавм аҳли болалари учун ташкил этилган. Ўтроқ ўзбеклар истиқомат қилувчи туманларда битта масжидга 50 га яқин хонадон, Хоразм ва Ангрен воҳасида эса ҳар бир 60-70 хонадонга битта масжид тўғри келган<sup>3</sup>. XIX асрда мактаблар фақат масжидлар қошида эмас, балки мактабдорлар томонидан ҳам ташкил этилган ҳоллар кўп бўлган. Империя ҳукумати статистик маълумотларига кўра, XIX аср 80-йилларида Туркистон

<sup>1</sup> Наливкин В.П. Школа у туземцев Средней Азии. Речь, произнесенная на годовичном акте Туркестанской Учительской Семинарии 31 мая 1889 г. Т., 1889 // Туркестанский сборник. Т. 418. – С. 38.

<sup>2</sup> Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. Вып. 1. – Ташкент, 1890. – С. 45.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. Р-2282, р. 1, 73 иш, 59-варақ.

ўлкасининг Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 5 мингдан кам бўлмаган мусулмон мактаблари фаолият юритган бўлиб<sup>1</sup>, уларда 46 минг атрофида ўқувчилар<sup>2</sup> таҳсил олган. Ушбу мактабларнинг катта қисми ўзбек ва тожик миллати вакиллари истиқомат қилувчи ҳудудларда бўлган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, уларнинг маълум қисми империя маъмурларининг рўйхатига тушмай қолган эди. Чунончи, 1890 йилларнинг бошларида халқ таълим муассасалари инспектори В.П.Наливкин мусулмон мактаблари сони ҳақида маълумот берар экан, қуйидаги таърифни келтиради: улар “... расман 5000, аслида эса эҳтимол 10000”<sup>3</sup> (2-илова).

Манбаларда Туркистондаги мактаблар сони ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Ўтроқ аҳоли мактаблари сони ҳақида маълумотлар ўлкадаги империя маъмурияти ҳужжатларида учраса-да, кўчманчилар овул мактаблари ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. Хусусан, Фарғона ва Еттисув вилоятларида яшовчи кўчманчи қирғиз овулларидаги мактаблар ҳақида келтирилган маълумотларда “қирғизларда мактаблар, одатда, муқим бир жойда фаолият юритмасдан жойдан-жойга кўчиб юрган”<sup>4</sup>, дейилади. Бу ҳолат мактабларни руйхатга олиш ишларини қийинлаштирган. Кўчманчилар мактаблари ҳақида маълумотлар ўқув ишлари бўйича инспекторларга уезд бошлиқлари томонидан тақдим этилиб, уларда мактаблар фаолияти тартиби, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг сони тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилмаган<sup>5</sup>. Уезд бошлиқлари томонидан аниқланган мактаблар сони ҳам аҳоли сони нисбатига мос келмаслиги билан тавсифланади<sup>6</sup>. Фикримизнинг исботи сифатида 1914 йилда 3-район Фарғона вилояти инспектори ҳисоботида; “Кўчманчилар мактабларини аниқ рўйхатлаш

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. Р-2282, р. 1, 73 иш, 60-варак.

<sup>2</sup> Махкамова Н. К вопросу об уровне просвещенности и культурного развития среднеазиатских государств XIX – начале XX века // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2000, №1-2. – С. 17.

<sup>3</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане 1865-1924 гг. – Москва, «Наука», 1960. – С. 45.

<sup>4</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 926 иш, 101-варак.

<sup>5</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 926 иш, 255-256-вараклар.

<sup>6</sup> Айтмамбетов Д.А. Дореволюционные школы в Киргизии. – Фрунзе, 1961. – С. 11.

мумкин эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам улар сонини юзлик сонлар билан белгилаш керак ...”<sup>1</sup>, – деб кўрсатилган маълумотини келтириш мумкин.

Мактаблар сони тўғрисидаги маълумотлар бошқа манбаларда ҳам учрайди. Лекин уларнинг кўпчилигида маълум бир ҳудуд миқёсида рақамлар турлича қайд этилган. Хусусан, маҳаллий матбуотда XIX асрнинг 60-йилларида Тошкентда 118 та мактаб бўлганлиги кўрсатилса<sup>2</sup>, архив ҳужжатларида 1884 йилда Андижон шаҳри ва Андижон уездида 518 мактаб бўлиб, уларда 7360 ўқувчи таълим олганлиги ва уларнинг 5070 таси ўғил ва 2290 таси қиз болалар эканлиги қайд қилган<sup>3</sup>.

Ўрта Осиёда мактаблар сонининг кўплигини кўрган баъзи сайёҳ олимлар маҳаллий аҳолининг кенг миқёсда саводхонлиги ҳақида хулосаларга келган. Масалан, 1878 йил уч ой давомида Фарғона водийсида бўлган академик А.Миддендорф мусулмон аҳолисининг оммавий саводхонлигини халқ таълими бўйича Россия арбобларига намуна ва таъна сифатида келтиради<sup>4</sup>. Бироқ маҳаллий аҳоли орасида узок вақт истиқомат қилган ва кузатишларни амалга оширган муаллифлар, турли соҳа мутахассислари бўлса-да, А.Миддендорф фикрларига зид маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Чунончи, С.М.Граменицкий – “Мусулмонлар турмушида ҳайратланарли даражада бошланғич мактаблар сони кўп ва саводли кишилар сони кам”<sup>5</sup>; Н.С.Колчанов – “Қишлоқдаги мусулмон мактабларнинг саводхонлик ўсишига ҳеч қандай алоқаси йўқ”<sup>6</sup>; В.П.Наливкин – “... маҳаллий аҳоли орасида мактабларнинг сони кўп бўлиши билан бирга саводсизлар кўплигини учратамиз”<sup>7</sup> каби фикрларни келтиришган. Мазкур муаллифлар мактабларда фақатгина диний саводхонликка эътибор қаратилиб, дунёвий билимлар кам

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 283 иш, 139-144 -варақлар.

<sup>2</sup> «Туркистон вилояти газети», 1889, №12.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. И-19, р. 1, 1458 иш, 147-варақ.

<sup>4</sup> Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. – СПб. 1882. – С. 127.

<sup>5</sup> Граменицкий С.М. В 1875 г. О Ташкенте в Т.В., №30.

<sup>6</sup> Колчанов Н.С. О верховьях Зеравшана // «Сборнике материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1888 гг.». Вып. 1. – Самарканд, 1890.

<sup>7</sup> Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадраса Сыр-Дарьинской области в 1890/91 учебный год. – Ташкент, 1916. – С. 44.

ўқитилганлигини назарда тутиб, Туркистондаги анъанавий таълимнинг мазмунан давр талаблари даражасида эмаслигини кўрсатиб ўтишган. Зеро, улар мактаблар кўплигини ва саводлилар камлигини бир-бирига зид бўлган ҳолат деб келтиришган.

Туркистонда асрлар мобайнида шаклланган таълим тизими маҳаллий турмуш талабига мос бўлиб, уларнинг асосий вазифаси ислом асослари ва бошқа илм ёки фандан ибтидоий маълумотлар бериш бўлган<sup>1</sup>. Мактаблардаги таълим ўша давр жаҳон талабларидан орқада қолган эди. Бу ҳақда маҳаллий зиёлилар вакилларида бўлган Исҳоқхон Ибрат ҳам кўп марта таъкидлаган<sup>2</sup>. Бундан ташқари, М.Бехбудий 1912 йилда “Туркистонда мактаб жарида”, “Эҳтиёжи миллат”, “Ёшларга мурожаат” каби мақолаларида мусулмон мактабларининг эндиликда давр талабига жавоб бера олмаслиги, шу сабабли “усули жаид” мактабларининг нечоғлик эҳтиёжга молик эканини таъкидлаб, “Дунёда турмак учун дунёвий фан ва илм лозимдур; замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур.”<sup>3</sup>, – деган эди. Таъкидлаш мумкинки, XIX аср иккинчи ярмида мактабларда ўқитиш тизими, ҳақиқатдан ҳам, замон талабларига мос эмасди.

Ўрта Осиё шаҳар ва қисман қишлоқларида қизлар учун бошланғич мактаблар ҳам мавжуд бўлиб, улар, одатда, ўқитувчи аёл – отинбибилар уйларида жойлашган. Бундай қизлар ўқитиладиган жойларга нисбатан “мактаб” атамаси қўлланилмаган. Қишлоқ жойларда қизлар мактаби жуда кам ҳолларда учрарди. Баъзи ҳудудларда 100 та мактабга битта қизлар мактаби ҳам тўғри келмас эди. Бироқ баъзи шаҳарларда қизлар мактабларининг сони ўғил болалар мактабларининг чорак қисмига тенг келган<sup>4</sup>. Тошкентда 1864 йилда руслар билан бўлган уруш учун солиқ жорий этиш бўйича рўйхатга олиш ўтказилганда, 8000 минг нафар ўқувчи болалар,

<sup>1</sup> Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 6.

<sup>2</sup> “Туркистон вилояти газети”, 1907 йил, 72-сон.

<sup>3</sup> Бехбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: «Маънавият», 1999. – Б. 199.

<sup>4</sup> Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 90-92, 95.

4000 нафар ўқувчи қизлар қайд этилган. Биргина Себзор даҳасида 25 нафар ўғил болалар ва 15 нафар қизлар, Шайхантоҳур даҳасида эса 20 та ўғил болалар ва 10 та қизлар мактаби мавжуд бўлган<sup>1</sup>. Яна шуни ҳисобга олиш керакки, отинбиби мактабида ўқувчи қизларнинг укалари ҳам ўқиган.

Ўғил болалар мактабларида аҳолининг барча қатламлари болалари таълим олган бўлса, отинбиби ўқувчилари орасида дин пешволари, йирик ва ўртаҳол савдогарлар қизлари кўпчиликни ташкил этаган. Ўлканинг барча ҳудудларида ҳам қизлар таълимига аҳоли орасида муносабат бир хил бўлмаган. Бунинг оқибатида мазкур отинбибилар мактабларининг сони ҳам ҳудудлар бўйича нисбати бир хил даражада эмасди. Бунга ҳудудларда қизлар таълимига аҳоли турмушида бўлган талаб ва эҳтиёж даражаси ҳам таъсир ўтказган. Ўғил болалар мактабларига нисбатан қизлар мактабларида ўқувчилар сонининг бир неча баробар камлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Отинбиби ўқитувчилик ҳақини атрофдаги ўғил болалар мактабларига нисбатан кўпроқ олган. Айрим жойларида эса аксинча бўлган<sup>2</sup>. Яъни, уларга бериладиган ойлик тўлов мазкур жамоа орасида қизлар таълимига бўлган эҳтиёж, талаб ва жамоатчилик муносабатидан келиб чиқиб шаклланган.

Туркистондаги қизлар мактабларининг иккита умумий функционал жиҳатлари бўлган:

1. Ўғил болалар мактаблари каби бошланғич диний таълим бериш билан бирга анъанавий турмуш тарзи ҳамда аждодлар маънавий қадриятларини ўргатар эди;

2. Мактаб ва мадрасалар каби диний таълимотларни ташвиқ этувчи таълим муассасаси бўлиш билан бирга келажакда ислом асосларини аёллар орасида тарғиб этувчи ва бўлажак ёшларга таълим-тарбия берувчи мутахассисларни тайёрлаш масканлари эди.

<sup>1</sup> Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 128.

<sup>2</sup> Наливкин В.П., Наливкина М. Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганской области. – Казань, 1886. – С. 57.

XIX аср Ўрта Осиё жамоатчилигида қизларнинг савод олиши ижобий баҳоланган. Бироқ, таъкидлаш жоизки қизлар таълимига нисбатан барча худудларда ҳам бу ижобий муносабат кузатилмаган. Отинбибилар орасида имомлар ва мактабдорларнинг аёллари кўпчиликни ташкил этган. Яъни, улар аёллар жамоаси орасида илмли кишилар бўлишган.

Қизлар мактабларидаги машғулотларда асосан форс-тожик ва туркий тилдаги асарлар ўргатилган<sup>1</sup>. Ушбу таълим муассасаларида “Таълими банот”, “Муошарат одоби”, “Тарбияли хотун” ва бошқа шарқ ахлоқий маданиятини ўз ичига олувчи фанлар ўқитилган<sup>2</sup>. А.П.Хорошхиннинг 1876 йилдаги маълумотига кўра, қизлар 7-11 ёшдан ўқитилган, 11-15 ёшдан эса тикувчиликка ўргатилган<sup>3</sup>. Бундан шу нарса кўзатиладики, қизлар мактабларидаги таълим дастурлари ўғил болалар мактаблари дастурларига нисбатан кам қамровли ва асосан турмушда энг зарур бўлган билимларни беришга ихтисослашган.

Ўрта Осиёда ўғил ва қиз болалар бирга таълим олувчи аралаш мактаблар бўлганлиги ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. 1906 йил Каспийorti вилояти мактабларининг аҳволи ҳақида маълумот берган Н.П.Остроумов туркманлар орасида, баъзи жойларда ўғил ва қиз болалар бирга таълим олувчи мактаблар мавжуд бўлганлиги, улар атиги икки ёки уч йил давомида таълим олишлари ҳақида маълумот беради<sup>4</sup>. Бироқ, бу маълумотлар бутун Туркистон ўлкаси учун бир ёки иккита истисно ҳолат бўлиб, бутун ўлка аҳолисининг бу ҳолат бўйича муносабати ва ўғил ва қизларнинг умумий таълими ҳақида фикр юритиш, хулоса бериш ҳамда ўғил ва қиз болаларнинг биргаликда таълим олишлари маҳаллий аҳоли маънавияти ва маданий турмуш-тарзига қанчалик мос эканлиги ҳақида сўз юритиш имконини

<sup>1</sup> Исмаилова Д.А. Роль и место ислама в общественно-политической жизни народов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2006. – С. 14.

<sup>2</sup> Назимо А. Қизлар тарбияси. – Тошкент: Камалак, 1994. – 64 б.; Олимат ул-банот. Муошарат одоби. – Тошкент: “Меҳнат”, 1997. – Б. 32.

<sup>3</sup> Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 91.

<sup>4</sup> Остроумов Н.П. Мусульманские мактабы и русско-гуземные школы в Туркестанском крае. ЖМНП, №2 за 1902 г. – С. 102.



бермайди. Фақатгина, айрим жойларда уларнинг биргаликда таълим олганликлари ҳолатини қайд этишимиз мумкин. Шу ўринда, яна таъкидлаш жоизки, бу ҳолат кўчманчи аҳоли орасида учрайди. Яъни, ўтроқ аҳоли орасида ўғил ва қизларнинг биргаликда таълим олишлари менталитетга хос бўлмаган ҳолат эди.

Туркистондаги мадраса, қорихона, хонақо ва далоилхоналар ўз мавқелари бўйича ўрта ва олий таълим муассасаларига тенглаштирилиб, нафақат ёшлар, балки катта авлод вакиллари маънавияти ва ахлоқий тарбиясини оширувчи масканлар вазифасини бажарган.

Ўрта Осиёдаги мадрасалар ҳақидаги илк маълумотлар X асрга тегишли бўлиб<sup>1</sup>, XIX асрда фаолият юритган мадрасалар биноларининг аксарияти XV-XVII асрларда бунёд этилган. Мадрасалар таъминоти йирик вақф мулклари ҳисобидан амалга оширилган. Масалан, Самарқанддаги Шердор ва Тиллакори мадрасалари вақфлардан йилига 7600 сўм, Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси 1400 сўм даромад олган<sup>2</sup>. Мадрасалар даромадлари ҳақида В.П.Наливкин қуйидаги маълумотларни келтирган: Фарғона вилоятида – 1820 та дўкон, 41 та карвонсарой, 15 та тегирмон, Сирдарё вилоятида – 198 та дўкон, 912 та дўкон ерлари, 10 та карвонсарой, 4 та тегирмон мадрасалар ҳисобида бўлган. Тошкентдаги биргина Эшонқўли Додхоҳ мадрасасига 40 та дўкон, 165 та дўкон ерлари, 2 та карвонсарой, 1 та тегирмон тегишли бўлиб, улардан йилига 2 минг рубль даромад олинган<sup>3</sup>. Совет даври тадқиқотчиси А.Аминовнинг келтиришича, XIX асрнинг 90-йиллари охирларида Андижон уездида 25530 десятина<sup>4</sup>, Қўқон уездида 26561 десятина вақф ерлари солиқдан озод этилган<sup>5</sup>. Н.Р.Маҳкамова 1894 йилда Туркистон генерал-губернаторлигида мадрасалар ҳисобида 2208 та дўкон, 974 та дўкон ерлари,

<sup>1</sup> Қаранг: Айтмамбетов Д.А. Дореволюционные школы в Киргизии. – Фрунзе, 1961. – С. 10.

<sup>2</sup> Исмаилова Д.А. Роль и место ислама в общественно-политической жизни народов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2006. – С. 14.

<sup>3</sup> Наливкин В.П. Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. Т. III. – Новый Маргелан, 1904. – С. 41.

<sup>4</sup> Бир гектарга яқин ер ўлчов бирлиги.

<sup>5</sup> Аминов А. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Ташкент, 1959. – С. 33.

58 та карвонсарой, 15 та тегирмон бўлганлигини келтириб ўтади<sup>1</sup>.

Мадрасалар давлат ҳисобидан ташкил этилмаса-да, уларнинг фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш, бошқариш ва таъминлашни мустақкам механизми шаклланган эди. Бу тизим асрлар давомида такомиллашиб, тараққий этиб келган.

Мадрасалар назорати мусулмон диний ҳокимият вакиллари – Шайх ул-ислом ва қозилар томонидан амалга оширилган. Махсус – хўжалик ишлари бўйича назорат аъламиён ва мутаваллибоши (бош мутаваллий) зиммаларига юклатилган. Аъламиён ҳукумат томонидан тайинланиб, пойтахт ва вилоятларда жойлашган мадрасаларнинг ўқув ва моддий томонларини назорат қилган ҳамда хон ғазнасидан белгиланган маош олган. Бу лавозим амирлик ва хонликларда бўлган. Мутаваллибоши ҳоким қароргоҳи бўлган ҳар бир шаҳарда жорий этилиб, туманлардаги мутаваллийлар фаолиятини назорат қилиш унинг зиммасига юклатилган. Ҳар бир мутаваллийга тасарруфидаги вақф мулкларидан тушган даромаднинг 10/1 қисми маош сифатида ажратилган<sup>2</sup>.

Мадраса бошлиғи сифатида барча фанлар ўқитилишини назорат қилувчи мударрис тайинланган. Мударрис юқори босқич талабаларига ва унинг бошчилигида ёрдамчи-муқаррирлар қуйи босқич талабаларига дарс берганлар. Мударрис фақат мадрасадаги ўқув жараёнига масъул бўлиб, вақф мулкларининг бошқарувига аралашиб ваколатига эга бўлмай, фақат мадраса эҳтиёжлари ҳақида мутаваллийга ахборот бериши мумкин эди<sup>3</sup>.

Ўқув дастурлар асосини ислом ҳуқуқшунослиги, араб тили грамматикаси ташкил қилган. Фанларнинг кўп қисми диний билимлардан иборат бўлиб, фалсафа, геометрия, математика, география, тиббиёт, кимё каби фанлар ҳам ўқитилган<sup>4</sup>. Е.Н.Павловский маълумотида кўра

<sup>1</sup> Махкамова Н.Р. Социально-нравственные и духовные процессы в Узбекистанском обществе конца XIX – начала XX вв. // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент, 2001, №2(14). – С. 85-91.

<sup>2</sup> Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. – Ташкент, 1907. – С. 6-7.

<sup>3</sup> Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. – Ташкент, 1907. – С. 6.

<sup>4</sup> Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи. – Андижон.: Мерос, 1994. – Б.60;

мадрасаларда тарих, физика, табиат фанларидан қисқа ва умумий маълумотлар берилган<sup>1</sup>.

Туркистон аҳолиси маданияти, турмуш тарзи, удумлари ва таълим муассасалари фаолиятининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, таълим усуллари амирлик ва хонликлардагидан фарқ қилмасди. Лекин Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиши билан унинг ҳудудидаги барча мадрасалар империя маъмурияти назорати ва бошқарувига ўтказилиб, аъламиён ва мутаваллий лавозимлари тугатилган. Мазкур лавозимларни тугатилиши натижасида мадрасалар фаолиятини назорат қилиш, вақфлар даромадини тасарруфни империянинг ҳудуддаги маҳкамалари ихтиёрига ўтказилишига сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида, ўлкадаги рус маъмуриятининг режасига кўра, молиявий кўмаксиз ва назоратсиз қолган мадрасаларда таълим сифатининг бироз пасайишига сабаб бўлиши керак эди. Бироқ, мадраса таълими 1917 йилга қадар ҳам рус таълим муассасаларига нисбатан маҳаллий аҳоли турмушида ўз аҳамиятини сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Чунки, жадидлар фаолияти ривожлангунига қадар улар ўрнини боса оладиган бошқа турдаги таълим муассасалари яратилмаган эди.

Мадрасада ўқитиш бир неча босқичда амалга оширилиб, босқичларни белгилаш ўтилаётган фан мазмунига боғлиқ эди. Мазкур босқичларнинг биринчиси “адно” – қуйи босқич, иккинчиси “авсат” – ўрта босқич ва учинчиси “аъло” – юқори босқич<sup>2</sup> – деб юритилган.

Ҳар бир босқич учун муайян вақт ажратилмаган. Лекин ҳар бир босқичга одатда 3 йил ва ундан кўпроқ вақт сарфланган. Бироқ, мадраса талабаларининг барчаси тўлиқ уччала босқични тамомламаган. Фақатгина келажакда мударрис, қози ёки муфтий, олим бўлишни истаган ўқувчиларгина

---

Исмаилов Ш.Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX века: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – С. 15.

<sup>1</sup> Павловский Е.Н. Очерки Самаркандской области. (С рисунками в тексте) // Туркестанский сборник. Т. 554. – Ташкент, 1915. – С. 53.

<sup>2</sup> Остроумов Н.П. Мадрасы в Туркестанском крае. Журнал министерства народного просвещения. №1, 1907. – С. 1-58.

тўлиқ таълимни тугаллаганлар. Таълим босқичларига қараб талабаларга куйидагича нафақа белгиланган: куйи босқичда – 4-12 рубль, юқори босқичларда – 15-35 рубль миқдориди<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё мадрасаларининг ўқув дастурлари асосан ўрта асрларда шаклланган эди. Машғулотлар олиб боришга мўлжалланган адабиётлар ислом оламининг кўп асрлик маданиятини ўзида акс эттирар эди. Мисол учун, “Шамсия” (формал мантиқ китоби) ва унга шарҳлар – XIII асрда, “Ақоид” – мусулмон дин ақидаларини баён этувчи китоб – XII асрда, “Мантиқ Таҳзиб” – мазмунида юнон фалсафасининг арабча талқинини ўзида мужассам этувчи диалектика китоби – XVI асрда, Шариат – Куръон ва муқаддас ривоятлар асосида баён қилинган диний, фуқаролик, жиноий ва бошқа давлат, жамият қонун қоидалари ҳамда хусусий ахлоқ меъёрлари<sup>2</sup> тўплами VIII-IX асрларда тузилган. XIX аср охирлари – XX аср бошларида ижтимоий-иқтисодий сабабларга кўра диний таълим сусайиши натижасида таълим шарҳловчи тусга эга бўлиб, ҳар қандай янгилик қатъий муҳокама қилинган<sup>3</sup>. Мадрасаларда ҳеч бир фанни ўқитишда махсус педагогик услубият ёки методика қўлланилмаган. Бироқ, таълим давомида талабалар мусулмон файласуф ва педагоглари қарашлари билан танишиб боришган<sup>4</sup>.

Мадраса битирувчиларининг катта қисми мактабларда ўқитувчилик қилишган, жумладан бир қисми имом, бир қисми малакали мактабдор сифатида фаолият юритган. Кам таъминланган талабаларнинг кўпчилиги талабалик давридаёқ ўқитувчилик қилишган.

Мадрасалар сонини аниқлашда муайян номутаносибликлар мавжуд. Чунки империя маъмурлари ҳамда кейинги даврлар тадқиқотчилари келтирган маълумотлар турлича. Уларда келтирилган рақамлар бир-бирини

<sup>1</sup> Гейер И.И. Туркестан. С дополнительной статьей «Семиреченская область». Сост. А.Л.Кирснером. – 2-е изд. испр. и др. авт. – Ташкент, 1909. – С. 25.

<sup>2</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане 1865-1924 гг.– Москва, : «Наука», 1960. – С. 53-54.

<sup>3</sup> Фитрат А. Рассказы индийского путешественника (Бухара, как она есть)/ Перевод с персидского А.Н.Кодратьева. – Самарканд, 1913. – С. 19.

<sup>4</sup> Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. – Ташкент, 1907.– С. 22.

такрорламайдиган маълумотлардан иборат: В.П.Наливкин маълумот беришича, 1890-1893 йилларда Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида жами 214 та мадраса бўлиб, улардан 155 таси шаҳарларда ва 59 таси уездларда жойлашган<sup>1</sup>. Тадқиқотчи И.М.Мўминов тадқиқотида эса XIX аср охирилари – XX аср бошида Туркистонда 400 га яқин мадраса фаолият юритган,<sup>2</sup> деб қайд этилади.

К.П.Кауфманнинг подшога ва В.П.Наливкиннинг генерал-губернаторга тақдим этган ҳисоботларида ёзилишича, мадрасаларнинг эски бинолари ва вақф хўжалиги XIX асрнинг 80-йиллари бошигача империя ҳукуматининг “менсимаслик” сиёсати натижасида вайрон бўлган. 1884 йилдаги рўйхатда номлари келтирилган баъзи мадрасалар В.П.Наливкин томонидан тузилган (1891-1895) рўйхатда учрамайди. Бундан кўришиб турибдики, шу қисқа вақт ичида бир қанча мадрасалар ўз фаолиятини тўхтатган. Бироқ мазкур уч вилоятдан ташқари Каспийорти ва Етисув вилоятларида ҳам кам бўлса-да, мадрасалар фаолият юритган. Хусусан, 1902 йилда Каспийорти вилоятида 13 та мадраса бўлган<sup>3</sup>. Етисув ва Каспийорти вилоятларида мавжуд мактаб ва мадрасалар ҳақидаги маълумотлар В.П.Наливкин ҳисоботлари ва бошқа умумлашган маълумотлар берувчи ҳужжатларда учрамайди. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида XX аср бошларида Туркистон ўлкасида 400 га яқин мадрасалар фаолият юритганлигини таъкидлаш мумкин.

Туркистон ўлкасида мадрасалар асосан йирик шаҳарларда жойлашган бўлиб, XIX аср охириларида Қўқонда – 34 та, Марғилонда – 25 та, Самарқандда – 22 та, Андижонда – 18 та, Наманганда – 14 та, Тошкентда – 14 та ва Хўжандда – 10 та мадраса бўлган<sup>4</sup>.

Ўрта Осиё халқлари орасида ислом динининг ёйилиши ва ривожланишида қорихона ва далоийилхоналарнинг ҳам аҳамияти катта эди.

<sup>1</sup> Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX в. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – С. 15.

<sup>2</sup> Муминов И.М. Избранные произведения в 4-х томах. – Ташкент, 1976, Т.2. – С. 37.

<sup>3</sup> Обзор Закаспийской области за 1902 год. – Асхабад: Электронная библиотека К.М.Федорова, 1903 г.

<sup>4</sup> Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917). – Ташкент: Фан, 1997. – С. 179.

Қорихонага мактабни тугатган 10 ёшдан катта ўғил болалар ўқишга қабул қилинган. Қорихоналарда, асосан, Қуръон суралари ёдлатилган. Қуръондаги барча сураларни ёд айта оладиган бола қорихонани тугатган ҳисобланган<sup>1</sup>.

Қорихоналар, одатда мактаблар ва катта мазорлар ёнида очилган. Баъзан қорихоналар йирик мадрасалар ҳужраларининг бир қисмини эгаллаган.

Қорихоналар сони ҳақида Д.А.Айтмамбетов ва Т.Саидбоевлар тадқиқотларида қатор маълумотлар қайд этилади. Уларда таъкидланишича, 1892 йилда Фарғона вилоятида қорихоналар сони 252 та бўлса-да, ўқувчилар сони кам бўлган. Ҳар бир қорихонада ўртача 10 нафардан ўқувчи бўлган. 1897 йилда ўлкада қорихоналар сони 341 та<sup>2</sup>, 1899 йилда Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида 333 та бўлган<sup>3</sup>.

Қорихоналар моҳиятан аҳолининг ўрта ёшдаги қатламига Қуръонни ўргатишга ихтисослашган бўлиб, бу турдаги таълим масканлари ўтроқ аҳоли орасида кўпроқ ташкил этилган.

Шарқий Фарғонада мадрасада таълим олишга тайёргарлик кўраётган ёшларнинг қорихоналарда таълим олган ҳолатлари ҳам бўлган. Қорихонада Қуръон матнларини мустаҳкам ўзлаштириш мадрасада таълим олишга муҳим қулайлик яратган. Хива хонлигида оилали толибларнинг ўз оилалари билан яшаши учун мослаштирилган махсус қорихоналар ҳам мавжуд бўлган<sup>4</sup>. Келтирилган маълумотлар қорихоналар маҳаллий халқлар ҳаётида ҳам ижтимоий, ҳам маънавий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган таълим ва маърифат масканлари бўлганлигини кўрсатади.

Туркистонда ёши катта аҳолига диний тушунчалар ва билимлар беришга ихтисослашган яна бир турдаги таълим муассасаси ҳам мавжуд бўлиб, улар далоилхона деб аталган. Далойилхоналар диний мактаб бўлиб, унда ўқувчилар домла бошчилигида араб тилида ёзилган “Далойил-ул – хайрот” –

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. – Тошкент: Давлат миллий нашриёти, 2005. – Б. 110.

<sup>2</sup> Айтмамбетов Д.А. Дореволюционные школы в Киргизии. – Фрунзе, 1961. – С. 35.

<sup>3</sup> Саидбоев Т. Ислам и общество. – Москва: «Наука», 1978. – С. 251.

<sup>4</sup> Билялов Г.М. Из истории культуры и просвещения в Хорезме. – Ургенч, 1957. – С. 99.

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳақидаги ривоятлар ва диний қасидаларни ёд олганлар. “Далойил-ул – хайрот” XV асрда мусулмон ақоидшуноси Муҳаммад ибн Жузулий томонидан тузилган. Унинг матнлари 7 қисмга ажратилган бўлиб, ҳафта кунларига мослаштирилган ҳолда ёд олишга мўлжалланган<sup>1</sup>. Далойилхоналар кам учрайдиган муассаса эди. Хонликлар даврида Тошкентда ҳам далойилхоналар бўлган. XX аср бошида Туркистонда жами 10 га яқин далойилхона бўлиб, уларда 100 га яқин ўқувчи таҳсил олган<sup>2</sup>. Далойилхоналарда 3 дан 35 тагача талаба таҳсил олган<sup>3</sup>. Россия ҳукмронлигининг сўнгги йилларида атиги 4-5 та далойилхона сақланиб қолган бўлиб, уларнинг 2 таси Андижонда, 1 таси Марғилонда, 1 таси Қўқонда жойлашган эди. “Далойил-ул – хайрот” матнларини ёд олиш учун одатда бир йил вақт керак бўлган. XX аср бошида Андижон далойилхоналарида ўқишга қабул қилинган ва вақф даромадидан мояна олиб турган, оилали ўқувчилар бўлиб, улар домладан уйга вазифа олганлар ва уни топшириб кейинги вазифани ўзлаштиришга ўтган<sup>4</sup>. Айтиш мумкинки, далойилхоналар фаолияти ўрта ёшдаги аҳоли вакилларининг диний билим эгаллашларига қаратилган таълим муассасаси эди.

Юқорида келтирилгандек XIX аср ўрталарида Туркистонда турли шаклда, кенг тармоқли маҳаллий таълим тизими мазмунан кўп асрлик анъаналар асосида шакллангани ҳолатида мустамлакачи тузум, янгича иқтисодий муносабатлар, қолаверса, давр талаби даражасида эмас эди. Бироқ, XIX аср сўнгги чорагидан бир томондан, турли мамлкатларда бўлиб жаҳон маънавий-маданий тараққиётини кўрган миллий зиёлилар, иккинчи томондан, маърифатпарварлик ғоялари таъсирида ўлкада қолоқлик, мустамлакачилик зулмидан қутулиш, тараққиётга халққа маърифат бериш орқали эришишни кўзлаган жаҳидчилик ҳаракати юзага келди. Маҳаллий

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. – Тошкент: Давлат миллий нашриёти, 2002. – Б. 183.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-1, р. 18, 29 иш, 574-варақ.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. И-1, р. 18, 29 иш, 563-орқа варақ.

<sup>4</sup> Ўз МДА, ф. И-1, р. 18, 29 иш, 566-варақ.

зиёлилар орасида маърифатпарварлик ғояларининг тарқалиши билан анъанавий таълимда ривожланиш бошланди. И.И.Умняковнинг фикрича, анъанавий таълимдаги ислохотлар мусулмон мактаблари ва умуман ислом турмуш тарзини ислох қилиш, диний мутаассибликка, саводсизлик ҳамда мусулмонлар тарқоқлигига қарши ҳаракат сифатида Туркияда шаклланган<sup>1</sup>. Туркистонда ҳам ушбу ҳаракатнинг асосий мақсадлари юқоридагича эди. Лекин таъкидлаш жоизки, маърифатпарварлик ҳаракати, ёшларни ўқитиш ва тарбиялашни такомиллаштириш ғоялари Туркистонда XIX аср ўрталаридаёқ Аҳмад Дониш томонидан илгари сурилган эди. С.Айний А.Дониш фаолиятини тавсифлар экан: “Уни мактаб ва мадрасалар ўқув-услубий фаолиятини танқид қилганлиги учун кофир дер эканлар”, – деб ёзади<sup>2</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошларида мусулмон мактабларини ислох қилишни, қисқа вақт ичида бу борада катта ютуқларга эришган қрим-татар маърифатчиси И.Гаспиринский бошлаб берди. Ўз ютуқларини намоиш этиш билан бирга И.Гаспиринский маърифатпарварлик ғояларини империянинг бошқа ҳудудларида истиқомат қилувчи мусулмон аҳоли орасида тарқатишга интилди. Унинг ютуқлари Туркистонда жадинлар томонидан амалиётга кенг миқёсда татбиқ этилган.

Туркистон ўлкасида жадин ғояларининг тарқалиши, анъанавий таълим соҳасида ислохотчилик ҳаракатларининг бошланиши маҳаллий аҳолини зулмат ва илмсизликда сақлаб турмоқчи бўлган империя ҳукумати мафаатларига мос эмас эди<sup>3</sup>. Янги усул мактабларига нисбатан ўзининг муносабатини шакллантирар экан, ўлка Ўқув ишлари бошқармаси ҳузуридаги махсус комиссия 1909 йилда “Фармойиш” ишлаб чиқиб, Ўқув ишлари бўйича бошқарманинг жадин мактаблари устидан назоратчилик функциясини мустаҳкамлади. 1912 йил 25 январда эса Туркистон генерал-

<sup>1</sup> Умняков И.И. К истории новометодной школы в Бухаре //Бюллетень САГУ. Вып. 16. Под. Ред. П.А.Баранова. – Ташкент, 1927. – С. 81-99.

<sup>2</sup> Долимов У. Туркистонда жадин мактаблари. – Тошкент, 2006. – Б. 10.

<sup>3</sup> Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – С. 25.



губернатори Туркистон ўлкаси вилоятлари инспекторлари ва Сирдарё вилояти ўқув муассасалари директориға ўқув маҳкамаларининг жаид мактаблари устидан назоратчилик ваколатларини мустаҳкамловчи 5 банддан иборат фармойишини эълон қилди. Империя ҳукумати янги усул мактабларини миллий маданиятни ўсишиға ёрдам беришидан чўчиб, подшо ҳокимияти учун ҳатарли деб баҳоладилар. Шунинг учун уларнинг фаолиятини чекловчи турли тадбирлар кўрилди. Хусусан, 1911 йилда маҳаллий миллат мактабларида (рус-тузем мактабларидан ташқари) ўқувчилар қайси миллатдан бўлса, муаллимлар ҳам шу миллатлардан бўлиши лозим деган қарор қабул қилинди. Шу қарор асосида татар муаллимлари ишдан бўшатилиб, бир неча ўнлаб янги усул мактаблар ёпиб кўйилди<sup>1</sup>. Туркистон ўлкаси маъмурияти томонидан қўлланилган чоралар натижасида 1910-1911 ўқув йили давомида 50 дан ортиқ янги усул мактаби фаолиятиға чек кўйилди. Лекин бу турдаги мактаблар сони ўсиши давом этди<sup>2</sup>. 1918 йилгача Ўзбекистон ҳудудида 104 та “янги усул” мактаб бўлиб, уларда 10343 нафар ўқувчи таълим олган<sup>3</sup> (3-илова).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Туркистонда мавжуд мусулмон таълим муассасаларида диний билимлар билан бирға қисман дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Таъкидлаш жоизки, кўплаб мустамлака ва совет даври ҳамда чет эл адабиётларида мусулмон мактаб ва мадрасаларида ягона тизим асосида шаклланган ўқув дастурлари мавжуд бўлмаганлиги ҳақида маълумотларни учратамиз. Бироқ айнан ўша адабиётларнинг маълумотлари ўзаро солиштирилганда ўтроқ аҳоли – ўзбеклар, тожиклар ва кўчманчи қирғиз, туркман, қорақалпоқ халқлари орасида мавжуд бўлган мактаблар таълим дастурлари кўп ҳолларда бир-бирини такрорлашлари, мос келиши ҳам қайд қилинган<sup>4</sup>. Демак, мусулмон таълим масканларида давлат томонидан

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. – Тошкент: Давлат миллий нашриёти, 2005. – Б. 384.

<sup>2</sup> Айтмамбетов Д.А. Дореволюционные школы в Киргизии. – Фрунзе, 1961. – С. 39.

<sup>3</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. – Тошкент: Давлат миллий нашриёти, 2005. – Б. 384.

<sup>4</sup> Қаранг: Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. – Ташкент, 1896; Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане 1865-1924 гг. – Ташкент, 1960;

тасдиқланган дастурлар ёки низомлар асосида таълим берилмаса-да, ушбу масканларда барча мусулмонлар учун умумий бўлган, асрлар давомида анъана тарзида ривожланиб келган тушунчалар, ўқув адабиётлари асосида ўқитилган. Бироқ, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига келиб анъанавий таълим мазмунан талабга жавоб бермай қолган эди. Хусусан, ўлкани Россия империяси томонидан забт этилиши натижасида европача таълим билан маҳаллий таълимни бир-бири билан таққослама ҳолати вужудга келган. Ана шу ҳолатда, маҳаллий таълим анъаналари давр талабларидан ортда қолганлиги маълум бўлиб қолди.

Анъанавий таълимда циклик услуб қўлланилиб, бир китоб ўзлаштирилгандан сўнг иккинчисига ўтилган. Бунда ҳар бир китобнинг ўзлаштирилиш муддати ўқувчи қобилиятига боғлиқ эди. Бу билимлар хўжалик, суд ва маъмурий ишларни юритишда асқотган. Лекин тараққиёт бир жойда тўхтаб қолмади. XIX аср ўрталари – XX аср бошида Туркистонда империя бошқарув тизимининг жорий этилиши, янгича иқтисодий муносабатлар кириб келиши натижасида анъанавий таълим муассасаларида берилган билимлар янги иқтисодий, суд-ҳуқуқ муносабатлари шароитида яроқсизлиги, янги талабларга мослашишга интилаётган ўлка жамоатчилигининг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондира олмаслиги маълум бўлди. Бунга сабаб мактаб ва мадрасалардаги таълим-тарбия бериш усул, дастур ва воситалари асосан ривожланган ўрта асрларда тузилганлиги бўлиб, уларни ислоҳ этиш, янгича ташкил этиш замон талабига айланган эди.

Туркистонда империя ҳокимияти ўрнатилиши билан анъанавий таълим муассасаларининг маҳаллий аҳоли ҳаётидаги аҳамиятини пасайтириш, мусулмон таълим тизимини 1875, 1893 йиллардаги қонунлар, 1879, 1906, 1907 ва 1911 йиллардаги қўлланмалар асосида кучсизлантиришга қаратилган сиёсат олиб борилса-да, империя маъмурияти мавжуд маҳаллий таълим

---

Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX в. Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981; Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (кон XIX – начало XX). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998.

муассасаларини бутунлай йўқ қилиш ва улар ўрнига янги турдаги таълим масканларини ташкил этишни режалаштирмаган эди. Чунки мустамлака маъмуриятида ўлкадаги мактаб ва мадрасаларнинг кенг тармоғини йўқ қилиб, уларнинг ўрнига янги таълим муассасалари тизимини жорий этиш салоҳияти мавжуд эмасди. Бинобарин, бу туб ерли халқларнинг ўзига хос маданияти ва турмуш-тарзи шароитида мумкин бўлмаган тадбир эди. 1886 йилги Низомга кўра мусулмон жамоаларига эркин мактаблар ташкил этиш ҳуқуқи берилганлиги фикримизнинг исботи бўла олади. Яна таъкидлаш муҳимки, маҳаллий аҳолининг нисбатан саводсизлиги империя манфаатларига мос эди.

Туркистондаги империя маъмурияти ўлкада рус таълим муассасалари тизимини жорий этиши, маҳаллий таълим муассасалари аҳамиятини пасайтириш орқали туб ерли халқларни ғоявий жиҳатдан бўйсундириш сиёсатини амалга оширишга ҳаракат қилса-да, ўлкада аҳоли талабларига мос равишда анъанавий таълим масканлари ташкил этилаверди. “Янги усул” мактабларини жорий этилиши рус таълим муассасаларига маҳаллий аҳоли эътиборини сусайтирди.

XIX аср 80-йилларига келиб Туркистон ўлкасидаги халқлар таълими бир томондан маҳаллий халқлар орасида рус тили ва маданиятини тарқатишга интилган империя ҳукумати, иккинчи томондан миллий маънавият ва ўзликни юксалтиришга интилган маърифатпарварлар ўртасида ғоявий кўраш кураш майдонига айланди. Ана шундай мураккаб сиёсий-ижтимоий вазиятда ўлкада таълим тизими янги тараққиёт босқичига кўтарилди бошлади.

## **Россия империясининг Туркистондаги анъанавий таълим тизимига муносабати**

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон халқлари ҳаётида Россия империясининг ҳарбий юришлари натижасида ўлканинг забт этилиши, янги ҳокимият ўрнатилиши билан аҳоли турмуш тарзи аста-секин ўзгариб, янги ҳуқуқий, сиёсий, маънавий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар гирдобига тортилди.

Ўрта Осиё халқларини Россия империясига бўйсундиришда ўлкада империя бошқарув тизимининг жорий этилиши энг биринчи вазифалардан бири эди. Ундан ташқари, ўлкани иқтисодий жиҳатдан ўзлаштириш мақсадида ташкил этилган турли шаклдаги корхоналар фаолияти учун рус тилини ва қатор малакаларга эга бўлган мутахассислар талаб этиларди. Ташкил этилган рус таълим муассасаларидан кўзланган мақсадлардан бири талаб этилган мутахассисларни тайёрлаш ҳам эди.

Туркистонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида мустамлакачи ҳукумат “руслаштириш” сиёсатини олиб борди. Бу сиёсатнинг бир йўналиши сифатида ўлкада рус таълим тизимининг жорий этилиши ҳокимият вакиллари олдида турган муҳим вазифага айланди. Рус таълим муассасалари ёрдамида маҳаллий аҳоли вакилларида келажакда мустамлака тузум сиёсатига хизмат қилувчи содиқ кишиларни тарбиялаш режалаштирилган эди.

Энг аввало, ўлкада рус таълим муассасалари тизимини шакллантириш ҳамда маҳаллий аҳоли орасида рус тили ва маданиятини тарқатиш таълим ислоҳотларидан кўзланган биринчи даражали мақсад сифатида белгиланган. Бироқ ўлкада асрлар давомида фаолият юритаётган анъанавий мактаб ва мадрасалар бунга тўсқинлик қилмоқда эди.

Империяни янги этномаданий хилма-хилликка эга бўлган фуқароларини ягона давлат миқёсида бирлаштириш, империяни мустамлакачилик манфаатларини илгари суриш, этник муносабатларни тартибга солиш,

замонавийлаштириш сиёсати суръатини тезлаштириш, ислом муҳитига Россия таълими элементларини сингдиришда Россия империяси Халқ маорифи вазирлигининг 1870 йилда қабул қилинган Ўқув бўлимини ташкил этиш бўйича Лойиҳаси устувор аҳамиятга эга бўлди.

Россия империяси ҳукмронлиги даврида ўлкада янги типдаги рус таълим тизимини яратиш бир неча босқичда амалга оширилди. Жумладан, таълим соҳасидаги ишларнинг биринчи босқичи 1867 йилдан то XIX асрнинг 80-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олиб, империя маъмурияти томонидан ўлкадаги русийзабон аҳоли болалари билан бирга маҳаллий аҳоли болалари таълим олиши мумкин бўлган рус мактаблари ташкил этилиши билан биргаликда маҳаллий таълим тизимига нисбатан “менсимаслик” сиёсати қўлланилган. Иккинчи босқич XIX аср 80-йиллар ўрталаридан XX аср бошигача бўлган даврни ўз ичига олган. Бу даврда маълум маънода маҳаллий аҳоли эътиборини қозона олган рус-тузем мактаблари ташкил этилган. Улардаги таълим усуллари туб ерли аҳоли таълим анъаналарига яқинлаштирилди. Шу билан бирга, ўрта таълим ва касб-ҳунар таълими муассасалари ташкил этилди. Бу даврда муваффақиятсиз бўлса-да, мусулмон таълим муассасалари устидан қатъий назорат ўрнатишга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилган. Учинчи босқич XX аср бошидан 1917 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда маҳаллий ва рус маърифатпарварлари томонидан ўлкада таълим тизимларини кенг миқёсдаги ислоҳ этиш, таълим ва тарбия бериш усулларини замонавийлаштиришга қаратилган лойиҳа ва таклифлар илгари сурилди. Ундан ташқари, XIX аср охирларидан ўлка бўйлаб кенг тарқала бошланган жадид мактабларига нисбатан улар мавқеи ва таъсирини кенгаймаслигига қаратилган қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қатор чекловлар жорий этилди. Бошланғич ва ўрта таълим муассасалари тармоғи кенгайиши билан бирга улардаги таълим дастурлари ҳам империя манфаатларига мос равишда такомиллаштирилиб борилди. Жадидлар томонидан ташкил этилган “янги усул” мактаблари миллий таълим тизимини

тубдан ислоҳ қилишга қаратилган илк қадамлар бўлишига қарамасдан, империянинг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатига қарши хавф туғдира олди. Империя маъмурияти томонидан маҳаллий маърифатпарвар зиёлилар фаолияти тазийқ ва сиқувлар остига олинди.

Туркистон ўлкаси босиб олинishi билан бу ерга Россия марказий худудларидан ҳарбийлар, инженерлар, врачлар, турли соҳа бўйича мансабдорлар ва уларнинг оилалари кўчиб кела бошлади. Улар учун янги шаҳарлар барпо этилди, мавжудларида эса рус тилида сўзлашувчи аҳоли яшаши кўзда тутилган янги шаҳар қисмлари ажратилди. Биринчи навбатда ушбу оила фарзандлари, кейинчалик маҳаллий аҳоли болалари учун рус таълим муассасаларини ташкил этиш режалаштирилди.

1869-1870 йилларда Халқ маорифи вазири Д.А.Толстой раҳбарлигида Волгабўйи, Урал, Сибир ва Қрим аҳолиси орасида бошланғич мактаблар тизимини кенгайтириш лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида рус бўлмаган халқлар таълимига нисбатан маориф соҳасидаги сиёсатнинг асосий ғоялари

Ғайритаъба - инородец (инородческий) – Россия империясида: Шарқ, асосан, Россия чекка минтақаларидаги кам сонли миллатлар. – Ожегов С.И. Словарь русского языка. – Москва: Русский язык, 1986. – С. 91.

шакллантирилди. Унда: “Бизнинг Ватанимиз сарҳадларида яшовчи барча \*ғайритаъбаларни ўқитишдан асосий мақсад, шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан аралашшидир”,<sup>1</sup> – деб қайд этилган эди. Ўрни империя ҳукумати рус таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларга маҳаллий аҳоли вакилларини жалб этиш орқали келажакда туб ерли халқларни рус ҳукуматига ғоявий жиҳатдан тўла бўйсундиришга эришишни кўзлар эди.

1870 йил мартда Маориф вазирлиги ишлаб чиққан лойиҳа асосида “Россияда истиқомат қилувчи ғайритаъбалар таълими учун тадбирлар

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 382 иш, 8-варақ.

тўғрисида<sup>1</sup>ги Қонун қабул қилинди. Вазирликнинг ушбу тартиблари 1870 йилда генерал-губернатор К.П.Кауфман буйруғига биноан ташкил этилган махсус комиссия лойиҳасида ўз аксини топди.

1870 йил 26 мартдаги Россия империя Халқ маорифи вазирининг ҳукуматга тасдиқлатган маърузасида мавжуд ва келажакда ташкил этиладиган мактаблар ва мадрасаларда мусулмон жамоалари ҳисобидан рус синфларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланган таклиф амалиётга тадбиқ этилмаган<sup>2</sup>.

Мустамлакачи ҳукуматнинг таълим сиёсатида белгиланган мақсадлар расман эълон қилиниб, мусулмонларнинг диний масалаларига қатъий аралашмаслик тамойилига амал қилинган ҳолда амалга оширила бошланди. Бу ҳукуматнинг мусулмон диний таълим муассасалар назоратини амалга оширишга бўлган интилишларидан ташқари, ўлкада православ динини тарғиб этишнинг ҳар қандай усул ва воситаларидан воз кечишини англатар эди. Империя барқарорлиги омили сифатида қаралган ўзгаларнинг миллий ва диний қадриятларини намойишкорона ҳурмат қилиш сиёсатини Россия Буюк Британиядан ўзлаштирган<sup>3</sup>. Шунга қарамай, мазкур сиёсат қўлланиши оқибатида минтақада рус таълим тизимларини тарғиб қилиш муваффақиятсизликларга учради. Чунки анъанавий таълим ўлка халқлари диний ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Диннинг дахлсизлиги ва маҳаллий таълим фанлари асосида диний билимларнинг мужассамлашганлиги маҳаллий халқлар таълим анъаналарига ёт бўлган рус таълим масканларига туб ерли халқлар вакиллари жалб этиш имкониятини камайтирарди.

XIX асрнинг 70-йилларигача Перовск форти, Казалинск, Чимкент, Самарқанд, Петро-Александровск, Каттакўрғонда рус аҳолиси сонининг

<sup>1</sup> Сборник постановлений по Министерству народного просвещения. Т. IV.

<sup>2</sup> Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сырдарьинской области. – Т., 1916. – С. 40.

<sup>3</sup> Сумарокова О.Л. История Российского образования в Киргизии и роль в нем русского языка (1860-е – 1917 гг.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Бишкек, 2009.

ошиб бориши натижасида бошланғич рус таълим муассасаларига бўлган талаб ошиб борар ва шу давргача ҳам бошланғич рус мактаблари мавжуд бўлиб, улар муайян режаларсиз, асосан, рус аҳолисининг таълимга бўлган кечиктириб бўлмас талабларини қондиришга қаратилган эди<sup>1</sup>. Бу даврда подшо маъмурияти ўлкада асрлар давомида фаолият юритиб келаётган анъанавий таълим муассасаларига нисбатан ўз муносабатини шакллантирди: подшо маъмурияти таълим-тарбия орқали маданияти ва диний эътиқоди жиҳатидан бир-бирига ёт бўлган рус ва маҳаллий халқларнинг ўзаро яқинлашуви ҳамда келажакда туб ерли халқларнинг рус маданияти таъсирига тушиб қолишига умид боғлаган.

1873 йилда К.П.Кауфман томонидан подшо ҳокимиятига тақдим этилган “Туркистон ўлкасида ўқув бўлимини ва халқ таълимини ташкил этиш” лойиҳаси таълим ислоҳоти йўлида қўйилган жиддий қадамларнинг бошланиши эди. Мазкур лойиҳада ҳам ўлкада жорий этиладиган таълим тизими рус манфаатлари асосида, диний характерга эга бўлмаган ҳолда бўлиши кераклиги таъкидланади. Рус мактаблари тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён этар экан К.П.Кауфман: “Туркистон ёшларининг рус болалари билан бирга ўқитилиши, ғайритаъба болалар фикрлашидаги фарқни йўқотган ҳолда, босиб олинган ўлка ассимиляциялашувида ижобий натижаларга олиб келади”<sup>2</sup>, – деган фикрларни ўртага ташлаган эди. Ўлкадаги ўтроқ ва кўчманчиларнинг турмуш – тарзи ва дунёқарашларда мавжуд фарқни англаган Кауфман, ўқитишда кўчманчиларни ўтроқ аҳолидан “ажратиш”ни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган<sup>3</sup>.

Ҳарбий вазир Д.А.Милютинга лойиҳани тақдим этаркан К.П.Кауфман Туркистон ўлкасини уч миллион аҳолисидан 2/3 қисми кўчманчилар экани ва бу халқлар руслар билан яқинлашиши эҳтимоли юқорилигини таъкидлаб:

<sup>1</sup> Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1916. – С. 3.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-1, р. 11, 1 иш, 14-варақ.

<sup>3</sup> Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. – Ташкент, 1896. – С. 5.



“Биз, энди, маълум келажакка қолдирмасдан улар орасида рус фуқаролигини тарқатишимиз керак ва бизнинг зиммамизда турган кўчманчиларни маданий халқлар оиласига киритишдек инсоний бурчни бажаришимиз, иккинчидан, кўчманчилар турмушига сингиб бораётган ислом таъсиридан уларни ажратиб, ўзимизга яқинлаштиришимиз мумкин”<sup>1</sup>, – деб ёзган эди.

Уезд мактаблари – икки йиллик ўқитишга мўлжалланган билим юртлари бўлиб, уезд ва губерния шаҳарларида ташкил этилган ва шаҳарлар аҳолисининг қуйи қатламлари – ҳунарманд, майда савдогарлар болалари учун мўлжалланган. Бу билим юрти ўқувчиларни империяга содиқлик руҳида тарбиялаш ва амалий фаолиятга тайёрлашни мақсад қилган эди.

Лойиҳа бўйича Туркистоннинг кўчманчилар истиқомат қилувчи даштларида **\*уезд мактаби** қуйи босқичи дастури асосида **саводхонлик мактабларини** очиш режалаштирилган. Ушбу мактабларда уезд мактабларининг тўрт йиллик

курсларини тугатганлар ўқитувчилик қилиши мумкин эди. Христиан дини ақидаларини ўқитиш фақатгина христиан болалар учун рухсат этилиб, ҳукумат мактабларида ислом ақидаларини ўқитиш тақиқланган эди<sup>2</sup>. Мактабларда асосан рус тили ва арифметика ўқитилган. **Тўрт йиллик мактабларда** бу фанлардан ташқари география ва ҳунармандчиликда кўлланилувчи чизмачилик ҳам ўқитилиши мумкин эди. Маҳаллий аҳоли вакиллари учун рус алифбосида она тилини ўқитиш мумкин бўлиб, русларга маҳаллий тилларни ўргатиш мажбурий эмасди.

Шу билан бирга, лойиҳада маҳаллий аҳоли болаларини жалб этиш учун **халқ мактабларида** ҳунарларга ўқитишни йўлга қўйиш режалаштирилган. Умумий гимназия таълимини олиш истагида бўлган мансабдор, савдогар ва бошқа шахсларнинг фарзандлари учун Туркистон ўлкасида гимназияларни ташкил этиш режаси лойиҳада ўз аксини топди. Шунингдек, мазкур лойиҳада қизларни таълим жараёнига жалб этиш ва таълим муассасалари бошқарувини ташкил этиш борасида ҳам таклифлар киритилган эди<sup>3</sup>. Бундан кўриниб

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 57 иш, 37-орқа варақ.

<sup>2</sup> Устройство учебной части в Туркестанском крае // Голос. 1875. № 9.

<sup>3</sup> Устройство учебной части в Туркестанском крае // Голос. 1875. № 9.

турибдики, ўлка маъмурияти Туркистонда ташкил этиладиган мактаблар олдига қуйидаги вазифаларни қўйган эди:

1. Маҳаллий аҳоли диний қадриятларини камситмаган ҳолда Россия империяси ҳукмрон доираси манфаатларига тўла мос равишда таълимни олиб бориш;

2. Таълим соҳасидаги сиёсатни ҳукмрон мафкура талабларига мослаштириш;

3. Анъанавий таълим аҳамиятини пасайтириш орқали маҳаллий аҳоли дунёқарашига рус маданиятини сингдириш.

1873 йилги лойиҳанинг ғоявий асосида империя томонидан маҳаллий аҳолига нисбатан қўлланиладиган маданий сиёсат яширинган эди. Унда келтирилган таклифлар ўлкадаги подшо маъмуриятини туб жой халқларини бошқариш ва итоат эттириш борасида стратегик сиёсий мақсадларини аниқлаб олганлигини кўрсатиб берди. Хусусан, ўлка маъмурияти таълим сиёсати орқали маҳаллий аҳоли орасида анъанавий таълимнинг аҳамиятини пасайтириш, рус тили ва маданиятини сингдириш, кўчманчи халқларни ўтроқ аҳолидан ажратган ҳолда рус халқи билан яқинлашувига эришиш мақсадларини амалга оширишни режалаштирган эди.

1873 йилда тақдим этилган махсус лойиҳа Ҳарбий вазирлик томонидан тасдиқланди, Маориф вазири Д.А.Толстой эса гимназиялар ва ўқитувчилик семинарияси очилишини маъқулласа-да, овулларда саводхонлик мактаблари очилишига қарши чиқди. Молия вазири М.Х.Рейтерн ўқитувчилар семинариясининг очилиши вақтли деб, уни давлат хазинасидан молиялаштиришга қарши чиқди ва умуман Туркистон ўлкасидаги халқ таълимини вақфлар ҳисобидан молиялаштиришни таклиф этди. Бунда М.Х.Рейтерн “халқ таълими халқнинг иши”<sup>1</sup> деган фикрни илгари сурди. Бу ҳолат юзасидан К.П.Кауфман Ҳарбий вазир Д.А.Милютинга юборилган баёнотида мазкур таклифга қарши чиқиб: “Биринчидан, бу тадбир халқ

<sup>1</sup> История России XIX – начала XX века. Учебник. – Москва; «Проспект», 2006. – С. 480.

норозилигига сабаб бўлади, иккинчидан, мусулмон мактабларининг барчаси хусусий мулк ҳисобидан молиялаштирилади ва молиялаштириш манбаларини ҳар қандай шаклда бўйсундириш маҳаллий аҳоли томонидан бировнинг дахлсиз мулкига тажовуздек қабул қилинади”<sup>1</sup> – деб таъкидлаган эди. Бу эса, албатта, маҳаллий аҳолини империя ҳукуматига қарши қилиб қўяр эди. Зеро, мусулмон таълим муассасаларига нисбатан генерал-губернатор К.П.Кауфман уларнинг ишига “аралашмаслик” тамойилини кўллаган эди. Ушбу масалада Туркистон аҳолиси ҳар жиҳатдан Россиянинг марказий ҳудудлари аҳолисидан фарқ қилишини асос қилиб олган ҳолда генерал-губернатор Маориф вазирлиги кўрсатмаларига амал қилмади. Маълум маънода К.П.Кауфман ҳақ эди. Маҳаллий зиёлилар томонидан бу масалада мустаҳкам нуқтаи назар мавжуд эди. Ҳусусан, 1906 йили М.Абдурашидхонов матбуотда миллий бирлик ва миллий уюшқоқликни тарғиб қилиб, маҳаллий аҳолидан йиғилган солиқ ҳисобига руслар учун замонавий мактаблар ташкил этилса-да, солиқ тўлаган мусулмон аҳоли учун рус маъмурияти томонидан махсус билим юртлари ташкил этилмаганлигига эътибор қаратади<sup>2</sup>. Бу тўғри эътироф эди.

Россия ҳукумати қонунига кўра 1875 йилда рус таълим муассасалари билан бирга маҳаллий аҳоли таълим муассасалари ҳам Туркистон генерал-губернаторлиги Ўқув ишлари бош бошқармасига бўйсундирилди<sup>3</sup>. Мазкур қонунга қушимча тарзда 1879 йилда Туркистон ўлкаси халқ билим юртлари инспекторлари учун алоҳида кўрсатма қабул қилинди<sup>4</sup>. Мазкур кўрсатмага биноан маҳаллий аҳоли мактабларини бошқаришда инспекторлар билим юртлари бош инспектори ва генерал-губернатор кўрсатмаларига амал қилиши керак эди. Бироқ К.П.Кауфман бошқаруви даврида мусулмон

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И - 47, р. 1, 57 иш, 39-варак.

<sup>2</sup> Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм. 1870-1917 йил ноябрь). Дарслик. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2009. – Б. 122-123.

<sup>3</sup> Т. XI Свода законов. Отделение второе. Об управлении учебными заведениями в Туркестанском крае. – С. 89.

<sup>4</sup> Толстой Д. Инструкция инспекторам народных училищ Туркестанского края. // Туркестанский сборник. Т. 341. – С. 59-66.

мактаблари устидан амалда назорат олиб борилмади. Унинг фикрича, маҳаллий мактаблар нафақат эътиборсиз қолдирилади, балки ҳукумат молиявий мададсиз улар умуман барбод бўлиши керак эди. Бу “менсимаслик” сиёсатининг бош ғояси эди.

Кейинчалик мактаб ва мадраслар фаолиятини назорат қилиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилса-да, уларни таълим дастурларига ўзгартириш киритилмади ва фаолиятини тўхтатишга қаратилган чоралар кўрилмади.

Туркистонда Ўқув ишлари бўйича бош бошқарма ташкил этилгандан сўнг рус ва маҳаллий аҳоли таълими учун мўлжалланган турли хил таълим муассасалари ташкил этила бошланди. Аввало, ўлкадаги рус аҳолиси манфаатларига хизмат қилувчи муассасалар жорий этилди. Тошкентда ўғил болалар ва қизлар гимназиялари, кейинчалик \*реал ва Мариин билим юртлари ўз фаолиятини бошлади. Барча шаҳарларда маҳаллий ўқувчиларга мўлжалланган интернатлари бўлган шаҳар билим юртлари, шаҳарлар ва рус манзилгоҳлари ривожланиши билан диний бошланғич мактаблар очилган.

1917 йилга қадар Россия империясида асосан математика ва табиий фанлар ўқитиладиган ўрта ўқув юрти. Уларда таълим моддий асоси яхши таъминланган ва К.Пален текшируви давомида ўқув ишлари юқори баҳоланган.

Туркистон ўлкаси бошқарувининг 1867 йил 7 ноябрдан 1881 йил 25 мартгача бўлган даври хусусида К.П.Кауфман императорга тақдим этган ҳисоботида: “... мадрасалар ҳали ҳам мусулмон ташвиқот марказлари сифатида аҳамиятга эга”<sup>1</sup>, - деб маълумот беради. Мадрасалар тайёрлаётган мутахассисларни таърифлаш билан бирга, уларнинг Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги ўрни муҳимлигини таъкидлайди. Мазкур ҳисоботда К.П.Кауфман мусулмон таълим муассасалари ҳам диний, ҳам сиёсий руҳга эга бўлганлиги

<sup>1</sup> Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. фон Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях туркестанского генерал-губернаторства 7. XI 1867 – 25. III 1881. (сост. П.И.Хомутов). – СПб., 1885, (VIII гл. отчета перепечатана в кн.: Кауфман К.П. Начальное народное образование в Туркестанском крае, 1881. – СПб., 1910. – С. 432.

туфайли уларнинг фаолиятини тўхтатиш империя ҳукуматига нисбатан маҳаллий аҳоли ғазабини уйғотиши, шу туфайли уларга нисбатан биргина тўғри муносабат – бу “менсимаслик”<sup>1</sup> сиёсати эканини яна бир бор таъкидлаб ўтади. Ўлкани биринчи раҳбарининг анъанавий таълимни тугатмаслик ва маҳаллий аҳоли диний ҳаётига аралашмаслик ҳақидаги қарашлари моҳиятан 1917 йилгача ўзгармай келди. Бу омил, ўз навбатида империя маъмурияти томонидан Ўрта Осиё халқларининг, ўзига хос турмуш – тарз, юксак маданиятга ва унинг мустаҳкам ғоявий негизлари кучлилиги тан олинганлигини билдиради. Ундан ташқари, бу стратегия империя томонидан Туркистон аҳолисига нисбатан ёппасига руслаштириш сиёсатини қўлланилмаслигини ва руслаштириш сиёсати империя маъмуриятининг ўлкадаги ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун восита бўлиб, бу сиёсат аҳолининг муайян қисмига мўлжалланганлигини ҳам намоён этган.

Туркистон рус кўшинлари томонидан босиб олинishi билан мактабдаги ўқитиш, мадрасалардаги таълим ва вақф мулкларини тасарруф этувчи раис, аълам ва мутаваллий лавозимлари тугатилди<sup>2</sup>. Бу эса мактаб ва мадрасалар фаолиятининг муайян даражада издан чиқишига сабаб бўлган.

Ўлкадаги рус маъмурияти тадбирлари натижасида Туркистондаги маҳаллий таълим тизимида сустлашув ҳолатлари содир бўлди. Яъни империя маъмуриятининг ҳаракатлари ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ўша давр расмий маълумотларига қараганда, мударрисларнинг ўзбошимчалиги, раислар назоратининг сусайиши туфайли ота-оналар болаларини мактабларга жўнатмай қўйдилар. В.П.Наливкин томонидан мутаваллийлар вақф даромадларини ўзлаштириши каби ҳолатлар бўлганлигига оид маълумотлар келтирилади<sup>3</sup>.

Лекин, мусулмон мактабларини “менсимаслик” сиёсатидан кўтилган

<sup>1</sup> Ўша асар. – С. 437-438.

<sup>2</sup> Исмаилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2004. – Б. 85.

<sup>3</sup> Қаранг: Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадраса Сыр-Дарьинской области в 1890/91 учебном году. – Ташкент, 1916.

натижаларга эришилмади<sup>1</sup>. Генерал-губернатор Н.О.Розенбах ва В.П.Наливкинларнинг таъкидлашларича, ўлкадаги империя маъмурияти зўр беришига қарамай анъанавий мактаб ва мадрасалар сони ошиб борган.

Маҳаллий болаларга барча рус таълим муассасаларида таълим олиш ҳуқуқи берилса-да, ҳеч бирида маҳаллий тил ёки исломий ақидалар ўқитилмаган. Шунинг учун ҳам, маҳаллий аҳоли рус таълим муассасаларига нисбатан ишончсизлик билдирган.

1884 йилгача туб ерли халқлар болалари учун ўлка Ўқув ишлари бош бошқармасининг шаҳар билим юртларида ҳунармандчилик синфлари ва гимназиялар ҳузурида интернатлар ташкил этиш тадбирлари маҳаллий аҳоли болаларини рус таълим муассасаларига кенг миқёсда жалб эта олмади. Шу сабабли XIX асрнинг 80-йиллари бошида рус мактабларида ўқиётган маҳаллий аҳоли болалари сони жуда ҳам кам эди. 1885 йил 1 январда уларнинг сони 176 та бўлиб, 14 таси ўғил болалар гимназиясининг интернатида, 10 таси ўқитувчилик семинария интернатида, 145 таси шаҳар билим юртлари интернатларида таҳсил олган ва қолган 7 таси қатнаб ўқиган<sup>2</sup>. Мазкур ҳолат XX аср бошларига қадар жиддий ўзгаришларсиз қолди.

Рус мактабларида маҳаллий аҳоли болаларини иштирокига тўсқинлик қилувчи яна бир жиҳат 1879 йил 13 январдаги ўлка халқ билим юртлари инспекторларига берилган кўрсатмага биноан мазкур мактабларда ислом дини ва араб алифбоси ўқитилиши тақиқланиши эди. Бу шароитда мусулмон болаларни рус ҳукумати мактабларига жалб этиш қийин эди. Ўқув масалалари бўйича бу каби қонун ва кўрсатмалар қабул қилиниши ўлкада рус таълимини оммалашувига тўсқинлик қилган.

С.М.Граменицкий таъкидлашича, ҳукумат мактабларига маҳаллий аҳоли болаларини оммавий равишда жалб этиш учун “ғайритаъба болалар давлат тилини ўрганиш орқали умуммаданий билимларни ўрганиши ва шу билан

<sup>1</sup> Остроумов Н.П. Что делать с новометодными мактабами? //Туркестанские ведомости, 1909. - №1.

<sup>2</sup> Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1916. – С. 11.

бирга она тили, ислом дини асосларини мусулмон мактабларида ўқитилганидек ўрганиши мумкин бўлган янги типдаги мактаблар ташкил этилиши зарур” эди<sup>1</sup>. XIX асрнинг 80-йилларида империя маъмурияти ва Ўқув ишлари бош бошқарма вакиллари орасида маҳаллий болалар учун “рус бошланғич мактаби ва маҳаллий мактаб симбиози”<sup>2</sup>ни ташкил этувчи янги универсал мактаб ташкил этиш гоялари илгари сурилади. Моҳиятан янги турдаги ушбу мактаблар “маҳаллий аҳолининг бир қисмини рус аҳолиси билан яқинлаштиришга хизмат қилиши керак”<sup>3</sup> эди.

И.И.Ильминский услуби лойиҳаси бўйича халқ мактабларида ўқувчилар миллатига тегишли бўлган ўқитувчилар биринчи бўлимда 2 йил давомида фақат ўқувчиларнинг она тилида ўқитишиб рус тили дарс сифатида ўтилган. Рус тилига ўргатиш дастлаб сўзлашувни ўргатишдан бошланган. Иккинчи бўлимда рус тили асосий машғулотларни олиб бориш тилига айланган. Шу тарика ўқишни тамомлаган ўқувчилар рус тили билан биргаликда кўпгина фанлар бўйича икки: она тили ва рус тилида билимларга эга бўлганлар.

Рус-тузем мактаблари —

Туркистонда янги турдаги мактаб бўлди. Мазкур мактабларда ўқитиш \*И.И.Ильминский услуби бўйича ташкил этилиб, унга кўра рус тили маҳаллий тил воситачилигида, таржима орқали ўрганилар эди. Фақатгина, Туркистонда ташкил этилган маҳаллий аҳоли учун мактабларда ўқитиш тизимида бошидан рус тили етакчи ўринга қўйилди.

Янги, аралаш турдаги мактабларнинг ташкил этилиши Александр III ҳукумати ҳамда ўлкадаги рус ва маҳаллий мактаблар ҳолатини ўрганиб чиқиб, таълим тизими ислоҳоти орқали ўлкада рус тили ва маданиятини сингдирилишига мусулмон таълим масканлари жиддий тўсқинлик қилаётганлиги ҳақида хулосага келган Н.О.Розенбах бошчилигидаги ўлка маъмурияти интилишларини қониқтирди.<sup>4</sup> Мазкур тенденция ўлкадаги Ўқув бошқарма раҳбарлари Ф.М.Керенский ва С.М.Граменицкийлар ҳамда маҳаллий аҳоли орасида рус тили тарқалишининг тарафдорлари бўлган бир

<sup>1</sup> Воспоминания С.Абдулгаффарова в кн.: Н.П.Остроумова, Саргы. Этнографические материалы. – Ташкент, 1890. – С. 107.

<sup>2</sup> Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. ... – С. 12.

<sup>3</sup> Қаранг: Савицкий А.П. Саттархан Абдулгаффаров – просветитель и демократ. – Ташкент, 1965.

<sup>4</sup> Очерки истории школы и педагогической мысли народов СССР. – Москва; Педагогика, 1991.– С. 14, 406.

гуруҳ аҳоли томонидан ҳам қўллаб-қувватланган<sup>1</sup>.

1884 йилда генерал-губернатор Н.О.Розенбах ўлкада мустамлака ҳукумат мавқеини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этувчи рус таълим муассасаларига маҳаллий болаларни жалб этиш ва рус мактаблари тармоғини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Гродеков бошчилигида “мусулмон ташвиқоти ва унинг, айниқса, кўчманчилар орасидаги ҳолати” масаласини ўрганиш учун махсус комиссия тузди. Ушбу комиссия: “Кўчманчи халқларга нисбатан бирон чора қўллашдан аввал ўтроқ аҳолига ва “қадимий мусулмончилик анъаналарининг жонбоз ҳимоячиларини тайёрловчи” мадрасаларга эътибор қаратиш керак”<sup>2</sup>, – деган хулосани берди. Бундан ташқари, комиссия мусулмон мактаблари аҳволини аниқ белгилаш ва уларни “рус давлати назоратига” бўйсундириш муҳимлиги ҳам таъкидлади. Бу борада Н.О.Розенбах маҳаллий мактабларга қарши “имкон борича эҳтиёткорлик билан” ҳаракат қилишни маъқул кўрди.

Шундай қилиб, анъанавий таълим муассасалари ва бошқа мусулмон диний маҳкамаларини “менсимаслик” сиёсатидан расман воз кечилган бўлса-да, амалда вақф мулклари назорат остига олинишидан ташқари уларнинг устидан деярли ҳеч қандай назорат ўрнатилмади. Яъни, К.П.Кауфман илгари сўрган маҳаллий аҳолининг диний ишларига аралашмаслик, анъанавий таълим тизимини йўқ қилишга қаратилган кескин чораларни қўлламаслик ва улар тизимини молиявий манбасиз ва ҳукумат кўмагисиз ўз-ўзидан барбод бўлишига эришиш империянинг ўлкадаги анъанавий таълим тизимига нисбатан муносабатида асосий мазмунни ташкил этиб қолаверди.

Туркистон аҳолиси орасида рус таълимини кенг тарқатиш мақсадида амалга оширилган, аввало, рус, кейин маҳаллий таълим анъаналарига яқинлаштирилган рус-тузем мактабларини ташкил этилиши, маҳаллий

<sup>1</sup> Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX в. Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – С. 57.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 4989 иш, 72-варак.



мактаб ва мадрасларни ўлкадаги ўқув инспекцияларига бўйсиндирилиши, вақфларни назоратга олиниши империянинг ўлкада юритган таълим сиёсатидан кўзлаган мақсадларига эриштира олмади. Бу борада камчиликларни бартараф этиш мақсадида 1887 йили Н.О.Розенбах Маориф вазирлигига мурожаат қилиб мусулмон таълим масканларига муносабатни такомиллаштириш борасида қуйидагиларни таъкидлайди:

1. Охирги пайтларда Туркистон Ҳиндистон томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Инглиз Ҳиндистонининг Деҳли, Бомбей ва бошқа йирик шаҳарларидан литографияларда араб ва форс тилларида чоп этилган адабиётлар юборилмоқда.

2. Маҳаллий аҳоли таълими борасидаги тадбирларимиз фақатгина рус-тузем мактабларини ташкил этиш билан чекланиб қолмоқда. Рус ҳукумати қўйган мақсадларга эришиш учун бунинг ўзи етарли эмас. Мадрасалар ҳаёти билан яқиндан танишиш, ёшларни мусулмон адабиёти ва шариатдан чалғитиш учун ўқув дастурларни Европа даражасида қайта ташкил этиш зарур.

3. Туркистонда мусулмон мактабларининг сони 4000 дан кам бўлмаган ҳолда уларда ўн минглаб ёшлар таълим олишмоқда. Қонун асосида биз уларнинг бошқарувини тўла қўлга олишимиз мумкин. Уларни эндиликда “менсимаслик” хатолик бўлади. Қозон ва Оренбург округларида бўлганидек мусулмон мактаблари инспектори лавозимини жорий этиш зарур. Унинг зиммасига ўлкадаги мусулмон таълим муассасалари аҳволи, сони ҳақида аниқ маълумотлар тўплаш, уларнинг фаолиятига фойдали ва керакли бўлган ўзгаришларни киритиш вазифасини юклаш лозим<sup>1</sup>.

Бу таклифлар ўлка мустамлака маъмуриятининг миллий таълим масалаларига нисбатан қўллаб келаётган таълим сиёсатидан кўзланган стратегик мақсадлар рўёбга чиқмаётганлиги натижасида Туркистонда Россия империяси таълим сиёсатининг янги йўналиш олишини англатар эди.

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И– 47, р. 1, 4989 иш, 68-68-орқа варақлар.

1890 йили халқ билим юртлари бўйича 3-инспектор лавозими жорий қилиниб, унга В.П.Наливкин тайинланган. Бу вақтга келиб Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари бўлиб, улар ҳудудидаги ҳам рус, ҳам мусулмон таълим муассасаларини назорат қилувчи 3 та инспектор фаолият юритарди. Улар ўз фаолиятида мусулмон мактаб ва мадрасларини умуман назорат қилмас ва қила олмас эдилар<sup>1</sup>. Ушбу лавозим жорий этилиши ўлка маъмуриятига маҳаллий мактабларни яқиндан назорат қилиш имкониятини яратди.

1890-1893 ўқув йиллари давомида В.П.Наливкин шахсан Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари мадраса ва мактабларини ўрганиб, улар фаолиятида амалий иштирок этди. Ўз кузатишлари асосида Ўрта Осиёда мадрасалар аҳволи, мактаблар ва қорихоналар ҳақида батафсил ҳисобот тайёрлади. Мазкур ҳисоботда анъанавий мусулмон таълим масканларини ислоҳ қилиш орқали уларнинг ўқитиш усул ва дастурларига рус тили ва маданиятини киритиш ҳамда шу орқали таълимдан кўзланган мақсадларга эришиш таклифлари киритилган эди.

\*В.П.Наливкин ўзбек тилида араб грамматикаси китобини тузиш, ислом диншунослиги ва ҳуқуқшунослиги бўйича барча қўлланмаларни ўзбек тилига ўгириб, мадрасалар ўқув ҳаётини ислоҳ этиш, ислоҳ этилган мадрасаларда рус тилида арифметика ва бошқа замонавий умумтаълим фанларини ўқитиш,

В.П.Наливкиннинг мактаб ва мадрасалар фаолияти бўйича таклифлари унинг ҳисоботларида ўз аксини топган. Унинг биринчи ҳисоботи 1916 йил Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткин буйруғи билан нашр этилган. Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадраса Сыр-Дарьинской области в 1890/91 учебный год. – Ташкент, 1916. – С. 87.

ўқувчилар ва мударрислар таркибини яхшилаш, кўп асрлар олдин араб ва форс тилларида тузилган адабиётларни ўрнига ўзбек тилида дарсликлар яратган ҳолда ўқитишни ташкил этиш каби қатор таклифларни киритган.

В.П.Наливкин мадрасалар

<sup>1</sup> Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1916. – С. 46-47.

фаолиятини ислоҳ этиш учун босқичма-босқич ўқув режасини ўзгартириш ва уни ҳукумат манфаатларига мослаштиришни таклиф этиб, рус тили ўқитувчилари меҳнатини молиялаштиришда вақфлар даромадидан фойдаланишни таклиф этган<sup>1</sup>. Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳарбий губернаторлари ўз тажрибаларидаги кузатишлардан хулоса қилиб, рус тили курсларига қайғули келажакни башорат қилишди. Улар: малакали ўқитувчилар ва дарс бериш учун керакли адабиётлар йўқлиги ҳамда маҳаллий аҳолининг рус тилидан манфаат изламаслигини таъкидлашиб, туб аҳоли ушбу курсларда иштирок этмаслигини айтишган<sup>2</sup>. Рус тили ўқитувчисига вақф мулклари даромадидан иш ҳақи тўлаш масаласида ҳар иккала ҳарбий губернатор бу тадбирни, мусулмонлар нуқтаи назаридан “одобдан ташқари, қалтис ва ҳатто ноқонуний”<sup>3</sup> деб баҳолашиб, бунга қарши чиқдилар.

Шундай қилиб, В.П.Наливкиннинг 6 йиллик фаолиятида мадрасаларда рус тили ўқитилмади, мактаблар ҳам ислоҳ этилмади. В.П.Наливкиннинг лойиҳаларини амалга ошириш билим юртлари бош инспектори Ф.М.Керенский, ислом пешволаридан ҳайиққан ҳарбий губернаторлар томонидан қўллаб-қувватланмади. Мадрасалар кутилмаганда Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори Н.А.Ростовцев ва Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Н.И.Корольковлар тимсолида ўз ҳимоячиларига эга бўлдилар.

В.П.Наливкин ўз кузатишлари натижасида “менсимаслик” сиёсатининг дастлабки йилларида кўзга ташланган мусулмон мактабларининг заифлашуvidан сўнг янги мактаблар очила бошлангани, улардаги ўқувчилар сони ўса бошлаганини аниқлаган.

Подшо мансабдорлари орасида тортишувлар натижасида 1895 йилда мусулмон мактаблари бўйича махсус инспектор лавозими бекор қилинди. Бу

<sup>1</sup> Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадраса Сыр-Дарьинской области в 1890/91 учебном году. – Ташкент, 1916. – С. 88.

<sup>2</sup> Думенко М.Ф. Русско-туземные школы Туркестана. – Ташкент, 1957. – С. 5.

<sup>3</sup> Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестана (1867-1917). – Ташкент, 1997. – С. 167.

эса мактаб ва мадрасалар ислохотининг орқага сурилишига олиб келди. Бироқ В.П.Наливкин қисқа фаолияти давомида баъзи мадраслар фаолиятига оид баъзи ўзгартиришлар киритилди: 1891 йилдан бошлаб империя маъмурияти мадраса мударрисларини тайинлай бошладилар. Тартибга кўра мударрис танлови ҳақидаги ҳужжат район инспекторига юборилган, у эса ўз муносабати бириктирилган маълумотнома билан ўлка бош инспекторига тақдим этган ва бош инспектор хулосаси билан мударрис тайинланган<sup>1</sup>; 1894 йили “Туркистон ўлкаси мадраслари катта мударрисларига кўлланма” қабул қилинди<sup>2</sup>. У 25-моддадан иборат ҳужжат бўлиб, унда мадрасада мударрис, муқаррир, мутаваллий ва бошқа ходимлар, талабалар ўртасидаги муносабатлар, мадраса ўқув ва ҳўжалик ишлари назорати бўйича ходимларнинг вазифалари, бош мударриснинг район ўқув ишлари бўйича инспектори олдидаги вазифалари, ҳисобот бериш тартиблари, мавжуд ёки вужудга келган муаммолар юзасидан инспекторга мурожаат қилиш тартиби белгиланган. Ундан ташқари, мадраса талабаларининг ҳар бир босқичда 7 йилдан кўп ўқимасликлари, ҳар ўқув йили охирида бош ва бошқа мударрисларнинг талабаларни имтиҳон қилиш тартиблари белгиланган эди.

Ўлка халқлари ижтимоий ва маънавий ҳаётида диннинг катта аҳамиятга эгаллиги масаласи доимо империя маъмурияти диққат марказида бўлиб, ана шундай вазиятда ҳукумат минтақада ўзининг ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлаш йўллари кидирар эди. Бироқ мустамлака ҳукуматнинг ўлкадаги маданий ва диний сиёсати тадрижий ва тизимли хусусиятга эга эмас эди. Масалан, ҳукмронликнинг биринчи йилларида подшо маъмурияти ўлкадаги мусулмон руҳонийлари, Россия империяси сиёсий манфаатларига зид кучни яратувчи ўқув ва тарбия муассасаларига нисбатан уларнинг ишларига аралашмаслик ва намоёйишкорона “менсимаслик” сиёсатини қўллаган бўлса, XIX аср 80-йиллар ўрталаридан Н.О.Розенбах томонидан

<sup>1</sup> Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. – Ташкент, 1907. – С. 25

<sup>2</sup> Туркистон ўлкаси мадраслари катта мударрисларига кўлланма // Туркестанская туземная газета. 1894 йил 15-сон; Туркестанский сборник. Т. 418., – С. 194-203.

маҳаллий таълим муассасаларга нисбатан кескин назорат механизмини ишга тушириш ҳақида фикр илгари сўрила бошланган. 1898 йилги Андижон кўзғолонидан кейин эса мазкур йўналишдаги сиёсатда кескин ўзгаришлар рўй берди. Айнан ўша вақтда мусулмонларни маънавий уюштириш масаласи долзарб аҳамият касб этди ва минтақада ислом институтлари фаолияти ҳамда моҳияти ҳақидаги мавжуд тасаввурларга радикал тузатишлар киритиш талаб этилди. Мазкур масалада амалга оширилган тадбирлардан бири Ўрта Осиёда мусулмон руҳонийлари ва умуман ислом таъсирини камайтиришга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш учун генерал-губернатор С.М.Духовской ташаббуси билан генерал Н.А.Иванов<sup>1</sup> бошчилигида махсус комиссия тузилиши эди. Комиссия аъзолари томонидан мусулмонлар диний ишларининг бошқаруви ҳақида, мусулмон ўқув муассасаларини ва вақфларни бошқариш ҳақида ҳамда уларга кўрсатмалар каби таклифлар режалари ишлаб чиқилди<sup>2</sup>. Бунга қушимча комиссия рус мансабдорлари назорати остида бўлувчи мусулмонлар диний бошқармасини ташкил этишни таклиф этган. Н.П.Остроумов ҳам бу таклифни ёқлади. Бу фикрларга Сирдарё вилояти ўқув маҳкамаси раҳбари С.М.Граменицкий ва ўлка билим юртлари бош инспектори Ф.М.Керенскийлар қарши чикди. Улар ҳали ҳам “менсимаслик” сиёсатини маъқуллар эдилар. С.М.Духовской эса ягона мусулмонлар диний бошқармаси тарқоқ мусулмон руҳонийларини бирлаштиради ва уларни чет эл панисломистик ташкилотлари билан алоқа қилишларига шароит яратади, деган хулоса<sup>3</sup> асосида ўлкада мусулмон диний бошқармасини ташкил этишга рухсат бермади.

С.М.Духовскойнинг “Туркистонда ислом” номли императорга йўлланган ёзма маълумотида ўлкадаги барча диний бошқармаларни тугатиб, уларнинг

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-1 р. 11, 1724 иш, 16-16-орқа варақлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Проект устройства управления духовными делами мусульман Русского Туркестана. 1900 г. // Императорская Россия и мусульманский мир (конец XIX – начало XX в.): Сборник материалов. – Москва: Ноталис, 2006. – С. 194-221.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. И-1, р. 11, 1725 ва 1726 иш; ф. И-47, 2191 иш. Доклад Духовского царю и предварительные доклады Духовскому.

ишларини маҳаллий маъмуриятга топшириш таклиф этилади<sup>1</sup>. Туркистон генерал-губернаторининг фикрича, диний бошқармалар “русларга ва христианларга қарши ташвиқот”<sup>2</sup> ишида мусулмонларни уюштирувчи орган бўлиши мумкин эди. Империя бир қатор юқори маҳкамаларига тақдим этилган маълумотлар муҳокама этилгандан сўнг, исломни тартибга солиш бўйича амалиётда шаклланган услубни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида тўхтамга келинди<sup>3</sup>. Чунки С.Ю.Витте таъкидлаганидек: “Россия империясининг таълим сиёсати моҳиятан ҳукмрон зиёлилар позициясининг мусулмон Шарқида исломга тоқатсиз ва душманлик руҳида гавдаланиши Россия учун ғоят фойдасиз ҳолат”<sup>4</sup>, – эди.

Россия империяси маъмурияти томонидан маҳаллий халқ маданияти, ислом дини таянчи деб баҳоланган анъанавий таълим тизими юқори эътибор объектига айланди. Маҳаллий ўқув муассасалари фаолиятини тартибга солувчи қатор қонуний ҳужжатлар мавжудлигига қарамай, ўлка мустамлака маъмурияти мусулмон ташкилотлари устидан назорат қилишнинг режалаштирилган ва тадрижий тизимига эга бўлмаган ҳолда, уларнинг ишига фақатгина вақф ва уларнинг бошқаруви масалаларидагина аралашар эди<sup>5</sup>. Мустамлака маъмурияти 1886, 1891, 1902 ва \*1906<sup>6</sup> йилларда қатор қонун ва фармойишлар ишлаб чиқиб, уларга кўра вақф масалалари тўлалигича Россия империяси бошқарувида бўйсундирилди. Ҳатто уларнинг баъзиларига асос

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-1 р. 11, 1832 иш, 18-варақ.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-1, р. 11, 1832 иш, 7-варақ.

<sup>3</sup> Арапов Д.Ю. Система государственного регулирования ислама в Российской империи (последняя треть XVIII – начало XX в.). – Москва, 2004. – С. 173.

<sup>4</sup> Витте С.Ю. Воспоминания. Царствование Николая II. Т. 1-2. – М.-Л., 1923-1924. – С. 254.

<sup>5</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград: АН СССР, 1927. – С. 103.

\* 1906 йил 31 мартда империя ХМВ «Ғайритаъбалар билим юртлари ҳақида»ги қоидаларни қабул қилди. Унда, ғайритаъбалар ўқув китобларига рус транскрипциясини киритилиши (13-модда), барча ғайритаъбалар билим юртларини очиш ва ёпиш, таълим дастурларини танлашни ва умуман уларни ХМВ га бўйсундириш (32-36-моддалар) кўзда тутилган эди. Бироқ, аксарият мусулмон жамоачилиги бу қоидаларга норозилик билдиришиб, 1907 йил сентябр-октябр ойларида С.М.Граменицкий, Тошкент шаҳар қозиси Иброҳимбек Юсупбеков, Н.П.Остроумов ва бошқа бир қатор шахслар иштирокида комиссия тузилди. Мазкур комиссия фаолияти хулосасида маҳаллий болаларни аввал мактабларда уч йил таълим олгандан сўнг уч йил рус-тузем мактабларида ўқишлари, маҳаллий жамоаларга рус-тузем мактабларини очиш ҳуқуқини берилиши ҳақида таклифлар киритилди. Бироқ, бу таклифлар амалиётга тадбиқ этилмаган.

<sup>6</sup> (Совещание об инородческих школах // Туркестанский сборник. Т. 448. – Тошкент, 1907. – С. 117.).

бўлган хужжатлар ҳақиқий эмаслиги туфайли бекор қилинган<sup>1</sup>. Лекин бу тадбирларнинг ғоявий негизи кўчсиз эди. Юқорида қайд этилган маълумотномада С.М.Духовской ҳукумат тасарруфида “мусулмончилик билан курашиш учун маданий воситалар”<sup>2</sup> йўқлигини таъкидлаши бу борада империя маъмуриятининг жиддий муаммолари мавжудлигини кўрсатади.

XX аср бошларидан подшо ҳукумати мадрасаларни ҳам назорат остига ола бошлади. Бироқ бу назорат мударрисларни тайинлаш, ишдан бўшатиш ва вақф даромадларини тасарруф этиш билан чекланди. Масалан, Туркистон ўлкаси билим юртлари бош инспекторининг 1913 йил 3 декабрдаги фармойишига биноан ўқув бошқармасининг тегишли рухсатномасига эга бўлган мударрисларгина мадрасаларда дарс бериш ҳуқуқига эгаллиги<sup>3</sup>, мутаваллийлар фаолияти назорати, уларни тайинлаш ва бўшатиш ишлари ҳам инспекциялар ҳамда вилоят бошқармалари ваколатига киритилиши<sup>4</sup> фикримиз исботи бўла олади. Лекин таълим дастурлари, уларни такомиллаштириш масалалари ҳукумат назоратидан четда қолди.

“Менсимаслик” сиёсатига подшо ҳукуматининг мусулмончиликка нисбатан хайрихоҳлигини намоён этиш учунгина амал қилинган. Масалан, 90-йилларда бошланиб, кўплаб вақф мулкларини расмий сабабларга кўра бекор қилиниши натижасида тортишувларни келтириб чиқарган вақф текширувлари тўхтатилди.

1899 йил 1 июлдан Еттисув Туркистон генерал-губернатори бошқарувига қайтарилгандан сўнг, Еттисув губернатори томонидан жорий этилган мадрасаларда рус тили ўқитишни талаб этиш тақиқланди<sup>5</sup>. Исломга нисбатан бундай ёндашув фақатгина Андижон кўзғолонидан кейинги “тинчлантириш” эмас, балки халқаро вазиятнинг кескинлашуви ҳам сабаб

<sup>1</sup> Эргашев Ф. Туркистон мактаблари // Жамият ва бошқарув, 2007. – 2 сон. – Б. 15-17.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-1, р. 11, 1832а иш, 6-варақ.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. И-640, р. 1, 7 иш, 13-13-орқа варақлар.

<sup>4</sup> Ўз МДА, ф. И-640, р. 1, 7 иш, 45-варақлар.

<sup>5</sup> Ўз МДА, ф. И-1, р. 18 иш, 24 ва 47-варақлар.

бўлган<sup>1</sup>.

XX аср бошларидан империя ҳукумати Туркистондаги маҳаллий аҳоли таълим муассасаларининг “менсимаслик” тадбирлари муваффақиятсизликка учраганини кўриб, бир томондан анъанавий мактабларнинг кўп сонли тармоғи ҳамда шаклланётган ва маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланаётган “янги усул” мактаблари, иккинчи томондан, мазкур ҳам анъанавий, ҳам “янги усул” мактаблари рус ҳамда рус-тузем мактабларининг маҳаллий халқ орасида оммалашшига тўсқинлик қилмоқда, деган сабаб билан сиёсий номувофиқ деб баҳолади. Бу ҳолат мазкур вазият юзасидан чоралар ишлаб чиқилишини тақозо этган.

XX аср кириб келиши билан Туркистон халқлари орасида Россия империясининг мустамлакачилик зулмига қарши норозилик кайфияти кучайиб борди. Шу билан бирга, миллий зиёлилар етакчилигида ўзликни англаш, халқни истибдод зулмидан озод этишни мақсад қилиб олган жаидчилик ҳаракатининг кенг тарқалиши натижасида ўлкада мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият ҳукм сура бошлади. Бу империя ҳукумати томонидан ҳудудда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ҳаётнинг барча соҳалари қаторида таълим сиёсатида ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этарди. Ўлкада нафақат жаидлар, балки бу ерда истиқомат қилувчи кўпгина рус аҳолиси жамоалари томонидан таълим тизимини такомиллаштириш ғоялари илгари сурилиши ҳам мазкур соҳани доимо империя маъмуриятини диққат марказида бўлишини талаб этди. Айниқса, қарийиб 30 йиллик амалиёт давомида империя Халқ маорифи вазирлигини анъанавий таълим

---

<sup>1</sup> 1899 йилда Хитой марказий ҳудудларини “ихэтуанлар” – “Адолат учун мушт” халқ кўзғолони чўлғаб олди. “Катта мушт” номли бир гуруҳ кушин қисқа муддатда ўз олдига Хитойдаги барча чет элликларни йўқ қилиш ҳамда хитойлик бой ва мансабдорлар билан ҳисоблашишни вазифа қилиб олган катта армияга айланди. Германия, Англия, Франция, Япониянинг Хитойдаги талончи мустамлакачилик сиёсати ва католик рухонийлари орқали Хитой ерларини чет элликлар томонидан босиб олиниши, хитойликларни христианликка жалб этиш орқали келгиндилар қулига айлантиришни режалаштирган миссионерлик фаолияти кўзғолонга сабаб бўлди. Кўзғолончиларнинг нафрати мансабдорларнинг ва диний мутаасибларининг яширин ташвиқоти натижасида Хитой шимолида 99 йил фойдаланиш шарти билан Хитой-Шарқ темир йўлини барпо этиб фаолият юритаётган Россияга қаратилди. Шу йили май-июнь ойларида кўзғолончилар тусатдан темир йўл атрофидаги қурувчи ва ҳарбийларга ҳужум қилиб, шавқатсизларча кўпчиликни нобуд қилишган.



тизимини обрўсизлантириш, маҳаллий халқларга рус таълим тизими ва маданиятини сингдиришда айтарли натижаларга эриша олмаганликлари ҳам бу борада янада тадбирларни амалга оширишни талаб этарди.

1905, 1908 йилларда мусулмон мактаб ва мадрасаларига империянинг муносабати масаласида тузилган комиссиялар мусулмон мактабларини бошқарувини ўқув бошқармаси зиммасига юклаш, лекин таълим дастурларини ислоҳ қилиш керак эмас ҳамда уларнинг ташкил этилиши ўқув инспекциялари рухсати билан амалга оширилиши лозим деган хулосаларни берди<sup>1</sup>. 1909 йилги комиссия эса мазкур тадбирларни самарали амалга оширилиши учун қушимча инспекторлар ловозимларини жорий этилишини ёқлаб чиқди<sup>2</sup>. Лекин бу таклифларни амалга ошириш бўйича амалий чоралар кўрилмади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, аъанавий таълим муассасаларининг мавжуд ҳолати империя манфаатларига мос бўлиб, уларни ислоҳ этиш орқали маҳаллий аҳолини маънан юксалишини истамас эди.

Академик Т.Н.Қори-Ниёзов бу борада фикр юритиб, қуйидаги мисолни келтиради: “1917-1918 йилларда Фарғона шаҳрида иккинчи босқич мактаби собиқ директори, педагог-математик Александр Васильевич Яхонтов қўшни Марғилон шаҳри мадрасаларида ўқитиш аҳволи билан танишиб, уларнинг чидаб бўлмас аҳволи ҳақида Фарғона вилоят губернаторига ёзма маълумот беради. Натижада губернатор А.В.Яхонтовни чақиртириб, унга: “Шундай бўлиши ҳам керак, чунки бу ҳолат император олийлари сиёсатига мос келади”, – деб жавоб берган<sup>3</sup>.

Бироқ, XX аср бошига келиб Туркистонда жадиждларнинг маърифатчилик ҳаракати кўчайиб борди. Улар кўп сонли янги усул мактабларини ташкил этдилар. Бу ҳолат империя маъмурларини ташвишлантирди.

Подшо маъмуриятининг мактаб ва мадрасаларга бундай муносабати

<sup>1</sup> Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1916. – С. 46-47.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 926 иш, 109-варак.

<sup>3</sup> Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана 1917 – 1953 гг./ Избранные труды. В 8-и т. – Ташкент: “Фан”, 1967. – С. 65.

қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Хусусан, Н.П.Остроумов “Эндиликда мадрасалар фаолиятини номига эмас амалда назорат қилиш даври келди. Агар, 1905 йил 17 октябрдан император Николай II томонидан имзоланган манифест асосида Туркистон мусулмонлари Россия фуқаролари билан тенг ҳуқуқли деб тан олинган бўлса, унда маҳаллий мактаблар рус мактаблари каби Халқ маорифи вазирлиги эътиборига сазовор. Бу эътибор юзаки бошқарув билан чекланиб қолмасдан, уларнинг ўқув-тарбия жараёнларини бевосита бошқарувида намоён бўлиши керак”<sup>1</sup> – деб фикр билдирса, С.М.Граменицкий янги усул мактаблари ҳақида, “уларни чеклаш, таъқиқлаш, ёпиб қўйиш ҳукуматга қарши бўлган яширин ҳаракатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун уларни жиддий назорат остига олиб империя манфаатлари йўлида фаолият юритишига эришиш керак”<sup>2</sup>, - деб фикр билдирган эди.

Империя ҳукумати маданияти, турмуш – тарзи бўйича Марказий Россия халқларидан тубдан фарқ қилувчи халқларни маънан қарамлигини таъминлаш мақсадида таълим сиёсатини амалга оширар экан, бу сиёсатни аксарият ҳолларда самарасиз бўлганлигини гувоҳи бўлди. Буни империя маъмуриятининг мазкур соҳадаги тадбирларни шакл ва мазмун жиҳатдан ўзгартириб турганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистондаги анъанавий таълим тизим аҳволи борасида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистондаги анъанавий таълим тизимида турғунлик ҳолати ҳукмрон бўлган. Чунончи, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан кўплаб ўзгаришлар ва зиддиятларда мазкур давр учун анъанавий таълим дастурлари, ўқитиш услуби ҳамда мавжуд таълим босқичлари ўз вазифасини “яшаб бўлган”, ундаги дунёвийлик ва замонавийлик масалалари етарлича эмасди ҳамда замонга мос жиддий ислохотга муҳтож эди.

<sup>1</sup> Остроумов Н.П. Мадрасы в Туркестанском крае // ЖМНП. 1907 г., - №1. – С. 158-160.

<sup>2</sup> Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области.– Ташкент, 1916.– С.50-51.

2. Анъанавий таълимнинг замонавийликдан холи жиҳатлари империя маъмуриятининг “менсимаслик” сиёсатини кенг кўламда амалга оширишига ҳамда янги ўқитиш тизимини тезлик билан ўрнатишига қулай замин яратди. Бироқ улар томонидан яратилган янги таълим тизими маҳаллий аҳоли орасида оммалашмади ва уларда таълим маҳаллий анъаналардан йироқлиги, анъанавий таълим кадриятларни ўзида акс этамаганлиги сабабли мусулмонларни ўзига жалб эта олмади.

3. Империя маъмуриятининг маҳаллий таълимни обрўсизлантиришга қаратилган “менсимаслик” сиёсати ҳамда маҳаллий аҳоли орасида рус маданияти ва тилини ёйишга қаратилган рус таълим муассасалари тизимини жорий этиш ҳаракатларига миллий маърифатпарварларнинг ислохотчилик ҳаракати тўсқинлик қилган.

1867-1881 йиллар давомида Туркистон ўлкасида Россия империясининг таълим ислоҳоти биринчи генерал-губернатор К.П.Кауфман қарашлари асосида амалга оширилди. Унинг мусулмон таълим тизимига нисбатан кўллаган сиёсати натижасида молиявий таъминот тизими заифлашиб қолиши, раис, аъламиён ва мутаваллий лавозимлари тугатилиб мактаб ва мадраслар бошқарувини анъанавий таълим хусусиятларини яхши тушунмайдиган империянинг ўлкадаги ўқув ишлари бўйича инспекцияларига топширилиши оқибатида маҳаллий таълим жараёнида интизом ва тартиблар кўчсизланди. Лекин, мактаб ва мадрасалар маҳаллий аҳоли учун энг асосий таълим даргоҳлари бўлиб қолаверди.

Мустамлакачилик бошқарув тартиби ўрнатилган дастлабки йилларда К.П.Кауфман бошчилигида ўлка раҳбарияти ҳудудда мавжуд ва кўп асрлик тарихга эга маҳаллий таълим муассасалари, айниқса, мактаб ва мадрасаларга нисбатан “менсимаслик” сиёсатини қўллади. Бироқ, XIX аср 80-йилларига келиб мазкур сиёсат қутилган натижаларни бера олмаслиги ва маҳаллий аҳолини “руслаштириш” мақсадида ўлканинг Н.О.Розенбах бошчилик раҳбарияти таълим сиёсатини янги йўналишда ривожлантиришга қарор

қилди. Лекин, бу тадбир ҳам катта натижаларга олиб келмади. Зеро, юксак маънавий-маданий мерос соҳиблари бўлган Ўрта Осиё халқларини ғоявий жиҳатдан қарам этиш, мустамлакачилик зулми, миллий камситилиш, урф-одат ва миллий қадриятларни поймол этиш орқали эришиб бўлмас эди.

Умуман олганда, Туркистонда мустамлака ҳокимият ўрнатилиши ва анъанавий таълим тизимини обрўсизлантиришга қаратилган империя ҳукуматининг ҳаракатлари XX асрнинг иккинчи ўн йиллигида ўрнатилган совет ҳукумати томонидан давом эттирилиб, анъанавий таълим тизимининг бутунлай йўқ қилинишига замин яратган эди. Бунда совет ҳукумати очикчасига зўрлик ишлатиш йўлидан борган.

## **Таълим соҳасида Туркистонда янги турдаги марказий ва маҳаллий таълим бошқарувининг жорий этилиши**

XIX аср ўрталаридан Россия империясида амалга оширила бошланган таълим ислоҳотлари натижаси ўлароқ улкан империя ҳудудлари бўйлаб ташкил этилаётган таълим муассасалари ягона тизим сифатида шакланган бўлиб, ушбу ислоҳотлар муайян сиёсий қарашларни шиор қилиб олган ҳукмрон доира манфаатларини ифода этувчи ғояларга асосланган эди. Мазкур хусусиятларига кўра таълим ислоҳотлари бир неча босқичга ажратилади.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичи 1856 йилдан Халқ маорифи вазири А.В.Головин бошчилигида амалга оширилиб, ўзининг демократик хусусиятлари билан ажралиб турган. 1866 йили Халқ маорифи вазири лавозимига янги тайинланган Д.А.Толстой томонидан А.В.Головин даврида амалга оширилган демократик ислоҳотларга қарши мактабда ижтимоий табақалашув, уларнинг бошқарувида ҳарбий-маъмурий тизим аҳамиятини ошириш мақсадида 1871 йилда “Гимназия ва прогимназиялар Низоми”, 1872 йили “Реал билим юртлари Низоми” ва 1874 йили “Бошланғич халқ билим юртлари Низом” ларини қабул қилиниши Россия империясининг таълим соҳасида кейинги давр, яъни иккинчи босқич ислоҳотларнинг асосий мантиқий негизини ташкил этди<sup>1</sup>.

Д.А.Толстой истеъфосидан (1880 й.) икки йил ўтгач Халқ маорифи вазири этиб тайинланган И.Д.Делянов 1897 йилгача Д.А.Толстойнинг ислоҳотларини кенг жамоатчилик таъсирида қатор ўзгартиришлар билан бўлса-да, изчил давом эттирди. 1898-1917 йиллар давомида Халқ маорифи вазирлари Н.П.Боголепов, П.С.Ванновский, Н.А.Шварц, Л.А.Кассо, П.Н.Игнатъевлар кенг жамоатчилик қўллаб-қувватлаши асосида мактаб ислоҳоти бўйича илгари сурган демократик руҳдаги лойиҳалари амалга

<sup>1</sup> Филаненко Т.В. Этапы развития общеобразовательной школы в России: школьные системы XIX – первой трети XX вв. Дисс. ... докт. ист. наук. – Москва; 2004. – С. 111-113.

татбиқ этилмади<sup>1</sup>. Мазкур жараёнлар ва Туркистон генерал-губернаторлигининг ўзига хос ижтимоий-сиёсий муҳити таъсирида ўлкада рус таълим тизими фаолият олиб борди.

Империянинг таълим соҳасида амалга оширган тадбирлари XIX аср 70 – йилларидан бошлаб Туркистон генерал-губернаторлигида жорий этилаётган рус таълим ва уни бошқарув тизимида ўз аксини топди. Шу боис Туркистонда босқичма-босқич яратилаётган рус таълим тизими фаолиятини белгилаб берувчи қонун-қоидаларга империядаги ижтимоий-сиёсий ходисалар таъсирида тез-тез тўлдириш ёки ўзгартиришлар киритилган.

1882 йил январга келиб Туркистон ўлкасида 67 та рус таълим муассасалари бўлган. Жумладан, 2 та ўғил болалар, 2 та қизлар гимназияси, 1 та ўқитувчилар семинарияси, 1-чи нозирлик районида (Еттисув вилояти ва Гулжа худудида) 5 та шаҳар, 30 та диний, 2-чи нозирлик районида (Амударё бўлими, Хўжанд уездисиз Сирдарё вилояти) 7 та шаҳар, 6 та диний, 3-чи нозирлик районида (Фарғона вилояти, Хўжанд уезди ва Зарафшон округи) 6 та шаҳар, 8 та диний мактаблар мавжуд эди<sup>2</sup>. Уларнинг барчаси Халқ маорифи вазирлиги томонидан бошқарилган.

1911 йил январига келиб ўлкада биргина бошланғич рус таълим муассасаларининг сони 476 тага етган. Жумладан, шаҳарларда 75 та диний бир ва икки синфли, 1 та ўқитувчилар семинарияси қошидаги намунавий, 4 та бир ва икки синфли вазирлик<sup>3</sup>, 42 та бир ва икки синфли рус-тузем, 17 та хусусий, 15 та черков диний, 18 та бир ва икки синфли темир йўл, қишлоқларда 150 та бир ва икки синфли диний, 25 та бир ва икки синфли

<sup>1</sup> Филаненко Т.В. Этапы развития общеобразовательной школы в России: ... – С. 210.

<sup>2</sup> Памятная книжка по управлению учебными заведениями Туркестанского края на 1880/81 учебный год. (Книжка III-я). – Ташкент, 1882. – С. 1-97.

<sup>3</sup> Расмий номи – Халқ маорифи вазирлиги бошқармасининг бир синфли ёки икки синфли халқ билим юрти. Улар 1864 ва 1874 йиллардаги “Бошланғич халқ билим юртлари тўғрисидаги Низом” асосида бошқарилган. Уч йиллик таълим дастурларига асосланган таълим муассасалари. Унда барча уч босқичдаги ўқувчилар бир ўқитувчи бошчилигида бир синфда таълим олганлар. XX аср бошларидан бошлаб икки синфли, яъни 2 та ўқитувчиси бўлган 4 йиллик таълим дастурлари асосида мактаблар кенг тарқалган. Ушбу мактабларда ўғил ва қиз болалар биргаликда ўқитилган. Ўқитиш бепул бўлиб, мактаблар давлат маҳкамалари томонидан молиялаштирилган. Туркистонда мазкур турдаги мактабларнинг қурилишидан асосий мақсад аввало рус болаларини ва истаги бўлган маҳаллий аҳоли болаларини ўқитишга мўлжалланган эди.

вазирлик, 59 та бир ва икки синфли рус-тузем, 4 та хусусий, 1 та хунармандчилик, 1 та Сарой ва мулк вазирлигига тегишли, 42 та бир ва икки синфли черков-диний, 10 та темир йўл ва 2 та саводхонлик мактаблари мавжуд эди<sup>1</sup>. Эндиликда мазкур муассасалар бошқаруви ва молиялаштирилишида империянинг Алоқа йўллари вазирлиги, Сарой ва мулк вазирлиги кабилар ҳам иштирок эта бошлади. Таъкидлаш мумкинки, ўлкадаги таълим жараёни империянинг иқтисодий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлаган.

Диний мактаблар фаолияти 1828 йилги<sup>2</sup> Халқ таълим муассасалари Низоми асосида бошқарилса, вазирлик мактаблари 1874 ва 1875 йилги “Бошланғич халқ билим юртлари Низом” и асосида бошқарилган. Рус-тузем мактаблари ва хусусий мактаблар 1874 ва 1875 йиллардаги низомлар асосида бошқарилган.

Ўлкадаги таълимни бошқарув, ижро ва асосий назорат тизими 1876 йил бошидан Туркистон ўлкаси Ўқув ишлари бош бошқармаси фаолиятини бошланиши билан боғлиқ. Мазкур бошқарма 1875 йил 29 майдаги империя Давлат Кенгаши қарорига биноан ташкил этилган<sup>3</sup>.

Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида мавжуд рус ва маҳаллий таълим муассасаларини бошқаруви, улар фаолиятини назорат қилиш, таълим жараёни ва дастурларини мувофиқлаштириш, таълим муассасалари фаолиятини яхшилаш бўйича барча муаммоли ҳолатлар: ўқувчи кадрлар, дарсликлар, ўқув қуроллари, бинолар, хизматчи ходимлар билан таъминлаш, молиялаштириш, муассасаларни очиш ва ёпиш, таълим мазмунини назорат

<sup>1</sup> Қаранг: Однодневная перепись начальных школ в империи, произведенная 18 января 1911 года. Выпуск XV, часть 2-я. Туркестан. Области: Закаспийская, Самаркандская, Семиреченская, Сыр-Дарьинская и Ферганская. – СПб., 1914

<sup>2</sup> 1828 йилда қабул қилинган мактаб низоми – унга кўра бошланғич ва ўрта таълим уч категорияга бўлинган: қуйи табақа вакиллари болалари учун бир синфли диний мактаблар (арифметиканинг тўрт амали, ўқиш, ёзиш ва “дин асослари” ўргатилган); ўрта табақа учун, яъни майда мулкдорлар ва савдогарлар – уч синфли билим юртлари (геометрия, география, тарих); дворянлар ва мансабдорлар боаллари учун – етти синфли гимназиялар (у ерда университетга кириш учун тайёрлаган).

<sup>3</sup> Памятная книжка по управлению учебными заведениями Туркестанского края на 1880/81 учебный год. (Книжка III-я). – Ташкент, 1882. – С. 3.

қилиш ишлари билан бевосита мазкур бошқарма шуғулланиши керак эди<sup>1</sup>.

Туркистонни алоҳида мақомга эгалиги ва уни бошқарувида империя Ҳарбий вазирлигига кенг ваколатлар берилганлиги ҳамда ўлкани асосан генерал-губернатор бошчилигида ҳарбий-бюрократик аппарат бошқариши ўқув ишларини бошқарувида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 1886 йилги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомга<sup>2</sup> кўра ўлка раҳбари губернияда бошланғич таълим аҳволини назорат қилиши талаб этилиб, мазкур масала юзасидан Халқ маорифи вазирлигига ўз мулоҳазаларини билдиришга ваколатли эди. Унга таълим муассасасининг очилишидан то ёпилишигача бўлган жараёнда кенг ваколатлар берилган. Генерал-губернаторга ўлканинг беш: Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти вилоятлари бўйича барча фуқаролик ишларида бош бошқарувчилик ваколатига эга бўлиб, ўлкада подшо маъмурияти юритаётган империалистик сиёсатга қарши бўлмаган ва аксинча, ҳайрихоҳ бўлган мутахассисларни тарбияловчи мустамлакачи ҳукумат манфаатларига мос равишда маҳаллий аҳоли орасида рус тили ва маданиятини тарғиб этувчи сиёсий жиҳатдан ишончли бўлган мутахассисларни ўқув ишлари бўйича лавозимларга тайинлаш, озод этиш ҳуқуқи берилган. Бу борада унга: ўқув бошқармасининг VI даража мансабдорларигача бўлганларни тайинлаш ва хизматдан четлатиш; Халқ маорифи вазири орқали имтиёزلарни тавсия этиш, шахсларни ўқув маҳкамаси лавозимларига тавсия этиш; ўқув муассасалари бўйича шахсларга нисбатан терговни ташкил этиш; билим юртлари бош инспектори, гимназиялар ва халқ билим юртлари директорларидан ташқари (бу мансабдорлар билан муаммоларни ХМВ ҳал этган) барча мансабдорларни вазифасидан озод этиш ва судга топшириш; хизматда адашган ўқув маҳкамаси мансабдорлари фаолиятига чеклов қўйиб, маъмурий жазо қўллаш; ўқув муассасаларининг махсус маблағларидан чиқимлар

<sup>1</sup> Устройство учебной части в Туркестанском крае.//Голос, 1875, №98.

<sup>2</sup>Положение об управлении Туркестанского края. Издание 1892 г. Свод законов Российской империи. Том второй. Статья 67.



қилишга рухсат бериш; “Давлат пудратлари ҳақида Низом” нинг 229-моддасида баён қилинган қоидалар асосида, вазирга маълум қилган ҳолда, буюртма ва таъминот шартномаларини тасдиқлаш; гимназиялар пансионларига ўринларни белгилаш; ўқув бўлими бошқаруви бўйича ҳар қандай масалада Халқ маорифи вазирлиги билан алоқа ўрнатиш ваколатлари берилган эди<sup>1</sup>. Бироқ, муҳим масалалар бўйича Халқ маорифи вазирлиги ва Бош инспектор билан маслаҳатлашиб иш кўриши керак эди. 1908-1909 йилларда Туркистон ўлкасини ревизия қилган К.К.Пален ўлка генерал-губернаторининг маориф соҳасидаги фаолиятини қониқарсиз деб баҳолаган<sup>2</sup>. Ҳисоботда генерал-губернатор ўз фаолиятида ўқув ишларига кўп вақт ва эътиборни қарата олмагани, унинг зиммасига юкланган вазифалар кўплигидан бунга имконияти ҳам бўлмаганлиги қайд этилган<sup>3</sup>.

Империя ўқув маъмурияти маҳаллий таълим муассасалари бошқарувини ўзига бўйсундириш мақсадида бир неча бор қонунлар қабул қилган. Лекин ислом дини ва мусулмон таълим муассасаларининг туб ерли аҳоли ҳаётидаги аҳамиятини яхши англаган ҳолда генерал-губернаторлар ушбу юридик ҳужжатларнинг барча моддаларини амалиётга татбиқ эта олмаганлар. Мисол учун, 1870 йил 26 мартдаги “Россияда яшовчи ғайритаъбалар таълими учун чоралар ҳақида”ги қонунга кўра маҳаллий (ғайритаъба) билим юртлари назорати халқ таълими билим юртлари инспектор<sup>4</sup>ларига юклатилган<sup>5</sup>. XIX аср охири – XX аср бошлари давомида Халқ маорифи вазирлиги Туркистон

<sup>1</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом (т. VI). Учебное дело. – СПб., 1910. – С. 27.

<sup>2</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором ... – С. 20-25.

<sup>3</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором ... – С. 26.

<sup>4</sup> Ўлка ўқув инспекциялари районларга ажратилиб, ҳар бирига халқ билим юртлари инспекторлари тайинланган. 1882 йилда инспекторлар сони учта бўлган. Еттисув ва Ғулжа ҳудудини ўз таркибида бирлаштирган биринчи районга 1876 йил 29 октябрдан Санкт-Петербург университети Шарқ факультетини тамомлаган Дмитрий Васильевич Городецкий; Хўжанд уездисиз Сирдарё вилояти ва Амударё бўлимини ўзида бирлаштирган иккинчи районга 1879 йил 9 августдан Санкт-Петербург университети Шарқ факультетини тамомлаган Павел Иванович Азначеев; Фарғона, Самарқанд вилоятлари, Хўжанд уезди ва Зарафшон округини ўзида бирлаштирган учинчи ўқув районида 1877 йил 1 июлдан Санкт-Петербург император тарих-филология институтининг гимназия ва прогимназиялар ўқитувчиси мутахассисликларини тамомлаган Петр Васильевич Прилежаев инспектор этиб тайинланган эди. Каспийорти вилоятидаги барча рус ва маҳаллий билим юртларини ҳам халқ билим юртлари инспектори бошқарган.

<sup>5</sup> Очерки истории школы и педагогической мысли народов СССР. – Москва, «Педагогика», 1991. – С. 235.

ўлкаси ўқув муассасаларини бошқариш бўйича бир неча мартаба кўрсатма ишлаб чиқиб, уларнинг барчасида такроран ўлка ўқув маъмуриятининг анъанавий ўқув муассасаларига нисбатан бошқарувчилик вазифаси таъкидланган. 1893 йилда нашр этилган қонунлар тўпламининг 11 жилд 89 моддасида ҳам Ўқув ишлари бошқармаси тасарруфига Туркистон ўлкасида мавжуд барча рус ва ғайритаъба билим юртлари бошқаруви топширилиши ҳамда билим юртлари Бошқарма рухсати билан ташкил этилиши кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>. Мазкур моддалар 1909 йилда “янги усул” мактаблари бўйича кўрсатма ишлаб чиқиш учун чақирилган комиссия қарорида ҳам такроран ўз аксини топган<sup>2</sup>.

Бу такрорланишлар маҳаллий таълим муассасаларининг бошқарувига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва қонунларда камчиликлар мавжуд бўлиб, улар, бир томондан, анъанавий таълим тизимининг фаолият механизмини тўла англаб етмаслик, иккинчидан, империянинг мазкур муассасаларга нисбатан муносабати борган сари қатъий тус олиши билан изоҳланади. Шу билан бирга, ўлка маъмурияти мусулмон таълим муассасаларининг ислом дини билан боғлиқлиги ва маҳаллий аҳоли диний қадриятларининг камситилиши, мустамлака зулмга қарши бош кўтараётган халқ ғазабини янада кўзғотишидан чучишган. Қолаверса, нафақат Туркистон халқи орасида, балки жаҳонда ҳам исломга қарши давлат сифатида гавдаланиш Россия учун фойдасиз ҳолат эди. Шу сабаб подшо ҳокимияти тасдиқлаган ҳужжатларнинг кўпчилиги Туркистон мусулмонлари орасида тадбиқ этилмай қолган.

Империя Давлат кенгаши Россия империясининг барча ҳудудларида истиқомат қилувчи турли хил маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқлар орасида халқ таълими тизимларининг бошқарувини амалга ошириш учун у ердаги табиий, географик ва этномаданий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда махсус қонун-қоидалар ишлаб чиққан эди. Жануби-ғарбий

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 476 иш, 13-14-варақ

<sup>2</sup> Эргашев Ф. Туркистон мактаблари // Жамият ва бошқарув, 2007. – 2 сон. – Б. 15-17; Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент, Университет, 2006. – Б. 21.

губерниялар, Кавказ ва Кавказорти, Болтиқбўйи ерлари учун алоҳида қонун, йўриқномалар ишлаб чиқилган<sup>1</sup>. Туркистон ўлкасидаги рус таълими муассасалари учун бу каби алоҳида тартиб-қоидалар тизими шакллантирилмаган. Улар бутун империя бўйлаб ягона кучга эга бўлган халқ таълими тизимларини бошқариш бўйича умумий қонун-қоидалар асосида бошқарилган<sup>2</sup>.

Ўлкада таълимни бошқарув тизими ўзига хос иерархик кўринишда шакллантирилган эди. Ўқув ишларида бош масъул генерал-губернатор бўлиб, асосий ижро ва назорат Туркистон ўлкаси ўқув ишлари бош бошқармаси зиммасида бўлган. Унинг хузуридаги васийлик кўмитаси бош инспектор бошчилигида ўрта ва қуйи ўқув муассасалари раҳбарларидан иборат бўлиб, кўмита йиғилишлари доимийлик хусусиятига эга бўлмай умумий ўқув жараёнига тегишли масалаларни муҳокама этиш учунгина чақирилган. Кўмитада муҳокама қилинадиган ўлка ўрта ва қуйи ўқув муассасалари ўқувчиларининг умумий ахлоқини кўзатиш бўйича чоралар, у ёки бу фанларни ўқитиш услуб ва усулларининг самарадорлиги каби масалалар Халқ маорифи вазирлиги ёки генерал-губернатор муҳокамасига тақдим этилган<sup>3</sup>.

Ўлкада таълим ишларини ташкил этиш ва бошқариш учун вилоят ва район инспекциялари раҳбарлигига шарқшунос ва малакали педагог А.Л.Кун, Н.П.Остроумов, В.П.Наливкин каби мутахассислар жалб қилинган эди. Улар ёрдамида, ўлкада рус таълим тизимини ривожлантириш ва амалий натижаларга эришиш кўзланган.

Район инспекторларига барча бошланғич ўқув муассасаларидаги ўқув ишларини бошқариш топширилган: халқ билим юртларида ўқув ишлари боришини назорат қилиб, ўқитиш усул ва услублари хусусидаги

<sup>1</sup> Назаревский И. Исторический очерк законодательства по начальному образованию в России. // Журнал Министерства народного просвещения. Седьмое десятилетие. Часть CCCLVIII. Март 1905. – СПб., 1905. – С. 224-225.

<sup>2</sup> Назаревский И. Исторический очерк законодательства по начальному образованию в России ... – С. 231.

<sup>3</sup> Назаревский И. Исторический очерк законодательства по начальному образованию в России ... – С. 184.

мулоҳазалари билан ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини яхшилашга эришишлари; ўқитишнинг тўғри олиб борилишини назорат қилишлари, акс ҳолда, юзага келган ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўришлари керак эди<sup>1</sup>. Рус ва маҳаллий билим юртлари ташкил этилиши ва уларда ўқитувчиларнинг дарс беришлари ҳам инспекторлар рухсати билан амалга оширилган<sup>2</sup>. Инспектор ўзига тегишли район билим юртлари фаолиятини назорат қилган ва юқори бошқарма идоралари билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилган.

1828 йил 8 декабрдаги низом асосида ўлкада ташкил этилган илк бошланғич рус таълим муассасалари губерния гимназиялари директорлари ва уезд мактаблари назоратчилари томонидан назорат қилиниб, 1869 йил 26 май ва 1874 йил 25 май қонунларига кўра Туркистонда ўқув муассасаларини бошқариш учун директорлар ва халқ таълими муассасалари инспекторликлари институтлари ташкил этила бошланди<sup>3</sup>. 1877 йил Туркистон ўлкаси ўқув ишлари бош бошқармаси қарорига биноан халқ билим юртлари ноziри лавозими жорий этилди<sup>4</sup>.

Туркистон ўлкаси бўйича барча билим юртлари 1864 ва 1874 йиллардаги “Бошланғич билим юртлари тўғрисида” низомлар асосида давлат хазинаси, жамият ва шахсий манбалардан молиялаштирилувчи барча маҳкамаларнинг шаҳар ва қишлоқ мактаблари бошқаруви уезд билим юртлари кенгаши<sup>5</sup> томонидан амалга оширилган.

1875 йилда генерал-губернатор ҳузурида Халқ маорифи вазирлиги тавсияси билан тайинланадиган билим юртлари бош инспектори<sup>6</sup> лавозими

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 166 иш, 42-орқа варақ.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 476 иш, 34-34об; 40-40об; 41-41-орқа варақлар.

<sup>3</sup> Назаревский И. Исторический очерк законодательства по начальному образованию в России ... – С. 232.

<sup>4</sup> Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. Сост. Инспектор народных училищ Туркестанского края 1-го района С. Граменицкий. – Ташкент, 1896. – С. 34-35.

<sup>5</sup> Уезд билим юртлари кенгаши таркиби уезд зодагонлари бошлиғи, халқ билим юртлари инспектори, ўқув округи васийи томонидан тайинланадиган халқ маорифи вазирлигидан, губернатор томонидан тайинланадиган Ички ишлар вазирлигидан, архиерей томонидан тайинланадиган епархиал маҳкамадан бир кишидан, уезд маҳаллий муассасалар ва шаҳар жамоатчилигидан бир кишидан - жами 7 кишидан иборат бўлган.

<sup>6</sup> Туркистон ўлкаси ўқув ишлари бўйича биринчи инспектори этиб Санкт-Петербург университети Шарк

жорий этилгач генерал-губернатор хузурида ўқув ишлари бўйича махсус топшириқларни бажарувчи амалдор лавозими тугатилди<sup>1</sup>. Бу лавозимда ишлаган мансабдор Ўқув ишлари бош бошқармаси ташкил этилгунига қадар биринчи ўринда ўлкада мавжуд рус таълим муассасалари фаолияти назорати, ўлкада яшаётган рус фуқаролари фарзандлари учун таълим тизимини яратиш ҳамда маҳаллий таълим муассасалари фаолияти, уларнинг империя сиёсати асосида бошқариш ёки назорат қилиш ишлари бўйича генерал-губернатор маҳкамасида ишларни юритган. Янги тайинланган Бош инспектор хузурида иккита ёрдамчи, махсус котиб-ҳисобчи бўлиб, улар бош инспектор тавсияси билан генерал-губернатор томонидан тайинланган. Эндиликда ўқув ишлари бўйича кўпгина вазифалар мазкур Бош инспектор зиммасига юклатиладиган бўлди. Бу тадбир Туркистон ўлкасида ўқув ишларини бир қадар тизимлашувига замин яратди. Зеро, ўлка шароитида халқ таълимидек мураккаб соҳа бошқаруви алоҳида малакали мутахассисларни тўлиқ жалб этилишини талаб этарди. Айнан шу даврдан бошлаб ўлкада мавжуд рус таълим муассасаларини тартиблаш, янгиларини ташкил этиш, улар фаолиятини йўлга қўйиш, анъанавий таълим хусусиятларини ўрганган ҳолда маҳаллий аҳоли орасида рус таълимини сингдириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқила бошланди. Алабатта, дастлабки Бош инспекторлар фаолияти кўзга ташланарли ютуқлар билан характерланмаса-да, XIX аср 80-90-йилларидан бошлаб Ўқув ишлари бўйича бош бошқарма томонидан натижали тадбирлар амалга оширила бошланган.

Бош инспектор ўлка бошлиғи хузуридаги фуқаролик ўқув муассасалари устидан назорат бўйича асосий ёрдамчи саналиб, унинг зиммасига барча ўқув бўлими ишларини бошқаришдан ташқари (бу борада бош инспектор котиби ва унинг ёрдамчилари асосий ишларни бажарганлар), ўқув маҳкамаси хизматчиларининг ўз вазифаларини тўғри ва ҳалоллик билан бажаришларини

---

факультети номзоди, давлат маслаҳатчиси Александр Людвигович Кун сайланган.

<sup>1</sup> Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент, 2004. – Б. 85.

назорат қилиш, ўқув муассасаларида педагогик, маъмурий ҳамда хўжалик бўлимлари бўйича умумий ва хусусий низомлар асосида ўрнатилган қоидалар ижроси назорати юклатилган эди<sup>1</sup>. Бош инспектор барча ўқув муассасаларини шахсан ўзи тафтиш этиб, уларда умумий йўналиш ва ёшлар тарбиясини аҳволи, ўқувчиларда ахлоқий ва ақлий тарбия даражаси, ўқитиш усул ва услублари, ўқитувчилар қобилияти ва билим даражаси, кутубхоналар ва ўқув қўлланмалар ҳолати, ўқув хоналари қулайлиги, маблағларнинг тўғри тасарруф этилиши ва улар бўйича ҳисоботларнинг тўғри юритилиши масалаларига жиддий эътибор қаратган<sup>2</sup>.

Ўлкадаги ҳар бир билим юртини бош инспектор икки йилда бир марта тафтиш қилиши керак эди. Аммо Бош инспектор зиммасида тегишли шаклда Халқ маорифи вазирлигига генерал-губернатор номидан тақдим этиладиган йиллик ҳисобот, барча шошилиш маълумотлар ва ахборотномаларни тузиш, генерал-губернатор билан келишилган ҳолда Халқ маорифи вазирлиги буйруқларининг билим юртлари директорлари ва инспекторлари орқали ижросини таъминлаш, ўлка раҳбари билан олдиндан келишган ҳолда юзага келган англашилмовчилик ҳолатларини ҳал этиш юклатилган бўлиб<sup>3</sup>, бу ишларни амалга ошириш унинг асосий меҳнат вақтини жалб этган ва юқоридаги вазифаларни тўла бажара олмаслигига сабаб бўлган. Мазкур штат танқислиги, мавжуд кадрлар жамоасининг юклатилган вазифаларни ўз вақтида, етарлича ижро эта олмасликлари ҳолати ўлкадаги рус таълим тизими фаолиятидаги жиддий ва асосий тўсиқлардан бири бўлган. Лекин, ушбу муаммо 1917 йилга қадар ўз ечимини топмаган. Бу ҳолатда бошқарма ва унинг масъуллари рус билим юртларига нисбатан кўп сонли маҳаллий мактаб ва мадрасалар фаолиятини назорат қила олмас эдилар.

<sup>1</sup> Хрестоматия по истории школы и педагогики в России (до Великой Октябрьской социалистической революции). Составитель и автор вводных очерков С.Ф.Егоров. Изд. второе переработанное. – Москва: “Просвещение”, 1986. – С. 304.

<sup>2</sup> Филаненко Т.В. Этапы развития общеобразовательной школы в России: школьные системы XIX – первой трети XX вв. Дисс. ... докт. ист. наук. – Москва, 2004. – С. 211.

<sup>3</sup> Положение об управлении Туркестанского края. Издание 1892 г. Свод законов Российской империи. Том второй. Статья 75.

Маҳаллий ўқув маҳкамалари бошлиқларини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш, Туркистон ўлкаси ўқув муассасалари эҳтиёжларига йўналтирилган харажатлар сметасини тасдиқлаш, ўқув иши режалари ва ўқитиш дастурларини ишлаб чиқишга тегишли фармойиш ва кўрсатмалар бериш Халқ маорифи вазирлигининг ваколат доирасидаги вазифалар бўлиб<sup>1</sup>, бу тадбирларни амалга оширишда генерал-губернатор ва унинг ҳузуридаги бош инспекторнинг тавсия ва фикрлари инобатга олинган. Ўлкада ўқув ишлари ҳолатини назорат қилиш учун вазирлик бош инспектор ҳисоботлари маълумотларига таянган.

Ўлкадаги вилоятлар ҳарбий губернаторлари ҳам ўз ҳудудларида ўқув ишларини боришига масъул эди. Улар зиммасига ўқув муассасаларида тегишли тартибга риоя этилиши учун лавозими имкониятидан келиб чиқиб кўмаклашиши юкланган. Ҳарбий губернаторлар билим юртларини текшириб, аниқланган камчиликлар ҳақида генерал-губернаторга ҳисобот тақдим этиши мумкин эди. Вилоят губернаторлари зиммасидаги вазифаларнинг кўплигидан ҳар доим ҳам мактабларда ўқув жараёнини кўзатиш имкониятини топа олмаган ёки бу ишга эътиборсизлик билан ёндашганлар<sup>2</sup>.

Ўқув ишлари бошқарувида район нозирликларидан кейинги юқори поғонасида вилоят кенгашлари ўрин олган бўлиб, унинг фаолиятида аъзо сифатида епархиал архиерей, вилоят бошлиғи, билим юртлари директорлари ва вилоят маҳаллий маҳкамаларидан иккита вакил киритилган<sup>3</sup>. Кенгашга ҳудуд халқ билим юртларига олий васийлик қилиш, уезд билим юртлари кенгаши ҳисоботларини кўриб чиқиш ва уни бош васийга кўриб чиқиш учун тақдим этиш, уездлар кенгашлари тақдимномаларини кўриб чиқиш ва рухсат бериш; Халқ маорифи вазирлиги томонидан кенгашга тақдим этилган

<sup>1</sup> Назаревский И. Исторический очерк законодательства по начальному образованию в России ... – С. 235.

<sup>2</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом (т. VI). Учебное дело. – СПб., 1910. – С. 25.

<sup>3</sup> Хрестоматия по истории школы и педагогики в России (до Великой Октябрьской социалистической революции). Составитель и автор вступительных очерков С.Ф.Егоров. Изд. второе переработанное. – Москва: “Просвещение”, 1986. – С. 308.

маблағдан ўқитувчиларга моддий кўмак тайинлаш, уезд кенгашлари ва уларнинг раислари қарорларига нисбатан шикоятларни кўриб чиқиш, уезд кенгашлари аъзоларини ва халқ билим юртлари васийларини тайинлаш, уезд билим юртлари кенгаши раислигига тайинланган шахслар лавозимини тасдиқлаш каби вазифалар юклатилган бўлиб, кенгаш зарур ҳолатларда чақирилган<sup>1</sup>.

Ўлкадаги рус таълим муассасалари турли манбалардан молиялаштирилган. Масалан, 1910 йил Каспийорти вилояти бошланғич билим юртлари Сарой ва мулк вазирлиги ҳисобидан 1874,35 рубль, Давлат ғазнасидан 44704,31 рубль, Умумдавлат тушумларидан 19291,11 рубль, Жамоат ва табақалар тушумларидан 29600,96 рубль, шаҳар маблағларидан 7187,0 рубль, хусусий шахслар ва жамиятлар эҳсонларидан 113,0 рубль, ўқув учун тўловлардан 2149,0 рубль, Ўрта Осиё темир йўли эксплуатация сметасидан 51102,76 рубль, олдинги йиллар махсус маблағлар қолдиқларидан 421,0 рубль – жами 156443,39 рубль миқдорида маблағ билан молиялаштирилган<sup>2</sup>. Инспекторлар маблағлар тасарруфи бўйича молиялаштирувчи маҳкамаларга ҳисобот бериб борганлар. Ўлканинг бошқа вилоятларида ҳам шу тарзда маблағ тақсимланган (4-илова).

Туркистон ўлкасидаги рус таълим муассасалари бошқаруви ўқув ва хўжалик бўлимлари бўйича олиб борилган. Ўқув ишлари бўйича бошқарув бевосита Халқ маорифи вазирлиги мансабдорлари томонидан, хўжалик бўйича бошқарув эса таъсисчилар ва таъминотчилар томонидан амалга оширилган. Бу билан империя ҳукумати халқ билим юртлари ташкил этилишини тезлаштириш ва улар таъминоти бўйича масъулиятни жойлардаги империя маҳкамалари зиммасига юклашни режалаштирган эди. Ўз ўрнида таъсисчи ва таъминотчи маҳкамалар зиммасидаги вазифаларни адо этишда сусткашликларга йўл қўйди.

<sup>1</sup> Хрестоматия по истории школы и педагогики в России ... – С. 308.

<sup>2</sup> Қаранг: Обзор Закаспийской области за 1910 год. – Асхабад, 1911.



1864 йилги “Бошланғич билим юртлари тўғрисида”ги Низомга кўра маҳаллий муассасалар мажбуриятлари қаторига халқ билим юртларининг хўжалик ишларига ғамхурлик қилиш киритилган<sup>1</sup>. Билим юртларини бинолар ва иморатлар билан таъминланиши масаласида шаҳар бошқаруви маҳкамалари фаоллик кўрсатишган<sup>2</sup>. Тошкент шаҳар Думасининг бу борадаги фаолияти кўплаб архив хўжатларида ўз аксини топган. Масалан, 1909 йилда Дума бюджетидан халқ таълимини ривожлантирилишига 68566 рубль, 1913 йилда 120776 рубль маблағ ажратилган<sup>3</sup>.

Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда асосий ижро функцияси уезд билим юртлари кенгашларига юкланган. Халқ маорифи вазирлиги билим юртлари кенгашларини мактаб ишининг таянчи сифатида баҳолаган ва улар фаолиятига эътибор билан қараган<sup>4</sup>.

Туркистондаги уезд билим юртлари кенгашлари аъзолигига тегишли низомга мувофиқ тарзда Халқ маорифи вазирлигидан, ички ишлар вазирлигидан ва православ мазҳабидан биттадан, билим юртини таъминловчи маҳкамалардан, билим юрти жойлашган ҳудуд маҳаллий маҳкамаларидан ва шаҳар жамиятидан иккита вакил қабул қилиниши керак бўлган<sup>5</sup>. Ўлкадаги уезд билим юртлари кенгашлари фаолиятида барча вакиллар фаоллиги кўзатилмаган. Кенгаш ўз зиммасидаги мажбуриятларни ижросини имкон қадар амалга оширган. Уезд билим юртлари кенгаши ваколатига шаҳар ва уезддаги барча халқ билим юртларида ўқитишнинг аҳволини кўзатиш, янги бошланғич билим юртларини ташкил этиш ва мавжудларида шароитларни яхшилашга васийлик қилиш, Халқ маорифи

<sup>1</sup> Филаненко Т.В. Этапы развития общеобразовательной школы в России: школьные системы XIX – первой трети XX вв. Дисс. ... докт. ист. наук. – Москва, 2004. – С. 206.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-48, р. 1, 150а иш, 40-варак.

<sup>3</sup> Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент, 2004. – Б 91.

<sup>4</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, иш 166, 42 орқа-43-вараклар.

<sup>5</sup> Хрестоматия по истории школы и педагогики в России (до Великой Октябрьской социалистической революции). Составитель и автор вступительных очерков С.Ф.Егоров. Изд. второе переработанное. – Москва, “Просвещение”, 1986. – С. 301.

вазирлиги ва тегишли диний маҳкама томонидан маъқулланган<sup>1</sup> ўқув кўлланма ва дастурлар билан имкон қадар таъминлаш, шаҳар, қишлоқ жамоалари ва хусусий шахслар томонидан бошланғич билим юртларини ташкил этишга рухсат бериш ва зарарли деб топилган билим юртларини ёпиш бўйича вилоят ҳарбий губернатори кенгашига тақдимнома киритиш, бошланғич билим юртлари ўқитувчиларига унвонлар бериш ва рағбатлантириш, ишончсиз деб топилган ўқитувчиларни лавозимидан четлатиш ҳақида қарорни тақдим этиш, район билим юрти кенгашига тақдим этиш учун шаҳар ва уезд билим юртларининг ҳолати ҳақида йиллик ҳисоботни тайёрлаш каби вазифалар юклатилган эди. Уезд билим юртлари кенгаши йилига икки мартаба ва ҳар сафар икки ҳафтага чақирилган<sup>2</sup>. Билим юрти кенгаши зиммасига ваколатдан кўра кўпроқ мажбуриятлар юкланган эди.

Ўлканинг уезд ва шаҳарларида маҳаллий маҳкамалар, шаҳар жамоалари ва жисмоний шахслар учун бошланғич билим юртларини очиш, уларнинг таъминот хажми ва ҳисобот тартибини белгилаш, ўқиш учун тўлов ҳажмини белгилаш ёки ундан озод этиш ҳуқуқи берилган эди. Маҳаллий маҳкамалар билим юртини яқиндан назорат қилиш, бошқариш, тартиб ўрнатиш учун халқ билим юртлари инспекторлари билан билим юрти ишлари бўйича муносабат олиб бориш ҳуқуқига эга махсус васийларни тайинлаганлар. Бундан ташқари, маҳаллий маҳкамалар ва шаҳар бошқармаларига билим юрти кенгашига номзодларни танлаш ҳуқуқи ҳам берилган эди<sup>3</sup>. Мазкур тадбирларнинг барчаси ўлка раҳбари билан келишилган ҳолда амалга оширилган.

Бироқ архив ва ўша давр вақтли матбуот маълумотлари таҳлили давомида шу ҳолат маълум бўлдики, амалда уездларда ўқув ишлари бошқаруви фақатгина ўқув бошқармаси органлари қўлида бўлган. Қишлоқ ва

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 166 иш, 59, 106-106 орқа варақлар.

<sup>2</sup> Назаревский И. Исторический очерк законодательства по начальному образованию в России. ЖМНП. Седьмое десятилетие. Часть ССCLVIII. Март 1905. - СПб., 1905. – С. 173.

<sup>3</sup> Филаненко Т.В. Этапы развития общеобразовательной школы в России: школьные системы XIX – первой трети XX вв. Дисс. ... докт. ист. наук. – Москва, 2004. – С. 123.

кўп ҳолларда шаҳар билим юртларининг хўжалик ишлари бўйича масалалар: билим юртларини ташкил этиш, мавжудларини яхшилаш, уларни етарли даражада маблағ, хоналар ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш, таъминотларни вақтида етказиш бўйича барча ташаббуслар ўқув бошқармаси томонидан амалга оширилган. Яъни бошқарув тизимида маҳаллий маҳкамаларнинг иштироки суст бўлган. Таъкидлаш жоизки уезд ва вилоятларда маҳаллий маҳкамалар ҳамда ҳарбий-бюрократик аппарат таълим муассасалар фаолиятини яхшилаш борасида нафақат сусткашликка йўл қўйган, балки баъзи ҳолларда рус таълим муассасаларини самарали фаолиятига тусқинлик ҳам қилганлар. Хусусан, бу борада “Ташкентский курьер” газетаси саҳифаларида “Рус-тузем мактаблари ўқитувчиларига аҳоли ишониб, ушбу мактабларда маҳаллий аҳоли иштироки ҳам ошиши мумкин эди. Агар, турли маъмурлар ўқитувчи шахсига ишонч ва ҳурмат билдирганда. Маъмуриятнинг полиция-бюрократик қарашлари сабаб ўқитувчилар тез-тез бошқа жойларга кўчирилган. Фарғона вилоятида бундай ҳолатлар кўп ўчраб туради”, - каби маълумотларни учратамиз<sup>1</sup>.

Ўқув бошқармаси фаолияти натижасиз бўлганлигининг сабаблардан яна бири маҳаллий маҳкамалар ва шаҳар маблағларини тасарруф этувчи маҳаллий маъмурият идораларининг масъулиятсизлиги эди. Улар томонидан ўлкада халқ таълимини шакллантириш учун маблағ ажратиш тўғрисида камдан-кам ҳолатларда тегишли илтимосномалар тузилган. Уезд бошлиқлари ваколатлари доираси кенг бўлса-да, бевосита назорати ва масъулиятига кирмагани учун халқ таълимига кам эътибор қаратар эдилар. Уезд бошлиқлари баъзи ҳолларда ўлкада фаолият юритаётган билим юртлари ишини ташкил этиш ва аҳволини яхшилаш, янгиларини ташкил этиш, рус манзилгоҳлари вужудга келганлиги ва у ердаги аҳолининг мактабларга бўлган эҳтиёжи тўғрисида ўқув бошқармасига маълум қилмаган. Билим

<sup>1</sup> К постановке образования в Туркестанском крае // Ташкентский курьер, 1907 г., № 125, 127, 150, 160, 162, 168: Туркестанский сборник. Том. 434. – С. 149-161.

юртларига хат-хабар, ўқув қўлланмалар ва таъминотларини етказиш иши ҳам яхши ташкил этилмай, улар ойлаб кечикиш ҳолатлари ҳам бўлган.

Маҳаллий маъмуриятнинг ўқув ишларига аралашмаганлигини баъзи билим юртларининг эҳтиёжларига эътиборсизларча муносабатидан ҳам англаш мумкин. Масалан, 1894 йили Казалинск шаҳар билим юрти учун янги бино қуриш масаласи кўтарилган эди. Лойиҳа махсус комиссия томонидан бир неча маротаба ўрганилган, ҳар йили мазкур муаммо юзасидан вилоят губернатори билан ёзишмалар олиб борилган бўлса-да 1908 йилгача ҳам бино қурилиши бошланмаган<sup>1</sup>.

Лавозимларга тайинлаш ва бошқа ишга ўтказиш масалалари янги ўқув йилининг бошида, яъни 1 августда кўриб чиқилган. Бу эса ўз навбатида шошилиш ҳолда, номзодлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар йиғилмасдан амалга оширилган<sup>2</sup>. Бу эса ўз навбатида таълим сифати ва самарадорлигига таъсир ўтказмай қолмаган.

Халқ таълимининг ҳилма-хиллиги ва бошқарувида бир неча вазирликларнинг иштироки улар фаолиятини мувофиқлаштириш ишларида қийинчиликларни вужудга келтирди. XIX асрнинг 90-йилларига келиб, амалиётга татбиқ этилмай қолган бўлса-да, вазирликлар миқёсида халқ таълими муассасалари бошқарувига доир қатор ўзгартиришларни амалга оширишни кўзда тутган қонунларни қабул қилиш ташаббуслари илгари сурилди. Жумладан, 1895 йил май ойида Россия империяси Давлат кенгашида халқ таълими билим юртларининг умумий бошқарувини ягона вазирликка бирлаштириш масаласи кун тартибига киритилган эди<sup>3</sup>. Лекин 1897 йилда муаммони атрофлича ўрганган қонунчилик ҳукумати халқ таълимидек муҳим ва кенг миқёсдаги ишларни ягона вазирлик ихтиёрида жамлаш ва тўла назоратини таъминлаш оғир эканлигини тан олган ҳолда

<sup>1</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом (т. VI). Учебное дело. – СПб., 1910. – С. 26.

<sup>2</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, ... – С. 22-23.

<sup>3</sup> Журнал Министерства народного просвещения. Седьмое десятилетие. Часть CCCLVIII. Март 1905. – СПб., 1905. – С. 223.

мазкур қонун лойиҳасини тасдиқламади. Бунинг натижасида бутун империя, жумладан, Туркистон ўлкаси бўйлаб рус таълим муассасаларининг хилма-хиллиги, уларнинг таъминоти ва бошқарувида Халқ маорифи вазирлиги, Ер мулклари вазирлиги, Алоқа йўллари вазирлиги каби турли давлат маҳкамаларининг иштироки сақланиб қолди<sup>1</sup>. Бу эса ўз ўрнида таълим муассасаларининг бир ҳил даражада фаолият юрита олмасликларининг сабаби бўлиб қолаверди.

Сирдарё вилояти халқ билим юртлари директорати ташкилоти рус ва маҳаллий бошланғич билим юртлари фаолияти устидан назорат қилувчи махсус идора бўлиб, унинг ҳузурида иккита инспектор фаолият юритган ва ҳар бир район инспекторлари унга ҳисобот бериб борган. Вилоятдаги барча турдаги ва номдаги билим юртлари, хусусий таълим билан шуғулланувчи шахслар ҳам халқ билим юртлари директори ва инспекторларига бўйсўнган. Директорга Туркистон округи гимназия ва реал билим юртлари директорлари каби бешинчи даража, губерниялар халқ билим юртлари директорлари каби нафақа олиш ҳуқуқи берилган.

Вилоятларда билим юртлари фаолиятини назорат тизими бир хил ташкил этилмаган эди. Сирдарё вилоятида раҳбарлик назорати директор ва иккита инспектор томонидан амалга оширилган бўлса, фаолият доираси вилоятлар чегаралари билан тўғри келмайдиган бошқа инспекцияларда мазкур назорат биргина инспектор зиммасига юклатилган эди. Туркистон ўлкасида фаолият юритган ўқитувчилар малакаси талаб даражасида бўлмаганлиги, жойлардаги билим юртларини назорат қилувчи бошқа давлат идоралари бўлмаганлиги ҳамда улардаги ўқув ишларининг аҳволи ҳақидаги маълумотлар ўз вақтида инспекцияларга етиб бормаслиги каби муаммолар инспекторларни ўз районларидаги билим юртларига тез-тез бориб, тафтиш ўтказиб туришларини тақозо қилган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Однодневная перепись начальных школ в империи, произведенная 18 января 1911 года. Выпуск XV, часть 2-я. Туркестан. Области: Закаспийская, Самаркандская, Семиреченская, Сыр-Дарьинская и Ферганская. – СПб., 1914.

Бундан ташқари, жойларда маҳаллий маҳкама ва билим юртлари кенгаши ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа давлат идоралари бўлмаганлиги сабабли билим юртлари хўжалик ишлари бошқаруви ҳам ўқув инспекциялари томонидан олиб борилган. Давлат ғазначилигидан билим юртларининг нафақат ўқув, балки хўжалик эҳтиёжларига йўналтирилган маблағлар бевосита билим юртлари инспекторлари ихтиёрига келиб тушиб, улар эса ўз ўрнида мазкур маблағларни тўғри тақсимлаб ва мақсадга йўналтирилган ҳолда тасарруф этишлари кераклиги улар зиммасидаги асосий вазибалар ижросида бир қанча камчиликларга йўл қўйилишига сабаб бўлган.

Таълим муассасаларининг бир-биридан узоқ жойлашганлиги ўқув фаолиятини назорат қилишда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарган. Сирдарё вилоятидаги иккита инспектор бошқарувида улкан ҳудудларга ястаниб кетган кўп сонли бошланғич мактаблардан ташқари 137 та рус билим юрти ва 31 та мадраса бўлган<sup>1</sup>. Самарқанд вилояти инспекцияси тасарруфида эса мактаблардан ташқари 32 та рус билим юрти ва 29 та мадраса бўлиб, мазкур инспекциянинг фаолият доираси Амударё бўлими, Керки каби узоқ истеҳкомларни (бу жойларга бориб келиш камида бир ой муддатни талаб этган) ўзида жамлаган ерларгача тарқалган. Каспийорти инспекцияси бошқарувида 54 та билим юрти бўлиб, уларни бошқаруви район инспекторлари ва темир йўл билим юртларини Алоқа Йўллари вазирлиги Ўқув бўлими махсус тафтишчиси назорат қилган. Бу вилоятда ўқув назоратининг ноқулай ҳолда бўлишига Каспийорти, Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари ҳудудларида жойлашган темир йўл билим юртлари назорати инспектори зиммасига юклатилганлигида эди<sup>2</sup>. Еттисув вилояти инспектори бошқарувида 84 та рус билим юрти ва 10 та мадраса бўлиб, вилоятда ҳатто почта йўлининг ҳам мавжуд эмаслиги билим юртлари бошқарувида жиддий қийинчиликлар тўғдирган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Обзор Сыр-Дарьинской области за 1909 год. – Ташкент, 1910.

<sup>2</sup> Обзор Закаспийской области за 1908 год. – Асхабад, 1911.

<sup>3</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором гофмейстером графом

Халқ билим юртлари инспекторларининг ҳар бир вилоятда минглаб мавжуд бўлган мусулмон мактаблари фаолиятини назорат қилиш учун имконияти бўлмаган. Ундан ташқари, инспекторларнинг барчаси ҳам ўзлари эгаллаб тўрган лавозимларига маълумот даражаси жиҳатдан лойиқ эмасди<sup>1</sup>. Биргина Сирдарё вилоятида таълим бошқаруви нисбатан яхши шароитда ташкил этилса-да, бошқа вилоятларда бир киши қўлида девонхона, тафтиш иши ва молия ишининг жамланиши инспектор фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир ўтказган.

Ўлкада таълим муассасалари бошқарувида турли камчиликларга йўл қўйилиб, К.К.Пален ревизияси давомида қуйидагилар аниқланган: 1) кўплаб мактабларда имтиҳонлар ўтказилмаган; 2) беш ой ва ундан кўп вақт давомида ўқитувчиларга маош тўланмаган; 3) баъзи мактабларда ўқишлар сентябр ўрталаригача бошланмаган ва ўқитувчилар томонидан тез-тез мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари содир этилган<sup>2</sup>. Еттисув вилоятида мактаблар сони кам бўлса-да, ўқувчилар сони камайиб борган. Уезд бошлиқлари ихтиёрида рус-тузем мактабларига мўлжалланган катта ҳажмдаги маблағлар бўлса-да, бошлиқ ўз вақтида ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланиш чораларини кўрмаган. Вилоят инспектори Верний шаҳар мактабининг педагогик синфидаги машғулотлар тури билан ҳам таниш бўлмаган<sup>3</sup>.

Самарқанд вилояти халқ билим юртлари инспектори бир вақтнинг ўзида фахрли дунёвий суд маҳкамаси судьяси, мурувват уйлари васийлиги қўмитаси аъзоси, болалар мурувват уйи директори ва ғазначиси, камоқхоналар қўмитаси директори ва статистика қўмитасининг зарурий аъзоси бўлган<sup>4</sup>. Натижада Самарқанд вилояти мактаблари амалда

К.К.Паленом (т. VI). Учебное дело. – СПб., 1910. – С. 29.

<sup>1</sup> Еттисув вилоятида, К.К.Пален ревизияси пайтида, билим юртлари инспектори лавозимида ўтирган шахс маълумот даражасига кўра гимназияни тамомлаган бўлиб, ўз лавозимини эгаллашга ҳақли эмасди.

<sup>2</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, ... – С. 29-30.

<sup>3</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, ... – С. 30.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

бошқарувдан четда қолган. Дарслар кузда – жуда кеч бошланиб, баҳорда эрта тамомланган. Рус-тузем мактаблари ўқувчилари сони, бошқа вилоятларда бўлганидек, камайиб борган, ўқувчилар ўзлаштиришлари суст бўлган<sup>1</sup>.

Каспийорти вилоятида ҳам бошланғич билим юртлари Халқ маорифи вазирлиги, Умумдавлат ва Ўрта Осиё темир йўллари маблағларидан молиялаштирилган бўлиб, улар бўйича ҳисобот бериш инспектор зиммасида бўлган<sup>2</sup>. Бундан ташқари, вилоят бошлиғи, уезд бошлиқлари ва темир йўллар бошқармаси билан ёзишмалар уларнинг кўп вақтини олган. Айниқса, вилоят худудларининг катталиги ва билим юртларининг бир-биридан анча узок масофаларда жойлашганлиги кўп вақт ва маблағлар жалб этишни талаб этган. Масалан, Манғишлоқ уездида 4 та билим юрти бўлиб, 1 таси Форт-Александровскда, 2 таси Николаевск қишлоғида ва 1 таси фақатгина елканли қайиқ орқали бориш мумкин бўлган Долгий оролида эди. Ёзги мавсум – апрелдан ноябргача пароход ҳафтасига бир марта Красноводск ва Форт-Александровскка борганда Долгий оролига кириб ўтган, кишки мавсум – ноябрдан апрелгача икки ҳафтада бир марта Баку ва Петровскка борганда Долгий оролига бориш мумкин эди. Чиқишларда 1 та билим юрти бўлиб, Ашхободдан 810 вёрст масофада, Кушкада 2 та билим юрти 614 вёрст, Тахта-Бозорда 1 та билим юрти 539 вёрст, Иолатанда 1 та билим юрти 379 вёрст, Сарахс ва Крестовкий қишлоғида биттадан билим юрти 325 вёрст масофада жойлашган эди. Биргина Ашхобод уездининг 5 та билим юрти айланиб чиқиш учун 300 вёрст масофа йўл босишга тўғри келган. Айниқса, Форт-Александровск портига сув йўли орқали боришда, об-ҳаво қулай бўлган вақтда 18 кун вақт кетган<sup>3</sup> (5-илова).

1901 йили ўқув ишлари бошқармаларида инспекторларни билим юртлари таъминотига ажратиладиган маҳаллий маблағлар бўйича ҳисоботлар

<sup>1</sup> Қаранг: Обзоры Самаркандской области за 1909 и 1910 гг.

<sup>2</sup> Қаранг: Обзор Закаспийской области за 1910 год. – Асхабад, 1913. Электронпечатная З.Д.Давыдова.

<sup>3</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом (т. VI). Учебное дело. – СПб., 1910. – С. 31.



олиб бориш масъулиятидан озод этиш, 1908 йили эса вилоятларда бир ёки иккита ёрдамчи инспектор лавозими билан бирга билим юртлари директори лавозимини (Сирдарё вилоятидагидек) жорий этиш<sup>1</sup> масалалари кўтарилди. Лекин бу муаммолар ўз ечимини топмади ва 1917 йилгача инспекторларнинг мавжуд ҳолати ўзгаришсиз қолган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Россия империясида XIX аср ўрталаридан бошлаб таълим ислохотлари амалга оширилиши натижасида ўқув муассасаларининг фаолияти ҳам мазмунан, ҳам шаклан такомиллашди. Жумладан, бу жараёнлар Туркистон ўлкасида ҳам содир бўлаётган эди. Шу билан бирга, Туркистон ўлкасининг алоҳида сиёсий мақоми, бошқарув тизимидаги Низом қоидаларига мувофиқ, ўлкадаги таълим тизимини бошқарувида ҳам ўз аксини топди: генерал-губернатор мавқеи, маҳаллий мактабларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

1875 йили Ўқув ишлари бўйича бош бошқарманинг ташкил этилиши, 1877 йили Бош инспектор ва 1879 йилдан район инспекторлари лавозимларини ташкил этилиши ҳамда 1864 ва 1874 йилларда қабул қилинган Низомлар асосида ўқув ишлари бошқарма, район инспекциялари, уезд билим юртлари кенгашлари фаолияти мақоми белгиланди.

Ташкил этилган ўқув ишлари бошқармасининг маҳаллий таълим муассасаларига нисбатан ваколатлари 1870, 1893, 1909 йилларда қабул қилинган қатор ҳуқуқий-меъёрий хўжжатлар билан белгиланди ва мустаҳкамланди. Натижада ўлкада мавжуд ўқув муассасаларини назорат, тафтиш ва таъмин этувчи (маҳаллий таълим муассасалари таъмин этилмаган) бошқарув механизми вужудга келди. Мазкур тизим ўз фаолияти давомида катта ютуқларга эриша борди. Лекин, уни яратилишида жиддий камчиликларга йўл қўйилган эдики, улар келажакда мазкур тизим фаолиятида самарадорликни сусайишига сабаб бўлган. Хусусан, 1) ўлкадаги билим юртлари фаолиятини назорат қилувчи инспекторлар сонини камлиги

<sup>1</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором ... – С. 32.

ва уларни кўп вақт талаб этувчи канцелярия ишларига жалб этилиши; 2) Туркистонда империя ҳукумати томонидан ташкил этилган рус таълим муассасалари фаолияти назоратини амалга оширувчи ва улар фаолиятини яхшилаш учун хизмат қилувчи раҳбарлик идоралари вакиллари сон жиҳатдан камлиги ҳамда катта ҳажмдаги расмий ишларга жалб этилганлиги; 3) Бошқарув тизимида малакали кадрлар етишмаслиги кузатилиб, Туркистонга мутахассисларни жалб этиш иши мушкул бўлган. Ўлкада таҳсил олган мутахассисларнинг соҳада мавжуд кадрларга бўлган эҳтиёжларни қондира олмас эди; 4) кўп ҳолларда масъулиятли лавозимлардаги шахсларни ўз вазифаларига маълумотлиги жиҳатдан лойиқ бўлмаган; 5) Туркистон ўлкасидаги таълим бошқариш маҳкамалари ўз фаолиятларида таълим жараёнидан ташқари молиявий ва моддий таъминот, турли раҳбарлик ташкилотлари билан ёзишмалар олиб бориш, ҳисоботлар тайёрлаш кадрлар етишмаслиги, ўлкада транспорт ва алоқа тизимларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги шароитида катта қийинчиликларни келтириб чиқарган.

Буларнинг ҳаммаси ўз ўрнида асосий вазифа бўлган ўқув ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш борасида мазкур тизимнинг фаолиятини натижасизлигига сабаб бўлган.

Ўқув ишлари бош бошқарма таркибида кадрлар танқислиги натижасида ташкил этилган ва фаолият олиб бораётган таълим муассасаларини бошқарувида малакасиз мутахассисларни тайинланиши ҳолати деярли ўлканинг барча чекка ҳудудларида кўзатилади. Мазкур кадрлар танқислиги натижасида умумий назорат жараёни ҳам кучсиз бўлиб, бу соҳада кўзбуямачилик, белгиланган ишларни вақтидан кечиктириб бажариш, масъулиятсизлик, ўқув жараёнини мазмунан паст савияда ташкил этилиши ҳолатларини келтириб чиқарди. Албатта, бу ҳолатлар таълим тизимини раванқ топишига тўсқинлик қилган. Ундан ташқари, ушбу кадрлар танқислиги ҳолати империянинг ўлкадаги анъанавий таълим муассасалари фаолиятини яқиндан назоратини амалга ошириш бўйича ишларини етарли

даражада амалга оширилмаслигига ҳам сабаб бўлди.

Бироқ, Туркистон ўлкаси Ўқув ишлари бош бошқармаси ўзининг 42-йиллик фаолияти давомида босқичма-босқич ўқув муассасаларини мутахассис кадрлар билан таъминлаш, ўқитиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, таълим сифатини яхшилаш, ўрта таълим тизимини шакллантириш муаммоларини ҳал эта борди. Лекин, молиявий таъминотнинг етарли даражада эмаслиги бу борада катта қийинчиликларни тўғдирган. Империя Халқ маорифи вазирлигининг таълим муассасаларини моддий таъминотига маҳаллий маҳкамалар: уезд, шаҳар бошқармалари, Ер мулклари ва Алоқа йўллари вазирликларини таълимга маъсул бўлимларини ҳамда аҳоли жамоатчилигини жалб этиши моддий таъминот борасида муаммоларни ҳал этишга кўмаклашди.

Россия империяси XIX асрда дунё ҳамжамияти орасида йирик империалистик, катта ҳарбий кудратга эга бўлган давлат сифатида гавдаланса-да унинг молиявий имкониятлари чекланган, тинимсиз ҳарбий тўқнашувлар: Қрим урушлари, рус-япон уруши ва айниқса биринчи жаҳон урушлари натижасида салтанат иқтисодиётини ночор аҳволга тушириб қўйган эди. Шунинг учун ҳам, империя раҳбарияти жаҳон сахнасидаги мамлакат манфаатлари ва обрўсини ҳимоя қилиш учун катта маблағларни сарфлар экан жамият ривожини учун муҳим бўлган таълим тизимини равнақига молиялаштиришни қисқартиришни маъқул топган. Яна таъкидлаш жоизки, XX аср бошларига қадар дунёнинг етакчи давлатларининг биронтасида кенг халқ оммасини оммавий равишда саводли қилиш жамият ва давлат тараққиётининг гаровидир деган тушунча шаклланмаган эди. Буни биз ўша даврда ҳали инсон ҳуқуқларини юқори даражада эътироф этилмаслиги, давлатчиликнинг демократик тамоилларини мустаҳкам асосда ҳукуматлар сиёсатининг таркибий қисмига айланиб ўлгурмаганлигида деб баҳолашимиз мумкин.

## **Бошланғич рус ва рус-тузем мактабларини ташкил этилиши ва фаолияти**

Туркистон ўлкасида дастлабки рус мактаблари ўлкага кўчиб кела бошлаган рус аҳолиси фарзандлари учун ташкил этилган. Ушбу мактаблар православ руҳонийлари томонидан 1860 йили форт №1 (Казалинск) ва Перовск истеҳкомларида ташкил этилиб, у ерда ўғил ва қиз болаларга ўқиш, ёзиш, диний қадриятлар, муқаддас тарих ва арифметиканинг тўрт амаллари ўргатилган<sup>1</sup>. Мазкур мактабларни ташкил этишда Оренбург ва Уфа епископи Антоний ташаббускорлик қилган. Бу мактаблар кейинчалик Оренбург ва Самара генерал-губернатори А.П.Безак томонидан тасдиқланган алоҳида низомлар асосида қирғиз<sup>2</sup> мактаблари билан алмаштирилган<sup>3</sup>. Бу мактаблар диний йўналтирилган бўлиб, улар воситасида бир томондан ҳудудда истиқомат қилувчи рус аҳоли фарзандларига таълим бериш, иккинчи томондан қирғизлар орасида православ дини ва рус таълимини ёйиш режалаштирилган. Ўқитувчилар етишмаслиги ва ўқув дастурларининг оддийлиги туфайли мазкур мактабларда таржимон бўлган қирғизлар ўқитувчилик қилишган.

Кейинги йилларда Тошкент ва Чимкентда қизлар учун бўлими ҳамда хунармандчилик синфлари, Казалинскда қизлар учун якшанба синфлари, Перовск ва Самарқандда рус болалари учун, Самарқандда яна ғайритаъба болалари учун, Каттакўрғон ва Петро-Александровск бошланғич билим юртлари ташкил этилди. Ушбу билим юртларининг барчаси муайян режаларсиз, асосан, ўлкадаги рус аҳолисининг таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ташкил этилган эди. Еттисув вилоятида русийзабон аҳоли Туркистон ўлкасининг бошқа ҳудудларига нисбатан

<sup>1</sup> Остроумов Н.П. Исторический очерк народного образования в городах и укреплениях бывшей Сыр-Дарьинской линии и Туркестанской области до учреждения Туркестанского генерал-губернаторства с 1860 г. по 1867 г. – Ташкент, 1881. – С. 33.

<sup>2</sup> Ҳозирги Қозоғистон ҳудудида истиқомат қилувчи қозоқлар XX асрнинг 20-йилларигача умумий қирғизлар номи билан аталган.

<sup>3</sup> Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. – Ташкент, 1896. – С. 2.

олдинроқ кўчиб келиб жойлашганликлари муносабати билан бу ҳудудда рус мактаблари очилиши олдинроқ амалга оширилган. Хусусан, 1867 йилгача Еттисувда рус казаклари болалари учун 8 та бошланғич мактаб фаолият юритган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, 1867 йилдан бошлаб Хўжандда 13 та болага мўлжалланган халқ мактаби ташкил этилди. Казалинск ва Перовск мактабларига қўшимча маблағ ажратилиб, биринчисида ўқувчилар сони 84 тага (64 та рус ва 20 та қозок), иккинчисида 40 тага (20 та рус ва 20 та қозок) етказилган. 1868 йили Еттисув вилоятининг Копал уездида икки синфли диний мактаб ташкил этилиб, 1869 йили у ерда 65 та ўғил ва 25 та қиз бола таълим олган. Кейинчалик ўша вилоятнинг янги қишлоқларида жами 3 та, шу жумладан Саркан казаклар қишлоғида, православ динини қабул қилган мўғул ва қозоклар учун миссионер хузурида<sup>2</sup> бошланғич мактаблар ташкил этилган. 1866 йили Тошкент шаҳрида ихтиёрий эҳсонлар ҳисобидан Жуйкова хусусий мактаби ташкил этилди. Бу мактаб 1867 йили ғазнадан “Тошкентдаги рус аҳолининг қуйи табақаси вакиллари таълимга бўлган эҳтиёжини қондириш учун” катта бўлмаган маблағ билан таъминланди. Ўша йили мактабда 11 та қиз ва 7 та ўғил болаларга ибодат қилиш, муқаддас тарих, санок, арифметиканинг биринчи амаллари, ёзув, қўл хунарлари ўргатилиб, март ойига келиб мактабда ўқувчилар сони 15 та қиз ва 18 та ўғил болага етган<sup>3</sup>.

1869 йили Тошкентда Туркистон ўлкаси “бадавлат хонадон болалари”ни гимназияларнинг IV синфига тайёрловчи Пахерт хонимнинг хусусий мактаби ташкил этилган. 1871 йили эса Тошкентда ҳам ўғил, ҳам қиз болалар учун уч синфли хунармандчилик синфлари бўлган халқ мактаби ташкил этилди.

<sup>1</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 гг.). – Москва, 1960. – С. 108.

<sup>2</sup> Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. фон Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства 7. XI. 1867 – 25. III. 1881. Сост. П.И.Хомутов. – СПб. 1885. – С. 434.

<sup>3</sup> Остроумов Н.П. Исторический очерк народного образования в городах и укреплениях бывшей Сыр-Дарьинской линии и Туркестанской области до учреждения Туркестанского генерал-губернаторства с 1860 г. по 1867 г. – Ташкент, 1881. – С. 37.

Хуллас, мактаблар рус аҳолиси учун имтиёзга эга бўлган ва қарам табақаларга ажратилган ҳолда аниқ тамойиллар асосида ташкил этила борган<sup>1</sup>.

1866 йилда босиб олинган Хўжанддан ташқари Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан Россия таркибига қўшиб олинган худудларга рус аҳолиси кўчиб келиши билан 1871 йили Самарқандда илк рус мактаби ташкил этилди. Кейинроқ Туркистон ўлкаси таркибига қўшиб олинган Каттакўрғон, Петроалександровск (ҳозирги Тўрткўл) ва бошқа шаҳарларда бошланғич мактаблар вужудга кела бошлади. 1876 йили Туркистон Ўқув ишлари бошқармаси ўз фаолиятини бошлагунига қадар ўлкада 25 та бошланғич мактаб бўлиб, уларда 1074 та қиз ва ўғил, асосан, рус аҳолиси фарзандлари таълим олишарди<sup>2</sup>. Бу вақтда Туркистонда 48358 нафар рус аҳолиси истиқомат қилиб, 1074 ўқувчи 8 дан 11 ёшгача бўлган мактаб ёшидаги болаларнинг 17% ни ташкил этган. 25 та мактабдан 15 таси Еттисув вилоятининг шаҳар, казак қишлоқлари ва қишлоқларида жойлашган эди<sup>3</sup>. Туркистон ўлкаси Ўқув ишлари бошқармаси ташкил этилгунга қадар очилган рус мактаблари истилодан сўнг ўлкага келиб жойлашган рус фуқаролари фарзандлари учун ташкил этилиб, тизимли, бир типдаги таълим муассасалари қаторига киритилмаган<sup>4</sup>. Бу мактаблар асосан қиз ва ўғил болаларни дин, ўқиш, русча ёзиш, арифметика асосларига ўргатувчи бошланғич мактаблар бўлиб, у ерда қизлар кўл ҳунарларига, баъзиларида эса ўғил болалар дурадгорлик, чилангарлик, этикдўзлик каби ҳунарларга ўргатилган. Ўқув ишлари бошқармаси ташкил этилиши билан мазкур мактаблар Россияда мавжуд мактаблар турига мослаштирилган.

<sup>1</sup> Очерки истории и педагогической мысли народов СССР (конец XIX – начало XX в.). / Отв. ред. Э.Д.Днепров. – Москва, 1991. – С. 103.

<sup>2</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 гг.). – Москва, 1960. – С. 109.

<sup>3</sup> Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. Сост. Инспектор народных училищ Туркестанского края 1-го района С. Граменицкий. – Ташкент, 1896. – С. 38.

<sup>4</sup> Ўша асар. – С. 11.

## Ўлкада рус таълими ва маданиятини оммалаштиришни режалаштирар

\*К.П.Кауфман таълим соҳасида бирон-бир тизимни шакллантиришдан олдин ўлкага халқ, асосан ғайритаъбалар таълими бўйича малакага эга бўлган мутахассис юборилишини хоҳлаган. Мазкур мутахассис ўлка халқлари ҳаёти ва урф-одатларини ўрганиб, қонуний равишда тасдикланадиган таълимни шакллантириш бўйича Низом тузиши керак эди. Шу мақсадда К.П.Кауфман Н.И.Ильминскийга мурожаат этади. 1869 йилнинг баҳорида Н.И.Ильминский К.П.Кауфманга Ўрта Осиё даштлари рус, шунингдек, миссионерлик йўналишидаги таълим муассасаларини ташкил этиш лойиҳасини ҳамда мазкур тадбирларга раҳбарлик қилиш учун Қозон диний академияси битирувчиси, татар ва араб тилларини яхши билган, Қозонда татарларга таълим бериш ишларидан яқиндан хабардор бўлган И.С.Ястребовни тавсия этган.

экан империя ҳукумати таълим ислохотларининг назарий асосларини ишлаб чиқишга киришди. Айниқса, бу борада К.П.Кауфманнинг ғоялари Туркистон ўлкаси учун аҳамиятли бўлди. \*К.П.Кауфман таълим тизимини яратиш масаласини Н.И.Ильминский билан муҳокама қилган.

Н.И.Ильминскийнинг ғайритаъба халқлар таълимига

нисбатан қарашлари<sup>1</sup> К.П.Кауфман қарашларига зид эди. Генерал-губернаторнинг фикрича маҳаллий аҳолини руслар билан яқинлаштириш мақсадида православ миссионерлиги асосида мактабларни ташкил этиш нафақат барвақт, балки зарарли эди. Россиянинг ўлкада “цивилизаторлик миссияси”<sup>2</sup> тарафдори бўлган К.П.Кауфман “мусулмон билимсизлигига” “рус-европа маърифатини” қарши қўювчи рус умумтаълим мактабларини ташкил этишни муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбир сифатида баҳолайди<sup>3</sup>. Натижада Н.И.Ильминскийнинг таълим тизими шакли борасидаги лойиҳаси амалиётга татбиқ этилмади.

К.П.Кауфман мусулмон мактаби, умуман, исломий ҳаёт анъаналарини тоқат қилиш мумкин, лекин рағбатлантириш мумкин бўлмаган эскилик деб ҳисоблаган<sup>4</sup>. Шунинг учун Кауфман талаби билан Туркистон ўлкасида 1870

<sup>1</sup> Знаменский И.В. Участие Н.И.Ильминского в деле инородческого образования в Туркестанском крае. – Казань, 1900. – С. 14.

<sup>2</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 гг.). – Москва, 1960. – С. 179.

<sup>3</sup> Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917гг.). – Ташкент, 1997. – С. 156-157.

<sup>4</sup> Бахтурина А.Ю. Окраины Российской империи: государственное управление и национальная политика в годы первой мировой войны (1914-1917 гг.). – Москва, 2004. – С. 289.

йил 26 мартда тасдиқланган маҳаллий таълим муассасаларига ҳукумат мададига таяниш имконини берувчи “Россияда яшовчи ғайритаъбалар таълими учун чоралар ҳақида” ги Низом қўлланилмади ва ўлкадаги маҳаллий таълим муассасаларига нисбатан “менсимаслик” сиёсати қўлланилган эди.

\*Комиссия таркибига генерал-губернатор Девонхонаси махсус бўлими иш юритувчиси М.И.Бродовский (раис, мутахассислиги бўйича агроном), махсус топшириқлар амалдори М.Л.Кун (шарқшунос) ва ротмистр М.А.Терентьевлар киритилган. Комиссия ишига қўйидаги вазифалар юкланган: рус ва маҳаллий болаларни биргаликда ўқитиш услуб ва воситаларини аниқлаш, ўлкада зарур бўлган ўқув муассасалари тур ва шакллари аниқлаш, уларда ўқитиш дастур ва тизимларини ишлаб чиқиш; ўқув курси давомийлиги ва ўқув материалларининг давомийлиги, ўқитишнинг ўзвийлигини белгилаш, мазкур таълим муассасаларини ўқитувчи ва ўқувчилар таъминлаш усулларини ишлаб чиқиш, ўлкада очиладиган билим юртлари сонини ва уларнинг очилиш кетма-кетлигини белгилаш, ҳар бир билим юрти учун сарфланадиган маблағ ҳажми ва уни таъминлаш манбаларини белгилаш, билим юртлари устидан назорат ва бошқарувни ташкил этиш.

Юқорида келтирилган қарашларга асосланган ҳолда 1870 йили тузилган М.И.Бродовский бошчилигидаги махсус \*комиссия 1871 йилда ўлкада халқ таълимини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқди ва Ҳарбий вазирликка тасдиқлаш учун тақдим этди. Лойиҳага мувофиқ Тошкентда Халқ маорифи

вазирлигининг умумий қонунлари асосида ўғил болалар гимназияси ташкил этилиб, унда рус ва маҳаллий аҳоли вакиллари бир хил ҳуқуқлар асосида таълим олишлари мумкин бўлган. Умумий қонунлар асосида уч йиллик ўқитувчилар семинарияси ва унинг ҳузурида намунавий мактаб ташкил этилиб, унинг қошида давлат пансионатида яшовчилар учун 50 та ўрин ажратилиши режалаштирилди. Ушбу ўринлардан 20 таси бўлажак семинария ўқитувчилари бўлиб етишадиган рус болалари ва 30 та ўрин бошланғич саводхонлик мактаблари ўқитувчилигига тайёрланувчи маҳаллий болалар учун ажратилиши керак эди.

Лойиҳа бўйича Туркистон ўлкасида икки хил: маҳаллий аҳоли учун халқ билим юртлари ва ўлкада хизмат қилувчи руслар болалари учун умумтаълим



муассасалари очилиши режалаштирилган эди<sup>1</sup>. Халқ билим юртлари ҳам икки: тўрт йиллик таълим курслари ва хунармандчилик синфлари бўлган уезд мактаблари ҳамда саводхонлик бошланғич мактаблари кўринишида ташкил этилиши керак эди. Биринчиси утроқ аҳоли истиқомат қиладиган жойларда ташкил қилинган бўлса, иккинчиси эса кўчманчи аҳоли учун мўлжалланган. Саводхонлик мактаблари ўз дастурлари бўйича уезд мактабининг қуйи босқичларига мос келса, уезд мактаби семинария қошидаги намунавий мактаб нусхаси эди.

Саводхонлик мактабида уезд мактабларининг ўқув курсини, уезд мактабида эса семинария курсларини тамомлаганлар ўқитувчи бўлиб ишлаган. Уезд мактабларида рус ва маҳаллий аҳоли болалари биргаликда ўқитилиши керак эди. Тўрт йиллик уезд мактабларининг дастурида руслар учун диний қонунлар, рус тили, ер таърифи, тўлиқ, оддий, каср ва ўнлик сонларнинг дастлабки амаллари, хунармандчиликда қўлланилувчи дастлабки чизмачилик, баъзи касблар ва туб ерли аҳоли учун зарур бўлган маҳаллий тил кабилар ўқитилган<sup>2</sup>. Бошланғич саводхонлик (дашт ва чўлларда) мактаблари эса рус ва қирғиз тилларида ўқиш ва ёзиш, арифметиканинг дастлабки амалларини ўргатиш билан чекланган. Уезд мактабида бўлгани каби саводхонлик мактабларида маҳаллий тиллар рус транскрипцияси асосида ўқитиларди. Уезд мактаби қошида кўчманчилар фарзандлари учун 20 ўринга мўлжалланган пансионат ташкил этилиши режалаштирилди<sup>3</sup>. Саводхонлик мактабида ўқитувчилик билан шуғулланмоқчи бўлган битирувчиларга бир йил давомида педагогика асослари ўқитилган<sup>4</sup>.

Маҳаллий аҳоли орасида рус таълимини кенг тарқатиш масаласи М.И.Бродовский комиссияси ишида асосий ўрин эгаллаган. Бошланғич рус

<sup>1</sup> Устройство учебной части в Туркестанском крае //Голос, 1875, №98.

<sup>2</sup> Айтмамбетов Д.О. Дореволюционные школы Киргизии. – Фрунзе: Изд-во АН Киргиз. ССР, 1967. – С. 62.

<sup>3</sup> Карлыбаев М.А. История народного образования в Каракалпакии в XIX – начале XX веков: Дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1995. – С. 83.

<sup>4</sup> Бобровников Н.А. Русско-туземные училища, мектебы и медресе Средней Азии. Путевые заметки. – СПб.: Сенатская типография, 1913. – С. 31.

таълим тизимини шакллантирар экан комиссия сарт (ўтроқ ўзбеклар) ва қирғизлар (кўчманчилар) нинг ўзаро келишмасликлари туфайли бир мактабда ўқитиб бўлмайдиган тушунча асосида ўтроқ аҳоли учун олий – уезд мактаблари, қирғизлар учун эса қуйи саводхонлик мактаблари ташкил этиш, ўтроқ аҳоли яшовчи овлоқ ерларда дастлаб рус таълимини жорий этиш каби лар лойиҳада акс эттирилди<sup>1</sup>.

Ҳаёт тажрибаси мазкур тахминларнинг баъзилари нотўғри эканлигини исботлади. Кейинчалик маълум бўлишича, қирғиз болалари рус мактабларида ўтроқ аҳолидан қолишмаган ҳолда фаоллик билан ўқишди ва оқибатда улар учун ҳам олий дастурлар асосидаги мактаблар ташкил этиш кераклиги, қирғизлар ва ўтроқ ўзбеклар болаларини биргаликда таълим олишлари амалда мумкин бўлиб, овлоқ ва узоқ жойларда рус мактабларини жорий этиш муваффақиятсиз эканлиги маълум бўлди.

Лекин, маҳаллий аҳолига таълим беришда рус мактаблари фаолияти самарасиз бўлган. Бу борада Н.О.Розенбахни 1) шаҳар мактаблари ўқитиш дастури рус болалари учун жуда кенг ва жиддий бўлса, маҳаллий аҳоли болалари учун умуман қийин, 2) маҳаллий болаларнинг дастлабки таълимини она тилида эмас, балки рус тилида олиб бориш, туб аҳоли болалари учун рус болалардан алоҳида мактаб ташкил этиш керак, 3) рус мактаб ўқитувчилари маҳаллий тилларни билмаслиги таълимнинг умумий ҳолатига салбий таъсир ўтказмоқда каби фикрлари асосли эди<sup>2</sup>.

Сирдарё вилоятида билим юртларини тафтиш қилган халқ билим юртлари инспектори Н.К.Смирнов<sup>3</sup> ўлкадаги таълим иши аҳолини таҳлил этар экан, маҳаллий аҳоли болаларини рус мактабларига жалб этишнинг 1884 йилга қадар муваффақиятсиз кечганини қуйидаги сабаблар билан изоҳлайди:

- таълим дастурларида мусулмон саводхонлиги ўқитилмаслиги ва

<sup>1</sup> Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1916. – С. 7-8.

<sup>2</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). – Москва, «Наука», 1960. – С. 147.

<sup>3</sup> Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917гг.). – Ташкент, 1997. – С. 169.

ўқитувчилар маҳаллий тилларни билмаслиги туфайли рус мактаблари маҳаллий аҳоли томонидан ижобий қабул қилинмаган;

- мусулмон болалар олдида рус болаларига православ дини ақидаларининг ўқитилиши ва бўнинг маҳаллий диний хусусиятларга зид эканлиги.

В.В.Бартольднинг фикрича, Туркистон халқларининг рус мактабларига салбий муносабатига “кенг ва жиддий” дастурлар эмас, балки империя мустамлакачилик зулми, маҳаллий мактабларнинг ноқулай вазиятга солиниши, ўқув бошқармаси вакилларининг кўп ҳолларда маҳаллий аҳолига нисбатан ҳурматсизликларча муносабатда бўлиши ва Ўрта Осиё халқлари миллий маданиятининг камситилиши кабилар сабаб бўлган<sup>1</sup>.

Бу борада С.Абдулғаффоровнинг ҳам қарашлари мавжуд эди. Унинг фикрича Рус мактабларида ислом дини асосларини ўқитилмаслиги асосий сабаб бўлиб, маҳаллий болаларни рус мактабларида фаол қатнашларини таъминлаш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида таклифлар билан Туркистон ўлкаси генерал-губернатори М.Г.Черняевга маълумотнома ёзган эди: мазкур рус таълим муассасалари дастурларига мадрасалардаги ўқув дастурлари асосида ислом дини асосларини тўғрисида ўқитишни киритиш, жума кунлари ўқитмаслик, рус тили билан биргаликда маҳаллий тилларни ўқитиш, миллий кийимни алмаштиришни талаб этмаслик, диний мутаасибликка қарши кескин фикрларни билдирмаслик, мусулмон болалар ҳам давлат маҳкамалари ҳисобидан бепул ўқитилиши<sup>2</sup>.

XIX асрнинг 80-йиллари бошига келиб ўлкада рус таълим тизими жами 67 та таълим муассасасидан иборат бўлиб, 3355 ўқувчиси бўлган<sup>3</sup> (2-илова). Бу кўрсаткич минглаб маҳаллий мактаблар ва уларнинг ўн минглаб ўқувчилари олдида арзимас рақамлар эди. 1885 йили Еттисув вилояти

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград: АН СССР, 1927. – С. 78.

<sup>2</sup> Арапов Д.Ю. О задачах русской политики в Средней Азии в 80-е годы XIX века. old.rsute.ru/.../Арапов.

<sup>3</sup> Қаранг: Памятная книжка по управлению учебными заведениями Туркестанского края на 1880/81 учебный год. (Книжка III-я). – Ташкент, 1882.

Қорақунуз аҳоли пунктида ташкил этилган рус-тузем мактаби ҳам ўқитувчилар туб ерли халқ бўлган дўнганлар тилини билмаслиги натижасида муваффақият қозонмаган<sup>1</sup>.

Маҳаллий мактабларни ўлкадаги мустамлакачи маъмурият томонидан “менсимаслик”, ислом динининг таълим дастурига киритилмаслиги, рус таълимининг сингдирилишида асосан кўчманчи аҳолига таяниш ва уларни мактабларга кенг миқёсда жалб этиш, зиммасига “руслаштириш” сиёсатини изчиллик билан давом эттириш вазифаси юкланган сиёсат К.П.Кауфмандан кейинги генерал-губернаторлар томонидан қораланди.

Эндиликда Россия Халқ маорифи вазирлиги, айниқса, ўлкадаги рус маъмурияти ва Ўқув ишлари бўйича бош бошқарма вакиллари маҳаллий аҳоли орасида рус таълим тизимини оммалаштиришнинг янги йўлларини қидира бошладилар.

Худди шу пайтда маҳаллий илғор тадбиркорлар орасида рус тили ва империя қонунларини билишдан манфаатдор кишилар сони ортиб борар эди. Чунки XIX аср охирига келиб Туркистон бутун империяда жадаллашаётган капиталистик жараёнларга тобора кўшилиб борарди. Бу шароитда ўлка иқтисодиёти нафақат Россиянинг марказий ҳудудлари, балки империя миқёсида фаолият юритарди. Рус тили ва қонунларини билиш ўлка хўжалигининг кейинги тараққиёти учун аҳамияти тобора ошиб борарди.

Ана шундай бир шароитда ўлка маъмуриятининг манфаатларига мос ҳолда рус-тузем мактаблари вужудга келди. Кўплаб тарихий адабиётларда рус-тузем мактабларининг ташаббускори сифатида генерал-губернатор Н.О.Розенбах (1884-1889) қайд қилинади. Лекин К.П.Кауфман давридаёқ маҳаллий тошкентлик савдогар Саидазимбой ўлка раҳбариятига 1840 йили бунёд этилган Эшонқўли мадрасасида шариат таълимини сақлаган ҳолда рус тили, рус қонунлари, арифметика ўқитиш, хунарларни ўргатиш таклифи

<sup>1</sup> Недзвецкий В.Е. Обзор Семиреченской области во время состояния ее в составе Степного генерал-губернаторства (1882-1899). – Верный, 1900. – С. 266-267.

билан чиққан эди<sup>1</sup>. Мазкур таклиф Туркистондаги маҳаллий мустамлака маъмурият томонидан маъқулланиб, бу масала бўйича ташкилий харажатлар сметаси тузилди, халқ таълими бўйича Петербург юқори идоралари билан ёзишмалар олиб борилди<sup>2</sup>. Лекин педагог кадрлар йўқлиги сабабли рад жавоб олинди<sup>3</sup>. В.В.Бартольднинг таъкидлашича, марказий халқ таълими маҳкамалари маҳаллий аҳоли таълимига аралашини хоҳламаганлиги туфайли мазкур лойиҳа қўллаб-қувватланмаган. Бу таклиф маҳаллий таълим анъаналари билан рус-европа таълим анъаналарини ягона муассасада акс эттиришнинг дастлабки таклифи эди.

1884 йили генерал-губернатор этиб тайинланган Н.О.Розенбах ўлкада халқ таълимининг аҳволи ҳақида маълумотга эга бўлиш учун “махфий комиссия” тузди. Ўлка раҳбарининг ўзи эса эски мактаб лойиҳаларини янгиси билан алмаштириб, рус-маҳаллий мактабларни ташкил этиш<sup>4</sup>, уларда мусулмон дини ва ақидаларини ўқитиш маҳаллий ўқитувчи – муллаларга топширилишини таъкидлаган<sup>5</sup>.

Н.О.Розенбах Ўрта Осиё туб аҳолиси учун бошланғич рус мактабини ташкил этиш ғоясини қайта жонлантирди. Бу ғоя 1871 йилда М.И.Бродовский бошчилигидаги комиссия ишлаб чиққан лойиҳада ҳам бўлиб, уни Халқ маорифи вазири Д.Толстой рад этган эди. 1885 йил Туркистон ҳукумати томонидан маҳаллий аҳоли учун бошланғич мактаблар ташкил этиш таклифининг 1871 йилги лойиҳадаги таклифдан принципиал фарқи уларда мусулмон диний таълимотини ўқитишга рухсат берилар эди.

Ўрта Осиё аҳолисини руслаштиришнинг янги йўллари кидирилишини ўлка маъмуриятининг маҳаллий аҳоли мулкдорлари ва мусулмон

<sup>1</sup> Остроумов Н.П. Константин Петрович Кауфман, устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания Н. Остроумова (1877-1882 гг.) (К истории народного образования в Туркестанском крае). – Ташкент, 1899. – С. 12.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Соч. Т. II. Ч.1. – С. 304

<sup>3</sup> Добромыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912. – С. 112.

<sup>4</sup> Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. Очерк В.П.Наливкина. изд. А.Л.Кирснера. – Ташкент, 1913. – С. 102.

<sup>5</sup> Циркуляр Розенбаха от 30 сентября 1886 г. Цит. по работе Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. Вып. 1. Изд. автора. – Ташкент, 1890.

руҳонийлари билан яқинлашувга бўлган интилиши сифатида баҳолашимиз мумкин. Лекин рус ва маҳаллий ўзбек, тожик, яҳудий, ҳинд ва бошқа миллат вакилларининг болалари биргаликда таълим олиши мумкин бўлган, аралаш типдаги билим юртини ташкил этиш аввал ҳам амалиётда қўлланилган эди. Масалан, 1870 йили шунга ўхшаш типдаги бошланғич мактаб Зарафшон округи бошлиғи А.К.Абрамов томонидан Самарқандда ташкил этилган<sup>1</sup>. 1876 йили Самарқандга хизмат сафарига юборилган Тошкент ўқув раҳбарияти вакилининг ҳисоботида кўра мазкур мактабда 111 та ўқувчи бўлиб, мусулмон қонуншунослиги ўқитиладиган алоҳида синф мавжуд бўлган. Самарқанд мактабида рус ва маҳаллий мактаб хусусиятлари мужассамлашган эди<sup>2</sup>. Икки йилдан сўнг мазкур мактабда маҳаллий аҳоли болаларидан бўлган ўқувчилар сони 34 та: 14 та ўзбек ва тожик, 20 та яҳудий бўлган. Лекин билим юртининг умумий аҳволи ва ўқитиш шароитлари ёмон бўлган<sup>3</sup>. 1884 йилги маълумотда кўздан кечирилган Самарқанддаги рус мактабларида “ўтроқ маҳаллий аҳоли болаларининг сони жуда сезиларли даражада кўп ... бошқа жойларда бу нарса сезилмайди”<sup>4</sup>, – деб таъкидланади. “Новое время” газетасида Самарқандда икки синфли шаҳар билим юрти очилиши ҳақидаги мақолада: “... билим

\*Тошкент шаҳри қозиси Сатторхон Абдуғафоров, маърифатпарвар шахс бўлган. Бутун ҳаётини фан ва билимларнинг буюк аҳамиятини ташвиқ этишга бағишлаган. У 1879-1886 йилларда Кўконда шаҳар мактабининг фахрий нозирини бўлган. Шу билан бирга, С.Абдуғафоров рус ҳукумати томонидан тайинланиб 1876-1881 йилларда бош қози лавозимида ишлаган. Унинг ҳаракатларини жадиждлар салбий баҳолашган.

юрти турли халқлар, масалан, рус, тожик, ўзбек, европа ва осие яҳудийлари, татарлар ва ҳиндуларни ўзида жамловчи ўзига хос, ўхшаши йўқ муассаса бўлади”<sup>5</sup>, – деб маълумот берилади.

Шунга ўхшаш мактаб Чимкентда ҳам мавжуд эди. У ерда \*Сатторхон Абдуғафоров мусулмон синфи

<sup>1</sup> Остроумов Н.П. Воспоминания, ... С. 21-22.

<sup>2</sup> Қодиров Н.Н. Туркистон ўлкасидаги рус таълим муассасалари тарихи (1867-1917 йй.)

<sup>3</sup> Туркестанские ведомости, 1884, № 36.

<sup>4</sup> Сборник сведений о Средней Азии и русском Туркестане. Статьи неофициальной части «Туркестанский ведомостей», 1884 с 32 по 51 номер. – Ташкент, 1885. – С. 26.

<sup>5</sup> Новое время, № 1879, № 1491; Туркестанский сборник, Т. 248. – С. 99.

ўқитувчиси бўлган. Унинг эсдаликларида<sup>1</sup> Хива юришидан қайтган ҳарбийлар фарзандлари учун ташкил этилган Чимкент биргаликда таълим берувчи икки синфли шаҳар мактаби ўлкадаги биринчи рус-тузем мактаби деб таъкидланади. 1878-1879 ўқув йили Чимкент билим юртини таъриф қилган Н.П.Остроумов: “Чимкент билим юртининг ўзига хослиги ғайритаъба ўқувчилар бўлиб, улар билим юрти фанларини рус ўқувчилари билан бирга тинглаб, ўқув курсининг барча фанлари бўйича нисбатан қониқарли натижаларга эришмоқдалар”<sup>2</sup>, – деб ёзган эди. Бу мактаблар алоҳида-алоҳида яқка ҳолатлар бўлиб, рус маъмуриятининг маҳаллий аҳоли таълимига тааллуқли умумий тадбирлари даражасида аҳамиятга эга бўлмаган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан англаш мумкинки, К.П.Кауфман таълим тизимини шакллантиришда маҳаллий аҳоли муносабатини тўғри баҳолай олмаган ва муваффақиятсизликка учраган. Н.О.Розенбах эса унинг хатоларини тузатиш ва шунинг негизида янги тизим яратиш эвазига бу борада ютуқларга эришмоқчи эди.

С.Абдулғаффоров маҳаллий ва рус-европа таълимини уйғунлаштириш таклифини илгари сўрган. У 1876 йил августда фаннинг “турли қабила ва турли эътиқод инсонларини” бирлаштирувчи ажойиб хусусияти ҳақида Петербургдаги шарқшунослар съездида сўзлаган нутқида гапирган эди. Ўзининг “Туркистон вилояти газетаси” даги “Билимларни эгаллаш”<sup>3</sup> мақоласида: “Биз дунёвий билимларни ўрганишимиз ва уларни амалиётга тадбиқ этишимиз керак” деб ёзган эди. Ўз даврида С.Абдулғаффоров араб, форс, ўзбек ва рус тилларини пухта эгаллаган тарих фанига катта ҳисса қўшган олим<sup>4</sup>. Муаллифнинг шу руҳдаги мақолалари эса Н.П.Остроумов каби империя хизматчиларига жуда қўл келган. 1883 йил охирида Туркистон

<sup>1</sup> Воспоминания С.Абдулғаффарова в кн.: Н.П.Остроумова, Саргы. Этнографические материалы. – Ташкент, 1890. – С. 103.

<sup>2</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924гг.). – Москва, 1960. – С. 183; Журналы Министерства Народного Просвещения, 1879, VII.

<sup>3</sup> Туркистон вилояти газети – 1885, - №8, 11.

<sup>4</sup> Қаранг: Савицкий А.П. Саттархан Абдулғаффаров – просветитель и демократ. – Ташкент, 1965.

ўлкаси шаҳар мактаблари ўқитувчиларининг биринчи съездида Самарқанд ва Чимкент тажрибалари қизгин муҳокама мавзусига айланди. Унда Чимкент мактаби ўқитувчиси С.Абдуғаффоров, шу маскан мудир И.В.Ковригин, Перовск билим юрти мудир Проневскийлар маҳаллий аҳолини жалб этиш учун рус мактабларида мусулмон синфи ташкил этилишини ёқладилар. Бу усулга съезд раиси М.А.Мироппев ва ўқитувчилик семинарияси ўқитувчиси И.М.Софийскийлар “Туркистон ўлкаси билим юртлари инспекторларига кўрсатма”сининг “На мусулмон дини, на мусулмон хат-саводи Туркистон ўлкасидаги ҳукумат ғайритаъба мактабларида ўқитилиши керак эмас” деб қайд этилган 21-моддасига таянган ҳолда қарши чиқдилар<sup>1</sup>.

Халқ маорифи вазирига юборилган тақдимномаларнинг бирида Н.О.Розенбах: “Авваллари кўп мартаба айтилган ва ёзилган мусулмон фанатизми, бизнинг Ўрта Осиё мулкларимиз маҳаллий аҳолисига нисбатан олганда, шахслар бойлиги, албатта, кўпларининг, лекин ҳеч ҳам кенг

омманинг эмас”,<sup>2</sup> – деб рус-тузем мактабларини ташкил этишни ёқлаб чиқди. Бу эса, бир томондан, Мироппев, иккинчи томондан, С.Абдулғаффоров таклифларининг “Розенбахча” омихта ифодаси эди.

Янги турдаги мактабнинг расмий ташкил этилиши маҳаллий ташаббус туфайли тезлаштирилди. \*1884 йили 19 декабрда Тошкентда савдогар

1884 йили сентябрда Тошкент шаҳри бошлиғи Путинцев Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Гродековга рус-мусулмон мактабини ташкил этиш ҳақида лойиҳа киритиб, уни шаҳарнинг эски қисмига жойлаштиришни таклиф этди. Гродеков Н.О.Розенбахга “ҳукуматнинг катта савб-ҳаракатларига қарамасдан рус таълими Туркистонда, айниқса, Тошкентда, шаҳарнинг эски қисмида рус мактабининг йўқлиги туфайли сингмаяпти; шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшовчи турли жойларида ҳам рус, ҳам маҳаллий хат-савод ўқитилиши мажбурий бўлган рус билим юртларини ташкил этиш керак” каби сўзлар битилган маълумот киритади (Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 654 иш, 47-орқа-48 варақ). Мазкур маълумотнома Ўқув ишлари бошқармаси ҳузуридаги кўмитага топширилди. Кўмита мазкур фикрларни ўринли деб топиб, “Тошкент шаҳри маҳаллий аҳолисига ижобий таъсир ўтказадиган ва уларни рус аҳолиси билан яқинлаштирадиган мазкур билим юртини ташкил этиш кечиктириб бўлмайдиган зарурат”, – деб баҳолади.

<sup>1</sup> Протокол заседаний собрания учителей городских училищ Туркестанского края. (30.12.1883 – 3.1.1884; Ташкент). – С. 29.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 4989 иш. 17-орқа варақ.



Саидазимнинг ўғли Саид Ғани Азимбоев ҳовлисида мазкур мактаб очилди. Мактаб мудирини ва рус ўқитувчиси этиб В.П.Наливкин, мусулмон синфининг ўқитувчиси этиб эса мулла Солихўжа Кичкинахожинов<sup>1</sup> тайинланган. Рус маъмурияти маҳаллий ўқитувчини рус ўқитувчиси билан нотенг вазиятга қўйган: рус ўқитувчиси учун йиллик маош 1000 рубль, маҳаллий ўқитувчининг маоши эса 400 рубль белгиланган

Рус-тузем мактаблари маҳаллий аҳоли учун дунёвий таълим олиш мумкин бўлган европа типигаги биринчи мактаб эди. Ушбу мактабларнинг мақсади келажакда туб аҳоли болаларидан ўлка маъмуриятининг қуйи поғона мансабдорларини тайёрлаш эди.

Мазкур мактабларда рус тили биринчи йилдан бошлаб ўргатила бошланган. Ўқиш тўрт йиллик бўлган. Ўқув йили 130 кундан ошмаган. Қишлоқ жойларда ўқувчиларни дала ишлари билан бандлиги туфайли ўқув йили кузда кечроқ бошланиб, баҳорда эртароқ тўғалланган. Мактабда ёши 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўғил болалар ўқитилган<sup>2</sup>.

Ўқувчилар рус ва маҳаллий синфларга ажратилган. Мактабда Тошкент ўқитувчилик семинариясини тугатган битирувчилар рус тили ва арифметикадан дарс берган бўлса, маҳаллий синф ўқитувчиси – мулла маҳаллий, араб тили ва ёзуви ҳамда мусулмон диний таълимотини ўргатган. Машғулотларнинг биринчи икки соатини рус ўқитувчиси, кейинги икки соатини мулла олиб борган. Мазкур жараёнлар империя ҳукуматининг ўз манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширган тадбирлари натижасида содир бўлса-да, улар келажакда маҳаллий аҳолининг маълум қисмида янгича дунёқараш шаклланишига, руслар бошчилигида ўлкада ривожланиб бораётган янги иқтисодий муносабатларда маҳаллий аҳоли вакиллари иштирокининг салмоғи ошишига сабаб бўлди.

Янги турдаги бу мактаб “рус-тузем мактаби” деган ном билан атала

<sup>1</sup> Ғаффоров Ш.С. Чор истибдоди даврида Туркистондаги таълим тизими. - Самарқанд, 2001. – Б. 84-85.

<sup>2</sup> Думенко М.Ф. Русско-туземные школы Туркестана. – Ташкент, 1957. – С. 13.

бошлади. 1885 йилдан рус-тузем мактаблари тизими бутун Туркистон бўйлаб тарқала бошлади. Шу йили кузда Тошкент уездининг Пскент ва Чиноз қишлоқларида иккита шундай мактаб ташкил этилди<sup>1</sup>. 1886 йилга қадар яна учта шундай мактаб ишга туширилди. Империя Давлат кенгашининг «Туркистон ўлкасида халқ таълими шакллантиришдаги баъзи ўзгаришлар ҳақида»ги фармони эълон қилиниши билан<sup>2</sup> бирданига 14 та рус-тузем мактабининг ташкил этилиши Туркистондаги подшо маъмуриятининг мазкур мактаблардан қандай натижалар кутаётганлигини намоён этади.

Рус-тузем мактаблари фаолиятининг дастлабки йилларида маҳаллий аҳоли ўз фарзандларини ушбу мактабларга юбормади. Янги мактабларни ўқувчилар билан таъминлаш учун, аввало, маъмурият хизматчилари ва бадавлат кишиларнинг болалари жалб этилди. Улар эса, ўз навбатида муайян тўловлар эвазига кам таъминланганларнинг болаларини ёллашга ҳаракат қилганлар<sup>3</sup>. Битирувчи ёшлар, одатда, сиёсий аҳамиятга эга бўлмаган волост бошқарув идораларида кичик мансабларга тайинланган<sup>4</sup>.

Баъзи шаҳар ва волостларда мулкдор ва обрўли хонадонлар ўз болаларини рус мактабларида ўқитишнинг фойдасини билганлар. Мисол учун, 1892 йили Тошкент мактабларини тугатган 14 та маҳаллий ўқувчидан 3 таси йирик ер эгалари, 4 таси савдогар, 1 таси пудратчи, 1 таси мулла, 1 таси чойхоначи, 1 таси ўнбоши, 1 таси этикдўз, 1 таси саркор ва 1 таси ўқитувчи оиласидан эди<sup>5</sup>.

Ўлка маъмурияти ушбу мактабларга маҳаллий бадавлат оилалар болаларини жалб этиш мақсадида фахрий нозир лавозимини жорий этди. Бу лавозимга генерал-губернаторнинг махсус қарори билан бадавлат беклар, бойлар, қозилар, савдогарлар, волост бошқарувчилари ва мактаб фойдасига

<sup>1</sup> Наливкин Н. В. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент, 1913. – С. 83.

<sup>2</sup> Байтурсева К.А. Этнокультурные процессы в Южном Казахстане в первой половине XX века. Дисс. ... канд. ист. наук. – Алматы, 2007. – С. 89; Ўз МДА, ф. И-36, р. 1, 2816 иш, 2-4 ырақлар.

<sup>3</sup> Убайдуллаев Н. Русско-туземные школы в дореволюционном Таджикистане. – Душанбе, 2006. – С. 27.

<sup>4</sup> Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). – Москва: Наука, 1980. – С. 35.

<sup>5</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 321 иш, 47-орқа ырақ.

моддий эҳсон қилувчи бошқа зодагонлар тайинланган<sup>1</sup>.

Маҳаллий аҳолининг мазкур мактабларга муносабати бир хил бўлмаган. Шайх ва эшонлар таъсири остида аксарият бой ва обрўли кишилар болаларига руслар таъсиридан кўрқиб, турли баҳоналар билан уларни рус-

\*Академик Т.Н.Қори-Ниёзов 1972 чоп этилган “Размышления о пройденном пути” номли асарига рус-тузем мактабларига маҳаллий аҳолининг бой қатлами фарзандларини бормаслиги бўйича қуйидагича маълумот келтиради: “Рус-тузем мактаблари ўқувчилари орасида бадавлат хонадон болалари жуда кам эди. Кўплар фарзандларини кам иш ҳақи олувчи таржимон бўлишини истамас эдилар. Ушбу мактабларда таълим олганлари ҳам охиригача ўқимаганлар. Уларнинг оталари савдо ишларини олиб бориш учун ўқиш ва ёзишни билса бўлди деб ҳисоблар эди”.

тузем мактабларига юборишмаган. Шунинг учун турли найранглар билан камбағаллар болаларини ўз болалари ўрнига ўқишга боришга ундашган\*.

Бойлар ўз болаларини рус-тузем мактабларига юбормасликларининг яна бир сабаби, мактабни тугатгандан сўнг

битирувчилар таржимон бўлиб ишлаш имкониятига эга эканлиги эди. Афтидан, бадавлат оилаларнинг рус-тузем мактабларига бундай муносабати биринчи битирувчиларнинг фақат таржимон сифатида ишга жойлаша олганликларини кузатганларидан сўнг шаклланган бўлиши мумкин. Лекин ўлкадаги подшо маъмурияти ҳам бу турдаги мактаблар битирувчилари тимсолида келажакда фақатгина мустамлака ҳукуматнинг қуйи мансабларида фаолият юритувчи кадрларни кўрганлиги барча расмий ҳужжатларда акс этганлигини кўришимиз мумкин.

Маҳаллий мулкдорлар фарзандларини рус-тузем мактабларига жалб этар экан, ўлка маъмурияти уларнинг руслаштириш сиёсатини олиб боришга хайрихоҳлик кўрсатишига умид боғлаган эди<sup>2</sup>.

Дастлабки рус-тузем мактаблари жуда оғир шароитларда ривожланган. Моддий таъминот оғирлиги, биноларнинг ўқув машғулотларини олиб боришга мослашмаганлиги, ўқув қўлланмалар етишмаслиги, баъзан эса

<sup>1</sup> Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917гг.). – Ташкент, 1997. – С. 172.

<sup>2</sup> Мухторов А. Очерки истории Ура-тюбинского владения в XIX в. – Душанбе, 1964. – С. 161.

умуман йўқлиги мактаблар фаолиятига салбий таъсир ўтказар эди.

1886 йили Сирдарё вилояти мактаблари фаолиятини кузатган В.П.Наливкин рус-тузем мактабларининг очилиши муносабати билан маҳаллий ва подшо маъмурияти қишлоқлар аҳолисини мактаблар учун норасмий туловлар жорий этиш орқали талаётганликларини гувоҳи бўлади<sup>1</sup>. 1888-1889 ўқув йили давомида Тошкент уезди рус-тузем мактабларини тафтиш қилган М.А.Мироппиевнинг ҳисоботида ҳам шу каби маълумотлар келтирилади<sup>2</sup>. Маҳаллий империя маъмурлари ўқувчиларни ёллаш учун “махсус яширинча “шукул пули” номли солиқ ҳам ўйлаб топишган”<sup>3</sup>.

Мактаблар ташкил этилиши ниҳоятда секин давом этиб, 7 йил мобайнида уларнинг сони деярли ўзгаришсиз қолди. 1895 йилга келиб эса ўлкада жами 23 та рус-тузем мактаби бўлган. Баъзи мактабларда ўқувчилар сони жуда кам эди. Рус-тузем мактаблари сони озлиги билан бирга ўқув ишлари мазмунида ҳам камчиликлар кўп бўлган. Бироқ ХХ аср бошларига келиб уларнинг сони ортиб борган. Туркистон ўлкасида 1901 йилда 45 та, 1905 йилда 82 та ва 1911 йилда 89 та рус-тузем мактаби мавжуд эди<sup>4</sup>.

Рус-тузем мактабларининг умумий муваффақиятсизлиги Туркистон ўлкаси ўқув ишлари бошқармаси раҳбарларида ўқитиш усулларига бирон янгилик киритиш керак деган фикрни пайдо қилди. Рус-тузем мактабларида ўқитиш методикасига янгилик киритиш ташаббускори С.М.Граменицкий бўлган. У она тилидан рус тилига таржима қилиш орқали ўқитиш усулини кўрғазмали асосда ташкил этиш, таълим дастурларидан маҳаллий тилларни умуман чиқариб ташлаш ғоясини илгари сурди. 1897-1898 ўқув йили бошидан мазкур усул рус-тузем мактабларида қўлланила бошланди. 1906 йилга келиб мактаблар сони 83 тага етди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 764 иш, 6-варақ.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 764 иш. 53-58-орқа варақ.

<sup>3</sup> Остроумов Н.П. Сарты. Изд. 3-е. – С. 180.

<sup>4</sup> Азиатская Россия. Том I. Издание переселенческого управления главного управления землеустройства и земледелия. – СПб., 1914. – С. 256.

<sup>5</sup> Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. Сост. Инспектор народных училищ Туркестанского края 1-го района С. Граменицкий. – Ташкент, 1896. – С. 43.

Ўлкада рус-тузем мактаблари сонининг ўсишига фақатгина ўқитиш усулларининг янгиланиши эмас, балки минтақа иқтисодиётида капиталистик секторнинг ўсиши, Туркистонни Россиянинг марказий районлари билан боғловчи темир йўл тармоқларини ишга туширилиши, рус шаҳарлари билан товар айрибошланишнинг ўсиши, ўлка қишлоқ хўжалигининг тижорийлашуви ва унинг маҳсулдорлиги ошиши ҳам катта сабаб бўлди. Буларнинг барчаси дунёвий билимлар асосларини эгаллаган, рус ва маҳаллий тилларни билувчи малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келди. С.М.Граменицкий ислохотида ўқувчилар она тилидан воз кечилиши усулнинг заиф жиҳати бўлса-да, ўқитиш ишларини нисбатан яхшилади.

Хукумат янги очилаётган мактабларга сарфланадиган маблағнинг бир қисмини аҳоли ҳисобидан қоплашни режалаштирди. Мактаблар учун махсус бинолар барпо этилмади. Бу эса фаолият сифатига кучли таъсир ўтказарди. Масалан, 1901 йили 20 августда Қизил-Арват шаҳрида генерал-губернатор Н.А.Ивановнинг Хон, Оламисек жойлари, Перовск шаҳри ва Берқозон қишлоғида “Император ҳазратларининг” тож кийишлари туфайли Перовск уезди қирғизлари ҳар йили эҳсон қиладиган маблағлар ҳисобидан тўртта рус-тузем мактабини ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи<sup>1</sup> бунга мисол бўла олади. Ундан ташқари, 1896 йили Пишпак уездининг кўпгина волостлари қирғизлари империя маъмуриятига маҳаллий аҳоли ҳисобидан рус-қирғиз мактабларини ташкил этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишди ва Тўқмоқ (1898), Сокулук (1899), Таниев ва Жумгал волостлари (1899), Кетмон-тепада (1900) рус-қирғиз мактаблари ташкил этилган<sup>2</sup>. 1894 йили Пржевальск уезди қирғизларидан 60 киши рус-тузем мактаб очилишини сўраб рус маъмуриятига ариза билан мурожаат қилган<sup>3</sup>.

Ўтроқ аҳоли орасида маҳаллий қизлар учун ташкил этилган рус-тузем

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-48, р. 1, 7 иш, 135-варақ.

<sup>2</sup> Курумбаева Г. Влияние русско-туземных школ на развитие национальной интеллигенции Кыргызстана. <http://www.centrasia.ru/newsA.php>.

<sup>3</sup> Обзор Семиреченской области за 1906 год. – Верный, 1906. – С.112-113.

мактаблари муваффақият қозонмади. 1903 йили Туркистон педагогик тўғараги ҳаракати туфайли вужудга келган қизлар учун мўлжалланган рус-тузем мактаби икки йил фаолият кўрсатиб, тез орада ўз фаолиятини тўхтатди<sup>1</sup>. Бироқ, 1911 йил Тўқмоқ ва Пржевальскда қизлар учун рус-тузем мактаблари ташкил этилганлиги маълум<sup>2</sup>.

Кейинги йилларда ҳам халқ таълимига ажратилган давлат маблағлари миқдори камлигича қолаверди. 1915 йили ўлка бюджетидан маориф соҳасига атиги 1084082 рубль, яъни ўлка бюджетининг 2,4%и сарфланган, ammo ҳарбий-полиция маҳкамалари таъминотига 86,4% маблағ сарфланган. Бошқача айтганда, бир киши таълимига 22 тийин (коп.) сарф қилинган<sup>3</sup>.

1907 йили Туркистон рус-тузем мактабларида ўқув маълумотларини таълим йиллари бўйича тақсимловчи дастурлар киритилди. Бу дастурларга рус грамматикасининг элементлари, тарих, география, табиатшунослик бўйича баъзи маълумотлар киритилиб, улар рус тили дарсларида ўзлаштирилиши керак эди. Яъни таълим дастурлари подшо маъмурияти режасига кўра рус-тузем мактабларида маълум миқдорда маълумотли, рус тилини билувчи кишиларни тарбиялаш мақсадидан келиб чиқиб соддалаштирилди. Кейинчалик ўлка халқлари билими ва саводхонлик даражасини ошириш тарафдори бўлган ўқитувчиларнинг талабларига карамай 1907 йилдаги таълим дастурлари монархия ағдарилгунгача бўлган даврда ўзгартирилмади<sup>4</sup>.

Ўқитувчилар томонидан рус тили ва арифметикани ўргатиш бўйича қўлланмалар тайёрланди. Тошкентдаги биринчи рус-тузем мактаби ўқитувчиси В.П.Наливкин 1886 йили “Туркистон ўтроқ аҳолисининг рус-тузем мактаблари учун алифбе” ни тузди<sup>5</sup>. Бошланғич билимлардан сўнг

<sup>1</sup> Думенко М.Ф. Русско-туземные школы Туркестана. – Ташкент, 1957. – С. 7.

<sup>2</sup> Данияров С. О прогрессивном значении русской культуры в развитии культуры киргизского народа в конце XIX и нач. XXвв. – Фрунзе, 1964. – С.19.

<sup>3</sup> Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана 1917 – 1953 гг./ Избранные труды. В 8-и т. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 67-68.

<sup>4</sup> Думенко М.Ф. Русско-туземные школы Туркестана. – Ташкент, 1957. – С. 12.

<sup>5</sup> Наливкин В.П. Азбука для русско-мусульманских школ оседлого населения Туркестанского края. –

ўқиш ва ёзишни ўргатиш учун рус-тузем мактабларига мўлжалланган китоблар ҳам тузилган<sup>1</sup>. Мазкур китоб намунасида Наманган рус-тузем мактаби ўқитувчиси М.М.Оракулов 1887 йили “Мустақил ўқиш учун қўлланма” номли рус тилидан ўзбек тилига кундалик мулоқотда ишлатилувчи жумлалар таржимасидан иборат ўқув қўлланмани тайёрлади. Мазкур китоблар бошланғич мазмунга эга эди.

Кўплаб рус-тузем мактабларида К.Д.Ушинскийнинг “Она тили”, “Болалар дунёси”, В.П.Вахтёровнинг “Болалар учун олам эртакларда”, Л.Н.Толстойнинг “Ўқиш китоби” каби китобларидан фойдаланилган<sup>2</sup>. Улар ёрдамида мактаб ўқувчилари рус тилини яхши ўзлаштирганлар.

\*С.М.Граменицкийнинг учинчи китоби 4 қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Ушинскийнинг “Болалар дунёси” дан “Шамол ва қуёш”, Л.Толстойнинг ақлли деҳқон ҳақидаги эртаги, Криловнинг “Меҳнаткаш айик”, “Демьянов балиқ шўрваси”, “Эшак ва булбул”, “Қарға ва тулки”, “Тришкин чакмони” масаллари, Некрасовнинг “Аёз – қизил бурун” поэмасидан парчалар, Пушкиннинг “Балиқ ва балиқчи ҳақида эртак” асари ва бошқалар жайлаштирилган эди. Иккинчи бўлим асосан Россия ҳақидаги турли тарихий маълумотларга, учинчи бўлим Европа Россияси, Сибир, Туркистон ҳақидаги географик маълумотларга бағишланган. Тўртинчи бўлимда табиатшуносликка оид “Кўмир ҳақида”, “Туз қаердан ва қандай қазиб олинади”, “Захарли ўсимликлар”, “Туркистоннинг фойдали ўсимликлари ва ҳайвонлари” каби турли хил маълумотлар берилган.

Кўрғазмали ўқитиш услуби жорий этилиши билан 1898 йилдан \*С.М.Граменицкийнинг 1, 2 ва 3-нчи ўқиш китоби чоп этилди. Бу қўлланмалар услубий нуқтаи назардан нисбатан муваффақиятли бўлган. Умумий тавсифлаганда мазкур “Ўқиш китоби” фойдали умумтаълим маълумотларга эга бўлган. Лекин бу китобларда рус ва маҳаллий тилларнинг солиштирма шакллари йўқлиги уларнинг камчилиги бўлган.

Арифметика бўйича А.Малинин ва К.Буренинларнинг “Арифметик масалалар тўплами”, Вишневскийнинг “Арифметик тўплам”лари ўқув қўлланма бўлган. XIX аср охиридан С.М.Граменицкийнинг “Бошланғич

Ташкент, 1886.

Ташкент, 1886.

<sup>1</sup> Ячник Г.С. Первая книжка после азбуки, для детей туземцев Туркестанского края, с переводом на киргизский и сартский языки. – Ташкент, 1886.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. 2282, р. 1, 199 иш, 12-варақ

арифметика” си асосий қўлланма бўлиб, 1924 йилгача қайта-қайта нашр этилган<sup>1</sup>. Бу ўқув қўлланмалар ўқувчилар дунёқарашининг янада ўсишида ижобий ижобий аҳамиятга эга бўлган.

Баъзан участка приставлари уезд бошлиқларига харажатларни шаҳар маблағларидан қоплаш шарти билан рус-тузем мактаблари ҳузурида кечки рус тили курси ташкил этиш таклифи билан чиққанлар<sup>2</sup>. Кечки курсларда ёши катта одамлар кўпчилик бўлмаса-да ҳафтасига уч марта машғулотларда қатнашишган<sup>3</sup>. Бу маълумотлар маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаётда рус тилини билиш фойдали эканлигини англаб бораётганлигини билдирарди.

Рус-тузем мактаблари тизими ўлкада кенгайиб борса-да, улардаги аҳвол ўлкадаги ўқув маҳкамалари раҳбарларини қониқтирадиган даражада эмас эди. 1903 йили Еттисув вилояти халқ билим юртлари инспектори П.И.Якоб ўз ҳисоботида ушбу мактаблар фаолиятига тавсиф берар экан: “Ўтган йилдагидек ҳозирда рус-тузем мактабларининг аҳволи қувончли ҳолатни гавдалантирмайди. Уларда 7200 та маҳаллий боладан кўпи билан 250 киши таълим олади ... Интернатларни ташкил этмагунимизча ғайритаъбалар мактабларида ўқувчилар сони ошмайди”<sup>4</sup>, – деб ёзган эди. Бироқ таъкидлаш жоизки, қирғизлар, қозоқлар, яъни кўчманчилар орасида рус мактабларига ўқишни истовчилар ўтроқ аҳолига нисбатан кўп бўлган. Бунга кўчманчилар фарзандлари учун интернатларда яратилган шарт-шароитлар сабаб бўлган<sup>5</sup>.

1909 йил августда генерал-губернатор А.В.Самсонов ғайритаъбалар таълими аҳолини муҳокама қилиш учун Тошкентда кенгаш чақиради. Фарғона вилояти халқ билим юртлари инспектори Ф.И.Егоров, “рус-тузем мактаблари ижобий натижалар бермаганлиги туфайли маҳаллий аҳоли

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. 2282, р. 1, 199 иш, 3-4-варақ.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-47. 1 р. 215 иш, 376-варақ.

<sup>3</sup> Однодневная перепись начальных школ в империи, произведенная 18 января 1911 года. Выпуск XV, часть 2-я. Туркестан. Области: Закаспийская, Самаркандская, Семиреченская, Сыр-Дарьинская и Ферганская. – СПб., 1914. – С. 87.

<sup>4</sup> Храпченков Г.М., Храпченков В.Г. История школы и педагогической мысли Казахстана (Учебное пособие). – Алматы, 1998. – С. 70.

<sup>5</sup> Курумбаева Г. Влияние русско-туземных школ на развитие национальной интеллигенции Кыргызстана. <http://www.centrasia.ru/newsA.php>.



орасида обрўсизланди. 1906 йили вилоятда 20 та мактабдан (рус-тузем мактаблари назарда тутилмоқда) 13 тасида, 1907 йилда 17 тасида, 1908 йилда эса 11 тасида битирувчилар бўлмади”<sup>1</sup> каби маълумотларни келтиради. У “қишлоқ жойлардаги рус-тузем мактабларини 1907 йилги қоидалар асосида ислоҳ қилиш” ни таклиф этади. Ф.И.Егоров таклифига С.М.Граменицкий, Ф.М.Керенский ва бошқа ўқитувчилар қарши чиқишди. 1910 йили Тошкентда бўлиб ўтган Сирдарё вилояти рус-тузем мактаблари ўқитувчилари съезди иштирокчилари мазкур мактаблар фаолиятини баҳолар экан, уларнинг ижобий аҳамияти ва рус-тузем мактабларини Туркистонда “ғайритаъбалар мактаби” нинг асосий шакли<sup>2</sup> сифатида сақлаш таъкидланди.

1916 йил воқеалари Туркистондаги рус мактаблари тизимига ўз таъсирини ўтказди. Бу даврга келиб ўлкада 100 га яқин рус-тузем мактаблари бўлиб, уларда 2800 нафар маҳаллий болалар таълим олган. 1916 йилда уларни атиги 105 нафар ўқувчи тамомлаган<sup>3</sup>. Бу кўрсаткич бутун Туркистон учун жуда кам эди.

Мактаб раҳбариятининг қатъий тақиқлашларига қарамай рус-тузем мактаб ўқитувчилари кўргазмали усулни таржима усули билан бирга олиб бориш ўрганилаётган тилни ўзлаштиришда ижобий натижалар беришини таъкидлашиб, рус тилини ўқитишда ўқувчилар она тилидан фойдаланишган.

Умумий хулоса қилиб айтганда, Туркистон ўлкасида бошланғич рус ва рус-тузем мактабларининг ташкил этилиши ва улар фаолияти империя манфаатларига хизмат қилиши режалаштирилган бўлса-да, улар қатор ижобий натижаларни келтириб чиқарди. Яъни, маҳаллий аҳоли учун ҳилма-ҳил таълим шакллари пайдо бўлди, дунёвий таълим вужудга келди, фақатгина рус таълим муассасаларига тегишли бўлса-да, таълимнинг янгича тизимли бошқарув тизими шаклланди, таълимда умумий услубиятга аҳамият берилди бошланди. Маҳаллий аҳоли болалари учун рус-тузем мактаблари

<sup>1</sup> Айтмамбетов Д.О. Дореволюционные школы Киргизии. – Фрунзе: Изд-во АН Киргиз. ССР, 1967. – С. 71.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917). – Ташкент: Фан, 1997. – С. 177.

ташқил этилиб, уларда диний фанлар билан бирга дунёвий фанлар ҳам ўқитилди. Шунингдек, мазкур жараёнда ноанъанавий янги усуллардан фойдаланилди. Синфдан ташқари ўқитиш тизими ҳам жорий этилди. Бироқ, шу каби хусусиятларга эга бўлган жаид мактаблари ҳукмрон мустамлакачилар манфаатларига мос эмаслиги туфайли таъқиқланди.

Рус таълим тизимини тарғиб этишга, яъни империя маъмуриятига хизмат қилувчи маҳаллий кадрларни тайёрлаш мақсадида ташқил этилган рус-тузем мактабларига миллий зиёлилар ҳам ўқитувчи сифатида жалб этилиб, бу ҳаракатлар мустамлакачи ҳокимиятнинг маҳаллий аҳоли орасидан янги тузум тарафдорларини шакллантириш борасида олиб борган илк амалий тадбирларидан бири эди.

Рус-тузем мактаблари ўлка аҳолиси учун ижобий ҳолат эди. Лекин, ундан кўзланган мақсад ўта салбий бўлган. Россия империяси маъмурияти рус-тузем мактабларининг аксарият ўқитувчиларини мустамлакачилик сиёсатининг қуролига айлантира олмади. Ўз навбатида, ушбу мактаблар империянинг таълим сиёсатида хилоф равишда нисбатан ижобий аҳамият касб этди. Уларда анъанавий таълим амалиётида кам қўлланиладиган умумтаълим фанларни ўқитишга кенгроқ эътибор қаратилган эди. Шу билан бирга, рус давлатчилиги, подшо ҳокимияти ва православ динини мадҳ этувчи маълумотларни ўқувчилар онгига сингдирилиши мазкур таълим-тарбия тизимининг салбий жиҳатларидан бири эди.

Мустамлакачи маъмурият рус-тузем мактабларида Ўрта Осиё маҳаллий аҳолисининг кенг оммасини маълумотли қилишни режалаштирмади. Балки ўлка маъмуриятининг қуйи мансабларида хизмат қилувчи маълум миқдорда саводли кишилар тайёрлашни мақсад қилган эди. Бу сиёсат ўлкадаги рус-тузем мактаблари моддий-техник, ўқув-методик базасини таъминлаш, молиялаштириш борасида ўлка ўқув бошқармаси, мустамлака маъмурияти томонидан олиб борилган чоралар миқёсида ҳам ўз аксини топди.

Боб бўйича умумий хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг иккинчи

ярмида Туркистон ўлкасида рус таълим тизимининг жорий этилиши билан бирга ўқув ишларини бошқариш учун, бугунги кун тушунчаси билан айтганда, махсус бошқарув органлари ташкил этилди. Ўлка таълим тизимини бошқарувчи марказий аппарат Туркистон ўлкаси ўқув ишлари бош бошқармаси ва унинг жойлардаги маҳаллий ваколатли органлари – район инспекциялари тузилди.

Туркистон ўлкаси тўлалигича Россия империяси Мудофаа вазирлиги бошқарувида бўлиши ва ўлкадаги барча ишларда генерал-губернатор, вилоят ҳарбий губернаторлари, уезд бошлиқларининг кенг ваколатлари ўқув ишлари бошқарувида ҳам ўз аксини топди. Мазкур ҳарбий бошқарув маҳкамалари қонун бўйича ўқув ишлари бошқарувида кўмаклашувчи вазифасини адо этишлари керак бўлса-да, кўп ҳолларда тўсқинлик қилишган. Бу, айниқса, ўқув ишлари бошқарувида ўқитувчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими мавжуд бўлмаган ҳолатда яққол кўзга ташланган. Районлар ўқув инспекциялари ўз фаолиятида вилоят ҳарбий губернатори таъсиридалиги инспекторлар томонидан ўқитувчилар манфаатлари ҳимоя қилинишига тўсқинлик қиларди.

Ўлкада ташкил этилган таълим бошқаруви муассасаларининг фаолияти натижасида тўпланган маълумотлар, тузилган ҳисоботлар ва тақдимномалар асосида “руслаштириш” сиёсатини янада кучайтириш мақсадида 1884 йилда илк бор рус-тузем мактаблари ташкил этилди. Бироқ миллий менталитет хусусиятларидан йироқ ўқитиш тизими туфайли бу мактаблар маҳаллий аҳоли орасида оммалашмаган. Шунингдек, маҳаллий зиёлилар – жадидлар томонидан “янги усул” мактаблари ташкил этилиши ҳам мазкур мактаблар мавқеини йил сайин пасайиб боришига ўз таъсирини ўтказган.

Туркистон ўлкасида ташкил этилган илк рус таълим муассасалари асосан ўлкага кўчиб келган рус аҳолининг таълимга бўлган талабини қондиришга мўлжалланган эди. Генерал-губернаторлик ташкил этилиб, маҳаллий аҳолига нисбатан империя ҳукумати томонидан “руслаштириш”

сиёсати қўлланилиши белгилангандан сўнг, таълим сиёсати ва ислоҳоти ўлка маъмурияти олдида турган долзарб масалалардан бирига айланди. Таълим ислоҳоти Туркистон аҳолисининг Россия империясига ғоявий жиҳатдан бутунлай қарам бўлишига хизмат қилиши керак эди. Лекин рус таълим марказлари ўз фаолияти натижасида ижобий ҳолатларни ҳам келтириб чиқарди. Хусусан, ўқувчилар дунёқараши ўсди, туб аҳоли рус ва маҳаллий матбуот орқали дунё ва минтақада содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлди. Миллий зиёлилар ўлкадаги империя маъмуриятини “руслаштириш”, миллий камситиш, туб аҳоли ҳуқуқларини поймол этиш сиёсати моҳиятини англаб, унга қарши курашди ҳамда жадиждлар фаолиятининг кенг миқёс касб этишига сабаб бўлди. Яна таъкидлаш жоизки, империя ҳукуматининг рус-тузем мактабларида ўзига содиқ фуқароларни шакллантиришда мақсадига зид равишда ушбу мактаблар битирувчилари орасидан Мустафо Чўқаев, Турар Рисқулов, Убайдулла Асадуллахўжаев каби халқ вакиллари, истиқлол учун курашчилар етишиб чиққан.

Империя маъмурияти таълим сиёсатидан кўзлаган натижаларга эриша олмади. Чунки рус таълим муассасалари маҳаллий аҳоли орасида оммалашмади, анъанавий таълим масканлари кўп сонли бўлиб, маҳаллий аҳоли таълимида катта салмоқни ташкил этди. Бундан ташқари, халқ орасида жадиждларнинг “янги усул” мактаблари кенг оммалашди.

### Рус таълим тизими тарғиботида гимназияларнинг ўрни

Империя Туркистонда бошланғич таълим муассасалари ташкил этиш билан бирга ўрта таълим тизимини ҳам жорий этган. Ушбу ўрта таълим муассасаларини ташкил этишдан асосий мақсад ўлкада яшовчи рус фуқаролигига эга бўлган аҳоли фарзандларининг ўрта таълимга бўлган эҳтиёжини қондириш, ўлкада яшовчи аҳоли орасидан келгусида империя мафаатларига хизмат қилувчи мутахассисларни тайёрлаш бўлган.

Ўрта таълим муассасалари Туркистон ўлкасида Россия империясида мавжуд таълим муассасалари андозасида: гимназия, реал билим юртлари, кишлоқ хужалиги ва саноат ҳамда техник соҳаларда мутахассисларни тайёрловчи, педагогларни тайёрловчи таълим муассасалари кўринишида ташкил этилган.

XIX аср охирига келиб бутун Россия империяси, шу жумладан Туркистон ҳудудида фаолият юритаётган ўрта таълим муассасалари орасида гимназиялар асосий ўринни эгаллаган<sup>1</sup>. Гимназиялар, одатда, губерния марказий шаҳарларида ташкил этилган. Улар зодагон ва мансабдорлар фарзандларини давлат хизмати ва университет таълимига тайёрловчи муассаса бўлиб, унда бошқа аҳоли табақалари вакилларининг ўқишига чекловлар қўйилмаган эди. Уларда таълим курслари, тайёрлов синфини кўшган ҳолда 9 йилни ташкил этган<sup>2</sup>. XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб бошланғич мактабларни тугатган рус ва маҳаллий аҳоли болалари ўқишни гимназияларда давом эттириши мумкин бўлган.

Туркистон ўлкасида ташкил этилган гимназиялар ўқув режаси мазмунан хилма-хил ва кенглиги билан ажралиб турган:

№	Фан номи	Хафтасига неча соат
1	Диний таълимот	13 соат
2	Рус ва черков славян тили	24 соат
3	Мантиқнинг қисқача асослари	1 соат
4	Латин тили	49 соат

<sup>1</sup> Очерки истории школы и педагогической мысли народов СССР. Вторая половина XIX в. / Отв. ред. А.И.Пискунов. – Москва, 1976. – С. 127-129.

<sup>2</sup> Отчет о состоянии Ташкентской гимназии за 1882/83 учебный год. – Ташкент, 1883. – С. 16-23.

5	Юнон тили	36 соат
6	Физика, математик география ва қисқача табиатшунослик билан математика	37 соат
7	География	10 соат
8	Тарих	12 соат
9	Француз ва немис тиллари	19 соат
10	Хуснихат	5 соат

Гимназияларда ўқув ҳафтаси 30 соатдан иборат бўлиб, дарслар эрталаб 8:00 дан 12:00 гача ва 14:00 дан 16:00 гача давом этган. Чоршанба ва шанба кунлари кун ярмидан сўнг машғулотлар ўтказилмаган<sup>1</sup>. Ўқитувчилар зиммасига ўқувчиларда “фанларга иштиёқ ва меҳр”ни шакллантириш, фанларни ўрганишда нафақат “хотирани чархлаш” ва жисмоний меҳнат, балки мавзуси ва кўргазмали воситалар орқали даср мазмунини тушунтириш вазифаси ҳам юклатилган эди<sup>2</sup>. Кўргазмали таълимни ривожлантириш мақсадида гимназияларни географик ва тарихий хариталар, глобуслар, атласлар, машиналар моделлари билан таъминлаш тавсия этилган. Гимназияларда ўқув курси асосини қадимги тиллар ва математика дарслари ташкил этган. Бироқ гимназия таълимининг сезиларли устунлиги бўлса-да, дворянлар, айниқса, бой ва обрўли кишилар ўз фарзандларини мазкур муассасаларга ўқишга юбормаганлар. Марказий Россия худудларида дворянлар оилалари табақалар аралашуви туфайли ўз болалари ёмон одатларни ўзлаштирмасликлари учун гимназияларга юбормаганлар. Кам мулкли дворян ва мансабдорлар оилалари эса имкон бўлган вазиятда болаларини эрта ёшдан хизматга қўйишдан манфаатдор бўлган ва фарзандлари таълими иккинчи даражали масала бўлиб қолаверган. Шуларнинг натижаси ўлароқ гимназиялар фаолиятининг биринчи даврларида ўқувчилар сони кам бўлган.

Илк гимназиялар педагоглари ўзларининг билим даражаси бўйича уезд ўқитувчиларидан анча юқори бўлганлар. Гимназиялар ўқитувчиларидан

<sup>1</sup> Отчет о состоянии Ташкентской гимназии за 1892/93 учебный год. Сост. В.Ф.Преображенский. – Ташкент, 1894. – С. 41-52.

<sup>2</sup> См.: Отчет о состоянии Ташкентской гимназии за 1882/83 учебный год. – Ташкент, 1883.

баъзилари университетларни тамомлаган, муносиб педагоглар бўлишган<sup>1</sup>.

Туркистон гимназияларида тарбия масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган. Ўқув ва тарбия масалаларида юқори натижаларга эришиш учун мураббийлар ўз синфидаги ўқувчилар ҳаётининг барча жабҳаларини: унинг уй шароити, хулқ-атвори, одатлари, қобилияти ва камчиликларини ўрганишга ҳаракат қилишган<sup>2</sup>. 1871 йилги “Гимназия ва прогимназиялар Низоми”га кўра улар битирувчиларга етуклик аттестати, университетга кириш ҳуқуқини берувчи ягона ўрта таълим муассасаси бўлган.

Халқ маорифи вазирлигининг гимназия ва прогимназиялар Низомининг 18 ва 33-моддалари, ҳамда 8-синф ўқувчиларини имтиҳон қилиш қоидаларига кўра ҳар йили битирув имтиҳонлари ўтказилган. Оғзаки имтиҳонлар гимназия таълим дастури доирасида тарих, қадимги тиллар, диний қонуншунослик ва математикадан Халқ маорифи вазирлиги дастурлари асосида, ёзма имтиҳонлар эса Туркистон ўлкаси Ўқув ишлари бошқармаси томонидан юборилган мавзулардан ўтказилган.

Гимназияларда машғулотлар 1874 йил 31 августда тасдиқланган ўқув режалари асосида ташкил этилган. Ўқув муассасаси педагогик фаолиятида гимназиянинг педагогик кенгаши катта аҳамият касб этган. Одатда, педагогик кенгаш қуйидаги муҳим вазифалар билан шуғулланган: ўқувчиларни гимназияга қабул қилиш, ўқитувчилар орасида дарсларни тақсимлаш, дарс жадвалларини тузиш, ўқув қўлланмалар ва китобларни танлаш, кам таъминланган ўқувчиларни ўқиш учун тўловлардан озод этиш, камбағал ўқувчиларга моддий ёрдамни ва стипендияларни белгилаш, ҳар чоракда ўқувчилар ўзлаштириши ва хулқини баҳолаш, ўқувчилар тартиббузарлик ҳолатлари бўйича чораларини белгилаш, қуйи синфлардан юқори синфларга ўтказиш ва илғор ўқувчиларни рағбатлантириш, битирув

<sup>1</sup> Қаранг: Памятная книжка по управлению учебными заведениями Туркестанского края на 1880/81 учебный год. (Книжка III-я). – Ташкент, 1882; Однодневная перепись начальных школ в империи, произведенная 18 января 1911 года. Выпуск XV, часть 2-я. Туркестан. Области: Закаспийская, Самаркандская, Семиреченская, Сыр-Дарьинская и Ферганская. – СПб., 1914.

<sup>2</sup> Отчет о состоянии Ташкентской гимназии за 1882/83 учебный год. – Ташкент, 1883. – С. 35.

имтиҳонлари ўтказиш ва натижаларини муҳокама этиш ва бошқалар<sup>1</sup>.

Туркистоннинг марказий шаҳарларида ўғил болалар гимназиялари билан биргаликда кейинчалик гимназияларга айлантирилган прогимназиялар ташкил этилган<sup>2</sup>.

Ўқувчилар тарбиясининг изчил назоратини ташкил этиш мақсадида гимназияларда инспектор ва синф мураббийлари лавозимлари жорий этилган. 1872 йили вазирлик томонидан ишлаб чиқилган гимназиялар ўқув режаларига биноан<sup>3</sup> қадимги тилларни ўқитишда асосий эътибор грамматика сабоқларига қаратилиши ва қадимги муаллифлар асарларини ўқишда ҳам грамматик қоидаларни қўллаш талаби белгилаб қўйилган. Вазирликнинг гимназия директор, инспектор ва синф мураббийлари лавозимларига асосан қадимги тиллар ўқитувчиларининг тайинланишлари кераклиги ҳақидаги кўрсатмалари ҳам мазкур ўрта таълим билим юртларида қадимги тилларни ўқитишга бўлган эътибор катта бўлганлигини кўрсатади. Яъни, гимназиялар моҳиятан хат-саводи юқори бўлган шахсларни тарбиялаш, келгусида мазкур ўқув даргоҳлари битирувчилари империя маҳкамаларида иш юритиш, давлат сиёсатини амалга жорий қилиш ишларида катнашишлари режалаштирилган.

Иккинчи томондан, бу ҳолат гимназия таълим дастурлари ўқувчилар онгини умумтаълим, айниқса, сиёсий-ижтимоий қарашларни шакллантирувчи фанлардан чалғитишга бўлган интилиш, деб баҳоласак ҳам муболаға бўлмайди. Бундан ташқари, ўқитувчиларга дарс жараёнида ўқув дастурларига қатъий амал қилиш ва ундан ташқари мулоҳазалар юритиш тақиқланган. Ҳар бир фан бўйича ўқув дастурлари мавзулар бўйича изоҳлар билан берилган эди. Бу ҳолат, ўз навбатида, империя маъмурияти ўрта таълим муассасаларида ўз сиёсатига хизмат қилувчи кадрларни тайёрлашни режалаштирса-да, мазкур муассасаларда империя сиёсати қарши шахслар

<sup>1</sup> Отчет о состоянии Ташкентской гимназии за 1892/93 учебный год. Сост. В.Ф.Преображенский. – Ташкент, 1894. – С. 43.

<sup>2</sup> Прогимназия – бу гимназия таълимига ўқувчиларни тайёрлаган таълим муассасаси. Прогимназияларда гимназияларнинг дастлабки тўрт йиллик таълим дастурлари асосида ўқитиш ташкил этилган.

<sup>3</sup> Отчет о состоянии Ташкентской гимназии за 1892/93 учебный год ... – С. 38.



етишиб чиқиши мумкинлиги эҳтимолини назардан четда қолдирмаганлигини кўрсатади. Зеро, XIX аср охирига келиб Россия империясининг европа қисмида ишчилар ҳаракатини фаоллашуви, оддий меҳнаткаш аҳоли орасида подшо сиёсатидан норозилик кайфиятлари ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар даражасигача ўсиб борган эди. Бу ҳаракатларда кўпроқ ўрта ва олий таълим муассасаларида таълим олган зиёлилар фаоллик кўрсатишган. Мана шу ходисалар, Туркистон ўлкасида ташкил этилган ўрта таълим муассасалари таълим мазмунига ўлка раҳбарияти томонидан жиддий эътибор қаратишни талаб этган.

Маълумки, Туркистонда рус таълим муассасалари тизими 1870 йилда М.И.Бродовский бошчилигида ташкил этилган комиссия томонидан тузилган лойиҳа асосида шакллантирилган бўлиб, ушбу лойиҳага кўра Туркистон ўлкасида Тошкент ва бошқа вилоятларнинг марказий шаҳарлари: Самарқанд, Скобелев, Верний, Ашхободда гимназиялар ташкил этилиши режалаштирилган эди<sup>1</sup>. 1876 йил августда Тошкентда учта: тайёрлов, 1-чи ва 2-чи нормал синфлардан иборат ўғил болалар прогимназияси ташкил этилган. 1876-1879 йиллар давомида ушбу муассасада 3-чи ва 4-чи нормал синфлар очилиб, 1879/1880 ўқув йили бошидан бу муассаса 6-синфли прогимназияга айлантирилди<sup>2</sup>. 1881-1883 йиллар давомида эса 7-чи ва 8-чи синфлар очилиб, Тошкент ўғил болалар гимназияси деб номлана бошланди.

Тошкент ўғил болалар гимназиясининг 10 йиллик фаолияти давомида унда жами 63 киши таълим-тарбия билан шуғулланиб, педагогик таркиб сафида С.М.Граменицкий, И.М.Травчетов, Н.К.Смирнов (математика ўқитувчилари), Н.П.Знаменский, А.И.Неудачин, А.А.Новиков (рус тили ўқитувчилари), П.В.Прилежаев, В.Ф.Ошанин (география ва тарих ўқитувчилари) фаолият юритганлар. Прогимназиянинг биринчи инспектори,

<sup>1</sup> Кочаров В.Т. Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане (1865-1917 гг.). – Ташкент, 1966. – С. 27.

<sup>2</sup> Обзор Сыр-Дарьинской области за 1886 год. – Ташкент, 1887. – С. 370.

кейинчалик гимназия директори М.М.Янко бўлган<sup>1</sup>.

Туркистоннинг русийзабон аҳолиси Россиянинг бошқа марказий худудлари аҳолисига нисбатан ўрта таълимга кам эътибор қаратмади. 1885 йил 1 сентябрда Тошкент ўғил болалар гимназиясида 289 нафар ўқувчи бўлган. Шу вақтда Россиянинг бошқа шаҳарлари: Санкт-Петербург 4-чи гимназиясида 140, Владимировск гимназиясида 200, 2-чи Виленск гимназиясида 238, Херсон гимназиясида 236, Феодосийск гимназиясида 125, Астрахан гимназиясида 235, Екатеринбург гимназиясида 268 нафар, Санкт-Петербург 8-чи, Москва 5-чи, Оренбург ва Томск гимназияларида 285 нафардан ўқувчи бўлган<sup>2</sup>. Бу кўрсаткичлар ўлкада истиқомат қилувчи, рус фуқаролигига эга бўлган кишилар томонидан ўрта таълим муассасаларида ўз фарзандларини таълим олишларига катта эътибор қаратиши ўлканинг империянинг марказий вилоятларидан анча ўзоқда жойлашганлиги ва улар фарзандларини империянинг европа қисмидаги шаҳарларга бориб таълим олиш имкониятига эга бўлмаганлиги сабабли ҳамда ўлкадаги маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам ўрта таълим муассасаларидаги, кам сонли бўлса-да иштирок этганлигини намоён этади.

XIX аср охирларига келиб ҳали барча вилоятларнинг марказий шаҳарларида гимназиялар ташкил этилмаган эди. Верний шаҳрида эса ўғил болалар гимназияси 1876 йилда ташкил этилган<sup>3</sup> бўлса, Ашхободда биринчи прогимназия 1896 йилда<sup>4</sup>, Самарқандда ўғил ва қиз болалар гимназиялари 1899 йилда<sup>5</sup> ташкил этилган эди.

Гимназияларда тарбия ишлари қатъий тартиб-интизом асосида олиб бориларди. Ўқувчиларнинг интизоми, одоби қатъий назорат қилинб, хатто уларнинг шахсий сифатларини шаклланишига қатъий назорат ўрнатилган

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. 50, р. 1, 5 иш, 90 варақ. Приказ по Туркестанскому генерал-губернаторству. Учебное ведомство. №2, 1886, 29 февраля.

<sup>2</sup> Туркестанские ведомости, №43, 1885.

<sup>3</sup> Кочаров В.Т. Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане (1865-1917 гг.). – Ташкент, 1966. – С. 39.

<sup>4</sup> Обзор Закаспийской области за 1899 г. – Асхабад, 1890. – С. 335.

<sup>5</sup> Обзор Самаркандской области за 1899 г. – Ташкент, 1900. – С. 144-145.

эди. Бунинг оқибатида 1880 йил бошида Тошкент ўғил болалар ва қизлар гимназияларида кетма-кет уч маротаба ўқувчилар томонидан ўз жонига қасд қилиш ҳолати содир этилган. Бунинг сабаби гимназия раҳбариятининг каттиққўл расмиятчилиги ва тарбиявий масалаларда оилада ота-она ва болалар ўртасидаги узилиш бўлган.

Бу ҳодиса шаҳарнинг рус аҳолисини тўлқинлантириб юборди. К.П.Кауфманнинг шахсан ўзи гимназия ўқувчиларига нутқ билан мурожаат қилди ва педагогик кенгашларга ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини бартараф қилиш чораларини муҳокама этишни тайинлади.

Педагогик кенгашлар хулосаларини ўрганиб чиққан ўқув маҳкамасининг илгари сурган чоралари қаторида “ўқув муассасаси ва оиланинг яқин муносабати” ҳақида таклифи муҳим ўрин тутар эди. Бунинг аниқ тадбир сифатида ойига бир маротаба ота-оналар учун очиқ бўлган педагогик кенгаш ташкил этилиб, унда ота-оналар томонидан тарбиявий масалалар бўйича киритиладиган таклифлар муҳокама этиларди. Бу тадбир ўша давр гимназиялари учун кутилмаган янгилик эди<sup>1</sup>. Вазир Д.Толстойнинг ёрдамчилари бўлган Тошкент ўғил болалар гимназияси директори М.М.Янко ва бошқа ўқув маҳкамаси вакиллари “очиқ педагогик суҳбатлар” га қарши чиқиб, бу тадбир гимназиялар ўқув-тарбиявий ишларига ҳалақит қилишини таъкидладилар. Лекин 1880 йилнинг кузидан К.Кауфман таклифи билан Тошкент ва Верний гимназияларида “педагогик суҳбатлар”<sup>2</sup> ўтказила бошланди.

Таълим соҳасида бу каби янгиликлар ўша пайтда империянинг юқори бошқарув маҳкамаларида вужудга келган вазият натижасида содир бўлган. Хусусан, Туркистонга рус аҳолисини жалб этиш ва маҳаллий мактабларни обрўсизлантириш мақсадида ўлка маъмурияти рус мактабларига катта

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. Р-2282, р. 1, 25 иш, 1 варақ.

<sup>2</sup> Н.П.Архангельский – совет даври педагогика тарихи бўйича етук олим, подшо даври гимназияларида ташкил этилган мазкур “очиқ педагогик суҳбатлар” ини “мустамлака Туркистон рус мактабларининг зиддиятли амалиётидаги ижобий ҳолат” деб баҳолаган.

этибор қаратилиши; ўша даврда Тошкентдаги асосан зобитлар ва мансабдорлардан иборат рус жамоасидан Россиянинг марказий вилоятларида бўлганидек мактабга нисбатан бундай кескин муносабат ўлка раҳбарияти томонидан қутилмаганлиги; Ўлканинг биринчи генерал-губернатори ўзига берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда Туркистон гимназияларида “очиқ педагогик суҳбатлар” ўтказилишига хайрихоҳлик қилиши; 1880 йил апрелда Д.Толстойнинг лавозимидан четлаштирилиши ва унинг ўрнига келган А.А.Сабуров рус жамоаси талаби билан гимназияларда “жамият талаблари билан бирлашув” ни таъминлашни ёқлашлари.

Тошкент гимназиялари ўқувчилари ота-оналари томонидан “очиқ педагогик суҳбатлар” катта умидлар билан қарши олинди. Гимназиялар педагогик кенгашлари тарбиявий жиҳатдан қатор рағбатлантириш чораларини олиб борди. 1882-1883 ўқув йилида Тошкент ўғил болалар гимназиясида аълочи ўқувчиларга Педагогик кенгаш томонидан моддий кўмак бериш тизими жорий этилди: 61 та кам таъминланган ўқувчи ўқиш учун тўловлардан озод этилди, 19 та ўқувчига махсус манбалардан 406 рубль миқдорида ёрдам пули берилди, ўша манбалардан 90,17 рублга 6 та ўқувчига китоб ва 27 та ўқувчига рассомчилик дарслари учун тўловлар амалга оширилган. Ундан ташқари, Император Александр II номидан махсус стипендия жорий этилган<sup>1</sup>.

Ўлка бош раҳбари тасарруфида бўлган ўқиш учун тўловлар фондидан кўплаб ўзлаштириши яхши бўлган ўқувчиларга моддий ёрдам берилган. Тошкент шаҳридаги кам таъминланган ўқувчиларга кўмак бериш жамияти томонидан ҳам ўқувчиларга салмоқли ёрдам кўрсатилган.

Ўлкага рус ва русийзабон аҳолининг кўплаб келиши ва уларнинг табиий ўсиши натижасида ўрта таълим муассасалари, шу жумладан прогимназия ва гимназиялар сони ҳам ортиб борди. Уларнинг моддий базаси бойитилди. Мазкур муассасалар учун янги махсус бинолар барпо этила бошланди.

<sup>1</sup> Отчет о состоянии Ташкентской гимназии за 1882/83 учебный год. – Ташкент, 1883. – С. 12.

Ўғил ва қиз болалар гимназиялари фаолиятининг дастлабки йилларида ўқувчилар сони кам бўлган. Лекин, вақт ўтиши билан ўқувчилар сони кўпайиб борган. Масалан, 1886 йилда Тошкент ўғил ва қиз болалар гимназияларида ўқувчиларнинг умумий сони 585 та<sup>1</sup>, 1893 йили эса 716 та бўлган. 1900 йилда Самарқанд ўғил ва қиз болалар гимназияларида ўқувчилар сони 274 та<sup>2</sup> бўлса, 1910 йилда 820 тага<sup>3</sup> етган. 1902 йилда Ашхобод ўғил ва қиз болалар гимназияларида ўқувчилар сони 724 та бўлса<sup>4</sup>, 1910 йилда 1226 тага етган<sup>5</sup>. Бунга бир қатор омиллар: биринчидан, XIX аср 90-йилларида ўлкага кўплаб рус деҳқонларининг кучиб келиши натижасида рус тилида сўзлашувчи аҳоли сонининг ўсиши; иккинчидан, рус аҳолисининг демографик ўсиши натижасида мактаб ёшидаги болаларнинг сонини кўпайиши; учинчидан бошланғич рус ва рус-тузем мактабларини тугатган кам сонли маҳаллий аҳоли болалари орасидан ҳам ўрта рус таълим муассасаларида ўқишни истовчилар сонининг биров бўлса-да кўпайиши сабаб бўлган.

XX асрнинг биринчи ун йиллигида Туркистон ўлкасининг барча вилоятларида гимназиялар учун махсус, мослаштирилган бинолар барпо этилган. Подшо ҳукумати ўрта таълим муассасаларининг бўлажак кадрларига катта умид боғлаган эди.

Мазкур ўқув муассасаларига бинолар мослаштирилган ҳолда қурилишига эътибор қаратилган. 1881 йилдан Тошкент ўқитувчилик семинарияси полковник Тарковскийнинг катта уйида жойлаштирилиб, бу уй архитектор А.Бенуа иштирокида ўқув муассасаси эҳтиёжларига мослаштирилган<sup>6</sup>. Тошкент реал билим юрти шаҳардаги дастлабки билим юртларидан бири бўлиб, унинг қурилишига васий этиб тайинланган Бухоро

<sup>1</sup> Обзор Сыр-Дарьинской области за 1886 г. – Ташкент, 1887. – С. 370.

<sup>2</sup> Обзор Самаркандской области за 1900 г. – Самарканд, 1901, Приложение № 19.

<sup>3</sup> Обзор Самаркандской области за 1910 г. – Ташкент, 1911, Приложение № 25.

<sup>4</sup> Обзор Закаспийской области за 1900 г. – Асхабад, 1903. – 273 с.

<sup>5</sup> Обзор Закаспийской области за 1910 г. – Асхабад, 1902. Ведомость № 31.

<sup>6</sup> Шодманкулов И.П., Эрназарова Н.Д., Эргашев Н. Страницы истории Ташкента (К 2200-летнему юбилею города). – Ташкент, 2009. – С. 45.

амири Абдулахад катта ҳажмда пул маблағи ҳадя этган<sup>1</sup>.

1905 йили Салар анҳори ёқасида Кадетлар корпуси билим юрти биноси барпо этилган. Шундан бироз вақт олдин бутун Туркистон бўйлаб зилзилалар содир бўлганлиги сабабли мазкур бино илк бор сейсмик хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда бунёд этилиб, архитектор В.Гейцельман, қурилиш бошлиғи эса Веселов бўлган<sup>2</sup>. 1913 йили иккинчи Тошкент қизлар гимназия биноси барпо этилди<sup>3</sup>. Унинг қурилишида ҳам бинони ўқув жараёнига мослаштирилишига катта эътибор қаратилган.

1904 йили Самарқанд қизлар гимназияси Абрамов бульварига кад кўтарган янги бинога кўчирилган. Бино қурилишига сарфланган 142182,10 рублдан 100000 вилоятнинг олти шаҳри маблағлари ҳисобидан қопланган<sup>4</sup>. Самарқанддаги ўғил болалар гимназияси ҳам 1904 йилнинг иккинчи ярмидан махсус барпо этилган бинога кучирилган.

Бу вақтга келиб Ашхобод қизлар гимназияси барча санитария ва гигиена талабларига жавоб берувчи кенг бинода жойлашган эди. Унда кутубхона, ошхона, мусиқа хонаси, директор ва бошқа назоратчилар ҳамда хизматчилар учун махсус хоналар, физика хонаси, рассомчилик хонаси, мажлислар зали ва ҳатто ибодат хоналари мавжуд эди. Хоҳловчиларнинг камлиги туфайли ётоқхона ташкил этилмаган. Ашхобод ўғил болалар гимназияси вилоят маблағлари ҳисобидан барпо этилган махсус шахсий бинода жойлашган эди<sup>5</sup>.

Статистик маълумотларга кўра Туркистондаги аксарият ўғил болалар гимназияларида ўқувчилар сони қизлар гимназияларидагига нисбатан кам бўлган. Масалан, 1910 йили Тошкентдаги ўғил болалар гимназиясида 490 та ўқувчи бўлган бўлса, қизлар гимназиясида уларнинг сони 690 та<sup>6</sup>; Скобелев ўғил болалар гимназиясида 300 та, қизлар гимназиясида 370 та<sup>7</sup>; Самарқанд

<sup>1</sup> Шодманкулов И.П., Эрназарова Н.Д., Эргашев Н. Страницы истории ... С. 45.

<sup>2</sup> Ҳозирда мазкур бинода Тошкент давлат тиббиёт академияси жойлашган.

<sup>3</sup> Ҳозирда у ерда Халқаро Вестминстер университети жойлашган.

<sup>4</sup> Обзор Самаркандской области за 1904 г. – Самарқанд, 1905. – С. 104.

<sup>5</sup> Обзор Закаспийской области за 1899 год. – Асхабад, 1900. – С. 181.

<sup>6</sup> Обзор Сыр-Дарьинской области за 1910 г. – Ташкент, 1911. – С. 188.

<sup>7</sup> Обзор Ферганской области за 1910 г. – Скобелев, 1911. – С. 176.

Ўғил болалар гимназиясида 337 та, қизлар гимназиясида 483 та<sup>1</sup>; Ашхобод қизлар гимназиясида ўғил болалар гимназиясига нисбатан 6 та ўқувчи кўп бўлган<sup>2</sup>. Бу ҳолатни ўлка бўйлаб қизлар учун профессионал курслардан<sup>3</sup> ва гимназиялардан ташқари бошқа ўрта таълим муассасалари мавжуд эмаслиги билан асослашимиз мумкин. Мавжуд қишлоқ хўжалик, темир йўл, ҳарбий соҳаларга мутахассисларни тайёрлашга ихтисослаштирилган ўрта таълим муассасаларида қизлар ўқитилмаган. Шу жумладан, ўқитувчилар семинариясида ҳам. Натижада, ўлка рус аҳолиси қизлари ўрта таълимни фақатгина гимназияларда олишга мажбур бўлган. Албатта, излар учун тикувчилик, тўқувчилик, бухгалтерлик, ҳамширалик ва шу каби кўплаб таълим курслари мавжуд эди. Лекин, улар кам сонли бўлиб, асосий қиз ўқувчилар оқимини қамраб ололмас эди.

XX аср иккинчи ўн йиллигига қадар мавжуд гимназиялар, ўқитувчилар семинариялари ва кам сонли профессионал билим юртлари сонининг ўлкада ўрта таълимга бўлган талабга нисбатан камлиги туфайли Халқ маорифи вазирлиги мавжуд таълим муассасаларининг ўқув-методик адабиётлар билан етарли даражада таъминлашга катта эътибор қаратган. Бунини биз қуйидаги жадвалдан кузатишимиз мумкин:

№	Гимназиянинг номи	Ўқув. сони	Кутубхонада китоб. сони (том.)		Ўқув қуроллари	Синфлар жихозлари
			Фунд.	Ўқув.		
1	Тошкент ўғил болалар гимназияси <sup>4</sup>	490	10171	6965	-	675
2	Скобелев ўғил болалар гимназияси <sup>5</sup>	300	3423	2441	1177	1238
3	Самарқанд ўғил болалар гимназияси <sup>6</sup>	337	4894	2425	1910	376
4	Ашхобод ўғил болалар гимназияси <sup>7</sup>	610	5751	2275	1119	211

<sup>1</sup> Обзор Самаркандской области за 1910 г. – Ташкент, 1911. – С. 181, ведомость - № 25.

<sup>2</sup> Обзор Закаспийской области за 1910 г. – Асхабад, 1912. – С. 323.

<sup>3</sup> Касбга йўналтирилган ўқув курслари ҳақида кейинги бўлимларда маълумотлар келтирилган.

<sup>4</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом (т. VI). Учебное дело. – СПб., 1910. – С. 37-38.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

<sup>6</sup> Обзор Самаркандской области за 1910 год. – Самарканд, 1911. Таблица № 25.

<sup>7</sup> Обзор Закаспийской области за 1910 год. – Ашхабад, 1912. Ведомость №31.

5	Верний ўғил болалар гимназияси <sup>1</sup>	-	9338	2223	209	396
---	---	---	------	------	-----	-----

Қизлар гимназиялари ҳам етарли даражада ўқув-методик воситалар билан таъминланган. Тошкент қизлар гимназияси 1908/09 ўқув йилида фундаментал кутубхонасида 9508 том, ўқув кутубхонасида 4288 том адабиётлар; физика кабинетида 820 та асбоб ва ускуналарга эга бўлган. Гимназияда география, тарих ва бошқа фанлар бўйича қўлланмалар ҳам мавжуд эди<sup>2</sup>. Скобелев қизлар гимназиясининг фундаментал кутубхонасида 3758 том, ўқув кутубхонасида 3083 том адабиёт бўлган бўлса, физика кабинетида 330 ускуна, бошқа фанлар бўйича 1484 номдаги қўлланмаларга эга эди<sup>3</sup>. 1907 йили Ашхобод қизлар гимназиясининг физика кабинетида 516,90 рубллик 178 та ускуна бўлса, табиатшунослик кабинетида 226 та буюм бўлган<sup>4</sup>.

Қизлар гимназиялари ҳам етарли даражада жиҳозланган бўлса-да, улар ўқувчиларининг ўзлаштиришлари яхши эмасди. 1905/06 ўқув йилида Тошкент қизлар гимназиясида 11,1%, 1906/07 ўқув йилида 16% ўзлаштириши паст ўқувчи қизлар бўлган. II синфда 30 та ўқувчи ўзлаштириши қониқарсиз

Ф.Исхаков таъкидлашича XX аср бошигача, 1893 йилда Тошкент ўғил болалар гимназиясини маҳаллий аҳоли вакилларида биргина қозоқ – Содикбоев Жиянбой тамомлаган. Кейин у Киев ҳарбий билим юртига ўқишга кирган. Қизлар гимназияларини кам ҳолларда 1-2 та қозоқ ва татар қизлар тамомлаган. (Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917). – Ташкент: “Фан”, 1997. – С. 177)

бўлиб<sup>5</sup>, улар деярли 33% ни ташкил этган.

Гимназияларда оддий рус ва маҳаллий аҳоли болаларига ҳам ўқишга рухсат берилган бўлса-да, уларнинг сони кам бўлган\*. Бу

ҳолатни Туркистоннинг барча шаҳарларида кузатиш мумкин эди. 1908/09 ўқув йилида маҳаллий аҳоли болаларининг сони 2000 ўқувчидан 35 нафарни,

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 691 иш, 104-варак.

<sup>2</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный ... – С. 50-51.

<sup>3</sup> Обзор Ферганской области за 1909 г. – Новый Маргелан (Скобелев), 1910. – С. 176.

<sup>4</sup> Обзор Закаспийской области за 1907 год. – Асхабад, 1909. – С. 99. Таблица № 35.

<sup>5</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом (т. VI). Учебное дело. – СПб., 1910. – С. 52.



қизлар гимназияларида эса 2514 тадан 21 нафарни ташкил этган<sup>1</sup>. 1917 йилга келиб Туркистонда қозоқ, ўзбек, туркман, тожик, маҳаллий яҳудийлардан иборат ўрта билим юртларини тугатган маҳаллий аҳоли вакилларида камчилигини қизлар ташкил этган<sup>2</sup>.

Туркистон ўлкаси маъмурияти маҳаллий аҳоли болалари учун рус тилида дарс бериладиган ўрта таълим муассасаларини ташкил этиш таклифига қарши эдилар. С.М.Граменицкий фикрича маҳаллий аҳоли болалари гимназия таълим дастурларини ўзлаштира олмасликлари туфайли улар учун ўрта таълим масканлари ташкил этилиши керак эмас эди. Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори в.б. Караульчиков 1917 йил январда генерал-губернатор Куропаткинга “халқ билим юртлари директори мулоҳазаларига кўшилишини” таъкидлаб хабарнома берган. Аслида эса империя ҳукумати маҳаллий аҳоли вакилларида келажакда етук, жамиятда катта мавқега эришиши мумкин бўлган мутахассисларни рус таълим муассасаларида тайёрлашни ва ўлкадаги империянинг мустамлакачилик сиёсатига путур етказувчи зиёлилар қатламини шакллантиришни истамас эди.

XX аср боши, айниқса, иккинчи ун йиллигида ўғил болалар гимназиялари ўқувчиларининг сиёсий жараёнларда фаол иштироки кузатилади. Бу каби ҳаракатлар бутун империя бўйлаб кенг тарқалган эди. Халқ маорифи вазирлиги ва ўлка ўқув маъмурияти бунга қарши каттикқўллик билан кураш олиб борди. Ҳукуматга қарши бу ҳаракатларда ўқувчилар кутубхоналар, хайрия, илмий жамиятлар ва бошқа қонуний тузилмалар атрофида бирлашган. Бунда ўлкага сургун қилиб кучириб келтирилганлар катализаторлик вазифасини бажарган<sup>3</sup>.

Масалан, 1905 йили Самарқанд гимназияси ўқувчилари орасида интизомга бўйсунмаслик, тартиб-қоидаларни бузиш ҳолатлари кузатилади.

<sup>1</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1917 гг.). – Москва: Наука, 1960. – С. 306.

<sup>2</sup> Кочаров В.Т. Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане (1865-1917 гг.). – Ташкент, 1966. – С. 41.

<sup>3</sup> Пясковский А.В. Революция 1905-1907 годов в Туркестане. – Москва, 1958. – С. 86-87.

Улар педагогик кенгашларда иштирок этиш, нолойиқ ўқитувчиларни вазифасидан озод этиш, ўқув машғулотларини қайта ташкил этиш талаблари билан чиқдилар. Ота-оналар тўғарагининг ташкил этилиши ва баъзи раҳбар-педагогларни ишдан бўшатиш орқали ўқувчиларни тинчлантиришга эришилди<sup>1</sup>. Бу ҳаракатлар империя сиёсий тартибларига қарши чиқишларнинг илк кўринишлари эди.

XX аср иккинчи ўн йиллиги бошига келиб ўлкада ўрта таълим муассасалари, шу жумладан жамоат маблағлари ҳисобидан ташкил этилган хусусий ўрта таълим масканларининг сони ортиб борди. К.К.Пален ревизияси натижаларига кўра 1909 йил 1 январь ҳолатида Туркистон ўлкасида давлат таъминотида бўлган 5 та ўғил болалар ва 5 та қизлар гимназияси, Тошкентда битта реал билим юрти, Қўқон ва Тошкентда биттадан тижорат билим юрти мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Қўқондаги тижорат билим юрти 1906 йили Е.В.Корчица бошчилигидаги бир гуруҳ шахслар томонидан, Тошкентдагиси эса 1907 йили В.Н.Дунин-Барковский бошчилигидаги бир гуруҳ шахслар томонидан очилган эди. 1907 йилда Қўқонда “Тижорат таълимини ривожлантириш жамияти”<sup>3</sup>, 1908 йили эса Тошкентда “Тижорат билимлари фидойиларининг Тошкент жамияти”<sup>4</sup> ташкил этилиб, мазкур тижорат билим юртлари улар тасарруфига ўтказилди. Ушбу таълим муассасаларида ўқув жараёнини ўқув ишлари бошқармаси назорат қилсада, барча ташкилий жиҳатлар ушуб жамиятлар иштирокида амалга оширилган. Молиялаштиришнинг катта қисми ҳам мазкур жамиятлар ҳисобидан амалга оширилган.

Мустамлакачиликнинг сўнгги йилларида ўлканинг уезд шаҳарларида ҳам ўрта таълим муассасалари ташкил этила бошланди, Андижон ва Қўқонда

<sup>1</sup> Обзор Самаркандской области за 1905 г. Изд. Самаркандского Стат. Комитета. Т., Тип. Газ. «Среднеазиатская жизнь». 1906. – С. 112.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. - И-47, р. 1, 1289 иш, 46-варақ.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. - И-19, р. 1, 12990 иш, 9-19-варақ.

<sup>4</sup> Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент, 2004. – С. 93.

иккитадан ўғил болалар ва қизлар гимназияси, Пишпек ва Пржевальскда, Каттакўрғонда, Чоржўйда, Красноводскда ўғил болалар учун, Наманганда қизлар учун гимназиялар, Марвда эса 1914 йилда реал билим юртлари ташкил этилиб, фаолият юритдилар<sup>1</sup>.

Тошкент ва Скобелев шаҳарларида ўқувчилар сонининг кўплиги туфайли давлат ҳисобидан иккинчи қизлар гимназиялари ташкил этилган. Тошкентда қизлар учун иккита О.М.Михайловская (1905) ва Л.Ф.Гориздро (1907) хусусий гимназиялари ҳам фаолият юритар эди. Чимкентда ҳам хусусий қизлар гимназияси мавжуд эди<sup>2</sup>. Баъзи шаҳарларда ўғил болалар гимназияларидан олдин қизлар гимназияларининг ташкил этилишига ота-оналар қизларини узоққа ўқишга юбормай ўз шаҳарларида ўқитишни хоҳлашлари натижасида жойларда қизлар гимназиясига бўлган талабнинг юқорилиги сабаб бўлган.

1905 йилдан сўнг ташкил этилган гимназияларда, одатда, давлат назорати кучли бўлмаган. Бунга ўқувчилар сонининг камлиги, янги педагогларнинг пайдо бўлиши ва мазкур гимназиялар ташкил этилишида ўлка раҳбарияти эмас, ота-оналар ҳиссасининг катталиги сабаб бўлди. Бироқ, ўрта таълим муассасаларида илғор таълим жараёни мавжуд эди. Хусусан, Тошкентдаги Гориздро гимназиясида болаларни ўз-ўзини бошқаруви элементлари мавжуд эди. Ўқитишда ўлкашунослик маълумотлари қўлланилган, ўқитиш методлари фаоллаштирилган. Скобелев шаҳрида илғор педагогик ғоялар О.П.Ковалевкая раҳбарлигидаги қизлар гимназиясида биринчилардан қўлланилардиз. Лекин, шунга қарамасдан айрим ўрта таълим муассасаларида ўқув жараёни орқада қолаверган. Янги гимназияларнинг кўпчилиги 1917 йилга келиб биринчи битирувчиларни чиқариб улгурган, баъзилари эса ҳали ҳам прогимназия шаклида эди.

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. - И-47, р. 1, 1500 иш, 406-варак.

<sup>2</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1917 гг.). – Москва: Наука, 1960. – С. 304.

<sup>3</sup> Ардаширов А.Ф. Русские школы в дореволюционном Андижане // Ученые записки Андижанского пединститута. III. – Андижан, 1956. – С. 84.

Шунга қарамасдан, гимназиялар ўлка раҳабриятининг кадрлар тайёрлаш сиёсатида етакчи ўринга эга бўлиб қолаверган. Маҳаллий маҳкамалар томонидан таълимга сарфланадиган жами маблағларнинг 1/3 қисми гимназияларга йўналтирилган эди. 1917 йил 1 январга келиб Туркистон ўлкасида кадетлар корпусидан ташқари ўрта таълим мактаблари умумий сони 29 нафар бўлиб, уларда 9577 та ўқувчи таълим олган<sup>1</sup>. Ўрта таълим мактабларидаги ўқувчиларнинг аксарияти ижтимоий келиб чиқиши бўйича аҳолининг мулкдорлар қатламига мансуб бўлган<sup>2</sup>. бир сўз билан айтганда, 1917 йилга қадар гимназиялар рус маърифатпарварларининг мактаблар тизимини ривожлантиришида тор қатлам манфаатларига хизмат қилувчи ягона таълим муассасаси тури сифатида сақланиб қолди.

Тижорат соҳасидаги билим юртларида ўғил болалар ва қизлар бирга ўқитилар эди. 1908/09 ўқув йили Тошкент тижорат билим юртида 120 ўғил бола ва 48 та қиз бола таълим олган. Бу муассасада умумий фанлардан ташқари ўзбек тили, ипакчилик, боғдорчилик, томорқачилик каби фанлар ўқитилган. Ўқувчилар орасида 16 та маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам бўлганлиги архив маълумотларида акс этган<sup>3</sup>. Уларнинг ижтимоий келиб чиқишига кўра асосан маҳаллий савдогарлар ва янги вужудга келаётган тадбиркорлар қатлампидан эканлиги туб аҳоли орасида рус капиталистик муносабатларига мослашиш ва метрополия бошқарув тизими ва ўлкада иш юритиш тизимига мослашиб бораётганлигини кўрсатади.

1909 йили Қўқондаги иккинчи тижорат билим юрти 6 та синф таркибида: 2 та тайёрлов, 2 та биринчи, II ва III синфлар бўлган. Ўқувчилар сони 162 та бўлиб, улардан 100 таси ўғил бола 62 таси қиз бола эди. Улар сафида 38 та маҳаллий боллар бўлиб, ундан 30 таси Ўрта Осиё яхудийлари болалари эди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 1921 иш, 137-варақ.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-37, р. 1, 663 а иш, 97-103-варақлар.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. - И-47, р. 1, 1289 иш, 48-варақ.

<sup>4</sup> Ўз МДА, ф. И-48, р. 1, 11 иш, 30-варақ.

Ўлкадаги тижорат билим юртлари фаолиятига хулоса берар экан, К.К.Пален комиссияси: “Афтидан, билим юрти ташкилотчилари ... амалий жиҳатдан маълумотга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни режалаштирган бўлсалар керак”<sup>1</sup>, – деб таъкидлайди. Яъни, мазкур турдаги таълим муассасаларида ўқув жараёни бошқа ўрта таълим муассасаларидагига нисбатан самаралироқ ташкил этилган эди.

Туркистонда Гимназиялар, реал ва тижорат билим юртларидан ташқари Тошкентда 1887 йили Оренбург кадетлар корпусининг бўлими ташкил этилган. 1900 йилгача ўқувчилар 1 ва 2 босқични Тошкентда ўқиб, кейин Оренбургда ўқишни тамомлашган. 1900 йилдан 4 синфни Тошкентда ўқийдиган бўлишди. 1904 йилдан Тошкентда кадет корпуси учун бино қурилиб, тўлиқ кадетлар корпуси тузилган<sup>2</sup>. 1906 йилда биринчи маротаба битирувчиларини чиқарган, кадет корпусида таълим реал билим юртлари дастури асосида шакллантирилган. Мазкур билим юрти учун 30 га ер ажратилиб, унинг қурилишига миллион рубль атрофида маблағ сарфланган эди. Қурилиш ишлари 1905 йили тамомланган. 1908-1909 ўқув йилида корпус интернатининг 300 та ўқувчисига давлат тасарруфидан, 25 тасига билим юрти ҳисобидан ҳамда қатновчи ўқитувчилар, 22 та штатдаги ўқитувчилар ва 13 та тарбиячи учун йилига 140 минг рубль маблағ сарфланган. Бу маблағ биргина ўқув юрти учун катта хажмни ташкил этган. Чунки, 1909-1910 ўқув йилида Тошкентнинг, хусусий билим юртларидан ташқари, 3245 та ўқувчиси ва 113 ўқитувчиси бўлган 27 та бошланғич ва олий бошланғич рус ва рус-тузем мактаблари учун давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидандан 100 минг рубль маблағ ажратилганлиги<sup>3</sup> бунга исбот бўлади. Бу ҳолат Россия империяси таълим сиёсатида ҳарбий кадрларга эътибор юқори бўлганлигини намоён этади.

<sup>1</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом (т. VI). Учебное дело. – СПб., 1910. – С. 58.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-1, 128 р., 89 иш, 19-20-варақлар.

<sup>3</sup> Думенко М.Ф. Русско-туземные школы Туркестана. Ташкент, 1957. – С. 12.

Кадет корпусига параллел равишда қизлар учун Тошкентда ёпиқ шаклдаги ўрта мактаб – “қизлар институти”ни ташкил этиш лойиҳалаштирилди. Бу масала матбуотда ҳам муҳокама қилинган<sup>1</sup>. 1898 йили генерал-губернатор С.М.Духовской Тошкент шаҳрида қизлар институт ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни илгари сурган. Мазкур институт “ўсиб келаётган аёллар авлоди”<sup>2</sup> учун ташкил этилиши кўзда тутилган эди. Мазкур институт очилиши ҳақида 1911 йили Тошкент газеталарида яна чиқишлар уюштирилди<sup>3</sup>. Туркистон ўлкасида қизлар институтини ташкил этиш бўйича ташаббусни илгари сурган А.В.Самсонов фикрини маъқуллаган император девонхонаси бошқарувчиси Голицын мазкур муассаса маҳаллий манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши кераклигини таъкидлаган.

Генерал-губернатор маъмурияти маблағ ййғиш мақсадида мазкур тадбир бўйича Туркистон шаҳарларида муҳокама ташкил этди. Фарғона вилояти шаҳарлари, молиялаштиришни рад этган<sup>4</sup>. Скобелев ва Ўш шаҳар бошқармаларидан ташқари Наманган (8000 р.), Андижон (15000 р.), Марғилон (2500) ва Қўқон (8000 р.) шаҳар бошқармалари “қизлар институти” таъминоти учун маблағ ажратишларини маълум қилдилар<sup>5</sup>. Ўлканинг чекка шаҳарлар савдогарлари ўлка империя ҳукумати вакилларини шаҳарлар аҳолиси ҳисобидан ўз қизлари учун институт ташкил этишни режалаштирганлигини англадилар ва бу лойиҳани қўллаб-қувватладилар. Ашхобод шаҳар думаси шаҳар аҳолиси қизлари бу институтда ўқий олмасликларини таъкидлаб, лойиҳани молиялаштиришдан бош тортди<sup>6</sup>. Тўпланадиган маблағ ҳажми талаб этилаётган 1800000 рубль олдида арзимас эди. Шу тариқа лойиҳа амалга оширилмай қолган.

XX аср иккинчи ўн йиллигига келиб, ўлкадаги рус таълим

<sup>1</sup> «Русская школа», 1903, №3, С. 81; ТВ, 1908, №282.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-19, р. 1, иш 27479, 2-варақ.

<sup>3</sup> «Туркестанский курьер», 1911, №96 и 198; ТВ, 1911, № 96, 139 и 194

<sup>4</sup> Ўз МДА, ф. И-19, р. 1, 27479 иш, 8, 9-варақлар.

<sup>5</sup> Ўз МДА, ф. И-19, р. 1, 27479 иш, 13-13об, 15, 21-21-орқа варақлар.

<sup>6</sup> Ўз МДА, ф. И-19, р. 1, 27479 иш, 24, 26-26-орқа варақлар,

муассасаларида ўқитишнинг назарий асослари бўйича етакчи педагогларнинг қарашлари ўсиб борган. Эндиликда ўлкадаги рус зиёлилари таълим муассасаларининг империянинг метрополик мақсадларини ўзида ифода этувчи таълим дастурларини замонавийлаштириш, аҳоли эҳтиёжларига мос равишда ривожлантириб бориш ҳақидаги фикрларни илгари сўра бошладилар. Албатта, бу ўзгаришлардан маҳаллий аҳоли вакилларида рус таълим муассасаларида таълим олган кам сонли вакиллар ҳам манфаатдор бўлганлар.

1910 йил декабрь охири ва 1911 йил январь бошларида Тошкентда ўлка ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг биринчи съезди бўлиб ўтди<sup>1</sup>. Съезд иши якунлари шуни кўрсатдики, бир томондан, ўша йилларда Туркистон ўрта таълим мактабларида педагогик ва ўлкашунослик масалалари билан фаол қизиқувчи асосан ёш, тараққийпарвар ўқитувчиларнинг оқими мавжуд бўлса, иккинчи томондан, 1909 йилдан генерал А.В.Самсонов бошқарувига ўтган ўлка маъмурияти бу ташаббускорлик ва фаолликни Столипин ислохотлари оқимига мослаштиришга ҳаракат қилган. Ўқитувчиларнинг ташаббускор гуруҳи методик (ўқитишни индивидуаллаштириш ва уни фаоллаштириш) ва тарбиявий (синфдан ташқари ишлар, жисмоний тарбия) ҳамда педагоглар малакасини ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун алоҳида съезд чақирилишини таклиф этди. Бунга дин масаласини ҳам қўшган ҳолда А.В.Самсонов монархиянинг синалган ҳамфикрлари генерал В.И.Покотило ва Н.П.Остроумов раҳбарлигида съезд чақирилишига рухсат берди. Съездда раис ва унинг ўринбосаридан ташқари таркибида 30% аёлларни ташкил этган 194 та иштирокчи қатнашиб, шаҳарлар бўйича улар қуйидагича тақсимланган: Тошкентдан 148 та, Самарқанддан 19 та, Скобелевдан 10 та, Чоржуйдан 9 та, Ашхободдан 4 та, Вернийдан 2 та, Чимкентдан 2 та. Маҳаллий аҳоли

<sup>1</sup> Труды первого Туркестанского съезда преподавателей средних учебных заведений. – Ташкент, 1913. – С. 486.

вакиллари съездда иштирок этмаган<sup>1</sup>.

Съезд ишининг асосий мавзуси Туркистон ўлкасининг Россия марказий районларидан узоқлиги, табиат ва турмуш шароитларининг ўзига хослиги шароитида ўлка мактабларида педагогик фаолият юритиш масаласи бўлди. Тадбир иштирокчилари олдида Туркистонни Россия мустамлакаси сифатида ўрганиш ва ўқувчиларга “рус қуроли” билан забт этилган мамлакат тариқасида ўргатиш, келажакда улардан ўлка тарихи ва географиясини яхши билувчи булажак мустамлакачиларни тайёрлаш вазифаси қўйилди<sup>2</sup>. Шу билан бирга, съезд иши хулосаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, ўқув шароитларини янада яхшилаш каби фикрлар ўртага ташланса-да, бу фикрлар ўлка раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланмаган.

Маҳаллий матбуот саҳифаларида ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар сони кўплиги, жой етишмаслиги сабабли кўплаб ўқишга кирувчиларга рад жавоби берилаётгани ҳақида маълумотлар берилиши ХХ аср бошларига келиб Туркистон шаҳарларида оддий рус аҳолиси орасида ҳам ўрта таълимга бўлган қизиқишнинг ортиб боришидан далолат беради. Бунга ҳамоҳанг тарзда Тошкент, Самарқанд, Скобелев, Қўқон шаҳарларида “ўқувчиларга кўмаклашиш жамиятлари” фаолият юритиб, уларнинг маблағлари муҳтож ўқувчиларга ўқиш учун тўловларни амалга ошириш, кийимлар харид қилиш ва шу кабиларга сарфланган. Бу ҳолатлар, ўз навбатида ўлкада истиқомат қилувчи, рус ва русийзабон аҳоли вакиллари орасида таълимга бўлган интилишни ўсиб борганлигидан далолат беради<sup>3</sup>.

Ўлка раҳбарияти Туркистондаги ўрта таълим муассасаларини яхши жиҳозлаш ва малакали ўқитувчилар таркиби билан таъминлашга катта

<sup>1</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1917 гг.). – Москва: Наука, 1960. – С. 305.

<sup>2</sup> Ўша асар. С. 301.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. И-17, р. 1, 17641(201) иш, 17-варақ – Об учреждении в городе Туркестане общества попечения учащих мусульман. 1915 г.; Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 1289 иш, 46-варақ – Об открытии в городе Намангане Общества ревнителей просвещения частных учебных заведений; Ўз МДА, ф. И-17, р. 1, 17377/119 иш – Об утверждении устава Казалинского общества «Ревнителей просвещения»; Ўз МДА, ф. И-17, р. 1, 16284/79 иш, 9-варақ – Об утверждении устава общества вспомоществования учащих; Ўз МДА, ф. И-1, р. 27, 147 иш, 16-23-варақ – Об создании Туркестанского общества ревнителей коммерческих знаний. Устав общества.



этибор қаратган. Чунки ушбу муассасаларда Туркистоннинг амалдаги хукмдорлари, бой ва зодагонлари, мансабдорларининг фарзандлари таълим олар эди.

Тошкент ўғил болалар гимназиясида руслар орасида ҳам ўзлаштириш кўрсаткичлари паст ўқувчилар кўп бўлган. Рус бўлмаган ўқувчилар учун эса – немис, француз, лотин ва черков славян тилини ўзлаштириш анча қийин кечиб, улар гимназиядаги таълим давомида рус тилини яхши ўзлаштира олганлар холос. Лекин маҳаллий аҳоли болалари таълим дастурлари турли тиллар билан мураккаблаштирилмаган ўқитувчилар семинарияси, тижорат, реал билим юртларида муваффақиятли таълим олганлар<sup>1</sup>. Рус болалар учун қийин бўлган дастурлар маҳаллий болалар учун умуман тушунарсиз эди.

Туркистонда гимназиялардан ташқари ўқув-услугий жиҳатдан яхши жиҳозланган реал билим юрти ҳам мавжуд эди. Реал билим юртлари гимназияларга нисбатан қуйи поғонадаги ўқув муассасаси саналган. Улар аҳолининг ўрта қатлами вакилларининг таълимга бўлган эҳтиёжини кондиришга қаратилган. Реал билим юртларининг асосий вазифаси “уларда таълим олувчи ёшларнинг амалий талабларига мослаштирилган ва техник билимларни эгаллашга йўналтирилган умумий билимларни бериш”<sup>2</sup> эди.

Тошкентдаги реал билим юртининг фундаментал кутубхонасида 8515 том, ўқув кутубхонасида 2441 том адабиёт мавжуд эди. Фанлар бўйича кабинетларда 3398 та турли асбоблар, ускуналар, тарихий ва географик хариталар ҳамда рассомчилик хонасида 386 та модель бўлган. Мазкур таълим муассасасида реал билим юртлари Низомида кўрсатилган фанлардан ташқари лотин, инглиз ва маҳаллий тилларда мажбурий бўлмаган фанлар ҳам ўқитилар эди. Мазкур билим юрти тафтиш комиссияси хулосасида: “Тошкент реал билим юрти ўзининг белгиланган вазифасига жавоб

<sup>1</sup> Очерки истории школы и педагогической мысли народов СССР. Вторая половина XIX в. / Отв. ред. А.И.Пискунов. – Москва, 1976. – С. 132.

<sup>2</sup> Хрестоматия по истории педагогики: В 4 т. Т. 4. История русской педагогики с древнейших времен до Великой пролетарской революции. Ч. II. / Под. Ред. С.А.Каменева. Сост. Н.А.Желваков. – Москва, 1936. – С. 75.

берадиган ўлкадаги деярли ягона билим юрти”<sup>1</sup>, – деб баҳоланади.

Мазкур муассасада таълим асосини математика, табиатшунослик ва янги тиллар ташкил этган. Гимназиялар ўқувчиларни асосан университетга тайёрласа, реал билим юртлари уларни техник ва саноатга йўналтирилган махсус олий ўқув муассасаларига тайёрлаган<sup>2</sup>.

Ўрта таълим тизимида бу икки хил: реал билим юртлари ва гимназияларни фаолият юритишига сабаб математика ва табиатшунослик фанларига бўлган эҳтиёж ўсиб бориши ҳамда бутун империя бўйлаб саноат ва техник фаолият кучайганлиги эди.

Тошкентда биринчи реал билим юрти 1894 йили икки синф таркибида ташкил этилиб, 1898 йили синфлар сони еттитага етказилган. Мазкур муассаса таъминоти учун 9208,5 рубль маблағ ажратилган<sup>3</sup>.

Тошкент реал билим юрти директори этиб физика-математика фанлари номзоди Аргутинский-Долгоруков тайинланган. Рус тилидан А.Вонсович, рассомчилик ва ҳуснихатдан Н.Гречанинов, муסיқадан Тысячников, немис тилидан К.Феннер каби ўқитувчилар сабоқ берганлар.

1872 йилги Низомга кўра реал билим юртлари “ўрта саноатчилар қатлами” учун мўлжалланиб, ўқувчиларни “тўғридан-тўғри амалиётга тайёрловчи”<sup>4</sup> муассаса бўлган. Мазкур масканларда 6 йиллик таълим ўрнатилиб, 5-6 йиллик таълим жараёнидан сўнг тобора маҳаллий шароитларга мослаштирилган. Шундай қилиб, реал билим юртлари ўрта махсус, гимназиялар эса умумтаълим характериға эға бўлган ўрта таълим муассасалари эди<sup>5</sup>.

Ўлкада гимназияларни ташкил этишда империя ҳукумати ўз манфаати йўлида кадрлар тарбиялашни мақсад қилар экан ХХ аср бошида ўрта

<sup>1</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом (Т. VI). Учебное дело. – СПб., 1910. – С. 44.

<sup>2</sup> Кочаров В.Т. Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане (1865-1917 гг.). – Ташкент, 1966. – С. 41-42.

<sup>3</sup> Обзор Сыр-Дарьинской области за 1899 год. – Ташкент, 1900. – С. 183.

<sup>4</sup> Очерки истории школы и педагогической мысли народов СССР. Конец XIX – начало XX в. Ответ. Ред. Э.Д.Днепров. – Москва, 1991. – С. 111.

<sup>5</sup> Очерки истории школы и педагогической мысли народов СССР ... – С. 111.

таълимга талаб ошиши натижасида ўлканинг кўплаб шаҳарларида қатор ўрта таълим муассасалари ташкил этилишига рухсат берган. Гимназиялар фаолияти кадрларни тайёрлашда ижобий аҳамиятга эга эди. Лекин подшо маъмурияти Туркистонда ўрта таълим муассасаларининг кенг тармоғини шакллантиришни мақсад қилиб олмаган эди. Чунки мустамлака ўлкада истиқомат қилувчи рус, айниқса туб ерли аҳолини кенг миқёсда ўрта таълим муассасаларида таълим олиб маънан ўсиши империя манфаатларига мос эмасди.

Ундан ташқари, Ўрта Осиё халқлари учун гимназия таълим дастурлари янгилик бўлиб, уларнинг дунёқарашини янада ўсишида ижобий аҳамият касб этди. Маҳаллий зиёлилар вакилларида Фитрат, Ибрат кабилар рус таълим муассасалари, айниқса, гимназиялардаги ўқув шароитлари ҳақида ижобий фикрларни билдирганлар. Шунга қарамай, ўрта таълим муассасалари ўқувчилари орасида маҳаллий аҳоли вакиллари озчиликни ташкил этган. Чунки, гимназиялардаги ўқув дастурлари рус болалар учун қийин бўлган, маҳаллий болалар учун эса оғирлик қилган.

Гимназиялар ташкил этилиши ва уларда маҳаллий аҳоли болаларига ҳам таълим олиш ҳуқуқини берилиши ижобий ҳолат эди. Яна бир ижобий жиҳати Туркистон ўлкасида янги ноанъанавий таълим услуби ва кўринишини жорий этилиши ҳамда бу борада тажриба алмашинувига эришилди. Гимназиялардаги кўргазмали таълимни кенг миқёсда қўлланилиши ушбу таълим шаклини самарали эканлигини амалий жиҳатдан намоён этди.

Империя раҳбарияти Туркистон ўлкасида ўрта таълим муассасаларини ташкил этар экан, бунда ўз манфаатларидан четга чиқмаган ҳолда қатъий принципга асосланиб иш юритган. Яъни, ташкил этиладиган ўрта таълим муассасалари ўлкадаги рус аҳолисини ва қисман маҳаллий аҳоли вакилларини ўрта таълимга бўлган эҳтиёжини қондириши ҳамда шу жараёнда мазкур таълим муассасаларида тайёрланадиган бўлажак кадрлар империя сиёсатига содиқ бўлишлари керак эди. Шу мақсадда иш олиб борар

экан ўлкадаги империя маъмурияти томонидан белгиланган тартиб ва меъёрлардан четга чиққан ҳар қандай ташаббус, таълим тизимига янгилик олиб кириш ёки мавжуд таълим масканларида ўқитиш ишларини мазмунан ривожлантириш ишларига маъмурий тўсиқлар жорий этилган.

Туркистон ўлкасидаги рус ўрта таълим тизими бир хиллик хусусиятга эга бўлмаган. Гимназиялардан ташқари ўлкада ўқувчиларга аниқ фанлар бўйича чуқурлаштирилган билимларни беришга ихтисослашган ўрта таълим муассасалари – реал билим юртлари ҳам ташкил этилиб, моҳиятан ушбу таълим муассасалари рус фуқаролари орасидан ўртача ижтмоий мавқега эга бўлган аҳоли фарзандларига таълим беришга мўлжалланган. Бироқ, реал билим юртларида аҳолининг фаол қатламлари фарзандлари таълим олиб, ушбу масканлар фаолияти кўп ҳолларда гимназияларга нисбатан ҳам самаралироқ бўлган. Лекин, реал билм юрти таълим келгусида олий таълим муассасаларида ўқиш имкониятини бермаслиги билан гимназияларга нисбатан қуйи поғонадаги таълим маскани ҳисобланар эди. Бир сўз билан айтганда, Россия империяси, таълим муассасалари аҳоли ижтимоий қатламлари манфаатларига мослаштирилган тизим бўлиб, бу тизим моҳиятан ўзгартирилмаган ҳолда Туркистон ўлкасида ҳам жорий этилган.

### **Касбга йўналтирилган ўрта махсус билим юртлари фаолияти**

Туркистон таълим тизими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар Россия империяси иқтисодий манфаатлари асосини ташкил этган ишлаб чиқариш саноатига кадрлар тайёрлаб беришни ҳам қамраб олган эди. Яъни, Россия империяси Туркистон ўлкасида истиқомат қилувчи рус аҳолиси фарзандларига таълим бериш тизимини яратиш орқали келгусида ўлардан империянинг ўлкадаги манфаатларига хизмат қилувчи мутахассисларни тайёрлашни мақсад қилган.

Россия империясининг Туркистон ўлкасида амалга оширган таълим сиёсатидан кўзланган мақсадлари юқоридагилар билан чекланиб қолмаган. Туркистон ўлкаси иқтисодиётини империя манфаатларига йўлида бошқариш, ўлканинг ҳомашё ресурсларидан кенг фойдаланиш мақсадида ўзига хос мутахассислар тизимини шакллантириш мақсадида касбга йўналтирилган билим юртлари тизими ҳам шакллантирилган.

Ўлка бўйсундирилиши билан янгича сиёсий ва ижтимоий шароитлар натижасида янгича меҳнат ва иқтисодий муносабатлар тизими шаклланди. Натижада, саноат корхоналари, идоралар ва маҳкамаларда ишлаш учун зарур бўлган назарий билимларга эга ишчиларга талаб ортиб борди.

Туркистон ўлкасида бу соҳадаги ишлар бир қанча олдинроқ ўлканинг биринчи раҳбари К.П.Кауфман томонидан амалга оширила бошланган эди. Ўлкада мутахассисларни тайёрлаш бўйича асрлар давомида шаклланган устоз-шогирд тизими ривожланиб бораётган янги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжларига жавоб бера олмай қолган эди. Мана шундай сабабларга кўра Туркистондаги подшо маъмурияти ўлка иқтисодиёти ва хўжалик ҳаётини Россия манфаатларига бўйсундиришни режалаштирар экан, ўлкада малакали мутахассислар тайёрлашни мўлжаллаган ҳолда қатор ихтисослашган таълим муассасаларини ташкил этишга эътибор қаратади. XIX асрнинг 70-йиллари бошларида шаҳар мактаблари ҳузуридаги ҳунармандчилик синфларининг очилиши кейинчалик

касбий таълим жорий этилишига асос бўлиб хизмат қилди.

1871 йили Тошкентдаги биринчи рус мактаби “халқ-хунармандчилик” мактабига айлантирилган. 1873 йили эса Тошкентда “Туркистон ипакчилик мактаби” очилиб, унга энтомолог олим В.Ф.Ошанин бошчилик қилган<sup>1</sup>. Мазкур мактабга маълум миқдорда ўқувчилар тажриба алмашиш учун бир неча ой муддатга командировкага юборилган. Мактабнинг ўн йиллик фаолияти давомида икки хил турдаги италия ипак қурти етиштирилган эди. Тўртта ўқувчи, маҳаллий хунармандларга нотаниш бўлган усулда илгор европа ускуналарида ипак ёзишни ўрганган. Мактаб фаолияти самарадорлигига ипакчилик марказлари Тошкент воҳаси эмас, Фарғона ва Зарафшон воҳалари бўлганлиги қийинчилик туғдирган<sup>2</sup>.

1882 йилда генерал-губернатор Черняев ўқувчилар сони камлигини баҳона қилиб ипакчилик мактабини ёпишга буйруқ берган. 1885 йилда эса мазкур мактаб хўжалиги базасида ўлкадаги биринчи ипак қуртини тайёрлаш станцияси ташкил этилган эди (унга В.Ф.Ошаниннинг ёрдамчиси А.И.Вилькинс раҳбарлик қилди). Маҳаллий ипак толаларининг аксарияти касалланганлиги ва танқислиги натижасида ипакчилик соҳасида мактаб катта ютуқларга эриша олмаган.

1878 йилги Империя Халқ маорифи вазирлигининг “Саноат билим юртларини ташкил этиш” тўғрисидаги қонунга<sup>3</sup> асосан Халқ маорифи вазирлиги саноат билим юртларини ташкил этиш режасини ишлаб чиқди ва 1881 йил ноябрда мазкур режанинг тасдиқланиши билан қонуний асосда бутун Россия, шу жумладан, Туркистон ўлкаси бўйлаб давлат ва хусусий сармоялар ҳисобидан саноат билим юртлари, шаҳар мактаблари ҳузурида хунармандчилик синфлари ва қўл меҳнати синфлари ташкил этила бошланди. Бу тадбирлар назарий билимлар билан бирга амалий машғулотлар асосида малакали ишчилар, усталар ва техник мутахассисларни тайёрлашда

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-7, р. 1, 3115 иш, 109-варак.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-7, р. 1, 3115 иш, 109- орқа варак.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. И-254, р. 1, 6 иш, 43 варак.

янги йўналиш эди. Мутахассислар тайёрлашнинг бу йўналиши Россияда крепостнойлик ҳуқуқини бекор қилиниши билан йирик саноат корхоналари ва темир йўл тармоқларининг ривожланиши натижасида шаклланди.

Шаҳар билим юртлири қошида дурадгор, чилангар, тўқувчи ва этикдўзларни тайёрловчи ҳунармандчилик синфлари ташкил этила бошланди. Қишлоқ мактаблари учун алоҳида ерлар ажратилиб, мактаб мудирларига ўқувчилар иштирокида боғдорчилик ва томорқачилик билан шуғулланиш тўғрисида топшириқ берилган. Ушбу ишларни ташкил этиш учун ҳар бир мактабга 50 рубль миқдорида маблағ ажратилган<sup>1</sup>.

Туркистонда ишчи кадрлар тайёрлашнинг янги йўналиши ҳам жорий этилди. Техник мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиб бир қатор таълим муассасалари ташкил этила бошланди. 1887 йилдаёқ маҳаллий матбуотда Тошкентда техника билим юрти ташкил этилиши ҳақида маълумотлар эълон қилинган<sup>2</sup>. XIX асрнинг 80-йиллари охирларидан ўлка рус мактабларида ҳунармандчилик ва қўл меҳнати курслари ташкил этилиб, улар фаолияти анча кенгайтирилган эди<sup>3</sup>.

Рус мактабларига касб таълимининг жорий этилиши, бир томондан Россия капиталистик тараққиёти тенденцияси талабларининг қондирилиши бўлса, иккинчи томондан, маҳаллий аҳоли фарзандларини ўрта мактабларга интилишини сусайтиришга қаратилган реакцион қаршилик ифодаси эди<sup>4</sup>.

1896 йили Тошкентда ҳунармандчилик билим юрти очилиб, унда пахта тозалаш ва бошқа корхоналар учун малакали дурадгор, чилангар, токарлар ва темирчилар тайёрланарди. Лекин, мазкур билим юртининг фаолияти катта самарадорликка эга бўлмаган. 100 кишига мўлжалланган билим юрти 15 йил давомида йилига ўртача 10 кишидан мутахассис етиштирганлиги мазкур

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-254, р. 1, 6 иш, 23-24 варақлар.

<sup>2</sup> ТВ, 1887, №42 и 43.

<sup>3</sup> ТВ, 1887, №5; 1888, №17-18; 1900, №96,97 и 99; 1902, №5 и 39; 1904, №158.

<sup>4</sup> Хрестоматия по истории педагогики: В 4 т. Т. 4. История русской педагогики с древнейших времен до Великой пролетарской революции. Ч. II. / Под. Ред. С.А.Каменева. Сост. Н.А.Желваков. – Москва, 1936. – С. 83.

ҳолатни ўзида ифода этади.

Ўлкада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва маҳсулотларга дастлабки ишлов беришни ривожлантириш учун малакали ишчиларни тайёрлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилган. Бунда маҳаллий зиёлилар, тадбиркорлар ҳамда рус зиёлилари ташаббускорлик қилдилар.

1897 йили Тошкентда ариқ-оқсоқоллар (ирригация назоратчилари) ни тайёрловчи “Қуйи геодезия курслари” очилган. Ўша давр матбуотида келтирилган маълумотларга кўра, бу курсларда таълим “мактаб машғулотлари кўринишида бўлиб, ҳар бир ҳолат меҳнат ускуналари билан муомала қилиш услублари воситачилигида олиб борилган”<sup>1</sup>.

Кўчиб келтирилган рус деҳқонларининг ерга ишлов бериш бўйича ишларининг кенг тус олганлиги сабабли ер ўлчовчиларга бўлган талаб ошиб борарди. Ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш мақсадида Тошкент ва Верний шаҳарларида ер ўлчовчилар курслари ташкил этилган. Курсларни тугатган ўқувчиларга ер ўлчовчининг ёрдамчиси лавозими берилган<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, Туркистонда бошқа қуйи қишлоқ хўжалик ўқув муассасалари – 1887 йилдан Верний шаҳрида ўрта махсус маълумотли боғбонларни тайёрловчи ўқув юрти. Шу йилдан Копалда, 1890 йилда Пишпақда, 1896 йилдан Жаркентда, 1897 йилдан Ашхободда ва 1898 йилдан Пржевальскда бошланғич қишлоқ хўжалик мактаблари фаолият юрита бошлаган<sup>3</sup>. Лекин 1906 йилгача Туркистонда қишлоқ хўжалик соҳасида мавжуд таълим муассасалари сони кам бўлиб, улар ўлкада қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш бўйича мутахассисларга бўлган талабни қондира олмаган.

Туркистонда касбий-техник ва қишлоқ хўжалик таълимини ташкил этишда юқори ҳокимият маҳкамалари, асосан, русийзабон аҳоли манфаатларига катта эътибор қаратган. Чунки ушбу ўқув юртларини тамомлаган ўқувчилар келажакда кичик мансабларга тайинланиб, қуйи

<sup>1</sup> ТВ, 1897, №90.

<sup>2</sup> Туркестанский курьер, 1912, №226; ТВ, 1912, №227.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. И-65, р. 1, 47 иш, 103-103-орка варақлар.



поғонада бўлса-да, империя манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда меҳнат фаолиятларини олиб боришлари керак эди. Маҳаллий матбуотда зиёлилар томонидан ҳунармандчилик, саноат ва қишлоқ хўжалик таълимини кенг ривожлантириш зарурлиги ҳақида фикрлар ўртага ташланган. Унда “маҳаллий аҳоли қўллайдиган” хўжалик юритиш шакллари рус деҳқонлари орасида ёйиш ва уни ташкил этиш усулларини такомиллаштириш лозимлигини уқтирилади<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, Туркистон ўлкасига келиб ўрнашган рус деҳқонлари маҳаллий иқлим ва тупрок хусусиятлари билан таниш эмасдилар. Шу тўғрисида ҳам рус ирригаторларини тайёрлаш бўйича касбий-техник мактабларда ўқув машғулотларининг кўпроқ амалий кўринишда ташкил этилиши хўжалик юритишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга хизмат қилиши керак эди.

Зироатчилик ва давлат мулклари вазирлиги тақдимотида кўра қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш учун 1901 йил 7 майда Тошкент қуйи қишлоқ хўжалик гидротехник мактаби ва унинг таркиби ҳақида низом тасдиқланди<sup>2</sup>. “Ўлкада мавжуд суғориш иншоотларини қуриш, сақлаш, яхшилаш ва ўрганиш” бўйича мутахассисларни тайёрлаш унинг асосий вазифаси этиб белгиланган<sup>3</sup>. Мазкур мактаб фаолиятида қуйидаги тартиблар ўрнатилган эди:

1. Мактаб ўқув курси икки йиллик қилиб белгиланиб, учинчи йил ўлка ирригация иншоотларида амалий машғулотлар ўташга бағишланган;

2. Мактаб Зироатчилик ва давлат мулклари бошқармаси бошлиғи назоратида бўлиб, у мактаб фаолияти учун зарур шароитларни таъминлаши керак эди. Шу билан бирга бошқарма бошлиғига дарс бериш учун ўқитувчилар тайинлаш ва ёллаш ҳуқуқи берилган;

3. Мактаб кенгашида раислик қилувчи бошқарувчи тайинланиб, у Кенгаш йиғилишларига ўқув ва хўжалик масалалари муҳокамасида ўз

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-65, р. 1, 6 иш, 2-2-орқа варақлар.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-65, р. I, 3 иш, 29-30-варақлар.

<sup>3</sup> ТВ. 1902, № 5.

билими ва ваколати билан кўмак бериши мумкин бўлган шахсларни таклиф этиш ҳуқуқига эга эди<sup>1</sup>.

Мактаб\* таъминоти учун 1901 йилдан давлат хазинасидан 4500 рубль, маҳаллий маҳкамалар ҳисобидан 2500 рубль маблағ ажратилган. Бу маблағ куйидагича тақсимланган: мактаб бошқарувчисига 1500 рубль, иккита илмий фанлар ўқитувчиларига 1200 рублдан, ўқув қўлланмаларга 500 рубль,

\*Мазкур мактабнинг ташкил этилиши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишда ҳам катта аҳамиятга эга эди. Хусусан, Даниянинг Букмейстер-Вайн акционер жамияти – Машина ва кемасозлик заводи мактабга “Перфект” сепараторини бепул, синов учун юбориб, мурожаат хатида: “бизга сизнинг районингизда ҳам йирик миқдорда сотишга умид боғласак бўладими?”, – деб ёзган эди. (Ўз МДА, ф. И-65, р. I, 1 иш, 159-варақ)

қолган маблағ хор куйлашни ўргатиш, боғбон, идорачи ва усталарни ёллаш, фельдшер ёллаш ва дори-дармонлар, қоровул, бинолар таъмири, иситиш ва ёритиш, кўшимча дарслар учун сарфланган<sup>2</sup>.

Мактабдан кўзланган асосий вазифалар суғориш техникаси ва суғориш каналларини барпо этишнинг муҳим усулларини ўрганиш билан бирга ўқувчиларни умуман қишлоқ хўжалигини, хусусан, унинг алоҳида тармоқларини юритиш билан яқиндан таништиришга йўналтирилган эди. Бундай мактабни ташкил этиш билан суғориш, мавжуд суғориш иншоотларини таъмирлаш ва сақлаш ҳамда мазкур мутахассисларни тегишли тайёргарлигидан фойдаланган ҳолда ирригация иншоот тизимларини ўрганиш мақсадлари кўзланган эди.

Мактабга барча ижтимоий табақалар ва барча дин вакилларининг 14 ёшдан кичик бўлмаган болалари қабул қилинган. Икки синфли шаҳар мактабларини тамомлаганлар ҳам имтиҳон асосида қабул қилинган<sup>3</sup>. Ўқувчилар қабули ва синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари йилига икки марта: май ва октябрда ўтказилган.

Туркистон ўлкаси Зироатчилик ва давлат мулклари бошқармаси

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-65, р. I, 19 иш, 4- варақ

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-65, р. I, 19 иш, 4-орқа варақ.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. И-65, р. I, 19 иш, 5-варақ.

буйруғига биноан Мирзачўлда магистрал канал қурилиши ишларида Тошкент қўйи қишлоқ хўжалик гидротехник мактаби ўқувчилари амалиёт ўтаганлар<sup>1</sup>.

Тошкент қўйи қишлоқ хўжалик гидротехник мактабида қишлоқ хўжалиги йўналишида мутахассислар изчил тарбияланса-да, унда маҳаллий аҳоли болаларининг иштироки мактаб фаолиятининг дастлабки йилларида кам кузатилар эди. Масалан, 1903 йили 27 та ўқувчидан биронтаси маҳаллий халқлар вакили бўлмаган<sup>2</sup>.

Империя раҳбарияти ўлкада юқоридаги каби ўқув муассасаларни ташкил этилиши билан бир қаторда соҳалар бўйича мутахассисларни тайёрловчи қисқа курсларни ташкил этилишини қўллаб-қувватлаган. Турли хил курслар қаторида 1916 йили Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти Тошкентда ярим йиллик уй хўжалигини юритиш курсларини ташкил этди. Бу курсларда гигиена, пазандалик, қўл меҳнати, боғдорчилик бўйича машғулотлар олиб бориларди. Қишлоқ жойларда ётоқхонали уй хўжалигини юритиш мактабини ташкил этиш таклифлари ҳам илгари сурилган<sup>3</sup>.

Империя ҳукуматининг ўлкада касбий-техник таълим муассасаларини ташкил этишдан асосий мақсади Туркистонда мустамлака ҳукмрон доиралари ва ҳокимияти бошқарувини таъминловчи корхона, ташкилот ва муассасаларни ёрдамчи кичик мансабдорлар билан таъминлаш эди. Бунда асосан ўлка рус аҳолисига ишонч билдирилган ҳолда рус-тузем мактабларидаги каби маҳаллий аҳоли вакилларини кенг миқёсда жалб этиш ишлари йўлга қўйилмаган.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг асосий тармоғи бўлган Туркистонда битта қишлоқ хўжалик мактабига 800 минг аҳоли тўғри келган. Мавжуд муассасаларнинг барчаси қўйи мактаблар бўлиб, жами 9 тадан 4 таси 2-

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-65, р. I, 3 иш, 83-83 -орқа варақлар.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-65, р. I, 19 иш, 31орқа – 32-варақлар.

<sup>3</sup> Туркестанское сельское хозяйство. – Ташкент, 1916, №8, С. 743; № 9-10, С. 853; № 11-12, С. 973; 1917, № 1-2, С. 91; 1918, № 1-2, С. 84-90.

даражали қуйи, қолган бештаси 1-даражали мактаблар бўлган. 3 таси махсус боғдорчилик, 1 таси қишлоқ хўжалик боғдорчилиги, 1 таси қишлоқ хўжалиги гидротехник ва 4 таси умумий қишлоқ хўжалиги мактаблари эди. Боғдорчилик мактаблари Ашхобод, Самарқанд ва Вернийда, қишлоқ хўжалик гидротехник мактаби Тошкентда, қишлоқ хўжалик боғдорчилиги мактаби Пишпақда ва қолганлари Еттисув вилояти Копал уездининг Қоратол воҳаси, Жаркент ва Пржевальскда жойлашган эди<sup>1</sup>. Кўриниб турганидек, Еттисув вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида таълимга катта эътибор қаратилган. Чунки, ўша даврда Еттисув вилоятида Россиядан кучириб келтирилган рус аҳолисининг сони ва рус қишлоқларининг сони ҳам бошқа вилоятларга нисбатан кўп бўлган.

XIX аср охирларига келиб қишлоқ хўжалиги соҳасида ўрта таълим муассасасини ташкил этиш ташаббуслари илгари сурила бошланди. 1897 йили маҳаллий матбуотда Тошкент реал билим юрти таркибида тўртинчи синфдан бошлаб қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган бўлим ташкил этиш, уни кейинчалик алоҳида билим юрти сифатида шакллантириб, Тошкент яқинидаги Қоплонбек мулкига жойлаштириш ҳамда бу билим юртида боғдорчилик ва узум етиштириш бўйича, ўрта малакали махсус маълумотли гидротехникларни тайёрлаш таклифи илгари сурилганди. Бироқ деярли йигирма йил турли маҳкамалар муҳокамасидан сўнг билим юртини ташкил этиш учун ҳамма нарса тайёр бўлганда, 1915 йили Петербургдан I жаҳон урушига барча маблағларни жалб этилиши натижасида мазкур тадбирни амалга ошириш учун сармоя йўқлиги сабабли, билим юртининг очилиши номаълум муддат орқага сурилган<sup>2</sup>.

1911 йили лойиҳаси тузилган агроном-пахтакорларни тайёрлашга ихтисослаштирилган ўрта саноат билим юртини ташкил этиш ташаббуси ҳам, Туркистон ўлкасида пахта экини ва умуман қишлоқ хўжалиги муҳим

---

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-7, р. 1, 3115 иш, 112-варак.

<sup>2</sup> ТВ, 1915, №32.

аҳамиятга эга бўлса-да, шунга ўхшаш натижа билан яқунланган<sup>1</sup>.

Бироқ XX аср иккинчи ўн йиллиги бошидан барча касбий таълим муассасаларида ўқитиш шароитларини яхшилаш, ўқитиш сифатини оширишга катта эътибор қаратилган. Куропаткин, Самарқанд ва Верний мактабларида бу вақтга келиб ўқитиш шароитлари яхшиланиб бўлинган эди<sup>2</sup>.

Туркистон ўлкасида темир йўллари тармоқларининг ўсиб бориши билан соҳа бўйича мутахассисларни тайёрлаш зарурати туфайли бошланғич ва ўрта темир йўл билим юртлари ташкил этилган. Бошланғич темир йўл билим юртларининг аксарияти Каспийорти вилоятида жойлашган бўлиб, 1899 йили бир ва икки синфли темир йўл билим юртларининг сони вилоятда 12 та эди. Улар бевосита Алоқа йўллари вазирлиги қарамоғида эди<sup>3</sup>. Лекин уларнинг таълим жараёни ўқув бошқармаси томонидан бошқарилган.

1911 йил 18 январда Туркистон ўлкасида жами 9 та икки синфли ва 19 та бир синфли бошланғич темир йўл билим юрти мавжуд эди. Шулардан 13 таси Каспийорти, 4 таси Самарқанд, 8 таси Сирдарё, 3 таси Фарғона вилоятларида жойлашган эди<sup>4</sup>. Ушбу таълим масканларида темир йўл маҳкамаларида хизмат қилувчи ишчилар тарбияланган.

Бундан ташқари, Тошкентда ўрта техник темир йўл билим юрти ҳам ташкил этилиб, соҳа мутахассисларини тайёрлашда алоҳида мақомга эга эди. Техник темир йўл билим юртларининг ўқув дастурлари Алоқа йўллари вазирлиги томонидан белгиланиб<sup>5</sup>, ўқув-тарбиявий жараёнлар ҳам ушбу вазирлик томонидан амалга оширилган<sup>6</sup>. Лекин бу таълим масканига фақатгина рус фуқаролари ўқишга қабул қилиниб, битирувчилар йўлланма асосида иш билан таъминланган. Билим юртига ўқувчиларни қабул қилишда миллий чеклов мавжудлиги ҳақида “Техник темир йўл билим юртлари

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-7, р. 1, 3115 иш, 107-варак.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-7, р. 1, 3115 иш, 108-варак.

<sup>3</sup> Обзор Закаспийской области за 1899 год. – Асхабад, 1900.

<sup>4</sup> Однодневная перепись начальных школ в империи произведенная 18.01.1911 г. – СПб., 1914. – С. 2-12.

<sup>5</sup> Ўз МДА, ф. И-254, р. 1, 73 иш, 28-варак.

<sup>6</sup> Ўз МДА, ф. И-254, р. 1, 73 иш, 70-70-орка варак.

ҳақида” ги Низомнинг 7-моддасида<sup>1</sup> аниқ қилиб кўрсатилган эди. 1904 йили Тошкентда очилган техник темир йўл билим юртининг 1913-1914 ўқув йилидаги 24 нафар битирувчилари орасида биронта ҳам маҳаллий халқлар вакили бўлмаган<sup>2</sup>. Мазкур ўқув юрти фаолиятининг ҳар бир жабҳаси Алоқа йўллари вазирлигининг қатъий назоратида бўлиб, ҳатто ҳафталик дарс соатлари ҳам вазирликнинг махсус кўрсатма ва йўриқномалари асосида белгиланган<sup>3</sup>. Алоқа йўллари вазирлиги темир йўл билим юртларида тарбияланадиган мутахассисларнинг билимли, тажрибали, умуман, талабларга мос бўлиб етишишидан манфаатдор бўлган. Шунинг учун вазирликнинг ўқув ишлари бўлими ўқувчилар шароитларини яхшилаш, ўқув муассасаларида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ўқув дастурлари ва жиҳозлари билан таъминлаш ишларини доимо назорат қилган.

Подшо маъмурияти ўлкада рус таълим тизимини шакллантирар экан, ташкил этиладиган муассасаларда дарс берувчи мутахассис-педагогларни тайёрлашдек долзарб муаммога дуч келди. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида 1879 йилдаёқ биринчилардан бўлиб Туркистон ўқитувчилар семинарияси ташкил этилган эди. Ушбу таълим маскани 30 йилдан ошиқроқ вақт Ўрта Осиёдаги педагогларни тайёрловчи ягона таълим муассасаси бўлиб қолди.

Мазкур семинарияда 1904 йилга қадар Н.П.Остроумов, Ю.Ф.Крачковский, М.А.Мирописев, И.М.Софийскийлар директорлик қилишган<sup>4</sup>.

Туркистон ўқитувчилар семинарияси ўқувчилари учун давлат, ҳусусий ва жамоат стипендиялари жорий этилган. (6-илова). Ўқишга 15 ёшдан кичик бўлмаган 18,5 ёшдан катта бўлмаган рус ва маҳаллий миллат вакиллари қабул қилинган. Семинарияда дин қонунчилиги, педагогика, рус тили,

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-254, р. 1, 12 иш, 68-варақ.

<sup>2</sup> Годовой отчет состоящего при Среднеазиатской железной дороге Ташкентского технического железнодорожного училища имени Наследника Цесаревича Алексея Николаевича за 1913-1914 учебный год. – Ташкент, 1915. – С. 34-35.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. И-254, р. 1, 73 иш, 28-28-орқа варақ.

<sup>4</sup> Отчет Туркестанской учительской семинарии за 25 лет ее существования (30.08.1879 г. – 30.08.1904 г.). Сост. Остроумов Н.П. – Ташкент, 1904 – С. 28.

арифметика, геометрия, алгебра, физика, табиатшунослик, Ватан (Россия) тарихи, география, маҳаллий тиллар (ўзбек ва форс)<sup>1</sup>, ҳуснихат ва расм дарси, ашулачилик, мусиқа, қўл меҳнати, гимнастика дарслари ҳамда дарсдан бўш вақтларда боғдорчилик ва томорқачилик сирлари ўргатилган<sup>2</sup>. (7-илова). 1879-1904 йиллар давомида семинарияга 415 та ўқувчи қабул қилинган бўлиб, шундан: 348 таси рус, 54 таси қирғиз, 9 таси ўзбек, 3 таси татар ва биттаси туркман миллатига мансуб эди. 1909 йили К.К.Пален тафтишида қайд этилишича семинарияда 30 йил давомида 522 та ўқувчи тарбияланиб, ундан: 434 таси рус, 88 таси маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган; 322 та ўқувчи, шу жумладан, аксариятини қирғизлар ташкил этган 49 та маҳаллий аҳоли вакиллари тамомлаган<sup>3</sup>. Тафтиш хулосасига кўра ўқувчиларни тилларни ўрганиш бўйича ўзлаштиришлари паст бўлган. Бунга баъзи ўқитувчиларнинг малакаси етишмаслиги ва ўқувчиларнинг қизиқишлари сустлиги сабаб бўлган<sup>4</sup>.

Семинария низомига кўра давлат ҳисобидан таълим олган семинария битирувчилари 6 йилдан кам бўлмаган муддат диний ёки бошланғич мактаб ўқитувчиси лавозимида ишлаб бериши керак эди<sup>5</sup>. Лекин кўпчилик битирувчилар ўқишни тамомлагач маъмурий маҳкамалар ва тижорат ташкилотларида хизмат қилганлар.

Генерал-губернатор Самсонов турли маҳаллий халқлар вакилларида бўлган ўқувчилар орасида бирдамлик, ҳамфикрлиликни вужудга келтирмаслик<sup>6</sup>, ҳар бир маҳаллий миллат вакиллари алоҳида-алоҳида ҳолатда рус миллати билан яқинлаштириш мақсадида 1911/12 ўқув йилидан ўлкада яна учта: Вернийда рус-қозоқ-қирғиз, Ашхободда рус-туркман, Скобелевда рус-ўзбек ўқитувчилар семинарияларини ташкил этишни

<sup>1</sup> Семинарияда ўзбек ва форс тилларини ўқитиш 1885 йилдан бошланган. – Муаллиф.

<sup>2</sup> Отчет Туркестанской учительской семинарии за 25 лет ее существования ... – С. 62-68.

<sup>3</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, ... – С. 61.

<sup>4</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, ... – С. 61.

<sup>5</sup> Отчет Туркестанской учительской семинарии за 25 лет ее существования ... – С. 39-41.

<sup>6</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 1067 иш, 14-варак. Отношение Самсонова.

лойихалаштиради. Тошкент ўқитувчилар семинарияси Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари ўзбек ва тожик аҳолиси орасидаги рус-тузем мактаблари учун ўқитувчиларни тайёрлашга ихтисослашиши керак эди. Лекин 1913 йили фақатгина Вернийда битта ўқитувчилар семинарияси ташкил этилган.

Туркистондан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик хом ашёларини олиб кетиш мақсадида ўлка маъмурияти турли савдо-воситачилик муомалаларига кўмаклашган. Савдо ва ҳисоб ишчиларини тайёрлаш ўлкадаги касбий таълимнинг нисбатан ривожланган йўналишларидан бири эди. Шу мақсадда XIX аср охирларидан ўзбек ва бошқа маҳаллий савдогарлар ҳамда уларнинг болалари учун рус ва рус-тузем мактабларида рус тили ва арифметикани ўқитиш тизими йўлга қўйилган. Кейинчалик ўлкада тижорат билим юртлари ташкил этила бошланди. Шундай билим юрти 1906 йилда Қўқонда ва 1907 йилда Тошкентда ўз фаолиятини бошлаган. Бу билим юртларининг умумий таълим дастурлари реал билим юртлариникига ўхшаш бўлиб, кўшимча махсус тижорат билимлари ўқитилган<sup>1</sup>. Ушбу билим юртлари Туркистон савдогарлари талабларини қондиришга қаратилган эди. Бундан ташқари, Тошкентда иккита савдо мактаби ташкил этилиб, уларнинг бири 1910 йилда шаҳар маблағлари ҳисобидан, иккинчиси хусусий шахс томонидан хўжалик ҳисоби асосида ташкил этилган эди<sup>2</sup>.

Бошқа мутахассисликлар бўйича таълим берувчи курслардан Малиновская қизлар профессионал мактаби ҳузурида ҳисобчи-бухгалтер бўлими, Тошкентда қисқа муддатли ҳисобчи-бухгалтер<sup>3</sup>, машинистлар ва стенография курслари<sup>4</sup>, Туркистон почта-телеграф округи бошқармаси қошида алоқа бўйича ишчиларни тайёрлов курслари мавжуд эди. Мазкур ўқув курслари аҳоли вакилларига турли касбларни эгаллаш ва қуйи мансабларда ишлаш имконини берувчи билим ва тегишли хужжатни қўлга

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-17, р. 1, 16284/79 иш, 9-варақ; 17641 иш, 17-орқа варақ.

<sup>2</sup> Обзор деятельности Алексеевского коммерческого училища в Ташкенте за 1914/15 учебный год. – Ташкент, 1915. – С. 17.

<sup>3</sup> ТВ, 1902, № 96; 1909, № 40.

<sup>4</sup> ТВ, 1887, №51.



киритиш имконини берган. Бу каби ўқув курслари империя маъмурияти томонидан белгиланган тартибда ташкил этилиши ва фаолият юритиши назорат қилинган.

1914 йилдан Фарғона вилоятида кичик кредит шерикчилик ширкатларининг ташкил этилиши билан боғлиқ ҳолда маҳаллий аҳоли учун соддалаштирилган қисқа вақтли ҳисобчилик курслари ташкил этила бошланди<sup>1</sup>. Маҳаллий раҳбарият бу ташаббусларни қўллаб-қувватлади. Чунки жаҳон уруши йилларида пахта етиштиришни кучайтириш ва уни Россияга олиб чиқишга талаб ошиб бормоқда эди. Кичик кредит шерикчиликлари орқали баъзи тараққийпарвар жамоатчилик вакиллари “турли воситачилар қуршовига тушиб қолган” ва қийин аҳволда бўлган деҳқонларга ёрдам беришга интиланлар<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, Фарғона вилояти кичик кредит шерикчиликлари инспекцияси ҳисобчиларни тайёрлаш мақсадида 1914 йили Андижон ва Скобелевда, 1916 йилда Скобелев уездининг Учқўрғон қишлоғида курслар ташкил этган<sup>3</sup>. Учқўрғондаги бепул икки ҳафталик ўқитиш курсларига 64 киши қабул қилиниб, улардан 34 киши муваффақиятли тамомлаган<sup>4</sup>. Ушбу курсларнинг ташкил этилишида кичик кредит шерикчиликлари инспектори, семинариянинг собиқ ўқитувчиси М.В.Никулин жонбозлик кўрсатган эди.

1916 йилда I Жаҳон урушидан яраланиб қайтиб келган жангчилар учун қишлоқ хўжалик курсларини ташкил этиш масаласи кўтарилди<sup>5</sup> ва шу йили 28 сентябрда муҳандис И.А.Шовгенов бошчилиги, Ерга ишлов бериш бўлими бош муҳандиси А.А.Козырёв, Зироатчилик департаменти вакили И.И.Мещерский, Москва қишлоқ хўжалик институти адъюнкт-профессори В.Г.Глушков, I даражали муҳандис-гидротехник Е.Е.Скорняков, В.А.Петров

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-17, р. 1, 1008 иш, 43-варак.

<sup>2</sup> Никулин М. Из кооперативной жизни Ферганы, «Ферганские областные ведомости», № 22, 24, 25 и 27, 1916.

<sup>3</sup> ТВ, 1914, №218.

<sup>4</sup> «Ферганские областные ведомости». – 1916, №121.

<sup>5</sup> ТВ, 1916, № 255.

ва А.М.Виноградовлар иштирокида бўлиб ўтган кенгаш мажлиси шу масалага бағишланган эди<sup>1</sup>. Мазкур курсларни ташкил этиш орқали ҳукумат вакиллари камайиб бораётган ишчилар синфини тулдириш ва халқ хўжалигини тиклашни мақсад қилиб олган эдилар.

Туркистонда техник таълим пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш заводларига (Тошкентда 1906 йили ҳунармандчилик мактабининг ташкил этилиши) ва темир йўлларга (1904 йили Тошкент қуйи техник темир йўл билим юрти очилиши) хизмат кўрсатишни ташкил қилиш мақсадида вужудга келди.

Ўлкада саноат ишлаб чиқариши ва йирик саноат корхоналарининг ташкил этилиши билан техник билимларни берувчи таълим муассасалари ташкил этиш зарурати вужудга кела бошлаган. Маҳаллий матбуотда техник таълим зарурати тўғрисида мақолалар чоп этиб борилган<sup>2</sup>. 1887 йили “Туркестанские ведомости” да чоп этилган “Необходимость низших технических и ремесленных школ” мақоласи ва 1912 йилда Тошкентда авиация мактабини ташкил этишга уринишлар<sup>3</sup> шулар жумласидан. Техник таълим бўйича китоблар ҳам нашр этилган<sup>4</sup>.

Тараққийпарвар жамоатчилик вакилларида маҳаллий ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва Туркистон туб ерли халқларини техник билимлар билан қуроллантириш мақсадида мактаб ва курслар ташкил этиш лойиҳалари илгари сурилган. Бу йўналишда амалий қадамлардан бири Ашхобод қизлар шаҳар билим юрти қошида гилам тўқиш курсларининг ташкил этилиши эди. Курсларда машғулотларни Огул Тоғмуродова олиб борган<sup>5</sup>. Гилам тўқиш мактаби шифохоналар қошида дояларни тайёрлаш

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-7, р. 1, 4638 иш, 45-варақ.

<sup>2</sup> ТВ, 1887, №10.

<sup>3</sup> «Туркестанский курьер», 1911, №67 и 91; «Ташкентская правда», 1960, № 47.

<sup>4</sup> Комов А.А. Механика. Руководство для реальных и технических училищ. – Ташкент, 1908 (с 20 – ю таблицами, чертежей и задачник); Горский И.Ф. Начало высшего анализа (Курс VII класса кадетских корпусов). – Ташкент, 1912.

<sup>5</sup> Гилам ишлаб чиқариш бўйича мактабларни Тошкент, Марғилон ва Самарқандда ташкил этиш таклифлари ҳам бўлган. ТВ, 1911, № 16.

тизимидан ташқари ўлкада аёллар профессионал таълими соҳасидаги ягона тадбир сифатида баҳоланади.

Маҳаллий аҳоли ташаббуси билан Тошкентда 1916 йили мевалар қуритишнинг такомиллаштирилган усуллари намойиши ташкил этилган. Шунингдек, Марғилон ипакдўз ҳунармандлари ўқув тусидаги устахона очиш ташаббуси билан чиққанлиги маълум<sup>1</sup>.

Туркистонда XIX аср охирларига келиб тиббий таълим тури рус ҳарбий госпиталлари ва “маҳаллий аёллар ва болалар учун даволаш масканлари” қошида маҳаллий аҳоли вакилларидан эмловчилар ва дояларни индивидуал шаклда ўқитиш шаклида вужудга келди. 1905 йилда Фарғона водийсида 75 та “туб ерли эмловчилар” тайёрланган. XX аср бошида эса Туркистон ҳарбий госпиталлари қошида рус-япон ва I Жаҳон урушлари туфайли ҳарбийларни биринчи тиббий ёрдамга ўргатиш ва тиббий ҳамширалар тайёрлаш курслари ташкил этилган<sup>2</sup>.

Шунингдек, Тошкентда маҳаллий рассомлар томонидан ташкил этилган декоратив ва умумий рассомлик мактаби ҳамда мусиқа мактаби каби хусусий мактаблар ҳам мавжуд эди.

Европалик қизлар учун касбий таълим масаласи ўлка матбуотида 1888 йилдаёқ кўтарилган<sup>3</sup> эди. 20 йилдан сўнг 1908 йил октябрда Тошкентда А.М.Малиновская-Симонованинг биринчи хусусий касбий техник қизлар мактаби ташкил этилди<sup>4</sup>. Бу мактаб кейинчалик профессионал синфлари бўлган қизлар прогимназиясига айлантирилиб, Халқ маорифи вазирлигининг прогимназияси ҳуқуқини қўлга киритган. А.М.Малиновская таълим муассасаси ҳар йили ўқувчилар томонидан йил давомида тайёрланган

<sup>1</sup> Никулин М. Из кооперативной жизни Ферганы. – Ташкент, 1916. – С. 36-37.

<sup>2</sup> ТВ, 1905, №83 (Заметка об экзамене на шестинедельных курсах для сестер милосердия).

<sup>3</sup> Кулетов В.А. Проект профессиональной женской прогимназии в Ташкенте. – ТВ, 1888, №7.

<sup>4</sup> А.М.Малиновская мактаби ҳақида “Туркестанские ведомости” саҳафаларида кўп маротаба маълумот берилган: 1908 йил, №227; 1912 йил, № 108; 1913 йил, № 111; 1917 йил, № 48. Бундан ташқари, А.И. Добросмыслов китобида ҳам батафсил маълумотлар келтирилади. 1915 йил Тошкентда “Женское профессиональное учебное заведение А.М. Малиновская-Симонова” номи рисола ҳам чоп этилган. Александра Михайловна Малиновская, эрининг фамилияси бўйича Симонова, совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг Тошкентдаги Республика ўқитувчиларни такомиллаштириш институтига ўқув дастгоҳлари намуналари ва ўз мактаби буюмларини тақдим этган.

битирувчилар ишларини кўргазмасини ташкил этган ва уларнинг буюмлари (куйлақлар, шляпалар, гуллар, туқувчилик буюмлари ва бошқалар) нафислиги билан ажралиб турган. У ерда ўқувчилар тез ёрдам усулларини ўрганишган ва мактабда тиббий марказ фаолият юритган. 1916 йили мактаб хузурида режалаштирилаётган педагогик тайёрлов базаси сифатида 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун болалар боғчаси ташкил этилган эди. Қизлар прогимназияларининг умумтаълим қисми ўша давр илғор мактаблари намуналарига мослаштирилган эди. Уларда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими амалиётда қўлланилиб, прогимназия ўқувчилари орасида ўзбек тадбиркорларининг қизлари ҳам бўлган.

Ўлкада 1917 йилга қадар олий таълим муассасаси бўлмаган. Лекин уларни ташкил этиш лойиҳалари 1900 йилдан оқ илгари сурилган. Илк бор бундай фикр “Шарқни ўрганиш бўйича махсус таълим муассасаси”<sup>1</sup> мақоласида илгари сурилган. Андижон кўзғолонидан кейин раҳбарият томонидан илк мартаба 1898 йили бундай таклиф илгари сурилган бўлса, кейинчалик йирик шарқшунос олимлар В.В.Бартольд ва С.Ф.Олденбурглар Ўрта Осиёни тадқиқ этишнинг улкан истиқболини билган ҳолда олий таълим муассасаларини ташкил этиш таклифини илгари сурганлар. Тошкентда археологик институтни ташкил этиш тўғрисидаги ғоя бу каби ташаббусларнинг давоми эди. Хусусан, 1911 йили Туркистон археология тўғараги олий таълим муассасасини ташкил этиш таклифини, Ўрта Осиёнинг турли ерларида амалга оширилган, қазилар натижасида “кўплаб қадимги давр қимматли ёдгорликлари” аниқланганлиги ва уларни тадқиқ этиш зарурияти билан асослади. Россия академиясининг тарихий-филологик бўлими бу ғояни қўллаб-қувватлаган ва Ўрта Осиёда Археология институтини ташкил этиш ташаббуси билан чиқишга қарор қилган. Лекин, мурожаат подшо ҳукумати томонидан маъқулланмаган.

1905-1907 йиллар инқилобларидан кейин техник олий таълим

<sup>1</sup> ТВ, 1900, №11 и 94; 1902, № 24 и 33; 1906, № 143 и 165.

муассасалари муаммоси етакчи ўринга чиқди. Чунки, бу давр келиб ишчилар синфини ўз манфаатлари интилишларини илгари сўриш ҳаракатлари жадаллашагн дарв эди. 1912 йили Тошкентда пахтачилик бўйича тадбиркорлар ва мутахассислар иштирок этган Туркистон съезди бўлиб ўтди. Съезд Туркистонда ўрта қишлоқ хўжалик ва олий политехникум очилиши ҳақида қарор қабул қилди. Ишлаб чиқилган лойиҳага кўра политехникумни пахтачилик, пахта саноати, ирригация йўналишли гидротехника бўлимлари бўлиши режалаштирилган эди<sup>1</sup>. Съезднинг ўзидаёқ иштирокчилар 1600 рубль тўплашиб, олий политехникум фондига маблағ йиғишга рухсат беришни сўраб ўлка раҳбарига мурожаат қилишга келишилди. Рухсат берилган, хайриялар йиғиш давом этган. Политехникум ўқувчилари контингенти ҳақида фикр юритилар экан, Туркистонда 249 та рус (шундан 13 таси ўрта) мактабларида 12500 ўқувчи таълим олиши ва уларнинг 1/3 қисми политехникумга ўқишга жалб этилса ҳам ташкил этилиши мўлжалланган олий таълим муассасасини ўқувчилар билан таъминланишини таъкидланган<sup>2</sup>. Яна бир жиҳат, ташаббускорлар Туркистон саноатчилари мазкур тадбирга хайрихоҳлик билдирган ҳолда уни қўллаб-қувватлашларига умид боғлаган. Зеро, малакали мутахассисларга ўлка саноатининг барча тармоқларида талаб катта эди.

Ташвиқот ишлари бу билан чекланиб қолмаган. Ўлкада олий политехникум очилиши зарурати ҳақида мақолалар яна бир неча бор турли нашрларда чоп этилиб турди<sup>3</sup>. Лекин Россия империясининг сўнгги йилларигача ҳам мазкур турдаги ўқув муассасаси ташкил этилмаган.

1916 йил сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Рус география жамияти Туркистон бўлимининг йиғилишида олий политехникум ташкил этиш ҳақида муҳокама бўлиб ўтган. Унда маърузачи – мухандис Г.К.Давыдов ўлканинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, Тошкентда бир ихтисосли университет ёки

<sup>1</sup> ТВ, 1912, № 292.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Высшее гидротехническое образование // ТВ, 1913, №11.

институт эмас, балки агрономлик, муҳандислик (гидротехника ва пахтага ишлов бериш ихтисосликлари бўйича), тиббий ва юридик бўлимлари бўлган олий политехникум ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. 1917 йили давлат тўнтаришидан кейин Тошкентда Халқ университетини ташкил этган илғор фикрловчи зиёлилар ҳам мавжуд эди. Кейинчалик Москва ва Петрограддан илмий ходимлар келиши билан Туркистон давлат университети ва Шарқ институти ташкил этилган.

Бироқ таъкидлаш жоизки ўлканинг империя маъмурияти олий таълим муассасасини ташкил этишга қаршилик кўрсатган бўлса-да, Туркистоннинг қатор шаҳарларида, хусусан, Тошкентда махсус таълим курслари мавжуд бўлиб, уларда ўқиладиган маърузалар мазмунлилиги билан ажралиб турган. Бундай курслар аввал бошдан Ўрта Осиё ва унга чегара ҳудудлар халқлари тилларини ўрганишга бағишланган эди. Тилларни ўқитишга мўлжалланган курслар дастлаб XX аср бошларида Тошкентда Ягелло, Ломаниклар томонидан ташкил этилган эди<sup>2</sup>. Шарқ тиллари курслари Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими вакиллари томонидан ҳам ташкил этилган<sup>3</sup>. Бу курсларга асосан зобитлар ва мансабдорлар қатнашган.

Маҳаллий ҳарбий ҳокимият, ўз навбатида маҳаллий тилларни ўқитишга эътиборсизлик билан муносабатда бўлмаган. 1911 йили Туркистон ҳарбий округи штаби қошида Тошкент зобитларнинг шарқ тиллари мактаби ташкил этилган. Ундан аввал, 1906 йили Тошкентда ташкил этилган исломшунослик курслари ислом тарихи ва мусулмон ҳуқуқи билан танишиш ҳамда ўрганишга мўлжалланган эди<sup>4</sup>. Тошкентда шарқ тилларини ўрганиш бўйича курслар ташкил этилиши билан бир нечта ўқув қўлланмалар нашр этилган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> «Известия ТОРГО». Т. XIII. Вып. 1. – Ташкент, 1917; Также ТВ, 1916, № 175, 196, 202, 212, 223, 244, 248.

<sup>2</sup> ТВ, 1901, № 96 и 103; 1903, № 106.

<sup>3</sup> ТВ, 1909, №44, 1910, № 3; 1911, № 289; Газета «Туркестанский курьер», 1910, № 127.

<sup>4</sup> ТВ, 1913, № 28 и 246.

<sup>5</sup> Наливки В.П. Конспект Лекций по истории ислама и по мусульманскому праву, читанных в 1906-1907 учебном году. Ч. 1, 1908; Остроумов Н.П. Мусульманское законоведение. Из курса, читанного в 1908-1909 учебном году офицерам на курсах языка индустани, 1909; он же, Этимология сартовского языка для курсов при Ташкентском отделении Общества востоковедения, 1910.

1911 йилда ташкил этилган Наманган маърифат ғамхўрлари жамияти ўлкада халқ таълимини юқори даражага олиб чиқиш ишларида ташаббускорлик қилишган. 1913 йили Туркистон ўлкаси халқ билим юртлари бош инспекторига билдиришнома билан мурожаат қилиб, Наманган шаҳрида “2 даражали аралаш типдаги билим юрти”<sup>1</sup> ни ташкил этиш борасида таклифни киритган. Билим юртини ташкил этиш харажатларини хусусий манбалар: Жамият фонди, аъзолик бадаллари, маҳаллий аҳоли хайриялари, тадбирлардан тушган фойдалар, маҳаллий савдо ва саноат ташкилотларининг йиллик субсидиялари ҳамда ўқиш учун тўловлар ҳисобидан қоплаш тавсия этилган<sup>2</sup>. Мазкур таклиф инобатга олиниб, билим юрти 1913/14 ўқув йили бошидан ўз фаолиятини бошлаган. Таъкидлаш жоизки, мазкур жамият аъзолари, асосан, русийзабон аҳоли: педагоглар, савдогарлар, муҳандислар, тадбиркорлар, шифокорлар ва шу қабилардан иборат бўлган<sup>3</sup>.

Келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, ўлка маъмурияти маҳаллий аҳоли, шу билан бирга, оддий рус аҳолиси вакилларининг ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълим олишини истамаса-да, ўлкада хизмат қилувчи мутахассисларга маҳаллий тилларни ўргатиш орқали Туркистон бошқарувида вужудга келган рус маъмурияти ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги тушунмовчиликни йўқотишга ҳаракат қилган. Яъни таъкидлашимиз мумкинки, подшо маъмурияти ўз манфатларига мос равишда таълимни ривожлантирган, лекин маҳаллий ва илғор рус маърифатпарварлари ташаббусларига қаршилик кўрсатган.

XX аср бошларига келиб Туркистоннинг йирик шаҳарларида тижорат, техника, савдо, транспорт, ҳарбий соҳаларда турли мутахассисларни тайёрловчи ўрта таълим муассасалари ташкил этилган эди. Гимназиялар битирувчилари келажакда университет, институтларга кириш ҳуқуқини қўлга киритган. Реал, тижорат билим юртлари битирувчилари олий техника, саноат

<sup>1</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 1289 иш, 1-1-орқа варақ.

<sup>2</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 1289 иш, 1-орқа варақ.

<sup>3</sup> Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 1289 иш, 17-варақ.

таълим муассасаларига тайёрланган. Кадет корпуси битирувчилари олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш ҳуқуқига эга эди. Мазкур билим юртлари биринчи галда ўлкада истиқомат қилувчи рус фуқароларининг ўрта таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш, иккинчи ўринда рус таълим муассасаларини тамомлаган маҳаллий аҳоли вакилларини ўрта таълим билан таъминлашга хизмат қилган.

Туркистон ўлкаси ўқув ва ҳарбий маъмурияти маҳаллий аҳоли болалари учун рус тилида дарс бериладиган ўрта таълим муассасаларини ташкил этишга қарши эди. Чунки, империя раҳбарияти маҳаллий аҳоли вакилларини дунёқарашини ўсиши, замонавий асосда таълим олишларига қарши эди. Лекин, XIX асрнинг 90-йилларида рус аҳолисининг ўрта таълимга бўлган эҳтиёжини ошиб бориши натижасида турли шаҳарларда ихтисосликлар бўйича билим юртлари, ҳатто махсус мутахассисларни тайёрловчи ўқув курслари, мактабларда ҳунар таълими жорий қилинган.

Ўлкага келган рус деҳқонларини зироатчилик ишларида маҳаллий шароитларга мослаштирилган ҳолда иш юрита олишларига эриши қишлоқ хўжалиги соҳасида ташкил этилган билим юртларининг асосий мақсади эди. Ундан ташқари, ўлкани ҳомашё базаси сифатидаги имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш мақсадида ҳудуд ер ресурсларидан фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги бўйича билимларни берувчи таълим муассасалари имкони қадар кўпроқ ташкил этилган. Маҳаллий маъмурият томонидан қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассисларни тайёрловчи билим юртларини ташкил этилишига ҳайрихоҳлик билдирилишига асосий сабаблардан бири, бу ушбу таълим муассасалари битирувчилари келгусида ўлка сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмасликлари эди. Бироқ, ўлка раҳбарияти ўрта билим юртларини ташкил этишга эътиборсизлик билан қараган. Бунга сабаб, ўлка таълим тизимига ажратилган давлат маблағи жуда кам бўлиб, мазкур ташаббусларни молиявий таъминлаш генерал-губернаторлик бюджет сиёсатида тўғри келмас эди. Шунга қарамсдан, аксарият билим юртлари, ўқув курслари маҳаллий



ташаббуслар асосида ташкил этилган.

Ўлкада фаолият юритувчи турли маҳкамалар, рус аҳолиси, илғор педагоглар қатлами ташаббуслари билан ихтисослаштирилган ўрта таълим муассасаларини ташкил этиш лойиҳалари илгари сурилган. Мазкур билим юртларининг бошқарувиغا Зироатчилик ва давлат мулки вазирлиги, Йўл алоқалари вазирлиги ҳам жалб этилган. Подшо маъмуриятига олий политехникум ташкил этиш ташаббуси билан бир неча маротаба мурожаат қилишган, аммо бу ташаббуслар қўллаб-қувватланмаган.

Шундай қилиб, Туркистонда касбий йўналтирилган таълим муассасаларининг тармоғи кам сонли эди. Бундай кам сонли тизим, албатта, Туркистонда қишлоқ хўжалиги, темир йўллари транспорти ва саноат соҳасида мутахассисларга бўлган ва кун сайин ошиб бораётган талабни қондира олмас эди.

## ХУЛОСА

Ўрта Осиё ҳудудларини забт этган Россия империяси ўлкада ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва манфаатларини илгари суриш учун қатор сиёсий ва иқтисодий тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда маҳаллий халқларни тулалигича, ғоявий ва маданий жиҳатдан қарам этишни мақсад қилган ҳолда “руслаштириш” ҳамда унинг таркибий қисми сифатида таълим сиёсатини амалга ошира бошлади. Бироқ, империя ҳокимияти ўрнатилган вақтда ўлкада асрлар давомида Ўрта Осиё халқларининг кўп асрлик маданиятини намунаси сифатида маданий-маънавий ҳаётни мустаҳкам таянчи бўлган мактаб, мадраса, қорихона, далоилхона ва отинойи уйларидаги қизлар мактаби каби анъанавий таълим муассасаларининг кенг тармоғи мавжуд эди. Мактаб ва мадрасалар асосий қуйи ва юқори босқич таълим муассасалари ҳисобланиб, уларнинг ўқув дастурларини катта қисмини диний фанлар ҳамда камчилик қисмини дунёвий билимлар ташкил этган. Айниқса, бу ҳолат мадрасалар ўқув дастурларида яққол кўзга ташланар эди. Мавжуд ўқув дастурлари ислом олмамининг кўп асрлик анъаналарини ўзида акс эттириб, уларда замонавийлик жиҳатлар етишмас эди. Ўлкага европа таълим элементларининг кириб келиши натижасида ўқитиш усулларини нисбатан самарасизлиги маълум бўлди ва ислоҳотга муҳтожлиги маҳаллий жамият ривожини учун зарур бўлган умуминтақавий жараён даражасига кўтарилди.

Мазкур ҳолат маҳаллий зиёлиларни эътиборсиз қолдирмади. Бу ҳолат Аҳмад Дониш, Исҳоқхон Ибрат, Фурқат кабилар ижодида ўз аксини топган. Бу ҳолат XIX аср 90-йилларига келиб бир томондан Қримлик И.Гаспиринскийнинг маърифатпарварлик ғоялари, иккинчи томондан маҳаллий зиёлиларнинг халқ маънавиятини юксалтириш орқали истибдоддан қутулишга интилиш ҳаракати натижасида жадиличлик ҳаракатини вужудга келишига сабаб бўлди. Уларнинг маърифатпарварлик ҳаракати ўз вақтида маҳаллий халқларни келажакда тараққиётга элтувчи куч сифатида намоён бўлди. Бу борада жадиждлар катта ютуқларга эришиб, аҳоли ишончини

қозонди. Лекин улар мутаассиб дин вакиллари ва империя маъмурияти томонидан таъқибларга учради. Бу эса, ўз навбатида, жадидчиликнинг кенг миқёсда ривожланишига тўсқинлик қилди.

XIX аср охирига келиб иқтисодий, сиёсий жиҳатдан кўплаб ўзгаришлар ва зиддиятлар даврида анъанавий таълим тизими ўқитиш услуб ва дастурлари ўз вазифасини “яшаб бўлган” ва эндиликда ўзгача, замонга мос жиддий ислохотга муҳтож эди. Маҳаллий таълим ўз мазмун-моҳиятига кўра юксак маънавий аҳамиятга эга бўлишига қарамай, улардаги дунёвийлик ва замонавийлик жиҳатларнинг етарлича эмаслиги, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий талабларига мослаша олмаслигига сабаб бўлди. Анъанавий таълимнинг замонавийликдан ҳоли жиҳатлари империя маъмурияти томонидан уларни обрўсизлантиришга қаратилган “менсимаслик” сиёсатини кўллаган ҳолда рус таълим тизимини жорий этишга замин яратди.

Туркистон генерал-губернаторлиги раҳбарияти томонидан анъанавий таълимга нисбатан “менсимаслик” сиёсати ўз ичида бир неча таркибий жиҳатларни қамраб олган эди. Аввало, маҳаллий таълим муассасаларининг молиявий негизи бўлган вақфлар институтига барҳам бериш ёки вақфлар даромадларини тасарруфини қатъий назорат қилиш натижасида ушбу таълим муассасаларини молиявий таъминотисиз қолдириш ва шу орқали улар фаолиятини самарасизлигига эришиш ҳамда келгусида аҳоли орасида обрўсизланишига эришиш бўлган.

Империя ҳокимияти 1870, 1875, 1893 йиллардаги Қонунлар, 1879, 1907, 1909 йиллардаги Қўлланмалар ва 1912 йилдаги фармойиш асосида анъанавий таълимни кучсизлантиришга қаратилган сиёсат олиб борса-да, мавжуд маҳаллий таълим муассасаларини бутунлай йўқ қилиш ва улар ўрнига янги турдаги тизимни яратишни режалаштирмаган эди. Зеро, империя маъмурияти томонидан ўлкада мавжуд кенг тармоқли таълим муассасалари тармоғини йўқ қилиш, биринчидан, маҳаллий таълим диний ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли таълим масканларига нисбатан қатъий сиёсат

аҳоли норозилик келиб чиқишига сабаб бўларди, иккинчидан, империя ҳукумати бундай кўп сонли мактаб ва мадрасалар ўрнига кенг қамровли янги турдаги таълим тизимини яратишга қодир ҳам эмас эди. Шунинг учун Россия империяси ҳукумати бу борадаги ишларни босқичма-босқич амалга оширишни ва “менсимаслик” сиёсатини қўллашни маъқул топди. Амалда эса, мазкур сиёсат маҳаллий таълим тизимини нобуд қилишга қодир эмаслиги маълум бўлди.

Натижада, XIX аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб, маҳаллий таълим муассасалари фаолиятига тўғридан-тўғри аралашиб, улардаги таълим мазмунини назорат қилишга бўлган интилишлар бўлган. Лекин, мазкур ишлар ўз самарасини бермаган ва бу сиёсат тезда натижасизлиги туфайли ўз аҳамиятини йўқотган. Аммо, маҳаллий таълим муассасаларига нисбатан турли таъқиқлар, улар фаолиятини назорат қилиш сиёсати Россия империяси кулагунига қадар мавжуд бўлиб қолаверган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкасида рус таълим тизими жорий этилиши билан бирга 1875 йилдан бошлаб ўқув ишларини бошқариш учун махсус бошқарув органлари ташкил этилди.

Туркистон ўлкаси тўлалигича Россия империяси Ҳарбий вазирлиги бошқарувида бўлиши ва ўлкадаги барча ишларда генерал-губернатор, вилоят ҳарбий губернаторлари, уезд бошлиқларининг кенг ваколатлари ўқув ишлари бошқарувида ҳам ўз аксини топди. Мазкур ҳарбий бошқарув маҳкамалари қонун бўйича ўқув ишлари бошқарувида кўмаклашувчи вазифасини адо этишлари керак бўлса-да, улар бу жараёнларга аксарият ҳолларда тўсқинлик қилишган.

Россия империяси ҳукумати ўлканинг барча соҳаларидаги каби таълим соҳасига ҳам жиддий тизимли ўзгартиришлар киритишга муваффақ бўлди. Бу, айниқса, Туркистон ўлкаси Ўқув ишлари бош бошқармаси ва унинг жойлардаги ваколатхоналарини ташкил этилиши ҳамда қатор қонунлар, йўриқномалар асосида, таълим соҳасида мазкур маҳкаманинг бошқарувчилик

фаолиятини мустақамланишида намоён бўлди. Туркистонда ўқув муассасалари фаолиятини назорат қилувчи тизим яратилса-да, унинг фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд эди. Хусусан, булар: ўлкадаги билим юртлари фаолиятини назорат қилувчи инспекторлар сони камлиги ва уларнинг кўп вақт талаб этувчи канцелярия ишларига жалб этилиши; ўлкада таълим назоратига жалб этилган барча мансабдорлар маҳаллий аҳоли урф-одатларини ҳисобга олмаган ҳолда рус таълим тизимини тарғиб этиши ва сингдиришга интилишлари; империянинг ўлкадаги барча мансабдорлари ҳам Туркистонда рус таълимини сингдириш ва уларни туб аҳоли орасида оммалаштириш аҳамиятини яхши англамаслиги; Туркистон Ўқув ишлари бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий ва жойлардаги бўлимларини кам сонли таркибга эга бўлган ҳолда катта хажмдаги мажбуриятлар билан юкланганлигида намоён бўлди.

Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида асосий вазифа бўлган ўқув ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш борасида мазкур тизимнинг фаолиятини натижасизлигига сабаб бўлган омиллардан бири бўлди.

Айни пайтда, мазкур бошқарма Ўрта Осиё халқлари тарихида таълим тизимини бошқаришнинг янги кўриниши бўлиб, таълим муассасаларини таъминотини давлат томонидан амалга оширишнинг ижобий жиҳатларини намоён этди.

Туркистон ҳудудида дастлабки рус мактаблари империянинг ҳарбий экспансияси билан кетма-кетликда, XIX аср 50-йилларидан ташкил этила бошланган. 60-йилларда эса кейинчалик Еттисув ва Сирдарё вилоятлари таркибига кирган забт этилган ерларда, рус ҳарбий истехкомларида дастлабки диний характердаги бошланғич мактаблар ташкил этилди. 1868 йилда ўлканинг биринчи генерал-губернатори К.П. фон Кауфман томонидан “Туркистон ўлкасида ўқув бўлимини ва халқ таълими лойиҳасини тузиш режаси” ни қабул қилиниши билан ўлкада империянинг ҳукумати бошчилигида рус таълим муассасалари тизими шакллантирила бошланди.

Дастлабки рус мактаблари рус аҳолиси фарзандларини таълимга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга маҳаллий аҳоли вакилларидан ҳохловчиларни ўқитиш режалаштирилган эди. Бироқ, 1881 йил, К.П. фон Кауфман вафотига қадар маҳаллий болаларни рус мактабларига жалб этишда кўзга ташланарли натижаларга эришилмади. XIX асрнинг 80-йиллари бошига келиб империя ҳукуматининг Туркистон ўлкасидаги таълим сиёсатида ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Шу даврдан бошланган маҳаллий ва рус таълимини бир тизимда мужассамлаштириш ва шу орқали рус мактаблари, билим юртларида маҳаллий аҳоли иштирокини оммалаштиришга бўлган уринишлар империянинг ўлкадаги таълим соҳасида ислоҳотчилик ҳаракатининг янги босқичи эди. Янги ташкил этилган рус-тузем мактаблари махсус маҳаллий халқ болалари учун мўлжалланган эди. Ушбу турдаги ўқув муассасалари фаолиятида ютуқлар билан бирга қатор жиддий камчиликлар ҳам мавжуд эди:

- рус таълим муассасаларининг фаолияти империя манфаатларига хизмат қилиши режалаштирилган бўлса-да, улар маҳаллий халқ таълими тизими соҳасида қатор ижобий ўзгаришларни келтириб чиқарди;

- рус-тузем мактабларида диний фанлар билан бирга дунёвий фанлар ҳам ўқитила бошланди. Шунингдек, ўқув жараёнида ноанъанавий янги усуллардан фойдаланилди. Асосий машғулотлар билан бир қаторда синфдан ташқари ўқитиш тизими ҳам жорий этилди.

Мустамлака маъмурияти рус-тузем мактабларида Ўрта Осиё маҳаллий аҳолисини маълумотли қилишни режалаштирмади. Балки ўлка маъмуриятининг қуйи мансабларида хизмат қилувчи маълум миқдордаги саводли кишиларни тайёрлашни мақсад қилиб қўйди. Таъкидлаш жоизки, рус-тузем мактабларини ташкил этилиши ижобий ҳолат бўлди. Лекин, империя ҳукуматининг ундан кўзлаган мақсади ўта салбий эди.

Ўқитиш жараёни ва усулига кўра анъанавий таълим тизимидан анча фарқ қилган рус мактаблари империя манфаати учун маҳаллий кадрларни

